



МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
хузуридаги Нодавлат иотижорат
ташикилотларини ва фуқаролик
жамиятининг бошқа институтларини
кўллаб-кувватлаш жамоат фонди

«ЭКОСАН»
экология ва саломатлик
халқаро жамоат фонди

Ўзбекистон «Adolat» СДП Тошкент вилояти кенгаши

Камолjon ШОДИМЕТОВ

**МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИНГ
ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

УЎК 621.039.512.44

КБК 31.15

Ш74

Муаллиф:

Камолжон ШОДИМЕТОВ — Ўзбекистон «Adolat» СДПнинг «Инновация ва муқобил энергетика тарғиботи маркази» раҳбари, Ўзбекистон «Adolat» СДП Тошкент вилояти кенгаши раиси, иқтисод фанлари номзоди.

Масъул муҳаррир:

Наримон УМАРОВ — «ЭКОСАН» экология ва саломатлик халқаро жамоат фонди бошиқаруви раиси, геология-минералогия фанлари номзоди.

Лойиҳа раҳбари:

Камилжон ЖҮРЛАЕВ — «ЭКОСАН» экология ва саломатлик халқаро жамоат фонди раиси ўринбосари.

Тақризчилар:

Абдугиффор ОРГИҚОВ — Тошкент давлат аграр университети Инновация маркази баш директори, иқтисод фанлари номзоди, доцент;

Ишғө САҲАТОВ — «Adolat» ижтимоий-сиёсий газетаси бўлим мудири.

Унбу амалий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қутирилмаган Ноёндаги нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларини қўллаб-кувватлаш жамоат фондининг «Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истикроҳлари» китобини тайёрланни ва чон эттириш лойиҳасини бажариш учун «ЭКОСАН» экология ва саломатлик халқаро жамоат фондига ажратилган данлагат гранти доирасида нацир этилди.

Қўлланма турли қувватга эга бўлган қўёш, шамол ва биогаз қурилмаларини барпо этиш ва улардан фойдаланиш натижалари асосида тайёрланди. Бу борада тўпланган тажриба шуну кўрсатадики, ҳар бир қурилмани лойиҳалаштириш ва барпо этишда мазкур обьектга тааллукли барча омилларни ҳисобга оладиган алоҳида ёндашув талаб этилади.

Қўлланма муқобил энергия манбаларининг бугуни ҳамда келажаги билан қизиқувчилик учун мўлжалланган.

Мурожаат учун телефоnlар:

«ЭКОСАН» экология ва саломатлик халқаро жамоат фонди:
тел/факс — 234-24-88.

Ўзбекистон «Adolat» СДП Тошкент вилояти кенгаши:
тел/факс — 273-07-31.

Хозирги кескин рақобат шароитида инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириши, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиши, ўз исходий ва интеллектуал салоҳиятини рӯёбга чиқаршилари учун уларга зурур шарт-шароитлар яратиш мухим аҳамиятга эга. Бу масалага устувор аҳамият бермасдан туриб, тараққиёт ҳақида сўз юритиб бўлмаслигини барчамиз яхши тушунамиз, албатта. Бугун замоннинг ўзи ушбу масалани сиёсатимизнинг энг мухим йўналишиларидан бири сифатида белгилашини тақозо этмоқда.

Ислом Каримов

СЎЗ БОШИ

Сўнгти йилларда, дунё бўйича анъанавий ёқилғи турларидан оммавий равишда фойдаланиш Ер шарида глобал экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, дунё бўйича ҳар йили 12 миллиард тонна нефть эквивалентига ёки ҳар бир аҳоли жон бошига ҳисобланганда 2 тонна нефть эквивалентига тенг углеводород ёқилғи турлари ёқиляпти. Ушбу анъанавий ёқилғи турларидан фойдаланиш натижасида эса ҳар йили 5 миллиард тонна саноат чиқиндилари атмосфера ҳавосига чиқарип ташланади. Энг ачинарлиси, ушбу заарли чиқиндиларнинг миқдори, ҳозирги вақтда, ўтган асрнинг 50-йилларига нисбатан беш баробарга ошганлиги ва ушбу рақамлар йил сайн ортиб бориши таъкидланмоқда.

Ер шари атмосферасининг заарли ташламалардан ифлослашиши натижасида, ҳозирги кунда иқлим ўзгариши, озон қатламининг бузилиши каби глобал экологик муаммоларни келтириб чиқарди. Бунинг натижасида эса дунёда сурункали такрорланиб туроётган табиий оғатлар келиб чиқмоқда, минг-минглаб одамлар табиий оғатлар курбонига айланиб, инсоният турли янги касалликларга гирифтор бўлаётир. Бир сўз билан айтганда, табиат ўзига нисбатан инсониятнинг антропоген таъсирига ўз жавобини қайтармоқда.

Бугунги кунда ривожланган давлатлар ўз тараққиётини тўла-тўқис хавфли бўлмаган ва атроф-муҳитга зарар етказмайдиган ишончли қайта тикланувчи энергия манбалари, янын күёш ва шамол энергиясидан фойдаланишга қарататиётир. Ҳаттоқи, айрим

ривожланган давлатлар хавфсизлик сифатида атом энергетикасидан фойдаланишни ҳам чегараламоқда. Чунки, ҳар бир давлатнинг тараққиёти уч асосий омилга: иқтисодий ўсиш, ижтимоий таъминланганлик ва экологик хавфсизликка узвий боғлиқдири.

Ўзбекистон энергия мустақиллигига эришган кам сонли давлатлардан биридир. Ушбу салоҳиятни сақлаб қолиш ва ривожлантириш мақсадида, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолитигида ишлаб чиқаришда соф технологияларни қўллашнинг самарали механизмларини жорий этиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда, мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш борасида кенг табиий, илмий ва амалий имкониятлар мавжудлиги бизни қувонтиради. Хусусан, она заминимизда қўёп қурилмалари учун зарур бўлган табиий маъданларнинг бой захиралари мавжудлиги мазкур йўналишда ишлаб чиқаришни саноат асосида ривожлантириш имкониятларини яратади. Олимларимизнинг мазкур соҳадаги илмий ишламалари ва экспериментал тажрибалари жаҳон миқёсида эътироф этилган. Ўзбекистонда ушбу соҳани ривожлантиришда, муқобил энергия манбаларидан, энг аввало, қўёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида илмий ва синов тадқиқотлар олиб бориш борасида салмоқли тажриба тўпланган, улар юзасидан бир неча йиллар мобайнида тадқиқотчиларимиз томонидан ишланмалар олиб борилмоқда.

Хусусан, Самарқанд вилоятида Осиё Тараққиёт Банкининг кредит ресурсларини жалб этган ҳолда 100 МВт қувватга эга қўёш станциясини қуриш ишлари олиб борилаётгани ҳамда «Навоий» эркин индустрιал-иктисодий зонасида дастлаб 50 МВт ва кейинчалик 100 МВт қувватли фотоэлектрик панеллар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона барпо этиш бўйича режалаштирилган лойиҳалар Ўзбекистонда қўёш энергетикасининг истиқболилини белгилаши шубҳасиз.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда соҳани жадал ривожлантиришга замин яратувчи хукукий база яратилган бўлиб, бу соҳадаги ишлар «Электр энергетикаси тўғрисида»ги, «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунлар ва бошқа хукукий-меърий хужжатлар асосида тартибга солиняпти.

Қолаверса, мазкур масалага муҳтарам Президентимиз томонидан доимий эътибор қаратилиб келинмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 1 марта «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, шубҳасиз, муқобил энергетика йўналишидаги кенг қамровли

тадқиқот ишлари самарадорлигини янада оширади ҳамда қуёш энергиясидан фойдаланишида янги уфқлар очмоқда.

Мазкур Фармон асосида муқобил энергетика соҳасининг тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Физика–Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида Осиё Тараққиёт Банки ва бошқа халқаро молия институтлари иштирокида Тошкент шаҳрида Халқаро қуёш энергияси институти ташкил этилди. Шунингдек, Фармонда ушбу йўналишда кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида зътибор қаратиш, соҳага оид қонун хужжатларини янада такомиллаштириш, яъни муқобил энергия манбалари ишлаб чиқарувчилари ҳамда фойдаланувчиларига солиқ ва божхона имтиёзлари бериш, «Муқобил энергия манбалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши вазифаси белгиланган.

Бундай имкониятларнинг мавжудлиги муқобил энергия манбаларини ривожлантириш орқали иқтисодиёт тармоқларини, аҳоли ва саноатни узлуксиз энергия билан таъминлаш ва атроф-муҳитга чиқарилаётган заарли чиқиндишларни камайтириш билан бир қаторда, қўшимча иш ўринларини яратиш орқали иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига хизмат қиласиди. Мазкур имкониятлар эса, ўз навбатида, юртимизни Ўрга Осиёда «яшил энергия» ишлаб чиқариш бўйича тажриба майдонига айлантиришга хизмат қиласиди.

Ўтган йиллар давомида юртимизни янгилаш ва модернизация қилиш йўлида биз қўлга киритган ва дунё тан олаётган ютуқ ва мэрралар, ҳеч шубҳасиз, барчамизга фурур бағишлиши табиийдир. Бундай янгиланиш ва модернизация жараёнларида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни ифлослантирумасликка асосий масала сифатида қаралмоқда.

Хусусан, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси қайта тикланадиган энергия манбаларини фаол жорий этмоқда. Компания мавжуд ГЭСларни, хусусан, Фарҳод ГЭСи ва Куйи Бузсув ГЭСи каскадининг 14-ГЭСини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни бошлади.

Ушбу йўналишдаги барча тадбирлар амалга оширилиши натижасида, 2015 йилда ёқилғи-энергетика балансини диверсификация қилиш режалаштирилмоқда, яъни йилига бир миллиарддан ортиқ куб метр табиий газни тежаш, электр энергиясини ишлаб чиқаришда ёқилғи сарфини 13 фоизга, атмосферага чиқадиган заарли моддаларни 10 фоизга камайтириш кўзда тутилган.

Иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун паст потенциалли курилмаларни яратиш, электр қуввати олиш учун фотоэлектрик ва термодинамик ўзгарткичлар, маҳсус материаллар синтези технологияларида куёш энергиясидан фойдаланиш бўйича фаол ҳамда самарали илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари олиб борилмоқда. Ўн йилдан ортиқ ваqt мобайнида, Ўзбекистонда қуёш энергияси ёрдамида сув иситадиган қурилмалар асосида, қуёш энергияси ёрдамида сув иситадиган қурилмалар билан таъминлаш тизимлари ишлаб чиқилиб, улардан тажриба тариқасида фойдаланилмоқда. Масалан, Тошкент шаҳри, Самарқанд вилояти ва бошқа ҳудудларда иссиқ сув олиш учун гелиоқурилмалар ўрнатилган, турли қувватдаги фотоэлектрик қурилмаларни ишлаб чиқариш йўлга кўйилган. Илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш учун қуёш ва биогаз энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда ундан амалда фойдаланишда зарур бўладиган кўп тармоқли илмий-тажриба ва моддий-техник база яратилган, гелиоэнергетика ва иссиқлик қурилмалари ишлаб чиқарадиган қатор корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг грант лойиҳаси доирасида, Ўзбекистон «Adolat» СДПнинг Тошкент вилояти кенгаши ва «ЭКОСАН» экология ва саломатлик ҳалқаро жамоат фондининг бу борада тўплаган тажрибалари баёни асосида нашрга тайёрланган ушбу қўлланма тадбиркорлар, фермерлар, деҳқон ва уй-жой хўжаликлари, фуқароларга қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш тартиблари юзасидан керакли маълумотлар олиш учун мўлжалланган.

Муаллиф ушбу қўлланмада энергетика соҳасида, айниқса, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишнинг ағзалларини, фойдаланиши усуслари ва иктиносидий истиқболлари хусусида зарур маълумотлар, тушунча ва тавсиялар беради.

Демак, ушбу адабиёт орқали, мамлакатимиз тараққиёти, унинг жаннатмакон табиатини келажак авлодлар учун ҳам саклашни мақсад қилиб олган ўзбек элининг ҳар бир фуқароси учун қимматли, фойдали манба бўлиб хизмат қилиши аниқ.

Наримон УМАРОВ,
«ЭКОСАН» экология ва саломатлик
халқаро жамоат фонди бошқаруви раиси,
геология-минералогия фанлари номзоди

I боб.

БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ – ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ

1.1. Инновацион фоялар — нурли истиқбол омили

Аҳоли фаровонлиги ва мамлакат тараққиётини иқтисодиётнинг ўсиш суръатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, у бутун давлатнинг, қолаверса, ҳар бир фуқаро турмуш даражасини ошириш манбай ҳисобланади. Мамлакатимизда Юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлигига амалга оширилаётган самарали ислоҳотлар туфайли, ҳаттоқи глобал инқизор шароитида ҳам, Ўзбекистонда мустаҳкам иқтисодий ривожланишга таянган ҳолда кириб келаётган ҳар бир йилга, ўта муҳим вазифалар нуқтаи назаридан ёндашилмоқда.

Ҳар гал, давлат бюджетининг маълум бир даврда бажарилиши натижаларининг кўриб чиқилиши давомида шу нарса аниқ бўлдики, иқтисодий ўсишга макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, давлат дастурларини амалга ошириш, шакл ўзгаришининг давом этишида фаол сиёсатнинг устуворлиги ва иқтисодиётни диверсификациялаш, бандликнинг ошишини рагбатлантириш, ишлаб чиқариш ва бозор инфраструктурасининг илгарилаб кетиши йўллари орқали эришиляпти.

Мамлакатимиз иқтисодиётида юз берәёттан жиддий сифат ўзгаришлари алоҳида эътиборга моликдир. Жумладан, 2013 йилда ҳам иқтисодиёт ривожланишида энг муҳим устувор йўналишларнинг амалга оширилиши натижасида ялпи ички маҳсулот 8 фоизга кўнайди. Бу рақам кўп нарсани билдиради. Бундай юқори кўрсаткичга иқтисодиёт шаклини қайта қуриш, унда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта қуроллантириш ҳисобига модернизациялаш орқали эришилмоқда.

Юртимизда қабул қилинган 2011–2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида, саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бораёттир. Бугунги кунда мамлакатда ишлаб

чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоизидан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тұғри келяпты.

2013 йилда юқори технологияларга асосланған машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, енгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсгани мисолида буни күриш мүмкін.

Телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси ва мобил телефонлар, көнг турдати майший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарадынан янги замонавий корхоналар ташкил этілмөкдә. Иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқлари модернизация қилиниб, амалда технологик жиһатдан янгиланмөкдә.

Ана шундай ұзғаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот тар-кибида саноатнинг улушы ҳозирги вақтда 24,2 фоизни ташкил этмөкдә. Ҳолбуки, бу күрсаткыч 2000 йилда 14,2 фоиздан иборат әди.

Ха, иқтисодиёт эң замонавий фан-техника ютуқларига, ишлаб чиқарыш жараёнларини самарали бошқариш ва таълим жа-раённанда илғор инновацион тафаккур шаклланишига әришиш керак. Шунинг учун ҳозирги даврнинг устувор масаласи инно-вацион турдаги иқтисодиётни яратиш ҳисобланади. Уни янада ривожлантириши учун мамлакатдаги илмий ва техник имконияттардан унумли фойдаланған ҳолда янгилікларни ҳаётта тұла са-фарбар этиш лозим бўлади. Кўзланган мақсад эса, илғор техно-логиялардан фойдаланиш ва инновацион фаолиятни кўллаб-кув-ватлашнинг самарали тизимини яратиш орқали узоқ муддат олға тараққий этиш ва иқтисодий ривожланған мамлакатлар даражасиға етишишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мам-лакатимизнинг 2013 йилда ижтимоий-иктисодий ривожланти-риш яқунлари, 2014 йилга мўлжалланған иқтисодий дастурнинг эң мухим устувор йўналишларига бағищланған Вазирлар Маҳ-камаси мажлисидаги маърузасида: «Биз оддий бир ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор. Яъни сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз та-саввур этиб бўлмайди» деган әди.

2013 йилда инвестиция дастурини амалга ошириш доираси-да, мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматдаги капитал кўйилмалар ўзлаштирилган, бу 2012 йилга нисбатан 11,3 фоизга кўп демакдир. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажми-нинг деярли ярмини, яъни 47 фоизини хусусий инвестициялар — корхона ва аҳолининг шахсий маблағлари ташкил этгани алоҳи-да эътиборга лойиқдир. Дастур доирасида молиялашган барча

манбалар ҳисобидан умумий қиймати қарыйб 2 миллиард 700 миллион доллардан иборат бўлган 150 та ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳани амалга ошириш ишлари ниҳоясига етказилган. Булар қаторига: Тошкент иссиқлик электр марказида когенерацион газ турбинали технологияни жорий этиш; Жанубий Ўртабулоқ-Муборак газни қайта ишлаш заводи газ қувурини ва компрессор станциясини барпо этиш орқали Сомонтепа ва Жанубий Ўртабулоқ конларини тўлиқ жиҳозлаш; «Ангрен» конини модернизация қилиш орқали Янги Ангрен иссиқлик электр станциясининг 1- ва 5-энергия блокларини йил давомида кўмир билан ишлашга ўтказиш ва бошқа лойиҳалар борлигини қайд этиш лозим.

Мамлакатда ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва янгилаш, замонавий инновацияларга асосланган ва юксак самарали технологияларни жорий этиш бўйича катта мақсадлар кўйилган. Уларни амалга оширишда керакли имтиёзларга эга бўлган маҳсус индустрисал зоналарни ташкил этиш йўлида кейинги йилларда кўпгина тажрибаларга эга бўлинди.

Бунинг амалий тасдигини «Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» маҳсус индустрисал зоналари фаолияти мисолида кўрини мумкин.

«Навоий» эркин индустрисал-иктисодий зонаси ташкил этилганидан буён, унинг ҳудудида умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд бўлган 19 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилган. Жумладан, юксак технологиилар асосида модем ва телевизор учун приставкалар, электр энергияни электрон ҳисоблагичлар, юқори кучланишга чидамли кабеллар, иссиқлик ва сув иситиш қозонлари, мобил ва стационар телефон аппаратлари, тайёр дори воситалари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга кўйилган.

«Ангрен» маҳсус индустрисал зонаси ҳудудида, қисқа муддатда, умумий қиймати қарыйб 44 миллион доллар бўлган 5 та лойиҳа асосида энергияни тежайдиган диодли ёргулик лампалари, турли катталиқдаги мис қувурлар, кўмир брикетлари каби юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга кўйилди. Шунингдек, шакар ишлаб чиқариш бўйича янги завод ва бошқа корхоналар ташкил этилган.

Тадбиркорларимиз хориждан янги техника ва технологияларни келтириб, ўз маҳсулотларининг сифатини, харидоргирлитини оширишмоқда. Шунинг баробарида, ушбу технологиялар дунё бозорига рақобатбардош товар ва хизмат билан чиқишига имкон яратяпти. Эндиликда эса, миллий инновацион тизимни ишлаб чиқиб, амалга ошириш, яқин йилларда келажак ғояларига асосланган ихтиrolарни ҳаётга жорий этиш қобилиятига эга инновацион иктисодиётга ўтиш талаб қилинмоқда. Шу билан бирга,

энергия ҳажмини қисқартириш механизмини жорий этишни асослаш ва ишлаш масалалари, қатъий тежамкорлик тартиби, ишлаб чиқариш харажатларини ва таннархини камайтириш учун ноанъанавий қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий этилган энергия тежамкорлиги масаласи амалиётда стратегик муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси (ДАК)га буғ-газ электростанциялари қуриш лойиҳаларини тезкор суръатда амалиётга татбиқ этиш қўшимча чораларини кўриш, муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш билан бирга, электр энергия истеъмолининг автоматик ҳисоб ва назорат тизимини жорий этиш, электр энергияси ишлаб чиқариш ва узатишдаги технологик йўқотишларни камайтириш чораларини излаш ва амалга ошириш юклатилди.

Таъкидлаш лозимки, замонавий инновацион иқтисодиётни яратишнинг янгиланиш йўлидан бориб, мазкур фаолиятнинг фаоллашуви инсон омилига тўғридан-тўғри боғлиқ. Яъни бу юксак интеллектуал қобилият ва соҳа ходимларининг билим дараҷасига боғлиқ. Шу боис, мустақиллик йилларида ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида бўлгани каби таълим тизимини ислоҳ қилишдек мақсадли ишлар, шу жумладан, илмий ва илмий-педагогик юқори малакали кадрлар тайёрлаш амалга оширилмоқда. Тан олмогимиз керакки, илгари амалдаги икки погонали илмий кадрларнинг аттестацияси, замонавий халқаро тан олинган иқтисодий ривожланган демократик мамлакатлар қабул қилиган талабларга жавоб бермас эди. Фан номзоди илмий даражасининг берилиши, кўпинча, фан манбаатларидан узоқ ва ишлаб чиқариш жараёнларига алоқасиз бўлган, таъбир жоиз бўлса, мақсадсиз тарзда амалга ошириларди. 2012 йилда бир погонали илмий ва илмий-педагогик кадрларнинг олий малакасини аттестациядан ўтказиш тизими жорий қилинди. 2013 йил 1 январдан бошлаб, олий ўкув юргларидан сўнгти таълимнинг янги тизими – докторлик диссертацияси тайёрлаш ва илмий даражаси ҳамда илмий унвони бериш киритилди.

Шунингдек, илмий кенгашлар фаолиятига ҳам катта эътибор қартилади, улар кўпроқ етакчи олий ўкув юргларида тузилади. Улар нафақат олий малакали кадрлар ўчоги, балки илмий излашиш ўтказиш маркази ҳам бўлиши керак. Бунинг барчаси инновацион иқтисодиётга ўтишни таъминлаш учун хизмат қилишга чақиради.

Президентимизнинг 2013 йилнинг 1 марта қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган вазифаларининг

ижросини тұла таъминлашда мутахассис кадрларнинг үрни бекіюэс ақамият касб этади. Бунинг учун, албатта, юқори малакали техник сервис хизмати күрсатадиган ихтисосликларга эга касб-хунар коллежлари битириувчилари ва бакалавр-энергетика йұналишлари бүйича олий маылумотли кадрлар тайёрлаш, мазкур соҳада кеңг күламдаги илмий-тадқықот ишларини йўлга қўя оладиган магистратура мутахассисларини ўқитиш, уларга билим бериш лозим.




Фарғона политехника институти профессори, техника фанлари доктори А. Қосимохунова талабалар билан муқобил энергия манбалари ҳақида суҳбатлашмоқда.



Ушбу вазифалар ҳам зиммамизга катта масъулият юклайди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 20 майдаги «Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори сифатли малакали мутахассислар тайёрлашни тубдан яхшилаш тўғрисида»ги Қарори бу борада дастуруламал бўлиб хизмат қиласди.

Бугун Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси сифатли билим олиш имкониятига эга, ўзига лойиқ иш топиши, малакали мутахассис бўлиши, ўз ишини ташкил этиши мумкин. Шу муносабат билан ёш кадрларни тайёрлаш тизимини келажакда ривожлантириш керак.

Олимларнинг ёш кўрсаткичлари



Миллий ва халқаро тажрибадан маълумки, иқтисодиёт ва жамиятнинг тараққиёт даражаси, кўп жиҳатдан, инновацион фаолиятга боғлиқ. Зоро, иқтисодиётдаги самарадорлик ишлаб чиқаришта инновацион технологиялар ва ихтиrolарнинг жорий этилиши эвазига ошади. Шу боис, бугунги кунда инновациялар мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим қисмига айланган.

Фан ва технологиялар шиддат билан ривож топаётган бир замонда, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида инновацияларнинг муҳим ўрин тутаётгани, илгор илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларнинг амалиётга татбиқ этилиши ҳамда саноат ва ишлаб чиқариш соҳасида қўлланилиши иқтисодиётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Инновацион технологияларнинг жорий этилиши халқ хўжалигининг модернизациялашувига, қишлоқ хўжалигининг ривожланишига, таълим, соғлиқни сақлаш тизими фаолияти самарадорлигининг ошишига ҳисса қўшади. Шу нуқтаи назардан, республикада истиқлол йилларида фан тараққиётини таъминлашга ва инновацияларни ривожлантиришга йўналтирилган муҳим қарорлар қабул қилинган. Бугунги кунда соҳани тартибга солувчи маҳсус қонун қабул қилишга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

«Интеллектуал мулк асри» дея эътироф этилаётган XXI асрда мамлакатимизнинг инновацион ривожланишини таъминлаш ва иқтисодиётни модернизация қилишда фаннинг ролини кучайтириш масалалари давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида тараққий топмоқда. Ўзбекистонда 2003–2006 йиллар давомида 7 мингга яқин илмий-техникавий

ютуқлар рўйхатга олинган бўлса, кейинги 5 йил ичидаги ушбу кўрсаткич 10 мингдан зиёдни ташкил этгани таҳдилимиз тасдиғидир.

Таъкидлаш жоизки, Юартбошимизнинг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ушбу тизимнинг шаклланишида муҳим хуқуқий асос сифатида хизмат қўлмоқда. Мазкур қарорга асосан, ишлаб чиқаришни ўрта ва қисқа муддатларда инновацион ривожлантириш ва модернизация қилиш чора-тадбирлари изчиллик билан амалга ошириялти.

Инновация соҳасида эришилаётган ютуқлар мамлакатимизнинг иқтисодий құдратини ривожлантиришга, жаҳон ҳамжамиятидаги мавқенини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани билан ҳам эътирофга молик. Ўзбекистон жадал ривожланаётган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаётгани мазкур соҳанинг хуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириши кўмитаси қайд этишича, 2013 йилда мамлакатимиз корхоналаридаги умумий қиймати 300 миллиард сўм маблағлар инновацияларни жорий этишга йўналтирилиб, уларнинг асосий қисми, яъни 68 фоизи корхоналарнинг хусусий маблағлари ҳисобидан амалга оширилган. Қолаверса, миллий иқтисодиётимизга жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг катта қисми ҳам ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этишга йўналтирилмоқда. Бирок, бугунги кунда инновацияларни катта маблағ эвазига хориждан олиш эмас, балки ўзимиздаги мавжуд илмий салоҳиятдан фойдаланиш, ихтиорчилар ва олимларни керакли даражада рағбатлантириш, илмий ишланмалар ва рационализаторлик таклифларини амалиётга татбиқ этиш механизмларини йўлга қўшишга эришиш каби масалалар ҳамон долзарб бўлиб қолаётir.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда, жаҳон тажрибаси саноатлашган иқтисодиёт ўринини аста-секин инновацион иқтисодиёт эгаллаётганини кўрсатмоқда. Буни, даставвал, «инновация» атамаси орқали таҳлил этсак. Инглизчада бу «фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш» маъносини англаради. Чиндан ҳам, дунёning кўплаб мамлакатлари айнан инновацион технологиялар орқали юксак тараққиёт даражасига эришашётгани сир эмас. Қолаверса, ҳозирги глобаллашув жараёни барча соҳада илмий изланишларни тақозо этмоқда. Замонавий техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш эса янтидан-янги ютуқларга йўл очмоқда.

Буни Сингапур тажрибаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу мамлакатда табиий ресурслар чекланганлиги яхши маълум. Аммо, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида сингапурликларнинг олдига тушадигани топилмаса керак. Айни йўналишда ҳар йили алоҳида дастурлар қабул қилинади. Эътироф этилишича, Сингапурнинг инновацион жиҳатдан равнақ топиб, нафақат Осиё, балки бутун дунёда катта мавқега эга бўлишида бир қатор омиллар ҳал қилувчи роль ўйнаган. Малакали мутахассислар ва ёш истеъоддлар борасида ҳам сингапурликлар изжобий натижаларга эришган. Малакали мутахассислар ва ёш истеъоддлар базасининг мавжудлиги, олий таълим тизимини йилдан-йилга такомиллаштириш, экологик ва молиявий барқарорлик, илм-фанга бўлган юксак эътибор шулар жумласидандир. Энг муҳими, фан-техника соҳасидаги ҳар қандай янги, истиқболли ғоя давлат томонидан фаол қўллаб-қувватлануб, ўз вақтида рағбатлантирилади. Таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси ҳам мутаносиб равишда йўлга кўйилган.

Маълумотларга қараганда, 2011 йилнинг ўзида Сингапурдаги конструкторлик ишларини қўллаб-қувватлаш илмий-тадқиқот маркази («Rgd») учун 7,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланган, шу ҳисобдан иқтисодиётнинг устувор соҳаларини ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилган. Қолаверса, чет эл сармоядорлари учун кенг имтиёзлар яратиб берилганини ҳам таъкидлаш керак. Шу боис, йирик инвесторларнинг Сингапурда иш юритишга иштиёқи баланд. Хусусан, ушбу мамлакатда инновацион тизимнинг самарали механизми шакллантирилганлиги, солиқ ва божхона амалиёти билан боғлиқ имтиёзлар, сармоялар ва корхоналарнинг инвестицион таваккалчилиги учун сугурталашнинг намуналий йўлга кўйилганлигини айтиш мумкин.

Инновация — бу моддий ишлаб чиқариш ёки сармоя концентрацияси эмас. Айрим тадқиқотчилар, жумладан, Э. Тоффлер, Ф. Фукуяма, Д. Белл, Ж. Нейсбит каби олимлар: «Айнан инновацион технологияларга таянган давлатгина юксак тараққиёт даражасига эришади», деган фикрни илгари суришади. Аслида ҳам шундай. Зоро, саноатлашган иқтисодиёт ўрнини аста-секин инновацион иқтисодиёт эгаллаши оддий ҳақиқатдир. Натижада, янгидан-янги бозорлар кашф этилади. Бинобарин, инновацион мақсадларни рӯёбга чиқариш учун, хусусий инвестицияларга имтиёзлар бериш, замонавий банкларни шакллантириш, инновацияларни кафолатлаш ҳамда сугурталаш, кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш, йирик технологик лойиҳалар учун миллый ва хорижий сармояларни кенг жалб этиш талаб қилинади. Бун-

дан ташқари, бу борада, инновацион сиёсатни тартибга солувчи қонунларни такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) ўз ҳисоботла-рида юқоридаги талабларга қатый амал қилаётган 20 га яқин давлатда инновацион ривожланиш тобора жадаллашаётганини эътироф этади. Швейцария, АҚШ, Швеция, Буюк Британия, Голландия, Финляндия, Гонконг, Сингапур, Тайвань, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Дания ва Ирландия ана шулар си-расидандир.

Маълумки, Жанубий Корея фуқаролар уруши оқибатида XX асрнинг 40—50-йилларида вайроналар ичида қолган эди. Замонавий электроника, аҳборот технологиялари каби тармоқларга катта эътибор қаратилиши туфайли мамлакат тез орада ўз қаддими тиклаб олди. Малайзияда ҳам оғир саноат, жумладан, электр ускуналари ишлаб чиқариш соҳасида кўшлаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилган ва бу айни пайтда ҳам давом эттирилмоқда. Ёки иқтисодиёти, асосан, инвестицион технологияларга асосланган Тайванни олайлик. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 1980 йилнинг ўзида инновацион товар айирбошлиш ҳажми мамлакатда 40 млрд АҚШ долларини ташкил этган. Асосан, тўқимачилик, кийим-кечак, электрон асбоб-ускуналар, турли транзисторлар, соат ва ўйинчоқ ишлаб чиқариб, уни жаҳон бозорига чиқариш кутилган самарани берди. Ўша даврда Тайвань Хитойдан озиқ-овқат, ичимлик суви, ёқилги ва бошқа маҳсулотларни импорт қиласр эди. Хитой эса, бунинг эвазига илфор технологиилар, саноат ва транспорт жиҳозлари, электроника ҳамда алоқа воситаларини олиб турган. Гарчи, озиқ-овқат, сув ва бошқа табиий маҳсулотларга эҳтиёж бўлса-да, тайванликлар инновациян ва замонавий технологиилар ривожига зўр берди.

Айни пайтда, жаҳон ҳамжамияти инновацион технологиилар нималарга қодир эканлигини, иқтисодий ривожланишнинг келажаги айнан шу соҳага боғлиқлигини тўла англаб етмоқда. Соҳада мисли кўрилмаган янгиликларга кўл урилаётир. Бундай кашифиётлар ҳаётимизга шиддат билан кириб келиб, қисқа фурсатда жаҳон бозорини эгаллаётир. Тайваннинг «Polytron Technologie» компанияси томонидан дунёдаги биринчи шаффоф телефон ихтиро қилинганлиги кўпчиликка маълум. Бир қарашда, оддий тўртбурчак ойна парчасини эслатувчи ушбу аппарат мобил телефонларнинг эволюцияси дея баҳоланмоқда. Шу билан бирга, жаҳоннинг нуфузли автоконцернлари томонидан электр токида ҳаракатланувчи автомобиллар ишлаб чиқарилапти. Аммо, унинг электр аккумулятори 20 дақиқада қувват тўплай олишига ишониш қийин. «DC Combo» деб аталувчи мазкур аккумулятор тизими «Society of Automotive Engineers» мұхандислик компанияси то-

монидан қайта ишланди. Бу эса, йирик автомобиль компанияларининг унга бўлган талабини кучайтироқда. Маълумки, биринчилардан бўлиб «General Motors» ва «BMW» ана шундай автоуловларни ишлаб чиқарган эди. Айни пайтда, уларнинг сафи кенгайиб боряпти. Бу эса, юқорида таъкидланганидек, инновацион технологияларнинг тежамкор ва камхарж эканлигига яна бир далиллар. Инновацион технологияларни аграр секторда қўллаш ҳам яхши самара бериши мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда. Зотан, озиқ-овқат муаммоси тобора долзарб тус олаётган бир пайтда, ер, сув ва бошқа манбалардан оқилона фойдаланиш нечоғлиқ катта аҳамият касб этишини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак.

Шу боис, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида, қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацион ишланмалардан унумли фойдаланиш чоралари кўрилмоқда. Мисол учун, Исломнинг агросаноат тизимида ерни томчилатиб суғориш тажрибасидан эндиликда бутун дунёда фойдаланишга ҳаракат қилинаётгани бунинг исботидир.

Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳам кўп жиҳатдан инновацион технологияларга боғлиқдир. Мустақиллик йилларида бу борада салмоқли натижаларга эришилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида илмий-тадқиқот муассасалари билан иқтисодиётнинг реал сектори – корхоналари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга изчиллик билан жорий этиш борасидаги муҳим вазифалар белгилаб берилган. Кейинги йилларда, мамлакатимизда бир неча бор ташқил этилган Инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси жамоатчилиги эътиборидан четда қолмади.

Ушбу тадбирлар кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалдаги ифодаси бўлиб, истиқболли гояларни ҳаётга татбиқ этиш, илм-фан ва саноатни ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ички бозорда маҳаллий маҳсулотлар улушини кўпайтириш учун янги шарт-шароитларни вужудга келтироқда. Ярмаркаларда саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот-коммуникация технологиялари, илм-фан, таълим соҳаларига оид замонавий технологиилар ва ишланмалар намойиши этиляптики, буларнинг барчаси келажак манфаатлари йўлида хизмат қилиши шубҳасиз.

Ана шундай истиқболли ишланмалардан бири – Ўзбекистон «Adolat» СДП Тошкент вилояти кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат налатаси вилоят бошқармаси, «Ихлюс Бизнес Барака»

хусусий корхонаси, «Olmaliq metall konstruksiya» МЧЖ ҳамкорлигиде, биогаз ва биоўғит қурилмасининг намойиш вариантини ишлаб чиқариш шартномаси асосида биогаз қурилмалари ясалди ва муваффақиятли синаб кўрилди. Биогаз қурилмасининг яратилган модели (макети), инновацион лойиҳа сифатида «Инновацион foялар, лойиҳалар ва технологиялар» V–VI–VII Республика ярмаркаларида ва шунингдек, республика, вилоят саноат ярмаркаларида намойиш этилди. Иштирокчилар унга катта қизиқиш билдирилар.



«Инновацион foялар, лойиҳалар ва технологиялар»
VI Республика ярмаркасида.

Давлат инновация сиёсатининг йўналишлари, аввало, у ёки бу тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари, ишлаб чиқариш салоҳияти ва асосий маҳсулотнинг рақобатбардошлиқ даражаси билан белгиланади. Мамлакат иқтисодиёт тармоқларини ўз маҳсулотининг рақобатбардошлиқ даражасига қараб уч гуруҳга ажратиш мумкин.

Тармоқларнинг биринчи гуруҳи: улкан рақобатбардошлиқ салоҳиятига эга бўлиб, жаҳон бозорида фаолият қўрсатади. Бу ёқилғи-энергетика мажмуасига оид тармоқлардир.

Иккинчи гуруҳга: жаҳон бозорида рақобатлаша оловчи тармоқлар, яъни машинасозлик, кимё саноати ва рангли металтургияни киритиш мумкин.

Учинчи гуруҳни эса, агросаноат мажмуаси, енгил ва озиқовқат саноати ва бошқалар ташкил этади.

Уларнинг маҳсулотлари, асосан, ички бозорга йўналтирилган. Тармоқларнинг инновация сиёсатининг характеристи, кўлами, ресурслар ҳажми кабиларга қараб фарқланади. Шу муносабат билан, давлат инновация сиёсатининг асосий йўналишларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- инновация фаолиятининг меъёрий-хуқукий таъминоти, рагбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

- инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариши ривожлантириш, илмий маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ва экспортини ошириш тизимини барпо этиш;

- инновация жараёнининг инфратузилмасини, шу жумладан, ахборот таъминоти, экспертиза, молия, ишланмаларни сертифи катлаш ва жорий этиш тизимини ривожлантириш;

- кичик ташкилотлар фаолияти учун шарт-шароит яратиш ва уларни дастлабки босқичда, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ўюли билан кичик инновацион тадбиркорликни йўлга қўйиш;

- инновацион лойиҳа ва дастурларни шакллантиришнинг танлов тизимини такомиллаштириш. Иқтисодиёт тармоқларида, хусусий инвесторлар ва давлат тузилмалари иштирокида унча катта бўлмаган харажатларни тез қоплайдиган инновация лойиҳаларини амалга ошириш, истиқболли корхона ва ташкилотларни қўллаб-қувватлаш, уларга хусусий инвестицияларнинг йўналтирилишини кучайтириш;

- мамлакат ва унинг минтақаларидаги тегишли иқтисодиёт тармоқларини ўзгаририб юбора олувчи устувор йўналишларни рӯёбга чиқариш.

Инновация сиёсатини амалга ошириш учун муайян механизmlар ишлаб чиқилиши лозим бўлиб, уларнинг мақсади инновация дастурининг самарали татбиқ этилишини таъминлашдан иборат бўлиши керак.

Бундай механизmlар қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- инновациялар соҳасидаги ижобий ўзгаришлар учун хуқукий асосларни шакллантириш, яъни тегишли қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

- солиқ имтиёзлари, давлат кафолатлари ва кредитларини жорий қилиш, илмий, юқори технологик ишлаб чиқариш йўналишларига маблағ ажратётган инвесторлар ва ташкилотларни (инновацияларни ўзлаштириш даврида) давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

- инновация фаолияти юритиш учун кулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, солиқ тизимини такомиллаштириш;

- маҳсулотларни ташқи бозорда сотиш бўйича қўшма корхоналарни шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ўз инно-

вацияларимизни чет элларда реклама қилиш, инновация лойиҳалари бўйича ахборот алмашиш учун халқаро ахборот тизимларига уланиш;

- инновация инфратузилмаларининг давлат кафолатлари асоси – инновация лойиҳаларини амалга ошириш учун асбоб-ускуналар, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мақсадида, ноу-хау ва технологияларга лицензиялар харид қилишга хорижий кредит линияларидан квоталар ажратилишини таъминлаш;

- ноёб илмий асбоб-ускуналар лизингини ривожлантириши.

Ўзбекистонда инновация соҳасини давлат томонидан тартибга солиш тизимини шакллантирили йўлида қатор муҳим ишлар амалга оширилган. Хусусан, «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инновацион лойиҳа ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилишни рафбатлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа кўпгина норматив ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур ҳужжатлардан инновация фаолияти учун қулай шароитларни барпо этиш, тижоратлаштириш каби мақсадлар кўзда тутилган бўлиб, улар инновация фаолияти натижаларини ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини ташкил этишнинг муҳим бўйини ҳисобланади. Қонунчиликка кўра, Ўзбекистонда мол-мулк дахлсиздир, республикада мулкчиликнинг, иқтисодиётнинг самарали фаолият кўрсатиши ва халқ фаровонлигини оширишга хизмат шаклларига рухсат берилган.

Инновация фаолияти натижаларини ҳуқуқий ҳимоялаш инфратузилмасининг таркибий қисми бўлган патент тизими, муаллифлик ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистонда патент тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналиши – миллий ихтиrolарнинг эксперт фондини шакллантириш, бу базадан фойдалана оловчи патент эксперт кадрларини тайёрлаш, патент берувчи текширув тизимига ўтишдан иборат бўлиши лозим.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, ихтиrolар ва саноат на муналарини патентлашнинг мавжуд тизими – республика иқтисодий сиёsatининг инновация йўналишини ҳисобга олган ҳолда бальзи ўзгаришлар киритилишига муҳтоҷ.

Ихтиronинг ҳуқуқий ҳимоясини инновация патент ёки ўзаро ўзгартириш имкониятига эга бўлган муқобил патент олиш учун ариза тақдим этиш йўли билан амалга ошириш таклиф қилинмоқда. Бу билан, муҳофаза ҳужжатларини бериш жараёни тезлашади.

Халқаро технологик алмашувуга фаол кириб боришнинг зарур шарти чет эллардаги саноат мулклари обьектларини патентлаштиришдир. Бу товарлар экспортини ҳамда лицензияларни чет элга сотишни таъминлашнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Чет эллардаги ҳуқуқий муҳофаза патентлаш амалга оширилган мамлакатда шунга ўхшаш маҳсулотни ноқонуний ишлаб чиқаришга тўсқинлик қиласди. Хорижий патентлаш, одатда, экспорт маҳсулотни муҳофаза қилиш мақсадида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида хорижий патентлаш даражаси миллий патентлаш маҳкамасига тақдим қилинаётган жами аризалар сонининг 1 фоизини ҳам ташкил қиласди. Бундай вазият, шакланиб келаётган миллий илмий маҳсулотлар ва юксак технологиялар экспортига жиддий хавф туғдиради. Шу муносабат билан, республикамиз ҳуқуқ эгаларининг интеллектуал мулкларини, жумладан, давлат бюджети ҳисобига ёки давлат бюджети маблағларидан фойдаланиб, ишлаб чиқарилган интеллектуал мулкларни хорижий ва жаҳон бозорларидаги ҳимоясини таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўрилиши зарур. Бу ишда биз таклиф қиласди тараққиёт институтлари катта ёрдам бериши мумкин. Мазкур институтлар молиялаштираётган, патентга лаёқатли саноат мулки обьектларига эга бўлган лойиҳаларнинг ишончли ва кенг ҳимоягта эга бўлишидан манфаатдордир. Шунинг учун, илмий-техник ва инновацион лойиҳалаштиришни молиялаштиришни режалаштиришда, хорижий патентлаш имкониятларини ҳам кўзда тутиш лозим.

Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқларини рӯёбга чиқариш ва уни ҳимоялаш учун Муаллифлик ҳуқуқлари бўйича агентлик ташкил қилинган бўлиб, унга муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

2006 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ташкил қилинган. Мазкур қўмитани ташкил қилишдан мақсад мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида фаннинг ролини кучайтириш, илмий-техник тараққиёт бошқарувини эркинлаштириш, илмий тадқиқотлар, технологик ва конструкторлик ишланмаларининг савияси, сифати ва долзарблигини ошириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишидир.

Қўмита ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, шунингдек, мамлакат иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар стратегияси билан боғлиқ равишида вазирликлар ва идоралар, илмий-тадқиқот муассасалари тақдим қиласган материаллар

асосида, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига оид таклифлар тайёрлайди, вазирликлар ва идораларнинг илмий-техник дастурларини, инновация ва бошқа тадқиқот, тажриба-конструкторлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштиради.

Кўмитанинг фаолият соҳаларига – хорижий инвестициялар ва грантларни жалб қилиш мақсадида фан ва технологиялар соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий ҳамкорлар билан биргаликда илмий лойиҳаларни амалга оширишни ташкил қилиб, республика ва халқаро миқёсда илмий-техник конференциялар, симпозиумлар, семинар ва кенгашлар уюштириш кабилар киради. Кўмита мажбурий равишда фан ва технологиялар, илмий ижод ва интеллектуал мулк муҳофазаси фаолиятини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий-хукуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишида ҳам фаол иштирок этиб, уларнинг бажарилишини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори республика иқтисодиётини ривожлантиришни жонлантирувчи ҳужжатларнинг узвий давоми бўлди. Мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тасаррufидаги муассасаларни инвентарлаш натижаларига кўра аниқланган объектлар, асбоб-ускуналар ва бошқа моддий қийматларни сотишдан тушган даромад (фойда) солиғи тўловидан озод қилиш, келиб тушаётган маблағларни мақсадли равишида моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, биринчи навбатда, илмий-техник ва лаборатория асбоб-ускуналари харид қилишга йўналтириш кўзда тутилган.

Инновациялар учун қулай мухитни шакллантиришнинг бошқа муҳим йўналиши давлатнинг бизнесни юритишга таъсир кўрсатишининг билвосита усуллари мажмуасини ишлаб чиқишидир. Бизнингча, бозор иқтисодиёти шароитида, инновацияларни солиқ имтиёzlари йўли билан рагбатлантиришдан кенг фойдаланиш мумкин. Бу усул бюджет субсидияларига қараганда инкор қилиб бўлмас афзалликларга эга. Чунки, хусусий секторнинг автономлигини ва унинг илмий-тадқиқот ишланмалар йўналишини танлаш ва уларни амалга ошириш бўйича иқтисодий жавобгарлигини сақлаб қолади.

Бугунги кундаги устувор вазифа – Ўзбекистоннинг инновация тараққиёт дастурини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратишдан иборат. Унинг ҳал қилиниши комплекс ёндашувни талаб қиласиди. Айни пайтда солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш тармогини модернизациялаш ва таркибий қайта қуриш мақсадида янгиликларни рафбат-

лантириш юзасидан қатор ташкилий, меъёрий-хуқуқий қарорларнинг қабул қилиниши ҳам кўзда тутилиши лозим.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига йўналтириладиган сарф-харажатларни арzonлантириш, инновация муҳитини солиқлар воситасида рағбатлантириш вазифаларидан биридир. Бунда мамлакат солиқ имтиёzlаридан, илмий-техник маҳсулотларнинг истеъмолчиларига рағбатлар яратиш учун фойдаланади. Бу соҳадаги асосий солиқ тури эса, кўшилган қиймат солиғидир. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Солиқ кодексида илмий-тадқиқот фаолиятининг хусусиятлари, инновация жараёнининг оралиқ босқичларидаги манфаатлари етарли даражада акс этмаган. Шу сабабдан, инновация майдонини кенгайтириш учун, етарли ахборот оқимларини шакллантириш, илмий-техник маълумотларнинг айланыш ҳамда сингиш жараёнларини рағбатлантириш лозим.

Шундай қилиб, инновация фаолиятининг меъёрий-хуқуқий таъминотини рағбатлантириш механизми институционал ўзгаришлиар тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришнинг қуидаги чора-тадбирларини амалга оширишни тақозо этади:

- «Инновациялар ва инновацион фаолият тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиш ва қонунчиликдаги соҳага доир асосий тушунчаларни мустаҳкамлаш;

- «Солиқ ва йиғимлар тўғрисида»ги қонунчиликка тегишли ўзгаришлиар киритиш йўли билан инновация фаолияти учун шарт-шароитлар яратиш;

- инвестиция фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш;

- инновация соҳасида интеллектуал мулкни ҳимоялаш тўғрисидаги қонунчиликни таҳдил қилиб, янада такомиллаштириш.

Дарҳақиқат, ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан қайта қуроллантириш асосида юқори технологик ишлаб чиқаришга, яъни янги, замонавий, юқори даражадаги ишлаб чиқариш унумдорлигига эришган, рақобатбардош, юқори сифатли экспортбоп маҳсулот чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлар учун муҳим рағбат, бу – солиқ имтиёzlари ҳисобланади.

Корхоналарга имтиёzли солиқ қўлланиши эвазига, улар ўз молиявий ресурсларини кўпайтириши, корхонада айланма маблағларини тўлдиришилари, иш ҳақини оширишиларида кўшимча манбага эга бўлишади. Бу, албатта, иқтисодиётни қўллаб-куватлаш, ижтимоий соҳани юқори технологиялар асосида ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда унга инновацион технологияларни жорий қилишга қаратилган давлатсиёсатини амалга ошириш учун хизмат қиласди.

Бу эса, ўз навбатида, «Инновациялар ва инновацион фаолият түғрисида»ги Қонунни тезроқ қабул қилишни тақозо этмоқда. Зеро, ушбу қонун лойиҳаси, шубҳасиз, миллий инновацион тизимни ташкил этишнинг молиявий, ташкилий-техник ҳамда юридик қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантиришини тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштиришга хизмат қиласди.

Қонун лойиҳасида соҳага доир асосий тушунчалар берилган. Жумладан, инновациялар – юзага келган ижтимоий әхтиёжларни қондириш ва/ёки бошқа фойдали натижага эришиш учун, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот (товар, иш, хизмат ва бошк.) тури, ишлаб чиқариш жараёни, янги маркетинг услуги ёки бизнесни юритишида ташкилий услугни, ишчи ўринларни ташкил қилиш ёки ташқи алоқаларни ўрнатиш шаклида мужассамлашган илмий-тадқиқот ва/ёки тажриба-конструкторлик ва/ёки технологик ишларнинг якуний натижаси.

Инновация фаолияти – илмий-тадқиқот ва (ёки) тажриба-конструкторлик ва/ёки технологик ишларни яратиш, улардан фойдаланиш ва уларнинг натижаларини тижоратлаштириш, шунингдек, инновация инфратузилмасини яратиш ва унинг фаолиятини таъминлашга йўналтирилган илмий, технологик, ташкилий, молиявий харажатлар мажмуудан иборат фаолият, деб ҳисобланмоқда.

Технологик парк (технопарк) – илмий, лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари, таълим муассасалари, ишлаб чиқариш ташкилотлари ёки уларнинг илмий-техника ва инновация соҳасида тадбиркорликнинг ривожланиши учун қулай бўлган шароитларнинг шаклланишини амалга ошираётган бўлинмаларнинг бирлашмаси кўринишидаги фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг худудий интеграцияси сифатидаги инновацион инфратузилма субъекти.

Интеллектуал мулк объектлари ва технологиялар трансфери (узатиш ва илгари суриш) – интеллектуал мулк объектлари ва технологияларни ва/ёки бошқа инновация маҳсулотларини хўжаллик юритувчи субъектларга синаш ва/ёки уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва/ёки сотиш учун узатиш жараёни.

Қонун лойиҳасига қўйидагиларни киритиш таклиф этилди: жумладан, инновация фаолияти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб:

- миллий иқтисодиёт ва маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ривожлантириш, аҳоли турмуш сифатини ошириш ва экологик хавфсизликни таъминлашда инновация фаолиятининг устувор аҳамиятини белгилаш;

- иқтисодиёт тараққиётини таъминлайдиган инновацияларни яратиш ва оммалаштириш бўйича давлат ресурсларини мужас-самлаштириш;
- инновация фаолияти соҳасида миллий ва иқтисодий хавф-сизликни таъминлаш;
- инновация фаолиятининг эҳтиёжлари ва натижалари тўғрисидаги ахборотга эга бўлиш ва уни оммалаштириш эркинлигини таъминлаш (давлат, хизматта оид ёки тижорат сирини ташкил қилувчи ахборотлар бундан истисно);
- инновация фаолияти соҳасини давлат томонидан молиявий қўллаб-куватлаш, қулай кредит, солиқ ва божхона сиёсатини амалга ошириш;
- инновация фаолияти соҳасида Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро ҳамкорлигини фаоллаштиришга кўмаклашиш;
- инновация фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соли-нишини таъминлаш таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолият ривожла-нишининг индикаторлари, технологиялар трансфери тизими ва инновацион фаолият самарадорлигининг асосий тамойиллари қўйидагича (графикда) таснифланади:



1.2. Миллий иқтисодий ривожланиш стратегияси

Мамлакатимизда 2007 йилдан 2012 йилгача бўлган коммерциализациялашни татбиқ этган ташкилотлар ва татбиқ этилган технологиялар сони таҳлил этилганда, ташкилотлар сони 268 тадан 164 тагача камайганлиги, татбиқ этилган технологиялар сони 578 тадан 624 тагача ошганлиги (*қўйидаги диаграммада илова этилган*) кузатилган.

**Янги технологияларни тижоратлаштириш
(коммерциализациялаш)**



Республикадаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг навбатдаги босқичи, соҳа бошқарувида янгича ёндашувни талаб қиласди. Маълумки, ҳозиргача мавжуд бошқариш тизими кишиларни бошқаришга асосланган. Инновацион жараёнга ўтиш эса, кишиларни эмас, балки жараённи бошқаришга асосланган бўлиши керак. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда барқарор кўрсаткичларга эришишнинг устувор йўналиши сифатида, соҳани янгиланиш стратегияси йўлига ўтказиш лозим. Бундаги иқтисодий ривожланиш асосида, янги технологиялар ва инновация маҳсулотларини кенг кўламда ўзлаштириш учун шароит яратишга қаратилган инновацион сиёsat ётади.

Корхоналарнинг инновацион фаолиятига йўналтирилган маблаглари (2012 йил)



Инновацион сиёсатни амалга оширишда давлатнинг роли иқтисодий усуслари жумласига инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур шароитлар яратиш, хусусан, илмий ишланмаларни молиялашни такомиллаштириш, ижтимоий муҳим инновация дастурларини, лойиҳаларини ва тадбирларини амалга оширишга кўмаклашиб, инвестиция маблагларини жалб қилишнинг дастлабки босқичида инновация тузилмаларини бюджет томонидан қўллаб-кувватлаш, тармоқ иқтисодиётини соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлардан иборат бўлади.


Бунинг учун, тармоқда инновацион жараёнларнинг бугунги ва яқин келажакдаги ҳолатини чукур ўрганиш лозим, чунки ҳўжалик юритишнинг анъанавий усуслари бўлган интенсив технология, хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик бозор механизмига ўтишнинг ўзи тармоқ барқарор ривожланишини таъминлай олмайди.

Маълумки, сўнгги йиллардаги Ўзбекистон агросаноати мажмуаси (АСМ) иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришларга асосан импорт ўрнини босиш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига эришилмоқда. Аммо илгор технологияга асосланган тармоқлар ва йўналишларда инновация фаолиги ҳамон паст даражада қолаётир. Бунинг асосий сабабларидан бири — сўнгги ўн йилликда ҳўжалик юритишнинг иқтисодий шарт-шароитларини тубдан ўзгарирган ислоҳотлар, собиқ Шўро даврининг фан-техника соҳасига хос бўлган институционал модель асосларига деярли таъсир кўрсатмади (кўплаб олимлар, муҳандислар, шунингдек, иқтисодий сиёсатга масъул бўлган давлат

идоралари ҳамон шунга асосланишмоқда). Бунинг асосий сабабларидан бири фаннинг хўжалик амалиётидан ажратиб қўйилиши, мамлакат фан-техника салоҳияти самарадорлигини баҳолаш механизмининг мавжуд эмаслигидир.

Айни вақтда, индустрисал-инновация жараёни маҳсулот сифатини ва унинг рақобатбардошлигини оширишда аграр соҳанинг барча субъектлари (аграр фан, лойиҳалаш корхоналари, хом ашё етиштирувчилар, маҳсулотни қайта ишловчилар ва маркетинг тизими)нинг иштирокини ва манфаатларини таъминлайди.

Янги технологияларни тижоратлаштириш туркуми



Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда АСМда инновацияларни тўрт асосий турга ажратиш мумкин:

- селекцион генетик;
- ишлаб чиқариш техникавий;
- ташкилий бошқарув;
- иқтисодий-ижтимоий-экологик.

Аммо қишлоқнинг кечикириб бўлмайдиган ижтимоий муаммоларини ҳал қиласдан ва қишлоқ хўжалиги худудларини барқарор ривожлантириш сиёсатини амалга оширмасдан туриб, қишлоқ хўжалигини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиб бўлмайди.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатганки, қишлоқ хўжалигидаги инновация жараёнлари турли ташкилий шаклларда намоён бўлиши мумкин. Бу — аграр секторни иқтисодий ривожлантиришнинг ўзига хослиги билан боғлиқ. Шу билан бир қаторда,

худудларнинг инновацион жозибадорлигини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Шунингдек, инновацион жараёнда инновациялар самарадорлигини аниқлаш мухум аҳамиятта эга.

Самарадорликни куйидаги йўналишлар билан аниқлаш лозим:

1) *техник самарадорлик* — маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ер, меҳнат ва моддий ресурслардан фойдаланиш даражасини акс эттирувчи натуран ва қиймат кўрсаткичлари (ҳосилдорлик, энергия сифими, маҳсулот сифати, унумдорлик ва бошқ.) нинг мажмуи билан тавсифланади;

2) *иқтисодий самарадорлик* — таннарх, рентабеллик, ишлаб чиқарилган маҳсулотдан олинган даромад ва фойда кўрсаткичлари, молиявий барқарорлик, тўлов қобилияти ва бошқа кўрсаткичларни акс эттиради;


3) *ижтимоий самарадорлик* — иш ҳақи фонди кўрсаткичлари, механизациялашганлик даражаси ва бошқа кўрсаткичлар билан тавсифланади;

4) *экологик самарадорлик* — тупроқнинг ҳосилдорлиги кўрсаткичлари, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ер майдонларининг камайтирилиши ва табиат муҳити ўзгаришининг бошқа омиллари билан аниқланади.

Қишлоқ хўжалигига инвестиция йўналтиришда хавф-хатар иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидагига нисбатан анча юқори даражада ва бу ҳам чуқур методологик ёндашишни талаб қиласди. Жумладан, хатарларнинг эҳтимолий манбаларини аниқлаш; эҳтимол тутилган иқтисодий заарарнинг миқдорий баҳоларини ҳисоблаб чиқиш; заарарларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш; инновацион хатарларни суғурталаш ва венчур сармояси ни инновацияларини ўзлаштириш жараёнига жалб этиш ва бошқалар.

Инновацион лойиҳа ҳам товар маҳсулоти ҳисобланади ва талабга қараб сотилади. Инновациялар бозорининг асосий товари — муаллифлик хукуқига амал қилган ҳолда ва амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга мувофиқ расмийлаштирилган илмий-тадқиқот натижаси, илмий меҳнат маҳсулоти, шунингдек, ҳар қандай ахборот манбаида қайд этилган янги билимлар ёки қарорларни ўзида мужассам этган илмий-техник фаолият ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқарувчилар нафақат ўз лойиҳаларини фойда билан сотиши, балки ушбу лойиҳадан фойдаланувчилар ҳам қўшимча даромад олишлари мумкин.

**Корхоналарда технологияларни коммерциализациялаш
йўналишидаги тўсиқлар
(2012 йил)**



Инновация фаолиятида давлат бошқаруви

Сўнгти йилларда иқтисодиётнинг ўсиши саноат соҳасига янги технологияларни жорий этишни тақозо қиласди, чунки бу омил маҳсулотларимиз (хизматларимиз)нинг ички ва жаҳон бозоридағи рақобатбардошлиги унсурларидан биридир.

Хозирги вақтда илмий ишланмалардан фойдаланишнинг санаадорлик даражасини ошириш, фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш энг муҳим ҳамда долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Иқтисодий ривожланишда инновацияларнинг ўрни ва аҳамияти ошиб бориши шароитида, бу соҳадаги давлат бошқаруви, унинг ташкил этилиши ва олиб борилиши алоҳида муҳим масала бўлиб ҳисобланади.

**Инновация фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатининг
айрим йўналишлари**

Инновация сиёсати йўналиши	Хусусияти	Давлатлар
Миллий инновация тизимини оптималлаштириш	Инновация соҳасида давлат бошқариш ва режалаштириш тизимини оптималлаштириш	Япония, Норвегия, Ҳиндистон, Чили
Фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш	Фундаментал тадқиқотларни қўллаб-куватлаш, молиялаштириш	Буоқ Британия, Швеция, Словения
Бизнес ва фаннинг инновацион ҳамкорлигини қўллаб-куватлаш	Корпорациялар ва университетларнинг тизимли ўзаро яқинлашувини таъминлаш	АҚШ, Финляндия
Хусусий секторнинг инновацион фаолигини инновацион соҳага хорижий сармояларни жалб этиш орқали рағбатлантириш	Хорижий инновацион инвестицияларни жалб қилиш	Буоқ Британия, Ирландия, Хитой, Корея, Малайзия, Ҳиндистон, Исроил
Юқори технологиялар соҳасидаги устувор экспорт йўналишларини белгилаш	Юқори технологиялар ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-куватлаш, устувор йўналишларни белгилаш	Чехия, Руминия, Чили, Туркия

Бугунги кунда, иқтисодий ривожланган мамлакатлар инновацион ривожланиши моделларининг уч тури фарқданади:

1. Фанда пешқадамликка, илмий ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларини қамраб оладиган, қоида тариқасида, илмий-инновацион имкониятларнинг мудофаа секторидаги улущи анча катта бўлган кенг қўламли мақсадли лойиҳаларни амалга оширишга қараб мўлжал оладиган мамлакатлар (АҚШ, Англия, Франция);

2. Инновацияларни тарқатиш, қулай инновацион муҳитни яратиш, иқтисодиёт структурасини оқилоналаштиришга қараб мўлжал оладиган мамлакатлар (Германия, Швеция, Швейцария);

3. Инновацион инфратузилмани ривожлантириш, жаҳон илмий-техника тараққиёти ютуқларига таъсирчанликни таъминлаш, фан ва технологиялар соҳасида турли секторларнинг ҳаралатларини мувоғиқлаштириш йўли билан инновацияларни рағбатлантирувчи мамлакатлар (Япония, Жанубий Корея).

Миллий иқтисодиётларни илмий-инновацион ривожлантириш моделининг тұртинги тури шакланаётганини ҳам күрсатиши мүмкін. Булар инновация омилдан фойдаланган ҳолда ривожланган индустрисал мұхитни яратишга қараб мүлжал оладиган мамлакатлардир. Мамлакатларнинг ушбу гуруҳида жаҳон илмий-техника тараққиёти ютуқларини ўзлаштириш ҳамда ижтимоий-иктисодий мұхитдаги янгиликларга таъсирчанликни күчтайдыраштырувчи шарт-шароитларни яратиш асосида иқтисодиётни модернизация қилиш амалга оширилмоқда (Хитой, Ҳиндистон).

Бугун глобал миқёсда, «Инновация» ва «Инновацион технологиялар» иборалари күп ишлатилаётгани бежиз әмас, албатта Мамлакатимизда ҳам инновацион ғоялар, технологиялар ва лойи-ҳаларни рүёбга чиқариш – әнг устувор вазифалардан бири сиғатида тилга олиняпти. Чунки айнан инновацияларгина маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш, таннархни, энергия истеммолини камайтириш, инвестициялар оқимини күпайтириш ва янги иш ўринлари яратиш имкониятини вужудга келтиради.

Янги техника ва технология асосида ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш бизнес эгаларининг рақобатчилар олдидаги стратегик устунлигини таъминлайди. Қолаверса, фан ва технологиянинг илмий ютуқларидан фойдалана билиш иқтисодий хавфсизлик ва давлатнинг мустаҳкам тараққиётини белгилашда ҳал құлувчи омиллардан саналади. Дарҳақиқат, кейинги йилларда, илм-фан жаҳон бозорига чиқариладиган маҳсулотлар ва технологияларнинг сиғати ва рақобатбардошлигини таъминлашда мухим ўрин тутмоқда.

Тан олиш керакки, юқори технологиялар бозоридаги бизнес тизими ўзининг салоҳияти ва иқтисодий имкониятлари нүқтай назаридан, энергетик ва хом ашё ресурслари бозоридан фойдалариқ бўлиб қолаётir.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси, аҳоли турмуш фаронлигининг ўсиши, иқтисодий ўсиш суръати ва барқарорлиги, фан, маданият, таълим ва мамлакат мудофаа салоҳиятининг мустаҳкамланиши ҳам бевосита юқори технологияларнинг иқтисодиёт тармоқларига қай даражада муваффақиятли татбиқ этилганини намойиш этади. Иқтисодий ва институционал-структуравий жиҳатдан эса, фақат юқори технологияли тармоқлар

давлатнинг стратегик ва тактик вазифаларини ечиш учун реал имкониятларни сақлаб қола олади.

Шу нуқтаи назардан, юқори технологияли тармоқлар мажмусини шакллантириш ва Ўзбекистон миллий иқтисодиётини тараққиётнинг инновацион ұзанларига солиб юбориш — мамлакат истиқболи йўлидаги муҳим вазифалардан бўлиб қояпти.

Бугун иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, шу орқали жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш хорижий сармояларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулай шартшароитлар яратиш, ҳар қандай мамлакат учун энг долзарб ва кечикириб бўлмайдиган масаладир.

Албатта, бундай вазифаларни амалга оширишда эркин иқтисодий зоналар муҳим ўрин тутади. Бу эса, инновацион фаолиятни ривожлантириш, илгор технологияларни жорий қилиш, экспорт, шунингдек, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, маҳаллий маҳсулот ва хизматларнинг ички ҳамда ташқи бозорда халқаро сифат, сертификатлаштириш талабларини жорий этиш орқали ракобатдошлигини ошириш, янги иш жойларини барпо этиш, малакали ишчи-муҳандислар, хўжалик ва бошқарув кадрларини тайёрлаш каби бир қатор муҳим масалаларни ҳал этиш имконини беради.

Бутунги глобаллашув жараёнлари, ривожланиш даражасидан қатъи назар, дунёning барча мамлакатларига бирдек таъсир этмоқда. Глобал молиявий-иктисодий инқизор эса, ушбу рақобат курашини янада кескинлаштираётир.

Дарҳақиқат, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда асосий эътибор, мамлакат худудларининг табиий ресурслари ҳамда индустрисал салоҳиятидан фойдаланиш самарасини юксалтириш ва охир-оқибат, экспорт тизимини кучайтиришга қаратилмоғи лозим.

Масалан, Европа эркин иқтисодий зоналарининг замонавий даври, ўтган асрнинг 50-йиллари ниҳоясида, яъни Ирландиянинг Шенонон шаҳридаги халқаро аэропортидан бошланади. Аэропорт трансатлантик рейсларга қатновчи самолётларга ёқилғи куйишга ихтисослашган эди. Бироқ, дунёning етакчи авиакомпаниялари узоқ масофага тўхтамасдан учувчи самолётларга эга бўлгач, Шенононнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашиб, ёпилиш арафасига келиб қолади. 1959 йили — мамлакат ҳукуматининг Шенононни эркин халқаро тадбиркорлик марказига айлантириш қарори муваффақиятли якун топди. Жалб этилган хорижий капитал қисқа муддатда бу ерда минглаб янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилди. Бир сўз билан айтганда, ишсизликни бартараф этиб, худудга иқтисодий фаровонлик келтирди. Ҳозир-

да Шенон зонасида электрон жиҳозлар, бургулаш мосламалири, саноат олмослари, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилади. Унинг йиллик экспорти эса бир миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Шеноннинг ўзи ҳам гўзал шаҳарга айланди.

Фарбий Европада эркин савдо ва иқтисодий худудлардан ташқари, илмий-технологик зоналар ва бизнес марказлари ҳам кенг ривож топмоқда. Айрим мамлакатлар, хусусан, Буок Британияда эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) қолоқ худудларни кўтаришига қаратилган минтақаларда, ЭИЗларни шакллантириш XX асрнинг 70-йиллари охирига тўғри келади. Ҳозирда бешта маҳсус иқтисодий зоналар (Шэнъчжэнь, Чжухай, Шаньтоу, Сямэнъ ва Хайнанъ)га мамлакат иқтисодиётига киритилаётган барча хорижий сармояларнинг катта қисми тўғри келади. Бундан ташқари, 1980 йилдаёқ, Хитойнинг 14 та дентизбўйи шаҳарлари очиқ шаҳарлар мақомини олди.

Маблағ етишмаслиги ва инфратузилманинг етарли ривож топмагани туфайли, Африка қитъасида эркин иқтисодий зоналар кенг тарқалмади, ташкил этилганлари эса, кўп вақт ўтмай, барҳам топди. Энг аввало, сиёсий бекарорлик, бошқа томондан, қатор иқтисодий ва маъмурий омилилар туфайли ўз вақтида Либерия, Сенегал, Шри-Ланка, Гватемалада ташкил этилган ЭИЗ лар фаолияти деярли тўхтади.

Ўзбекистонда бугун, биринчи навбатда, республика инвестиция имкониятини ривожлантириш мақсадида, Навоий, Ангрен ва Жиззахда замонавий юқори технологияли ишлаб чиқариш яратиш, чет эл инвестициясини жалб этадиган маҳсус эркин иқтисодий зоналар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу зоналарда ҳам ишлаб чиқариш фаолиятига солиқнинг алоҳида имтиёзлари яратилган.

1.3. Экологик соф технология учун инновацион йўл

Маълумки, дунё энергетика балансининг асоси ҳисобланган ҳозирги даврда, қазиб олинадиган ёқилғи турлари — кўмир, нефть, табиий газ ва ураннинг захираси йилдан-йилга камайиб бормоқда. Соҳа мутахассисларининг маълумотига кўра, сўнгти 40 йил мобайнида, органик ёқилғи дунёда инсоният тарихидаги барча даврдан кўп қазиб олинган ва энергия ресурсларининг истеъмол суръати тобора ўсиб бораётир. Тахминларга кўра, ҳозирги даражада энергия ресурслари истеъмол қилинаверса, дунёда нефть захираси 45—50 йилга, табиий газ 70—75 йилга, кўмир эса 150—160 йилга етади, холос.

Шунинг учун муқобил энергетика инновацион ривожланишинг шак-шубҳасиз, энг асосий омилига айланади. Хусусан, янги

технологик электр энергияси ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш базасининг шакланишига олиб келади. Бу эса, энергия самарадорлигини оширади, экологик ҳолатни барқарорлаштиради, хавфли техноген ҳалокатларни камайтиради, янги иш жойлари пайдо қиласи, одамларнинг турмуш шароитини яхшилайди. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг долгарблиги, айниқса, дунёда углеводород ҳом ашё захираларининг камайиб бориши шароитида муҳим аҳамият қасб этмоқда. Шу билан бирга, таъкидлаш керакки, қайта тикланувчан энергетика чексиз-чегарасиз имкониятларга эгадир. Фақат қуёшнинг ўзи Ерга ҳар куни 20 мартадан кўп энергия йўллайди, ундан йил давомида Ер шарининг бутун аҳолиси фойдаланиши мумкин.

Хозирги вақтда, дунёning 80 дан ортиқ мамлакати қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш ҳажмини оширишдек стратегик мақсадни ўз олдига қўйган. Иқтисодиёти тараққий этган етакчи мамлакатлар 2020 йилгача муқобил энергия манбаларининг ҳиссасини амалдагига нисбатан 20 фоизгача етказиш ниятидалар. Хусусан, бугунги кундаёқ, АҚШда қуёш коллекторларининг умумий майдони 15 млн кв метрга, Японияда 12 млн кв метрга етди. Исройлда фойдаланилаётган миллионга яқин қуёш энергияси қурилмалари мамлакат иссиқ сув таъминотининг 75 фоизини қоплади.

Қайта тикланувчан энергия манбаи қурилмаларидан фойдаланиш тажрибаси шуни қўрсатмоқдаки, мазкур қурилмалар ўзининг харид нархини, ундан фойдаланишнинг бошлангич давридаёқ тўлиқ қоплади. Шунинг учун ҳам, муқобил энергия манбалари – мамлакатимиз иқтисодиётининг инновацион йўлларга ўтишида муҳим бир устуворликка эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йилнинг 1 мартағи «Муқобил энергия манбаларини яна-да ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ушбу масаланинг долгарблиги таъкидланган. Жумладан, қуёш энергиясидан амалда фойдаланиш учун шарт-шароитлар минтақамизда етарли бўлиб, замонавий илгор технологиялардан нафакат республикамизда, балки бутун Ўрта Осиёда фойдаланиш мумкинлиги қайд этилган.

Ҳақиқатан, Ўзбекистон заминида қайта тикланувчан энергия манбаларини жорий этиш учун катта имкониятлар мавжуд бўлиб, бу органик ёқилги ресурсларига нисбатан бирмунча қулай ва арzonдир. Мамлакатимиз иқлим шароитига кўра, йилнинг 300 кундан ортиғи қуёшлидир, шамол эсадиган худудлар, шунингдек, кўплаб оқар сувлар мавжуд. Улардан электр энергияси ишлаб чиқаришда фойдаланса бўлади. Ўзбекистон шароити учун қуёш ресурслари, кичик гидротехник, шамол ресурслари, био-

масса ва геотермал энергия долзарб ҳисобланади. Бундан ташқари, қайта тикланадиган энергетика чекка худудларда жойлашган, тогли ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктлари учун ягона, иктисодий асосланган, ҳаммабоп энергия манбаи бўлиши мумкин.

Таҳдилларга кўра, мамлакатимизда қайта тикланувчан энергия манбаларининг имкониятлари 51 млрд тонна нефть эквивалентига тенг. Бугун амалдаги технологиялар 179 млн тонна нефть эквивалентига тенг энергия олиш имкониятига эга, бу республикада қазиб олинаётган ёқилғи ҳажмининг уч баробаридан ортиқ демаклир. Шунингдек, мазкур ҳажмдаги нефть ёнганда, атмосферага 447 млн тонна карбонат ангидрид газни, ҳар хил олтингутурт бирикмалари, азот оксиди ва бошқа ифлослантирувчи моддалар чиқарди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда қуёш ва биогаз энергиясини ишлаб чиқариш, амалда фойдаланиш учун зарур илмий-тажриба ва моддий-техника базаси яратилган.

Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги «Мулла Сайдқул» фермер хўжалигига фермерларни қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишга тайёрлаш учун ўқув-дала маркази ташкил этилиб, бу ерга қуёш ва шамол энергияларининг намуна курилмалари ўрнатилган.

Муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни қенг тарғиб қилиш мақсадида, Ўзбекистон «Adolat» СДП қошида «Инновация ва муқобил энергетика тарғиботи маркази» ташкил этилган. У тадбиркорлар, фермер, уй-жой хўжаликларига ва партия фолларига инновацион гоя, технология ва лойиҳаларини жорий этишларида кўллаб-куватлаб, тегишли маслаҳатлар бериб келмоқда.

Ўзбекистон «Adolat» СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси — «Муқобил энергия тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини киритиш ташаббускори. Бугун олимлар, эксперталар ва иктисолиётнинг етакчи мутахассислари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар иштирокида «Муқобил энергия тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда ва уни жорий этиш учун муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон муқобил ёқилғи ва энергия корхоналари ассоциацияси ҳамкорлигига «Табиий газда автомобиль» халқаро қўргазма-конференцияси, Корея Республикасининг атроф-муҳит вазирлиги ва қатор компаниялари билан ҳамкорликда транспорт воситаларини суютирилган табиий газга ўтказишга бағишиланган «Ўзбекистон—Корея» форуми ўтказилди. Форумда икки мамлакат мутахассислари ва олимлари турли русумдаги экологик

тоза транспортларнинг келажагини кенг муҳокама қилишди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 300 мингдан ортиқ транспорт воситалари табиий газда ишлашини ҳисобга олсак, бу умумий автомобилларнинг 10 фоизга яқин қисмини ташкил этади. 2016 йилгача бу кўрсаткични 30 фоизга етказиш мўлжалланмоқда. Бунда Корея билан шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш, инновацион ишланмаларни ўзаро алмашиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ҳамкорликдаги бу йўналишда амалга оширилган самарали ишларга мисол тариқасида ўзбек–корейс «Навоий» эркин индустрисал-иктисодий зонасида маҳаллий автомобиллар двигателлари учун газбалонлар ишлаб чиқариш қўшма корхонасини келтириш мумкин. Бундан ташқари, ўзбек–корейс ҳамкорларининг бевосита иштирокида, автотранспорт воситалари учун 50 та газ тўлдириш шоҳобчаларини қисқа муддатларда куриш учун 42 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарф қилиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон табиий газ захиralарига бой бўлиб, автотранспортларни ушбу турдаги ёқилғига ўтказиш учун кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Юқорида таъкидланганидек, Корея экологик тоза муқобил мотор ёқилғисига ўтказиш бўйича катта тажрибага эга. Бундай самарали ҳамкорликдан икки давлат ҳам иктисодий фойда ҳамда экологик соғлиқни сақлашда юксак тараққиётга эришиши мумкин.

Президентимиз 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисидаги маърузасида бугунги кунда, экологик муаммоларнинг ечимини топишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг ҳукуқий асосларини яратишга эътибор қаратган эди. Бундан кўзланган асосий мақсад уларнинг табиатни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасига оид давлат дастурларида белгиланган вазифаларни бажаришдаги иштирокини таъминлашдан иборатdir.

Чиқиндилар масаласи барча давлатлардаги каби мамлакатимизда ҳам долзарб экологик муаммолардан биридир. Соҳа мутахассислари маълумотларига кўра, Ўзбекистон миқёсида, бир йилда 100 млн m^3 атрофида саноат чиқиндиси, 30 млн m^3 майший чиқинди «ишлаб чиқилади». Мазкур чиқиндиларнинг асосий қисмини қайта ишлаш ва фойда олиш мумкин. Майший чиқиндиларнинг морфологик таркиби ўрганилганда 5–10 фоиз қоғоз, 20–45 фоиз озиқ-овқат, 5–10 фоиз ёғоч, 3 фоиз металл, 5–10 фоиз газлама, 2 фоиз чарм ва резина, 4 фоиз шиша ҳамда пластмасса маҳсулотлари чиқитга ташланаётганлиги аниқланган.

Маълумки, чорва гўнги ҳам атроф-муҳитни ифлослантиради. Янги гўнгнинг далаларга солиниши еости сувлари ва ҳавонинг заарланишига, турли микроорганизмлар билан ифлосланишига олиб келади. Бундан ташқари, гўнг чириши жараённида атмосферага кўп миқдорда метан ва бошқа газлар ажралиб чиқади. Бу муаммони ҳал этишнинг самарали, экологик соғ йўналиши — гўнг ва чиқиндиларни анаэробик қайта ишлашдир. Бунда, метан миқдори юқори бўлгани учун биогаз ёнади. Бундай табиий қайта ишлашдан кейин, органик масса заарсизлантирилган сифатли ўғитга айланади.

Чиқиндилардан оқилона фойдаланилса, иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлган энергетика соҳасига кўшимча энергия манбаи — биогаз ҳосил қилиш мумкин. Бу соҳадаги амалий ишлар натижаларига кўра, биогазнинг мавжуд манбаи Ўзбекистон бўйича 8,9 млрд м³.дан ортиқ бўлиб, биогаз берувчи қурилмалар алоҳида хўжаликларни ёқилғи ва юқори самарали экологик тоза ўғитлар билан таъминлаши мумкин. Мазкур қурилмани ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали нафақат республикамизнинг газ ресурсларини тежащ, балки чекка ҳудудлардаги аҳоли пунктларни муқобил энергия билан таъминлаш, қолаверса, ушбу қурилма ишлаб чиқараётган биогазнинг атроф-муҳитга таъсири камлиги сабабли, экология масаласида ҳам катта ютуқларга эришиш мумкин.

1972 йилда Швеция пойтахти Стокгольмда БМТнинг дунё ҳамжамияти олдида долзарб бўлиб турган турли экологик муаммоларни биргаликда ҳал этиш масалаларига бағишлиланган конференция бўлиб ўтган эди. Ўшанда, конференция иштирокчилари томонидан атроф-муҳит ва экологик муаммоларнинг келиб чиқиши иқтисодий ва ижтимоий масалаларга боғлиқлиги кўрсатилиб, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича БМТ Декларацияси ҳамда Атроф-муҳитни асраш Дастури — ЮНЕП қабул қилинганди.

Барқарор ривожланиш дастури БМТ томонидан Рио-де-Жанейрода муҳокамага қўйилди. Айнан, 1992 йилдаги шу муҳокамада, бир қатор давлатлар ўз сиёсатини келгусида «яшил иқтисод» кўринишида ўзгартиришини маълум қилди. Бу йўналиш атроф-муҳит ва экология олдида иқтисодий самарадорлик, ижтимоий тенглик ҳамда биосферага мослигини назорат қилиши керак. Ҳозирда, Европа Иттифоқининг Таракқиёт дастурида ҳам айнан шу йўналишга алоҳида эътибор қаратилган. Айни пайтда, дунёning кўплаб мамлакатларида инновацион лойиҳаларни қўллаган ҳолда, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришилган. Ушбу жараёнда, айниқса, нодавлат нотижорат ташки-

лотларининг давлат органлари билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаралатлари ҳам яхши самара бераётгани эътиборли. Бу ЮНЕПнинг эълон қилинган «*Towards & Green Economy*» ҳисоботида ҳам алоҳида қайд этилди.

«Euronews» ахборот агентлиги хабарига қараганда, ҳозирда Бирлашган Араб Амирикларида (БАА) «Масдар Сити» лойиҳаси жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Бу лойиҳанинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у атмосферага иссиқҳона (парник) газини умуман чиқармасликни кўзда тутади. Бунда инсонларнинг барча эҳтиёжлари учун муқобил энергия манбаларидан, янги инновацион технологияларни кўллаган ҳолда экологик жиҳатдан тоза қурилмалардан фойдаланилади. Энг асосийси, шаҳар марказида Масдар институти жойлашиб, у янги экологик тоза инновация технологияларини яратиш билан шуғулланувчи олимлар ва тадқиқотчиларни бирлаштирган. Шу йўл орқали, БААни истеъмолчи давлатдан янги технологияларни ишлаб чиқарувчи давлатта айлантириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, дунёнинг бир қатор давлатларида, нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан «Bombardier» — табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, «Axlon» — пластик чиқиндиларни қурилиш материалларига айлантириш, «E-streets» — шаҳарсозликда қўлланилаётган «ақлли ёритиш мосламалари», «Energy Innovation» — муқобил энергияларни яратиш каби янги лойиҳалар жорий этилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, агар барча давлатлар «яшил иқтисод»га ўтишмаса, 2050 йилга бориб, демографик муаммолар янада авж олиши мумкин.

Бугунги кунда, бир қатор давлатларда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш режаси эълон қилинган. Масалан, Германия 2040 йилгача мамлакат энергетика балансида қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссасини 90 фоизга етказишни кўзламоқда. Норвегияда эса 20 йилгача, атмосферага углеводород оксидини чиқаришни бутунлай тўхтатилиши режалаштириляпти, Швеция ҳукумати 2020 йилда барча уйларни ёқилғисиз иситишга киришишини маълум қилган.

Бундай саъй-ҳаракатлар нафақат Европа, балки Осиё мамлакатлари истиқбол дастурларига ҳам киритилган. Масалан, «Синьхуа» ахборот агентлиги хабар берипшича, «яшил иқтисод» ва янги инновация технологияларини ишлаб чиқариш учун Хитой маъмурияти 2010 йилда 50 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблаг ажратиб, дунёда етакчиликни ўз қўлига олди. Бу борада у, айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотлари экологик тоза маҳсулотларни чиқариш, эко-инновацион лойиҳаларни қўллаб-кув-

ватлаш, атроф-муҳит ва экология бўйича мониторинг ҳамда назорат тадбирларини мунтазам ўтказишда самарали фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2013 йил 21 ноябрда Оқсаройда Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) президенти Такехико Накаони қабул қилиб, меҳмоннинг юртимизга ташрифини қутлар экан, ОТБ билан мамлакатимиз ўртасида мустаҳкам ва ишончли ҳамкорлик қарор топгапини, ушбу банк Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб, тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишга катта ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

Хозирги вақтда Ўзбекистон—ОТБ ҳамкорлигига умумий қиймати 14,5 миллиард АҚШ долларига тенг 40 та лойиҳа ишлаб чиқилган. Бу лойиҳалар учун ОТБнинг умумий қиймати 4,9 миллиард доллардан зиёд ресурслари жалб қилинган. Ҳамкорликда Таллимаржон ИЭСида 900 МВт қувватга эга бўлган иккита буғаз қурилмаси барпо этиш, автомобиль йўллари қуриш ва уларни реконструкция қилиш бўйича кенг қўламли дастур, Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмuinи барпо этиш, қишлоқ жойларида уй-жой қуриш дастури каби стратегик муҳим инвестициявий лойиҳа ва дастурлар амалга оширилмоқда.

ОТБнинг Осиё минтақасида қуёш энергетикасини ривожлантириш борасидаги ташаббусини рӯёбга чиқариш икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан биридир. Бу ташаббус, ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 2010 йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтган йиллик мажлисида илгари сурилган эди. У, жумладан, яқин йилларда Осиёда 3 минг МВт қувватга эга қуёш электр станциялари қуришини кўзда тутади.

Мазкур ташаббус доирасида, Ўзбекистон ва ОТБ Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектрик станциясини қуриш лойиҳасини амалга оширишга киришилган. Ушбу иншоот минтақамизда бу йўналишдаги ilk станция бўлади. ОТБ билан биргаликда, 2013 йилда Тошкент Халқаро қуёш энергияси институти ташкил этилди. Бу муассаса нафақат Ўзбекистон, балки бутун Осиё қитъасининг бошқа мамлакатларида ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришга қаратилган янги қўшма лойиҳаларни амалга оширишда муҳим омил бўлишига ишонч катта.

Осиё қуёш энергияси форумининг Тошкентда ўтган 6-мажлиси, ушбу соҳада Ўзбекистон билан ОТБ ўртасидаги кенгайиб бораётган ҳамкорликнинг мантиқий давомидир. Бу анжуманда ҳукуматлар, халқаро молия институтлари, ускуна ишлаб чиқарувчи компанииялар, илмий-тадқиқот марказларидан Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америкадан қуёш энергияси соҳа-

си бўйича 300 нафарга яқин мутахассис ва эксперталар қатнашдилар.

ОТБ президентининг ушбу ташрифи доирасида, «Самарқанд шаҳрида 100 МВт қувватга эга қўёш фотоэлектрик станциясини барпо этиш», «Аму—Бухоро ирригация тизимини реабилитация қилиш» ҳамда «Кичик ва микро молиялашни ривожлантириш» лойиҳалари бўйича умумий қиймати 380 миллион АҚШ доллара тенг битимлар имзоланди.

Томонлар мазкур дастур ўзаро шериклик муносабатларини сифат жиҳатдан янги мазмун билан бойитишга, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун замин яратишига ишонч билдириши.

Маълумки, мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида, мамлакатимиз иқтисодиётидаги амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар саноат тармоқларига «яшил иқтисодиёт» тизимини жорий қилиш, инновацион тараққиётни жадаллаштириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилгани билан дунё жамоатчилиги эътиборини тортмоқда. Ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг муҳим омили бўлган энергетика тизимини модернизация қилиш, соҳага замонавий технологияларни татбиқ этиш, энергия ҳосил қилишнинг муқобил манбаларидан кенгроқ фойдаланиш изчил олиб борилаётган ислоҳотлар самараси шундай дейишгага асос бўла олади. Бунинг учун, ўтган даврда, зарур ташкилий-хуқуқий шарт-шароитлар яратилиб, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Электр энергетикаси тўғрисида»ги ва «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунлари ҳамда бошқа бир қатор хуқуқий хужжатлар қабул қилинди. Пировардидаги, электр ва иссиқдик энергияси ишлаб чиқариш суръатини ошириш, бу жараёнда ишлатиладиган табиий ресурсларнинг сарфини камайтиришга эришиш барабарида, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш даражаси такомиллаштирилаётгани диққатга сазовордир.

Дарҳақиқат, бугун кундалик ҳаётимизни, иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини электр энергиясисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, кейинги йилларда унга бўлган эҳтиёж шунчалик ошиб кетдики, бу истеъмол ҳажми унинг ишлаб чиқариш суръатидан ҳам ортишига олиб келди. Айни шу жиҳат эса эндиликда, соҳага инновацион технологияларни кенгроқ жорий этиш орқали уни янада тараққий эттириш билан бирга, табиий газ, нефть, кўумир каби ресурсларни тежашни ҳам тақозо қилаётir.

Ачинарли жиҳати, углеводород манбаларидан сурункали фойдаланиш оқибатида кейинги йилларда, сайёрамизда иқлим ўзгариши, озон қатламиининг емирилиши каби глобал экологик муаммолар ҳам юзага келяпти. Буларнинг барчаси, дунё ҳамжамияти

олдига қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни долзарб масала сифатида қўймоқда.

Таҳдилларнинг кўрсатишича, ҳозир ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишда АҚШ, Германия, Италия, Испания, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Бразилия каби давлатлар етакчилик қиляпти. Кейинги йилларда эса, мазкур жабха Осиё минтақасида ҳам жадал тараққий этиб, ундан ижтимоий-иқтисодий соҳаларда фойдаланиш қўлами тобора кенга-йиб бораётгани эътиборга лойикдир. Бу борада, хусусан, Ўзбекистонда салмоқли тажриба тўпланган бўлиб, илмий ва экспериментал тадқиқотлар олиб борилаётгани ҳолда шу асосда тайёрланган ишланмалар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Жумладан, Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган, Марказий Осиёда тенги йўқ илмий-экспериментал марказ — Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг фаолияти бунинг яққол тасдигидир. Негаки, ушбу жамоа тадқиқотларининг самаралари жаҳон миқёсида аллақачон эътироф этилган. Бу ерда, иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун паст қувватли қурилмаларни яратиш, электр энергияси олиш учун фотоэлектрик ва термодинамик ўзгарткичлар, маҳсус материаллар синтези технологиялари, материаллар ва конструкцияларга термик ишлов беришда куёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари амалга оширилмоқда. Унинг натижалари эса, мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларида қўлланияпти.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон қуёш энергияси соҳасидаги илғор технологияларни Марказий Осиёда тажриба тариқасида жорий этишда амалий макон сифатида хизмат қиласди, десак муболага бўлмайди.

Европа фотоэлектрик саноати Ассоциацияси (EPIA) маълумотига қараганда, бутун дунёда қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш суръати муттасил ўсиб бормоқда. Айтайлик, 2012 йилда жаҳон бўйича умумий қуввати 100 ГВт.га teng бўлган фотоэлектрик панеллар ўрнатилган бўлса, 2013 йилнинг 10 ойида 30 ГВт.ли шундай қурилмалардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Пировардида, биргина Германияда фотоэлектрик станциядан олинган электр энергияси нархини 0,07 АҚШ долларигача камайтиришга эришилди.

Мамлакатимизда эса, таъбир жоиз бўлса, Президентимизнинг 2013 йил 1 мартағи «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги Фармони ноанъанавий энергия ресурслари, жумладан, қуёш энергиясидан фойдаланиш учун кент имкониятлар эшигини очиб берди. Чунки ушбу ҳужжатда, тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда қуёш ва биогаз энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги экспериментал

ва амалий тадқиқотларни янада чукурлаштириш, бунда мүқобил манбалардан энергия ҳосил қилиш бўйича тажриба лойиҳалари ни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши, ўзимизда тегишили ускуналарни, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқариш, уларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, фотоэлектрик панеллар тайёрлаш бўйича лойиҳаларнинг имтиёзли кредитлар билан молиялаштирилиши, қуёш ҳамда биогаз энергиясини ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчиларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши белгилаб кўйилган.

Тошкент шаҳрида Халқаро қуёш энергияси институтининг ташкил қилингани эса, соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Нега деганда, қуёш энергиясидан саноат кўламида фойдаланиш учун юқори технологик ишланмаларни амалга ошириш, қуёш энергияси потенциалини илгор ва самарали технологиялар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада қўллаш бўйича таклифлар тайёрлаш, жумладан, маҳсус материалларни синтез қилиш ва уларга термик ишлов бериш технологияларини амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ амалий тадқиқотларни ўtkазиш, қуёш энергетикаси соҳасидаги йирик лойиҳалар бўйича хужжатларни ишлаб чиқиши борасидаги ишларни мувофиқлаштириш айнан ушбу илмий даргоҳнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Бундан ташқари, мазкур институт фан ва саноат тармоқлари ўргасида кўпприк вазифасини ҳам ўтайди. Бошқача айтганда, Халқаро қуёш энергияси институти олимларимиз томонидан яратилган инновацион ишланмаларни, шунингдек, чет элнинг илгор ишланмаларини технологиялар трансфери орқали арzonлаштирган ҳолда бозорбоп саноат намунаси даражасига олиб чиқиб, унинг тўлиқ конструкциявий технологик хужжатларини тайёрлашда фаоллик кўрсатади. Шу маънода, у «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Фанлар академияси, «Давархитекткурилиши» қўмитаси ва иқтисодиётимизнинг бошқа соҳалари учун технологик майдон бўлиб хизмат қиласиди, бу нафақат Ўзбекистон, балки, бутун Осиё қитъасининг бошқа мамлакатларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришга қаратилган янги қўшма лойиҳаларни амалга оширишда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Мутахассисларга аёнки, қуёш электр станциялари ва сув иси-тиш гелиоколлекторларини барпо этишда кремний, германий, галлий, арсенидий, кадмий-теллур, галлий фосфиди каби ярим-ўтказгич материалларидан фойдаланилади. Бугунги кунда эса,

кремний асосида яратилган курилмалар кенг қўлланилаётган бўлиб, улардан 25—30 йил, ҳатто 35—40 йил давомида фойдаланиш мумкин.

Ана шу ноёб саноат хом ашёси юртимиз заминида бисёр эканлиги, кейинги йилларда у саноат усулида ишлаб чиқарилаётганига бугун барчанинг ҳаваси келмоқда. Мисол учун, 2012 йилда «Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зонасида ишга туширилган «UzKor Silikon» Ўзбекистон—Жанубий Корея қўшма корхонаси йилига 12 минг тонна техник кремний ишлаб чиқариш қувватига эга. «Ангрен» маҳсус индустрисал зонасида бунёд этилаётган яна бир корхона ишга туширилгач эса, бу ерда йилига 5 минг тонна шундай қўмматбаҳо хом ашёни тайёрлаш ўзлаштирилади.

Шу билан бирга, мамлакатимизда соҳага ихтисослаштирилган «Эко-Энергия», «Mir Solar», «Интеллект Диалог», «Чигатай инвест», «Solar Energy Products», «Solar Plus», «Hi-Tech Solar», «Nova Engineering» каби ўнлаб корхоналар фаолият юритяпти. Уларда электр қуввати олиш учун кичик қуёш станциялари, иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун паст потенциалли курилмалар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хусусан, қуритиш ускуналари тайёрланиб, юртимиз аҳолисига етказиб бериляпти.

Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, фотоэлектрик станциялардан дастлабки босқичда, юртимизнинг тоғли ва чекка қишлоқлари аҳолиси фойдаланган бўлса, кейинги босқичда, у ижтимоий соҳа обьектлари — қишлоқ шифокорлик пунктлари, таълим муассасалари, Мехрибонлик уйларида татбиқ қилинди. Сўнгра, пахта тозалаш заводлари ва саноатнинг бошқа тармоқларида ҳам фойдаланила бошланди. Бугунги кунга келиб, муқобил энергия пойтахтимиздаги корхоналарда ҳам кенг қўлланилмоқда. ОАТ «Алоқабанк» биноси ва унинг ҳудудини ёритиш мақсадида, фотоэлектрик станцияси ва светодиод чироқлари ўрнатилгани, «Unitel» МЧЖ ва қатор алоқа компанияларининг шундай станциялардан фойдаланиш устида иш олиб бораётгани бунга мисол бўла олади.

Соҳада бундай муваффақиятларга эришишда кўплаб олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллажларида малакали кадрлар тайёрла наётгани, илмий ишланмалар муаллифлари моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, албатта. Жумладан, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси томонидан Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон Фанлар академияси институтлари ва бошқа олий таълим муассасалари ҳамда касб-хунар коллажлари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилгани илмий изланишларни саноат муаммолари ечимиға йўналтириш, таълим ва амалиётни уйгунликда олиб бориши имконини бермоқда. Буларнинг барчаси, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан электр энергетикаси соҳа-

сини ривожлантиришга энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилиб, ишлаб чиқаришга янги технологиялар ва ускуналарни жорий этиш ҳисобига энергетика кувватларини ошириш, унинг муқобил манбаларидан чуқурроқ фойдаланишини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган оқилона ислоҳотларнинг амалий натижасидир.

Таъкидлаш мумкинки, Самарқанд қуёш фотоэлектрик станцияси Марказий Осиёда бунёд этилаётган биринчи энг йирик муқобил энергия иншоотидир. Соҳа мутахассисларининг узоқ изланишлари натижасида қуёш нури тик тушадиган, географик жиҳатдан жуда кулай жой танланган. Яъни жами 404 гектар ер майдони ажратилиб, шундан Пастдаргом туманида 254 гектар ва Нуробод туманида 150 гектар майдонда курилиш ишлари бошлиб юборилган.



Самарқанд вилоятида курилиши мўлжалланган 100 МВт кувватли қуёш фотоэлектрик станцияси лойиҳаси.

«Самарқанд вилоятидаги 100 МВт кувватли қуёш фотоэлектрик станциясининг курилиши» лойиҳасини амалга оширишдан асосий мақсадлар:

- Ўзбекистонда узоқ муддатли истиқболда электр энергиясини ишлаб чиқариш учун қуёш энергиясини ишлатиш;
- энергетика тизими жануби-ғарбий қисмининг электр таъминоти мустаҳкамлигини ошириш;
- Самарқанд вилояти саноат обьектлари ва аҳолиси электр таъминотининг иқтисодийлиги ва ишончлилигини ошириш;
- Ўзбекистонда қайта тикланувчан манбалардан электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш;
- 50 та янги иш ўринларини яратиш;
- иилига 159 ГВтс электр энергиясини ишлаб чиқариш.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш 2013–2016 йилларга мўлжалланган. Ўзбекистон ва Осиё Тараққиёт Банкининг ўзаро манфатли ушбу кўшма лойиҳаси мазкур молия институтининг имтиёзли кредити ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблаглари ҳисобидан молиялаштирилади. Унинг техник-иқтисодий асослари «Ўзбекэнерго» давлат акция-

дорлик компанияси буюртмасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг «Ўзогирнефтгазкимёлойиҳа» институти томонидан ишлаб чиқилмоқда.

Молиялаштириш манбалари:

Лойиҳанинг дастлабки қиймати — 310 млн АҚШ долл, шу ҳисобда:

- Осиё Тараққиёт Банки кредит маблағлари — 110 млн АҚШ долл;
- Республика Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (ФРРУ) нинг кредит маблағлари — 130 млн АҚШ долл (1-жадвал).

1-жадвал

Капитал харажатлар таҳлили

Кўрсаткичлар	Юпқа илёнкали, чекланган қиялиқда	Ярим кристалли, чекланган қиялиқда	Ярим кристалли бир ўқли технология	Ярим кристалли икки ўқли технология
Куввати 100 МВт				
Курилиш ишлари (инфраструктура)	12,6	11,5	21	38,1
Модуллар	75	83,3	83	83,3
Инверторлар	17	17,2	17	17,2
Конструкциялар	18	15,8	35	51,3
Юқори кучланишга уланиш	18	18	18	18
Базовий операцион тизим	35,8	35,8	31,3	31,3
Электротизим ва йиғиш компонентлари	17	17	14,3	14,3
Конструкциялар	8	8	7,1	7,1
Қўриқланиш	3,7	3,7	2,8	2,8
SCADA тизими (маълумотлар йиғиш ва бошқариш учун диспетчер)				
	2,8	2,8	2,8	2,8
Техник персонал, сурурга, ишчи кучи	4,3	4,3	4,3	4,3
ЖАМИ (млн АҚШ долл)	176,4	181,6	207	239

- «Ўзбекэнерго» ДАК шахсий маблағлари — 26 млн АҚШ долл;
- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қўйилмаси — 44 млн АҚШ долл.

Жами 479 мингта қуёш панели ўрнатиладиган ушбу ноёб станция ишга туширилгач, катта ҳажмда соф қуёш электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти вужудга келади. Пировардида, йилига ўргача 40 миллион куб метр табиий газ тежалиб, атмосферага чиқадиган буғ газлари 200 минг тоннага камайтирилади.

2-жадвал

**Республика ҳудудлари кесимида қуёш нурлари
имкониятлари маълумоти**

(млрд кВт соат)

Ҳудудлар	A	B	C	D
Республика бўйича жами	553	525,3	760,6	592,7
Қорақалийистон Республикаси	223	198	292,1	227,3
Андижон вилояти	1,3	1,4	1,8	1,5
Бухоро вилояти	55,2	49,2	71	55,2
Жиззах вилояти	23,5	21,8	30,9	24,3
Қашқадарё вилояти	33,3	32	44,3	35,2
Навоий вилояти	137,8	148	215,5	167,3
Наманган вилояти	2,4	2,6	3,4	2,8
Самарқанд вилояти	19,1	17,8	25,1	19,8
Сурхондарё вилояти	28,4	26,4	38	29,7
Сирдарё вилояти	3,9	3,4	5,1	3,8
Тошкент вилояти	16,8	15	22,2	17
Фарғона вилояти	2,1	2,3	3,1	2,5
Хоразм вилояти	6,2	5,6	8,1	6,3

Юртимизда бундай улкан станцияларни барпо этиш қўлами бундан кейин ҳам тобора кенгайиб бораверади. Сабаби, дастлабки таҳлиллар Кармана, Фузор, Шеробод, Поп ва Паркент туманларида ҳам ана шундай иншоотларни ишга тушириш учун таби-

ий имконият мавжудлигини күрсатмоқда. Шунга мувофиқ, ушбу худудларда маҳсус тадқиқот ва ўлчаш ишлари жадал давом эттирилаётгани, Ўзбекистон күёш энергияси соҳасида янада залварли ютуқларни қўлга киритишидан далолатдир.

Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, Халқаро экология ташкилотлари, шунингдек, техноген хавфлар бўйича мутахассис ва экспертларнинг узоқ саъй-ҳаракатлари натижасида, 2014 йилнинг январида АҚШ Конгресси ва Сенати муҳим қонунчилик нормаларини жорий этишни кўзда тутадиган қонунни қабул қилди ва АҚШ Президенти уни имзолади.

Мазкур қонунга мувофиқ, Халқаро молия институтлари директорлар кенгашлари таркибидаги АҚШ вакиллари, энди йирик тўғонлар ва гидроэнергетика обьектлари қурилиши бўйича лойиҳаларни қўллаб-кувватлаш учун қарз олиш ёки ушбу лойиҳалар билан боғлиқ ҳар қандай хужжатни маъқуллашга қарши чиқишига мажбур.

Бугунги кунда, АҚШ асосий халқаро молия институтлари, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Халқаро ривожланиш ассоциацияси, Осиё Тараққиёт Банки, Осиё ривожланиш жамғармаси ва бошқа молия институтларининг йирик акциядори ва донори ҳисобланади. Америка Кўшма Штатлари ўзи акциядор бўлган барча халқаро молия институтларига тўғонлар ва йирик гидроэнергетика обьектлари қурилишига қаратилган ҳар қандай лойиҳани молиялаштириш ва маъқуллаш тўғрисидаги таклифларни қўллаб-кувватлашни қонуний тақиқлаб қўйган.

АҚШ қонунчилик ва ижро ҳокимиятларининг ушбу қарори ҳар томонлама асослидир. Чунки, сўнгги йилларда эколог-мутахассислар, техноген хавфлар бўйича экспертлар, муҳандис ва ҳуқуқшунослар томонидан ўtkazilgan тадқиқотлар, мазкур муаммонинг халқаро даражада бир неча бор муҳокама этилиши, баланд тўғонлар қуриш оқибатида юзага келадиган салбий ҳолатлар, хавф ва таҳдидлар билан боғлиқ масалага ойдинлик киритди. Зеро, бу билан боғлиқ масалалар, айниқса, тоғли шароитларда янада мураккаб тус олиб, кўплаб соҳаларда олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши ва тузатиб бўлмас даражада зарар етказиши мумкин.

Шу боис, экология ташкилотлари ташабbusи билан қабул қилинган ва АҚШнинг барча ҳокимият тармоқлари томонидан қўллаб-кувватланган мазкур ҳуқуқий нормалар кенг қўламли экологик, техноген ва ижтимоий-иктисодий фалокатларга сабаб бўладиган йирик гидроэнергетика обьектларини қуриш лойиҳалари-

ни амалга оширишга йўл қўйиб бўлмаслигига аниқ ва тўғри ишорадир.

Марказий Осиё минтақасида йирик тўғон ва гидроэнергетика обьектларини барпо этишга йўл қўймаслик тоят долзарб масаладир. Чунки сўнгти йилларда минтақанинг асосий трансчегаравий дарёлари – Амударё, Сирдарё ва уларнинг ирмоқларида ҳали собиқ Иттифоқ тузуми даврида қурилиши режалаштирилган йирик гидроэлектр станциялар, жумладан, Рогун ГЭСи ва 1-Қамбарота ГЭСини қуриш лойиҳаларини қайта тиклашга қатъий уринишлар бўлмоқда.

Бундай лойиҳаларнинг асосий хавфли томони шундаки, электр энергияси тақчиллиги ва янги кувватларни ташкил этиш муаммосини ушбу лойиҳалар амалга оширилиши оқибатида, бутун минтақа учун узоқ муддатли ҳалокатли оқибатлар юзага келиши мумкинлигини эътиборга олмай ҳал қилишга уринишлар бўлаётир.

Минтақа экологиясининг ўнглаб бўлмас даражада ўзгариб кетиши ва табиатдан фойдаланиш бўйича юзага келган тизимлар ана шундай асосий хавфлар сирасига киради. Бу Марказий Осиёда жиддий экологик ҳалокатнинг янада кучайишига олиб келиши мумкин. Йирик тўғонлар қурилиши минтақанинг шундоқ ҳам нозик экологик мувозанатини издан чиқариб, асосий сув оқимларини мавсумий тақсимлаш ва кўп йиллик мавжуд бошқариш тизимини тўлиқ ўзгартириб юборади, минтақадаги сув ресурслари тақчиллигини ҳалокат ёқасига келтириб қўяди.

Тўғонлар қурилиши Амударё ва Сирдарёнинг қуи оқимида жойлашган мамлакатларда ёз мавсумида, сув ниҳоятда камайиб, узоқ вақт кучли қурғоқчилик юзага келиши, қиппа эса, фалокатли тошқинлар рўй бериши, экин майдонларининг шўрланиши ва ҳосилдорлик кескин камайиб, миллионлаб одамларнинг оч-наҳор ва ишсиз қолишига, ахолининг бу ердан оммавий кўчишига сабаб бўлиши мумкин. Глобал экологик ҳалокат зонасига айланиб бораётган Орол денгизига туташ ҳудудларда эса, ахвол бундан ҳам мураккаблашади.

Бугунги кунда батамом эскирган, бундан 40 йил муқаддам Совет Иттифоқи даврида ишлаб чиқилган, хавфсизлик ва барқарорлик бўйича замонавий талабларга мутлақо жавоб бермайдиган лойиҳалар ва меъёрлардан фойдаланишга уринишлар оқибатида пайдо бўладиган техноген фалокатлар ҳам жуда хавфлидир.

10 балли кучли зилзилалар ва мураккаб тектоник ўзирилишлар мунтазам содир бўлиб турадиган ҳудудда, дунёдаги энг баланд тўғонларни барпо этиш кўзда тутилмоқда. Рогун тўғони қурилиши мўлжаланаётган жой кучли туз қатламидан иборат

бўлиб, сувнинг сизиб кириши натижасида, тузлар аста-секин эриб кетиши ҳеч гап эмас.

Бундай тўғонларнинг ўпирилиш эҳтимоли ўз йўлидаги барча гидротехник иншоотларни буткул ювиб кетадиган улкан ва кучли сув тўлқинлари ҳосил қилиши мумкин. Бу, ўз навбатида, ушбу дарёлар қуи оқимида жойлашган юзлаб аҳоли пунктларининг тўлиқ ёки қисман сув остида қолишига, юз минглаб одамларнинг курбон бўлиши ва бошқа сон-саноқсиз фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин.

Трансчегаравий дарёларда баланд тўғонлар қурилиши оқибатида юзага келадиган хавф-хатарлар ҳақида гапирганда, халқаро ҳуқуқ нормалари, хусусан, БМТнинг мажбурий халқаро мустақил экспертиза ўтказиш, заарар етказмаслик ва бундай лойиҳалар бўйича барча манфаатдор мамлакатлар билан келишиш зарурлиги ҳақида аниқ талаблар белгиланган тегишли халқаро конвенциялари («Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисида»ги конвенция, «Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро қўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича» конвенция, «Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақида»ги конвенция) талаблари, албатта, ҳисобга олиниши шарт.

Шубҳасиз, АҚШда мамлакат парламенти ва ҳукуматининг мазкур масала юзасидан қатъий позициясини аниқ ифода этган ушбу қонуннинг қабул қилиниши, жаҳон ҳамжамиятининг йирик тўғонлар ва гидроэлектростанциялар қурилиши етказадиган мислсиз хавфлар оқибатини англаб етадигандан яна бир карра далолат беради. Бу қарор Марказий Осиёда йирик тўғон ва гидроэлектростанциялар қуриш лойиҳасини амалга оширишга ўжарлик билан интилаётганларни хушёр тортириши даркор.

Юқорида қайд этилган халқаро молия институтларининг Марказий Осиё минтақасида асосий инвесторлар экани инобатта олинадиган бўлса, қабул қилинган ушбу қонун бундай улкан лойиҳаларнинг амалга оширилиши етказадиган барча хавф-хатар ва оқибатларга яна бир бор теран кўз билан қарашга ундаиди, шунингдек, мавжуд энергия тақчиллиги муаммосини ҳал этишнинг муқобил йўлларига эътибор қаратиш бўйича янги имкониятлар яратади. Зоро, муаммони ҳал этишининг муқобил йўллари экологик нормаларни бузмайди, техноген ҳалокатларни келтириб чиқармайди, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган халқаро ҳуқуқ нормаларига зид келмайди.

Бу борада, «ЭКОСАН» экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фондининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўми-таси, БМТ Тараққиёт Дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар,

Ўзбекистоннинг бир қатор вазирликлари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этган тадбирлари, жумладан, олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейлар, умумтаълим мактабларида ўтказилган конференциялар, давра сухбатлари, учрашувлар, кўрик-танловлар, айниқса, Сирдарё, Навоий, Самарқанд вилоятлари олий ўқув юргларидаги илмий изланишлар асосида ги амалий конференциялар, экомедиатурларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. Нировардида, Тошкент шаҳридаги «Сехриё» хусусий ўқув муассасасининг «ЭКОСАН» тўгараги ўқувчилари нинг муқобил энергияга оид изланишлари Россия, Украина, Белоруссиядаги кўрик-танловларда иштирок этишга муяссар бўлиш мөқда. Уларнинг эйхорния ўсимлиги иштирокида ўз ўқув масканни ва атрофидаги кўп қаватли уйлардан йигилган оқова сувларни тозалаш, ушбу ўсимликни йиғишириб олиб, ҳосилидан мактаб боғида ўғит сифатида фойдаланаётгани эътиборлидир. Ушбу тажриба асосида «ЭКОСАН» фондни вилоятлардаги ўқув муассасаларида маҳорат семинарлари уюштиришни режалаштирган.

Глобал Экологик Фонд (ГЭФ) халқаро ташкилоти ва бошқа бир қатор вазирликлар, жамоат ташкилотлари ҳамкорликда тайёрлаб, ўтказган тадбирлари, жумладан, илмий-конференциялар, экомедиатурлар, давра сухбатлари соҳа ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётгани эътиборлидир.

1.4. Иқтисодиётни ривожлантиришдан турмуш сифати ва даражасини ошириш сари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастури бу борадаги ишлар сифатини янада яхшилашга қаратилган. Бугунги кунда иқтисодиётнинг барча тармоқлари, жумладан, замонавий саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги, энергетика, машинасозлик ва бошқа соҳаларда мавжуд фоят муҳим технологик ва илмий муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган фундаментал тадқиқотлар ҳамда инновацион лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Зотан, бозор муносабатлари ривожланиб бораётган бир шароитда бозор субъектларининг инновацион фаолиятига дахлдор масалалар ва уларнинг таъсирчан механизми, мамлакат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Айнан инновациялар мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, таннархни пасайтириш, энергия истеъмолини камайтириш, инвестициялар оқимини кўпайтириш асносида янги-янги бозорларнинг вужудга келиши имконини беради.

Ўзбекистонда илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, илм-фанинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётини тезлаштириш, мамлакатни демократик янгилашдаги ролини кучайтириш йўлида 2008 йилдан бошлаб, ҳар йили республика инновацион фоялари ва лойиҳалари ярмаркаси ўтказиб келингани. Уларда иқтисодиётнинг реал секторига амалий илмий-тадқиқотлар ҳамда тажриба конструкторлик ва технологик ишланмаларни жорий этиш юзасидан қатор шартномалар, аҳдлашув протоколлари имзоланмоқда. Жумладан, ўтган вақт мобайнида 2000 дан зиёд инновацион лойиҳалар ва технологиялар намойиш этилиб, 59,4 миллиард сўмлик 1945 та шартнома имзолангани, уларнинг натижасида 21 турдаги маҳсулотни серияли ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани, 69 та шартнома асосида маҳсулотларнинг тажриба-синов ва саноат намуналари яратилгани бунинг яққол тасдигидир.

Интеллектуал мулкнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланган ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, селекция ютуқлари, ахборот технологиялари обьектларининг ҳукуқий муҳофазаси ва улардан фойдаланиш соҳасидағи муносабатлар ўнлаб халқаро шартномалар, битимлар, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг «Интеллектуал мулк» деб номланган бўлими, 5 та қонун ва 140 дан ортиқ норматив ҳукуқий актлар воситасида тартибга солиб борилади. Улар орасида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, айниқса, муҳим ўрин тутади.

«Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорга асосан, илмий амалий ишланмалар ва инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кент татбиқ этилишини таъминлаш масъулияти вазирликлар, идоралар, уюшмалар, компаниялар ва бошқа қатор мутасадди хўжалик бирлашмалари зиммасига юкланган. Улар модернизация, янги технологиилар жамғармаларига, тармоқ ва корхоналарни инновацион ривожлантиришга жавобгар бўлган таркибий бўлинмаларга, зарур ҳолларда, лойиҳа конструкторлик бюроларини ташкил этишда хўжалик бошқаруви органлари корхоналарга кўмаклашиб келмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад — инновацион ишланмаларни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модерниза-

ция қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёnlарига тадқиқотларни татбиқ этишни рағбатлантириш бўйича амалий механизмлар яратиш, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида мустаҳкам алоқани таъминлашдир. Айнан мана шу қарор билан 2013 йилнинг 1 январигача бўлган даврда, илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда ташкилотлари лойиҳа конструкторлик идоралари, хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномалар бўйича амалга ошириладиган тадқиқот ишларини бажариш жараёнида даромад солиғи, ягона солиқ тўлови, қўшилган қиймат солиғи ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар тўлашдан озод этилган.

Бундай инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жалб этишдек вазифани амалга ошириш иши, албатта, фуқаролик муомаласида ҳаракат қилувчи мол-мулк обьектлари ичидан жой олган интеллектуал мулк обьектлари муомаласи билан чамбарчас боғлиқдир. Аммо, интеллектуал мулкни тижоратлаштириш соҳаси бундай обьектларни яратиш, фойдаланиш, фуқаролик муомаласига киритиш ва бошқа тарзда уни тасарруф этиш билан боғлиқ назарий ҳамда амалий муаммолар борлигини тан олмоқ лозим.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари тизими илм-фан соҳасига ҳам таъсир ўтказмасдан қолмаяпти, албатта. Бозорнинг обьектив қонуниятлари фундаментал фан билан шугулланувчи олимларнинг рағбатлантирилишини тақозо этади. Чунки фундаментал ва аниқ фанлар бўйича тадқиқотларга йўл очилсагина, инновацион лойиҳалар ҳамда технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш имкони вужудга келади. Шу нуқтаи назардан, наздимизда, бугун тадқиқотлар олиб борувчи ижодкорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, илмий муассасаларнинг аниқ мақоми ва бошқа фанларга оид муносабатларини тартибга солишга қаратилган «Фан тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш долзарб бўлиб турибди.

Рационализаторлик таклифлари ҳақида бир оғиз сўз: улар интеллектуал мулк обьектлари таркибига кирмайди. Қолаверса, у ижодий фаолият натижаси бўлмаслиги ҳам мумкин. Аммо корхонада вужудга келган бундай таклифлар моддий ва молиявий манбаларни тежашга имкон берувчи фойдали счимлар яратади. Демак, уни фуқаролик муомаласига киритиш ва ундан самарали фойдаланиш мумкин. Гап шундаки, ишлаб чиқаришга жалб этиш ёки этмаслик билан боғлиқ хукуқ корхонанинг ўзига тегишли бўлади.

Иқтисодий сиёсат – иқтисодиётни бошқариш, мамлакат мақсадлари, вазифалари, манфаатларига мувофиқ ҳолда иқтисодий

жараёнларга муайян йўналиш беришда давлат, ҳукумат фаолиятиниг бош йўналиши, тадбирлар тизими кабилар иқтисодиёт фани соҳаларидан бири. Таркиби эса, инвестиция, молия-кредит, ижтимоий, ташқи иқтисодий фаолият, илмий-техника, солик, бюджет соҳаларидағи сиёсатни қамраб олади.

Иқтисодий тараққиёт модели (франц. *modele* – ўлчов, намуна) — мамлакат иқтисодиётини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг стратегияси, мақсадлари, умумий тамойиллари ифодаланган назарий қарашлар мажмуи. «Иқтисодий тараққиёт модели» тушунчаси XX асрнинг 50-йилларида пайдо бўлган. Бу даврга келиб, кўпчилик собиқ мустамлака мамлакатлар ўз мустақиллигига эришиб, миллий давлат қуриш йўлига ўтган эдилар. Бу вақтда, асосий уч йирик тараққиёт йўли бўлиши мумкинлиги ҳақидаги қарашлар бор эди. XX аср охиirlарига келиб, бирон-бир мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини қатъий қабул қилинган қоидалар доираси билан чеклаб туриш мумкин эмаслиги, тараққиёт йўллари (моделлари) анча кенг кўлам ва мақсаддага эгалиги, улардан бирини танлашда ҳар бир мамлакат ўз ички шарт-шароитларидан келиб чиқмоғи зурурлиги маълум бўлди. Иқтисодиёт назариясида айрим олимлар «Иқтисодий тараққиёт модели»ни давлат тузуми деса, бошқалари ижтимоий-иқтисодий формация, учинчилари эса ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг аниқ белгиланган йўли, деб ҳисоблайди.

«Иқтисодий тараққиёт модели» иқтисодий муносабатларнинг кенг миқёсли тизими, ҳукуқий, маъмурий ҳамда хўжалик механизmlари орқали бошқарилади. Бундай муносабатларнинг субъекти — мулк эгалари, хўжалик фаолияти иштирокчилари, уюшмалар, давлат ва хусусий сектор, мамлакат доирасидаги минтақа ва тармоқлар ҳисобланади. Албатта, «Иқтисодий тараққиёт модели»га ахлоқ ва дунёқараш, менталитет, турмуш тарзи, маданият каби ижтимоий меъёрлар ҳам ўз таъсирини маълум даражада ўтказади.

«Иқтисодий тараққиёт модели» глобал ва миллий характерда бўлади. Ҳозирги вақтда, тараққиётнинг бир қатор типик глобал моделлари шаклланган. Улар орасида Осиё, Европа, Лотин Америкаси, Осиё—Тинч океан, Африка ва постсовет «Иқтисодий тараққиёт модел»ларини кўрсатиш мумкин. Улар ички тараққиёт омиллари, шарт-шароитлар, ишлаб чиқариш тузилмаси ва бошқа жиҳатлари билан бир-бирларидан тубдан фарқланади. Мисол учун, осиёча тараққиёт модели жамоанинг кучли позицияси ва диний омилга асосланган бўлиб, бу моделда ундирувчи саноат ва қишлоқ ҳўжалиги асосий ўринда турса, европача мо-

делда иқтисодий тараққиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги, хусусий ташаббуснинг юқори даражали ривожланганлиги, бизнесни қўллаб-кувватлаш ва солик ундиришнинг шароитига мослашувчан тизими, жамиятнинг технократик йўналиши, ялпи ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори ҳиссаси кўзга ташланади.

Лотин Америкаси модели хом ашё тамойилига қурилган бўлиб, ундирувчи саноат тармоқларининг ривожланганлиги, меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги, хуфёна наркокапиталнинг юқори ҳиссаси, экспортнинг паст, товар ва хизматлар импортининг эса юқори даражаси, иқтисодиётда майдаги ишлаб чиқаришнинг сезиларли даражаси билан характерланади. XX асрнинг 70–80-йилларида шаклланган Осиё—Тинч океан моделининг типик хусусияти — юқори технологияга эгалиги, табиат ва инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш илмий базасининг ривожланганлигидир. Африка «Иқтисодий тараққиёт моделлари» типик хом ашё йўналиши, иқтисодиётда паст унумдорлик даражаси, меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги, аҳоли турмушининг паст даражаси, инфратузилманинг ривожланмаганлиги, уруғчилик, қабилалар ўргасидаги можаролар, ижтимоий-сиёсий бекарорлик билан тавсифланади.

Постсовет «Иқтисодий тараққиёт модели» МДҲ мамлакатларига хос бўлиб, уларни ишлаб чиқариш технологиясининг умумий хусусияти, ягона стандартлар, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг умумий вазифалари бирлаштиради. Собиқ Иттифоқ республикаларининг 70 йилдан ортиқ бирга бўлиши иқтисодий муносабатларнинг яқинлашувига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаган. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида ва ҳатто, унинг ўрталарига келиб ҳам бу мамлакатлар ташқи савдо айланмасининг ярмидан кўпроғи МДҲга тўғри келар эди. Аммо кейинчалик бу тенденция миллий тараққиёт моделларида етакчи ўринни эгалай олмади. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятида саноати ривожланган мамлакатлар биринчи даражага кўтарилиди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида, Ўзбекистон олдида бир қатор стратегик ривожланиш йўллари пайдо бўлган эди. Уларни тўрт йўналиш — хом ашё, аграр, индустрисал, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича гурухлаш мумкин. Улардан бири, республика учун реал иқтисодий тараққиёт модели бўлиши мумкин эди. Аммо хом ашё йўлини танлаш табиий бойликларнинг янада талон-тарож қилиниши, аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси саноатнинг ундирувчи тармоқларига зўр бе-

ришга олиб келарди. Иттифоқ йўналиши бу йўлни келтириб чиқарган эди.

Агар «Иқтисодий тараққиёт модели» агросаноат комплекси (АСК) тармоқларини ривожлантиришни тақозо қилиб, аҳолининг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги билан банд қилишга олиб келар эди. «Индустрисий тараққиёт модели»нинг самарадорлигини Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари тажрибаси тасдиқлаган. Тараққиётнинг хизмат кўрсатиш йўналиши ҳам Ўзбекистонга қўл келиши мумкин эди. Бу йўлдан бораётган Европа мамлакатларида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 40 фоизи шу соҳада яратилади. Баъзи мамлакатларда туризм ЯИМнинг 25 фоизини ҳосил қиласди.

Ўзбекистон юқорида саналган моделлардан биронтасидан воз кечмади, балки ўзининг «иқтисодий тараққиёт модели»да улардан фойдаланди. Бой табиат ресурслари, уни қайта ишлаш ва ундан мақсадли фойдаланиш чет эл инвестицияларини киритиш имконини беряпти. АСК ривожланиши қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга олиб келмоқда. Қишлоқда мамлакат аҳолисининг 60 фоизи яшайди. Индустрисий тараққиёт иқтисодиётни экспортта, импорт ўрнини босадиган товарлар ишлаб чиқаришга ундамоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси бозор ислоҳотларининг ижтимоий йўналишини кучайтирумоқда. Ўзбекистоннинг «иқтисодий тараққиёт модели» халқнинг тарихий тажрибаси, анънавий маданияти билан белгиланган. Чунки исломнинг хусусияти шундаки, у фақатгина дин эмас, балки унга сифинадиган халқларнинг турмуш тарзи ҳамдир. Шунинг учун ҳам 70 йилдан ортиқ давр мобайнида ташқаридан тиқиширилган «Совет турмуш тарзи» бу ерда кенг томир отмади.

Ислоҳотларнинг дастлабки йилларида, Ўзбекистон бошқа мамлакатларда тажрибадан ўтган у ёки бу «Иқтисодий тараққиёт модели»ни қабул қилиши лозим, деган фикр юрар эди. Ҳатто, турк ёки Хитой моделларини қабул қилиш зарурлиги таъкидланган эди. Аммо Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатга ўз йўли, ўз тараққиёт модели зарурлигини кўрсатди. Ўзбекистон раҳбари илгари сурган туб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг 5 тамойили — иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, давлат бош ислоҳотчи, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш, қонун устуворлитини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёsat юритиш — «ўзбек модели»нинг асосини ташкил этади.

Қисқа вақт ичида, иқтисодий тараққиётнинг «ўзбек модели» ўзининг ҳаётйлигини кўрсатди. Ўзбекистон иқтисодиёти учун

Шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистондаги энергия ресурсларининг умумий истеъмол баланси охириги ўн йилликда табиий газ 84—87 фоиз, мазут 8—11 фоиз ва кўмир 3,5—4,4 фоизни ташкил этмоқда. Кўриниб турибдики, ёқилғи энергетика баланси шаклида энергетика хавфсизлиги талабларига оптимал жавоб бермайди. Маълумки, нефть ва газ захиралари бошқа давлатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам камайиб бормоқда, у бир неча ўн йилликларга, шу билан бирга кўмир захираси 250 йилдан кўпроқ муддатта етиши мумкин. Шундан хулоса қилиб, бугунги кўмирнинг Ўзбекистон энергетикасидаги роли пастлигини ҳисобга олган ҳолда ундан фойдаланишни ошириш учун фаоллик кўрсатиш зарур. 2015 йилгача бўлган ёқилғи-энергетика балансининг диверсификациялари режасида кўмир қазишни 11 фоизга етказиш белгиланмоқда.

Ўзбекистон энергия ресурслари ўзига етарли бўлган мамлакатdir. Шу билан бирга, табиий газ ва нефть захираларини истеъмол қилиш шуни кўрсатяптики, улар мамлакат эҳтиёжларини бир неча ўн йиллар давомида таъминлаши мумкин. Лекин бу даврга келиб, сарфланаётган электр энергия ҳажми мамлакатда икки баробар ошиши мумкин, яъни 50 млрд кВт, уни ишлаб чиқариш учун эса анъанавий углеводородли қайта тикланмайдиган энергия ресурслари етарли эмас. Келажакдаги зарур ўзгаришларни инобатга олиб, бугуннинг ўзидаёқ, энергиянинг қайта тикланувчи манбаларини ривожлантириш ҳақида ўйлаб кўриш керак. Булар қаторига гидроресурслар, қуёш, шамол, атом ва биомассалар энергияси киради.

Келгусида, энергия етказувчилардаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, Марказий Осиё ҳудуди ва Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси, шунингдек, тахмин қилинаётган энергия истеъмолининг, айниқса, қишлоқ жойларда ўсиши ҳисобга олинса, қайта тикланадиган энергияни ривожлантириш зарурияти шубҳасизdir.

Бутун дунёда энергетик инқироз ҳукм сураётган вазиятда, қайта тикланадиган энергия манбаси яна ҳам оммабоп бўлиб бормоқда. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида, республикамиз учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишининг ишончли йўлларидан бири сифатида электро-энергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ҳамда энергияни тежашнинг самарали тизими ни жорий этиши чораларини амалга ошириш лозимлигини, мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва энергия ресурслари-

дан нечоғлиқ тежамли фойдалана олишимизга боғлиқ эканлиги-ни алоҳида қайд қилиб ўтганлар. Ҳозирги пайтда қазиб олинадиган ёқилғилар — кўмир, нефть, табиий газ ва уран захираси дунё энергетика балансининг асоси ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг келажақдаги ривожланиши, аҳолининг ўсиши ва мавжуд анъанавий энергия таъминоти ҳисобга олинса, энергия таъминоти мос равишда ортиб боради. Ундан ташқари, қазиб олинган ёқилғиларни ишлатиш атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Мамлакатимизда энергетика секторининг фаолияти туфайли ташланадиган заҳарли моддалар миқдори 80 фоиздан кўпроққа тўғри келади.

Маълумки, Ўзбекистон ёқилғи-энергетика ресурслари бўйича ўз эҳтиёжини тўла таъминлай оладиган давлатdir. Ҳозирги вақтда бу таъминотнинг асосий қисмини, яъни қарийб 80 фоизини табиий газ, 7,6 фоизини нефть, 5 фоиздан ортигини кўмири ташкил этади. Мамлакатимиз муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича ҳам улкан салоҳиятга эга.

Президентимиз 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруzasида табиий ресурслардан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, муқобил энергия ресурсларни излаш ва жорий этиш ишларининг талаб даражасида эмаслигини, ушбу соҳада зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар тўпланиб қолганини алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар. Ана шу таңқидий фикрлар, тадқиқотларни ривожлантириш ва истиқболли деб топилган илмий ишланмаларни амалиётга тезроқ жорий этиш масъулиятини янада оширди.

Чиндан ҳам, юртимизда муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятлари катта. Айтайлик, республикамида йилнинг асосий қисми қуёшлидир. Унинг куввати 50 триллион 973 миллион тонна шартли ёқилғига тенг бўлиб, мамлакатимизда аниқланган жами энергия захираларига нисбатан анча кўпdir.

Тўғри, муқобил энергия манбаларидан, энг аввало, қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида илмий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бориш борасида Ўзбекистонда муайян тажриба тўплangan. Улар юзасидан ишланмалар қилинганди. Ҳусусан, Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг тадқиқотлари натижалари жаҳон миқёсида эътироф этилган. Иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун паст потенциалли курилмаларни яратиш, электр қуввати олиш учун фотоэлектрик ва термодинамик ўзгартиргичлар, маҳсус материаллар синтези

технологияларида, материаллар ва конструкцияларга термик ишлов қүёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари, айниқса, фаол ва самарали давом этмоқда. Республикада қүёш энергияси билан сув иситадиган курилмалар асосида уй-жойлар ҳамда ижтимоий объектларни иссиқ сув билан таъминлаш тизимлари ишлаб чиқилиб, улардан тажриба тариқасида фойдаланиляпти.

Олимлар олдида турган вазифа инновацион илмий ишланмаларни иқтисодиётнинг турли тармоқларига кенг татбиқ қилиш, фан, технология ва иқтисодиёт ривожланишининг уйғунлигини таъминлашдан иборатдир. Фикримизча, инновацион ишлаб чиқаришнинг ривожланишида электр ва иссиқлик энергетикаси ресурсларини тежаш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Республикамиз шароитида, айниқса, бу соҳада қүёш батареялари, шамол ва микрогидроэнергетик асбоблар каби энергияни тиклаш манбаларининг кенг кўламда жорий қилиниши кутилган самарани бериши шубҳасиз. Сабаби, агар мамлакатимиз энг кўп қўёшли кунларга эга минтақа эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, жойларни иситишда қўёш коллекторларини ишлатишга ўтилса, бу билан иқтисодиёт ҳамда энергетика тизимида катта ютуққа эришган бўлардик.

Қайд этиш керакки, қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш ҳамда қўёш энергиясида ишлайдиган улкан объектларни куриш учун муайян ер майдонлари талаб қилинади. Чунки 1 МВт электр энергияси ҳосил қилиш учун бир гектар майдонга, 100 МВт кувват учун эса 100 гектар ерга қўёш курилмаларини ўрнатиш зарур. Шунинг учун, республикамизда муқобил ва қайта тикланадиган энергетиканинг барча йўналишлари бўйича алоҳида технология ва технологик база яратилиши керак.

Ўзбекистондаги яна бир қайта тикланувчи энергия манбаи, бу – гидроэнергия ресурслари бўлиб, унинг салоҳияти бошқаларига нисбатан анча чуқур ўрганилган. Кўйидаги рақамга эътибор беринг: мамлакатимиздаги катта-кичик дарёларнинг энергия ҳосил қилиш куввати 107 миллиард 1 миллион 50 минг кВт соатга тенг. Қолаверса, муқобил энергия соҳасида биомассадан фойдаланиш бўйича ҳам кўплаб лойиҳалар амалга ошириляпти.

Ер юзида кейинги қирқ йил мобайнида экологик муаммоларнинг ортиб бораётганлиги мутахассис-олимларни жиддий ташвишга соляпти. Бунга асосий сабаб – иқтисодий тараққиёт мақсадларида энергиядан фойдаланишининг меъёридан ортиб кетишидир. Ёқилфининг органик турларидан фойдаланувчи электр ва иссиқлик станцияларидан, тобора ортиб бораётган ичдан ёнардвигателларидан чиқаётган заарли газлар туфайли атроф-муҳит

жиддий талафот кўрмоқда. Негаки, ҳароратнинг кўтарилиш жарайёнлари – атмосферага ёқилгининг органик турларидан фойдаланувчи иссиқлик электр станцияларидан чиқаётган газ чиқиндилари билан боғлиқдир. Шу ўринда, бошқа далилга ҳам эътибор бермоқ лозим. Кейинги қирқ йил ичida инсониятнинг бутун тарихи давомида қазиб олинган органик ёқилғидан ҳам кўпроқ ёқилғи қазиб олинган. Бугунги кунда йилига табиий ёқилғи ишлатиш миқдори дунё бўйича 12 миллиард тонна нефть эквиваленти (т.н.э.)га¹ тўғри келмоқда. Ҳар йили ишлаб чиқариш ва ишлатиш ҳисобига нефть, табиий газ, кўмир, уран каби табиий бойликлар захирасининг шиддатли тарзда камайиши инсониятни жиддий ташвишга соляпти.

Иқтисодий ривожланишни тезлаштириш, тараққиёт ва атрофмухитта зарар келтирмайдиган жараён бўлиши учун, дунё экологик тоза ва арzon энергия манбасига муҳожж. Ушбу муаммога тадбиркорлик билан ёндашиб, технологияларни ўзгартириб ва маҳаллий ташаббусларни қўллаб-куватлаб ҳал этиш мақсадга мувофиқ.

Мўл, арzon, экологик тоза ва мустаҳкам энергия манбаидан фойдаланиш — ҳозирги дунё олдида турган энг муҳим муаммолардан бири. Давлат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ), экологик тоза энергия соҳасида анъянавий изланишларга таяниб, нефть бойлигини сарфлашни камайтириши бутун дунёга фойда келтиради.

Ушбу муаммони ҳал этишга киришиши — мамлакат энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлайди, ҳавонинг ифлосланишини камайтиради ва иқлим ўзгаришига қарши туради. Бу соҳада ўтказилган тадбирлар самараси ўзини ўзи бошқариш мавжуд бўлган жойларда демократик маданиятнинг мустаҳкамланиши ҳамда демократик жамиятни қуриш каби стратегик мақсадларда ўз аксини топади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлари, вазирликлар, алоқадор корхоналар, ННТлар ҳамкорликда ташкил этиб келаётган тадбирлар бунга яққол мисол бўла олади. Жумладан, Олий Мажлис хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-куватлаш жамоат фонди гранти доирасида «ЭКОСАН» экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди амалга ошираётган «Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари» китобини тайёрлаш ва чоп эттириш лойиҳаси ҳам ёрқин эътибор маҳсулидир.

¹ Нефтнинг ёнишидан ажralиб чиқадиган иссиқлик эквиваленти сифатида қабул қилинган, у 41,868 Гж/т.га тенг.

2.2. Ўзбекистоннинг 2020 йилгача энергетика баланси

Ўзбекистон иқтисодиёти энергия истеъмол қилиш структураси

Ўзбекистон анъанавий энергетика: табиий газ, кўмир, нефть, ёнувчи сланец, уран, гидроэнергетика ресурсларига бой. Уран ва ёнувчи сланецдан ташқари, барча энергетика манбаи ресурсларидан мамлакат энергия балансида фаол фойдаланилади.

3-жадвал

Ўзбекистонда бошлангич энергетика ресурсларининг истеъмоли структураси

Бошлангич энергетика ресурслари турлари	2000 йил		2005 йил		2010 йил	
	МИНГ Т.Н.Э.*	%	МИНГ Т.Н.Э.	%	МИНГ Т.Н.Э.	%
Барчаси	53765,1	100	55344,2	100	58282,6	100
Табиий газ	45752,5	85,1	49091,2	88,7	53499,5	91,8
Нефть ва газ конденсати	7575,2	14,1	5611,1	10,1	4058,2	7,0
Кўмир	0,831	0,002	0,846	0,002	0,793	0,001
Йирик гидро- энергетика	365,242	0,7	519,4	0,9	563,1	1,0
Кичик гидро- энергетика	69,316	0,1	119,9	0,2	159,238	0,3
Бошқа манбалар	2,064	0,004	1,720	0,003	1,720	0,003

* Ўзбекистон учун нефть эквивалентини ҳисоблаш коэффициенти: нефть — 1,005; табиий газ — 0,8112; қўнғир кўмир — 0,3007; тошкўмир — 0,594; электр энергияси — 0,86.

Шу билан бирга, энергия истеъмолининг структураси шундай далолат берадики, Ўзбекистон кўпроқ табиий газга бой, у энергия истеъмолида нафақат асосий (92 фоиз атрофида), балки ўсиш ҳиссасини ташкил этади. Табиий газдан ташқари, энергетика ресурсларидан фойдаланиш ижобий динамикасида, фақат кичик гидроэнергетика ўзига хос ўрин эгаллайди.

Табиий газ баланси таҳдилида шу нарса кўринадики, унинг маълум даражадаги, яъни 19—20 фоиз қисми республикада электр энергия ишлаб чиқаришга сарфланади. Иссикълик электр энергияси ишлаб чиқаришга ва иссиқ сув (марказлашган ва марказлашмаган), шунингдек, овқат пиширишга яна 30 фоиз атрофида табиий газ (шу жумладан, 7 фоиз атрофида — марказлашган қозонхоналарда) сарфланади.

Структурада табиий газнинг кейинги ўн йилларда экспортга йўналтирилаётган ҳиссаси икки каррадан кўп, яъни 9,2 дан 20,2 фоизгача ошиди, бу газнинг дунё нархи ўсиши шароитида, энг катта умумий ички баҳонинг ошиб бориши, нефтгаз соҳаси валюта даромадларининг давлат бюджетига тушуми ўсишини таъминлайди, шунингдек, савдо, валюта ва тўлов балансларининг структурасини яхшилайди. Электр энергия баланси таҳдили шуни кўрсатадики, умумий ресурслар ҳажмида электр энергияси ишлаб чиқаришнинг 84—90 фоиз қайта тикланмайдиган углеводород хом ашё ҳиссасига (йилнинг сувли бўлган йилларига боғлиқ) тўғри келади ва фақат 10—16 фоиз қайта тикланувчи ресурслар, яъни гидротехника ҳиссасига тўғри келади (*4-жадвал*). Шу билан бир қаторда, электр энергияси ишлаб чиқаришнинг кичик ва ўрга ГЭСлар яратилиши, биринчи навбатда, курилиш ва янги обьектларнинг ишга туширилиши ҳисобига ўсиши ижобий ҳисобланади.

4-жадвал

Ўзбекистонда электр энергияси ишлаб чиқариш структураси (фоизда)

Пайдо бўлиш (генерация) манбалари	2000 йил	2005 йил	2010 йил
Иссикълик электр станцияси	89,2	84,4	83,8
Гидроэлектростанциялар	10,8	15,6	16,2
Улардан — ўрга ва кичик гидроэлектростанциялар	1,7	2,9	3,6
Жами	100	100	100

Ўзбекистонда энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиши

Мамлакатимиз ўз углеводород ресурсларидан фойдаланишида қулай шароитга эга. Маълумотларга кўра, у 2,2—5,1 млрд т.н.э.

ни ташкил қиласы. Шу жумладан, 82—245 млн т.н.э. нефть, 1476—1979 млн т.н.э. табиий газ ва 639—2851 млн т.н.э. күмір.

Шу билан биргә, бундай улкан захирага қарамасдан, эксперталар ҳисоб-китобларига күра, нефть 10—12 йилга, табиий газ 28—30 йилга, күмір 50 йилдан ортиққа етиши мүмкін, деб таҳмин қилинмоқда.

2010 йили нефть қазиб олиш ва газ конденсати мамлакатда кескин тушиб кетди ва 2000 йилга нисбатан таққослаганда 53,6 фоизни ташкил қилды. Таҳминларга күра, Күйдемалоқдаги бош кон камайғанлығы туфайли ва янти очилған конларнинг захиралари унча күп бўлмагани сабаб, нефть қазиб олиш камайиши мүмкін.

Таҳдиллар кўрсатмоқдаки, мамлакатда қайта тикланмайдиган ёқилғи-энергетика ресурслари унча самарали ишлатилмаяпти. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳисоб-китобларига кўра, ялпи ички маҳсулотда энергия сифими дунёнинг ривожланган мамлакатлар даражасидан 4,7 марта, ривожланаётган мамлакатлар даражасидан 1,4 марта ортиқни ташкил қиласы.

Хисобдаги асосий йўқотишлар — 3 млн т.н.э. ёки 5,2 фоиз барча истеъмолдаги бошлангич энергетика ресурслари, бирламчи қазиб олишда ва энергетика ресурсларини транспортировка қилишда, корхоналарда ёқилғи-энергия ресурси ва хом ашё сифатида фойдаланишда, шунингдек, ундан майшний секторда фойдаланишда содир бўлади.

5-жадвал

Ўзбекистоннинг ресурсларни қазиб олишда, транспортировка қилиш ва фойдаланишдаги йўқотишлари

(қазиб олиш ёки ишлаб чиқаришга нисбатан фоизда)

Йўқотишлар	2000 йил	2005 йил	2010 йил
Нефть ва газ конденсати соҳаларидаги йўқотилиши	1,53	1,5	1,5
Табиий газнинг соҳалардаги йўқотилиши	0,6	2,1	2,2
Электр энергиясининг технологик ва иқтисодий йўқотилиши	16,5	16,7	16,9
Күмірнинг йўқотилиши	2,4	2,4	2,4

Масалан, мамлакатда 1 кВт соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун, амалдаги иссиқлик электрстанцияларида 340 граммдан күпроқ шартли ёқилғи ишлатиласы, замонавий иссиқлик электрстанцияларида эса бу күрсаткіч 320 грамм шартли ёқилғини (г.ш. ё./кВт с) ташкил этмоқда. Агар электр энергия ишлаб чиқариш учун буг-газ (ПГУ) қурилмалари құлланилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги сезиларлы ұсган. Буг-газ қурилмаларининг самарадорлиғи, буг-куч қурилмаларига нисбатан анча юқори, яъни 35—39 фоиз әмас, аксинча, 50—56 фоиз. Электр энергияси ишлаб чиқариш учун ёқилғининг шартли харажати, анъанавий буг-куч қурилмасидаги 320—360 г.ш.ё./кВт с үрніга, әнд янти қурилмаларда 200—240 г.ш.ё./кВт с.ни ташкил қылади.

Хозирги пайтда, мамлакатда иссиқлик электр станцияларидаги эски ускуналарни замонавий буг-газ (ПГУ) ва газтрубиналик қурилмаларга алмаштириш ва қуришнинг модернизацияси дастури қабул қилинган бўлиб, у электр энергияси ишлаб чиқаришда табиий газнинг солиштирма харажатларини маълум дара жада қисқартиришга имкон беради (Навоий ТЭСда битта ПГУ, Таллимаржонда иккита, Тошкент ва Тахиатош ТЭСларida биттадан). Агарда барча иссиқлик электр станцияларини буг-газ ва газтрубиналик қурилмаларга ўтказилса, унда 1 кВт/соат электр энергияси учун газ сарфи 164,3 г.ш.ё.ни ташкил этади ёки амалдаги даражадан 2 мартадан кам сарф бўлади (жумладан, 450 МВт қувватли 2 та буг-газ ускунаси қурилиши билан Таллимаржон ИЭСнинг кенгайтирилиши натижасида, қуввати: 2x450 МВт электр энергияси ишлаб чиқариш; 5,4 млрд кВт с/йил; қурилиш муддатлари: 2013—2016 йиллар; умумий нархи: 1280 млн АҚШ долл; молиялаштириш манбалари: «Ўзбекэнерго» ДАК маблаглари — 380 млн АҚШ долл; кредит маблаглари (ОТБ, ЛICA) — 650 млн АҚШ долл; Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди — 250 млн АҚШ долл).

Бундан ташқари, Янгиангрен ГЭСини босқичма-босқич кўмирдан фойдаланишга ўтказиш кўзда тутилган, аммо CO_2 ажralиб чиқиши кескин ортади (амалга ошириш муддатлари: 2014—2016 йиллар; нархи: 304,2 млн АҚШ долл).

Молиялаштириш манбаларида ишлар олиб бориляпти.

Лойиҳани амалга ошириш натижалари:

- электр энергиясини кўмирда ишлаб чиқариш — 7,4 млрд кВт с;
- кўмир истеъмолини йилига 6,4 млн тоннагача ошириш;
- табиий газни иқтисод қилиш 495 млн м³.

Шунингдек, энергия тежамкорлиғи бўйича бошқа чоралар ҳам кўзда тутилган:

- металлургия, кимё, цемент корхоналарида эски ускуналарни энергия тежамкор ускуналарга алмаштиришга имкон берадиган кенг техник модернизациялаш;
- электр, газ тармоқларини, компрессор станцияларини ва шу кабиларда, узатиш ва истеъмолчиларга етказиб беришда, энергия ресурсларини йўқотишни камайтиришни таъминловчи модернизациялаш;
- иқтисодиётда ва майший секторда қозонларни алмаштириш;
- ҳамма жойда электр энергияси ва табиий газ сарфини ҳисоблайдиган замонавий ҳисоблагичлар жорий этиш.

Ҳисоб-китоблардан шу маълум бўлдики, кўрсатиб ўтилган энергия тежамкорлиги чоралари натижасида, бошланғич энергия манбалари истеъмолини 20 фоизгача ва йилига 11,3 млн т шартли ёқилғи тежаш мумкин.

Бу ҳар йили табиий газ экспортини амалдагига нисбатан 1,5–1,7 марта ошириш имконини яратади, бошқача айтганда, агар амалдаги экспорт ҳажми сақлансанса, ўз эҳтиёжлари учун кепрак бўлган захира таъминотини 1,26 мартадан (ҳозирги 30 йилгача эмас, балки 38 йилгача) кўпайтиришга имкон беради.

2.3. Қайта тикланадиган энергетика ва глобаллашув

Углеводородли хом ашё захирасининг дунёда тугаб бораётган шароитда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенгайтириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бизга нима учун қайта тикланувчи, муқобил энергия манбаси зарур?

Замонавий жамиятимизнинг қундан-кунга туганмас энергия манбаларига талаби ортиб бормоқда, чунки нефть, кўмир ва газ чексиз эмас. Бундан ташқари, олимлар аллақачон бошқа манбаларни яратишиди, улар экологик, иқтисодий ва айтиш мумкин, абадий ёки оддий қилиб айтганда, қайта тикланувчиидир. Муқобил энергиядан фойдаланиш, инсонни кўп муаммо ва талафот оқибатларининг олдини олишга ёрдам беради, шунингдек, табиатга зиён келтирмайди.

Муқобил энергия манбалари нима, улар қандай бўлади?

У бир қурилма, иншоот ёки оддий усулдаги қандайдир турдаги энергия олишга имкон туғдирувчи бўлиб, амалдаги манбаларнинг ўринини босади. Еврокомиссия мутахассисларининг тарькидлашича, 2020 йилга бориб, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш натижасида 2,8 миллионга яқин янги иш ўринлари яратилади.

Хўши, қайси манбаларни муқобил ҳисоблаш мумкин?

Куйидагиларни муқобил энергия манбаларининг турлари де-йиш мумкин:

- шамол (шамол энергияси);
- қуёш (куёшнинг электромагнит нурланиши);
- Ер энергияси ёки геотермал (сайёрамизнинг иссиқлиги);
- сув энергияси ёки гидроэнергетика (сув манбаларидағи сув энергияси);
- биоэнергетика (қайта тикланиши мумкин бўлган ёқилғи энергетикаси).

Муқобил энергетика дунёда инновацион ривожланишга сўзсиз омил бўлмоқда:

- электр энергетикасининг энергия самараадорлигини оширади;
- янги иш ўринлари яратилади;
- одамларнинг ҳаёт фаровонлиги ошади;
- электр ва иссиқлик энергияси пайдо бўлишининг янги технологик базаси шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш, шунингдек, саноат, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида ҳамда ижтимоий ҳаётда фойдаланиш учун етарли миқдорда энергия ресурсларига эга. Ҳозирги кунда энергетика ресурслари ишлаб чиқариш ҳажми ички талабдан 15–20 фоиздан ортиқни ташкил қилмоқда.

Ёқилғи-энергетика комплексини тез ривожлантириш давлат-тимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган.

Электроэнергетика Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг базавий соҳаси ҳисобланади ва муайян ишлаб чиқариш ва илмий-техник манбаига эга бўлиб, унинг ривожланишига салмоқди таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергетика соҳасидаги давлат сиёсатида, саноати ривожланган, шу билан бирга, ривожланётган қатор мамлакатларнинг қайта тикланадиган энергиядан фойдаланишдаги ривожланиш тажрибаси ва уларнинг миқёси ҳисобга олинган. Бу шуни кўрсатади, қайта тикланадиган энергетика соҳасида аниқ мақсад ва вазифанинг белгиланиши ҳамда давлат томонидан кўллаб-кувватланиши – қайта тикланадиган энергиянинг анъанавий энергия ишлаб чиқариш технологиясига нисбатан рақобатбардош бўлишига кўмаклашади.

Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия ресурсларидан фойдаланишнинг айни вазиятдаги аҳамияти шундаки, гидроэнергетикадан ташқари, унинг ресурслари, ҳозирги пайтда кенг (саноат аҳамияти миқёсида) фойдаланилмаяпти. У ҳам, барча янги технологиялар каби НҚТЭМга оид изланиш, ишланма ва таж-

рибалар жорий этиш босқичида бўлиб, иқтисодий ҳамда қонуний-мөъерий қўллаб-кувватланиши керак.

Кейинги йиллардаги қонунларнинг мониторинги, ҳукуматнинг қарор ва кўрсатмалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикасидаги НҚТЭМ соҳасида фойдаланилаётган амалдаги қонуний ва мөъерий база қайта ишланиши ва қўшимчалар киритилиши, иқтисодий ва молиявий механизмлари ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишининг ривожланишини қўллаб-кувватлаб, бошқариш механизми ифодасини топган бўлиши керак.

Бу қонунлар ижроси жараёнида янги ресурсларни тежайдиган ва экологик тоза технологиялар, замонавий ускуналар ва энг муҳими, ҳам ишлаб чиқаришда, ҳам кундалик турмушда юксак даражадаги энергия таъминотини тарғиб этиш борасида бир қатор рағбатлантиришлар жорий этилиши лозим.

Энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги лойиҳалар ва дастурларга мувофиқ бунёд этилаётган, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланадиган, иккиласи ресурслар ва чиқиндиларни ишлатадиган энергетика қурилмалари учун белгилана-диган электр ва иссиқлик энергиясининг нархлари ана шу қурилмалар қурилишига кетган капитал маблағлар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан келишилган муддатларда жадал қопланишини таъминлаши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Аммо қайта тикланадиган энергия манбаларини ишлаб чиқиш, тарқатиш, сотиш, ундан фойдаланиш каби тизимни тартибга соладиган бир қатор масалалар ечими очиқ қолган. Шу сабабдан ҳам, ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этади.

Энергетика ресурслари ва муқобил энергия истеъмолига талабнинг узоқ муддатли башорати

Мамлакатимиз олдида ЯИМнинг ўсиш суръатини ҳар йили камида 8 фоиз даражасида узоқ муддат таъминлаш вазифаси турибди. Бу чорани амалга ошириш учун, қўшимча қиймат ҳосил қиласидиган йирик ишлаб чиқаришларни яратиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни, инфратузилмани ривожлантириш ишлаб чиқариш секторида, мос равишда, энергия истеъмолининг ўсиши талаб этилади. Бир вақтнинг ўзида аҳоли сонининг барқарор ўсиши ва унинг даромад даражаси амалий жараёнда майший секторда энергия истеъмолининг ўсишига олиб келади.

Энергия истеъмолининг энг кўп ўсиш суръати, жорий даражадаги энергия сифими: электроэнергетика, кимё ва нефтгаз-

кимё саноати, транспорт ва шахсий транспорт, уй-жойни иситища кузатилади.

Мамлакатнинг энергия таъминоти балансини, асосий бошлангич энергетика ресурслари турлари бўйича икки усулда башорат қилиб баҳолаш мумкин: мавжуд энергия самарадорлиги даражасида (*1-усул*) ва қабул қилинган лойиҳа ва дастурлар, энергияни тежаш дастурлари ҳисобга олинган ҳолда чоралар белгилаш орқали (*2-усул*).

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, агар энергия тежамкор чоралари белгиланмаса ва суюқ углеводородларни муқобил қайта ишланган табиий газ (суюлтирилган, сиқилган газ, синтетик суюқ ёқилғи) билан алмаштирилмас экан, суюқ углеводородлар иқтисодиёт ва аҳолининг талаби ошиши босими остида, 2015 йилга бориб, 1,5 млн тоннадан ортиқни ташкил этиши мумкин.

Белгиланган чоралар, кўрсатиб ўтилган тақчиллик (дефицит) ни икки баробар юмшатади, лекин нефть импортини тўлиқ ҳал этмайди. 2015–2020 йилларда, суюқ углеводородларнинг кескин тақчиллиги, мамлакат учун табиий газдан, янги аслини олганда синтетик ёқилғи ишлаб чиқаришнинг яратилиши ҳисобига вақтинча юмшайди.

Лекин 2020 йилдан сўнг суюқ углеводородларнинг тақчиллиги ўз ресурсларининг деярли тўлиқ тугаши мумкинлиги сабаб, яна ўсади ва 2030 йилдан кейин, мамлакат энергетикаси учун ва тўлиқ иқтисодиётга хавф туғдириши мумкин.

Ушбу лойиҳани «Сасол» (ЖАР) ва «Петронас» (Малайзия) билан ҳамкорликда амалга ошириш мўлжалланмоқда.

2030 йилда талаб этиладиган умумий ҳажмдаги суюқ углеводород ресурслари тўлиқ тугаса, муқобил энергия манбалари билан алмаштириш талаб этилади ва у ҳар йили, кейинчалик иқтисодиётнинг ўсиш суръати оралиғида 4,5 млн тонна нефть эквивалентини ташкил этади.

Тахмин қилинишича, шу даврга бориб, энергия таъминоти захираси амалда тўлиқ тугайди. Шу билан бирга, суюқ углеводородларни катта ҳажмда Ўзбекистонга импорт қилиш учун денигизга чиқишига йўл бўлмагани, шунингдек, узатма қувурлар орқали қазиб олинаётгани, яқин масофаларда бўлмагани учун, углеводородли манбаларни етказиб келтириш ўзига яраша муаммоли масала.

Буларнинг барчаси суюқ углеводородлар балансининг мамлакат учун жуда мустаҳкам эмаслигини ва иқтисодиётнинг ривожланишида юқори таваккалчилик пайдо қиласиди. Суюқ углеводородларга нисбатан, табиий газ ресурслари нафақат тақчил бўлган балансини, ҳатто табиий газнинг 26–27 млрд куб м.гача ўсиб бораётган экспорт ҳажмини таъминлайди.

Энергия тежамкорлиги бўлиши мумкин бўлган усулида ҳисоблаб, 1000 куб м табиий газнинг ўртача баҳосини агар 220 АҚШ доллари деб олинса, умумий валюта тушуми 5,7—6 млрд АҚШ долларини (агар газ баҳосини 300 АҚШ доллари деб ҳисобланса, 7,8—8,1 млрд долларни) ташкил қиласди. 2012—2020 йиллар даврига экспортдан умумий маблағ тахминан 200,5 млрд куб м табиий газдан худди шу усулда 44,1 млрд АҚШ долларини (300 АҚШ доллари бўлганида 60,2 млрд АҚШ долларини) ташкил этади.

Шу билан бирга, табиий газ қазиб олиш ҳажмининг энг мақбул усули қабул қилинган. Бу шундан далолатки, 2020 йилгача бўлган даврда қазиб олинадиган (башорат қилинган) ресурсларни ололмаслик миқдори таваккалчилиги йилига 2 дан 5 млрд кубгacha ёки 1,6 дан 4,1 млн т.н.э.гача бўлиши мумкин. Ушбу ҳажм — табиий газ ресурсларини муқобил энергия манбалари ҳисобига ўринини босишга 2020 йилгача зарур бўлган минимал (сумма) миқдордаги имкониятдир.

Энг муҳими, муқобил энергия ҳисобига энергетика балансида 2020 йилдан кейин табиий газнинг ўринини босадиган мустаҳкам базани яратишдан иборат. Чунки 2030 йилгача энергетик ресурс тақчиллиги равшан, бундан ташқари, 2050 йилгача шиддат билан ўсиб боради. Экспертлар башоратларига кўра, 2020—2030 йиллар даврида табиий газнинг қазиб олиш ҳажми кўпаймаслиги мумкин, ички иқтисодиётда газга талаб ўсиши шароити, экспортни ҳисоб-китобларда 2—4 млрд куб м.га қисқартиришга олиб келади. 2030 йилдан кейин, газ қазиб олиш камайиши шароитида ҳар иили импорт 4—7 млрд куб метрни ташкил этиши мумкин.

Шундай қилиб, 2030 йилдан кейинги даврда газнинг умумий камайиши, 2020 йилга нисбатан 10 млрд куб м ёки 8,2 млн т.н.э.га ошиши мумкин. Бу ҳажм 2030 йилдан кейинги даврда, табиий газни муқобил энергия манбалари билан ўринини босиш учун зарур минимал ҳажмдир.

Хулоса шуки, 2030 йилдан сўнг, мамлакатдаги фақат энергетик мустаҳкамликни таъминлаш учун йилига 12—13 млн тонна нефть эквиваленти ёки 21 фоиз мамлакатнинг ҳозирги энергия истеъмолини муқобил энергия билан алмаштириш талаб этилади.

Муқобил энергетиканинг халқаро ривожланиши тажрибаси

Муқобил энергетика, асосан, қайта тикланадиган энергия манбалари (КТЭМ)га таянади, у қўлланиш технологиясига боғлиқ ҳолда анъанавий ва ноанъанавийга бўлинади.

Анъанавий КТЭМларига йирик гидроэнергетика, шунингдек, тўғридан-тўғри ёқиб юбориш орқали олинадиган анъанавий энергия биомасса (ўтин, гўзапоя, тезак ва бошқ.) киради.

Халқаро Энергетика Агентлиги (МЭА) методологияси бүйича ноанъанавий ҚТЭМга қуидагилар киради:

- 10 МВт.гача бұлған кичик гидроэнергетик ресурслари (янын иирик ГЭСлардан ташқари), қайсики, сувнинг кинетик энергиясини электр энергиясига айлантириб беради (бунда сув ҳеч қаерга йүқөлмайды);
- табиий ҳолда ер қаъридан иссиқ сув, иссиқлик ёки бүг турива етиб келадиган геотермал манбалар;
- қуёш энергияси;
- океан энергияси (сувнинг құтарилиш тұлқини, тұлқин, оқим ва бошқалар);
- шамол энергияси;
- ёқиғлганида электр энергияси берииш қобилиятига эга бұлған саноат ва коммунал чиқиндиілар (қаттық, суюқ, газ ҳолдаги), биологик парчаланувчи ёки бошқа услугда қайта ишланувчи чиқиндиілар;
- қышлоқ ва ўрмон хұжалиги, шунингдек, бу мақсадда маҳсус етиштириладиган ұсимликлар (балки ҳар йили етиштириладиган ресурслар) каби ҳар хил ҳосил бұладиган биомассалар.

Бундан ташқари, кейинги пайтда, ноанъанавий энергетика — водород энергетикаси йүналишига катта эътибор берилмоқда. Шунингдек, атом энергетикаси ва термоядро синтези муқобил энергетикага киради. Умуман, муқобил энергия манбаига анъанавий углеводород хом ашёларни алмаштира оладиган, исталған, әнд экзотик манбалар киради.

ҚТЭМнинг устуворлиги — асосий ресурснинг энергия олиш учун қайта тикланиши, юқори экологик хусусияти ҳисобланади.

ҚТЭМнинг асосий камчиликлари айрим ресурс турларига йүл (хамма давлат ҳам деңгизга, дарёлар, аңхорлар гидроресурсларига чиқиши йүли, етарлича шамол даражаси, йил давомида етарлича қүёшли күнлар, етарлича миқдорда ер майдони ва био-энергетика ресурсларини етиштириш учун сув ресурсларига эга әмас), шунингдек, ҚТЭМ базасидаги қурилмаларни яратиш нарихи, қозирча, анча қиммат.

Бундан ташқари, табиат жараёнларига (шамол, қүёшли күнлар ва бошқ.) асосланған муқобил энергия манбалари, ҳамма вақт ҳам, электр энергияси ишлаб чиқариш, уни истеъмол қилиш даври билан боғлиқ әмас. Масалан, қуёш энергияси қиши пайтида, булутлы күнларда камроқ миқдорда, одатда, энергия истеъмолига талаб әнд күп бўлади. Бу — ушбу манбаларни мавсум ва ишлаб чиқариш маромининг етарлича барқарор бўлишида камчилик ҳисобланади ва уларни анъанавий манбалар билан бирга қўшиш, мослаштиришни талаб этади.

Шу билан бирга, ҚТЭМнинг келажаги узоқ режада уларнинг барқарорлигига боғланади, чунки уларнинг имконияти жуда катта ва айрим турларининг келажак таҳлили амалда чексиз.

Лекин, ҚТЭМнинг дунёдаги охирги истеъмол балансидаги ҳиссаси ҳозирча 13 фоиз атрофида ташкил этади, йирик гидроэлектрстанцияларни кўшиб ҳисоблагандага 18—20 фоиздан ошмайди. Бунда ноанъанавий энергия манбаларининг ҳиссаси атиги 2,5—3,5 фоизга тўғри келади.

Шубҳасиз, ҚТЭМнинг (муқобил энергетика ресурсларини назарий баҳолашда) назарий ва амалий фойдаланиш имкониятлари ўртасида жуда катта фарқ мавжуд. ҚТЭМнинг назарий имконияти (ҳатто, қийин ҳолда ўзлаштириладиган геотермал энергияни чиқариб ташлагандага ҳам) йиллик ҳажми дунёда ҚТЭМ ишлаб чиқаришдан деярли 9 минг марта ортади. Қуёш энергетикаси унча катта бўлмаган назарий имкониятга эга, у ўзича амалдаги бошлангич энергетика ресурсларини ишлаб чиқариш ҳажмидан 8,8 минг марта ортиқ.

Ҳатто ҚТЭМнинг йиллик техник имкониятлари (амалдаги технологияларда ҚТЭМ базасидаги қурилмаларнинг қувватлари имкониятлари), ҳозирги вақтда, дунёдаги барча бошлангич ресурслар (445 ЭДж 2006 йил ҳолатига) ҳажмидан 17 марта ортиқ.

6-жадвал

Дунёда қайта тикланувчи энергия манбалари имкониятлари

(ЭДж/йил)

Энергия манбалари	Ўзлаштирилган имкониятлар	Техник имкониятлар (ҳозирги дараҷада ўзлаштириш мумкин бўлган техник дараҷада)	Ялпи (назарий имкониятлар)
Гидроэнергия	24,0	50,0	150,0
Биомасса энергияси	50,0	250 дан кўп	2900
Қуёш энергияси	3,0	1600 дан кўп	3900000
Шамол	0,5	600	6000
Геотермал энергия	2,5	5000	140000000
Денгиз ва океан энергияси			7400
Жами	80	7500 дан кўп	143000000

Техник имконият — бу мавжуд технология, техник восита-ларни ишга солиб, ялпи имкониятнинг бир қисмини амалда қўллаш мумкинлиги.

Ўзлаштирилган имконият — бу энергиянинг ҳақиқатан фойдаланилаётган қисми.

Муқобил энергиядан фойдаланишининг техник шакллари

Кичик гидроэнергетика — бу 10 МВт.гача бўлган кичик дарё, анхор, канал, шаршараларга жойлаштирилган электрстанциядир. Техник сувнинг тўсилган (каскад, тўсилган) оқимини генераторга ёки бир неча кетма-кет уланган генераторларга йўналтирилиши, йўналтирилган кучли сувнинг оқими, етарлича кинетик энергия бериш қобилиятига эга бўлиб, кейинчалик электр энергиясига айлантирилади.

Гелиоэнергетика — күёш энергетикасидан фойдаланиш орқали:

- оптик фойдали иш коэффициенти (КПД) 60—88 фоиздан кам бўлмаган ойналик ёки пластик билан қопланган текис коллекторлар. Бу, асосан, иссиқ сув ишлаб чиқариш учун фойдаланилади;
- зарур ҳажм ва кўринишдаги ярим ўтказгичли қопламали модулли гелиоприёмниклар. Электр энергияси ишлаб чиқариш учун фойдаланилади.

Шамол энергияси — шамол турбиналари ёрдамида шамол энергиясидан фойдаланилади. Икки-уч парракли кучланувчи қурилма бўлиб, горизонтал узатма ва шамолга қараб бурилиш механизми, мачтага ўрнатилган конструкциясига эга. Фойдаланиш мумкин бўлган жойлар унча кўп бўлмаган коттежларда ва масштабли миқдорда шамол парклари яратиш мумкин.

Биомасса — қайта ишлаш йўли билан фойдаланилади:

- дарахт тўқималари, бошқа органик ўсимликлар ва улардан ҳосил бўладиган мотор ва майший ёқилғилар (биоэтанол, биодизел) ишлаб чиқарадиган ясамалардан;
- майший, коммунал ва саноат, шу жумладан, органик чиқиндиларни, чорва ва одамларнинг чиқиндиларини рециркуляция йўли билан қайта ишлаш.

Геотермика — геотермал ва вулқон фаолиятидан ҳосил бўлган иссиқликни иссиқлик насослари ёрдамида чиқариб олиш.

Дунё океани энергияси — океан сувнинг кўтарилиши ва тўлқин ГЭСлар.

Водород энергияси — сув ва/ёки углеводород (табиий газ)дан ажралиб чиқиши ёрдамида водород ёқилғиси ишлаб чиқариш.

Экспертларнинг ҳисоб-қитобларига кўра, бошланғич углеводород ресурсларининг захираси ҳозирги даражада фойдаланилса 40—50 йилга етади, шубҳасиз, ушбу муддат, муқобил ёқилги турларига алмаштиришни таъминлаш учун ғоят зарур деб берилган. Бу муддат кўп ҳам бўлиши мумкин, чунки янги конларни топиш ва очиш натижаларига боғлик. Ҳозирги пайтда, амалда умуман разведка-қидириув ишлари амалга оширилмаган конлар, денгиз ва океанлар шельфлари, Арктика, Антарктидадаги катта ҳудудлар ҳисобланади. Аммо бундай мураккаб жойларда қидириув ва қазиш ишлари олиб бориш нархларини муқобил манбаларни ўзлаштиришга қиёслаш мумкин.

ҚТЭМлардан фойдаланиш Хитой, АҚШ, Германия, Испания, Ҳиндистон, Япония каби мамлакатларда ривожланган.

2.4. КТЭМ ривожланишидан эришилдиган асosий натижалар

Ядро энергиясини ишлаб чиқариш энергия таъминоти масаласини ҳал этишда муҳим омил ҳисобланиб келинар эди. Лекин мазкур технологиянинг радиоактив чиқиндилари келтирадиган зарарни ҳам унутмаслик керак. Бунга Японияда юз берган кучли ерости силкинишлари оқибатида АЭСлардаги фалокатларни, Чернобиль фожиасини мисол келтириш мумкин. Шу сабабли кўпгина давлатлар, айнан қайта тикланувчи энергия манбалари-ни жорий қилиш масаласида бош қотиришмокла.

Қайта тикланувчи энергия манбалари ҳозирги кунда дунё бўйича истеъмол қилинаётган барча энергиянинг 13,5 фоизини электр энергиясининг 18 фоизини ташкил этади. Ўзбекистон бу борада катта салоҳиятга эга эканлигига қарамасдан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг улуши бир фоизни ҳам ташкил этмайди.

«Ўзбекэнерго» ДАК бўйича умумий қиймати 5272,7 млн АҚШ доллари бўлган 44 та инвестицион лойиҳани амалга оширишни кўзда тутган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси саноатини 2011–2015 йилларда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида» ги Қарорига кўра, соҳани устувор ривожлантириш Дастури амалга оширилмоқда. Ушбу Дастурда қайта тикланувчан энергия манбаларини ривожлантириш бўйича умумий қувватини 55,8 МВт.га оширишни кўзда тутган 12 та ишлаб турган ГЭСларни модернизация қилиш ва шамол ускуналарини яратиш ва эксплуатация қилиш бўйича тажриба ортириш мақсадида Чорбог сув омбори ҳудудида 750 кВт қувватли тажрибавий шамол энергетика курилмасини яратиш назарда тутилмоқда. Шунингдек, айни даврда,

Навоий иссиқлик электр станциясида Япониянинг «Мицубиси» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 478 мегавольт кувватга эга бўлган буғ-газ қурилмасининг ишга туширилганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Лойиҳанинг амалга оширилиши, қўшимча равишда 2 млрд 800 млн киловатт соат электр энергиясини ишлаб чиқариш имкониятини беради ҳамда бу лойиҳа ҳисобидан шартли ёқилги истеъмолини 1,8 марта камайтиришга ва ҳар йили 400 млн куб метр газни тежашга эришилади. Бу эса, атмосферага зарарли чиқиндилар ташланиши миқдорини камайтиришда муҳим ахамиятга эга.

Кейинги йиллардаги углеводород ёқилғиси нархининг кескин ортиб кетиши, күпгина мамлакатларни янги мұқобил энергия манбалари ҳақида үйлашга мажбур этди, натижада, Европа давлатларида үрнатылған қүёш фотоэлектрик станцияларининг умумий қуввати иккі бараварга ошди, Яқын Шарқ мамлакатларда фотоэлектрик станцияларни ишлаб чиқиши ҳам шунча күпайған. Бұтунғи кунда АҚШда қүёш коллекторларининг умумий майдони 15 млн метр квадратта, Японияда 12 млн метр квадратта етди. Исроилда умумий иссиқ сүв таъминотининг 75 фоизини ташкил этадиган 1 млн.га яқын қүёш қурилмалари ишлаб турибли

Шамол энергетикаси ҳам тез суръатларда ривожланмоқда. Европа Иттифоқи давлатлари бу соҳада пешқадамдир. Шамол энергиясидан фойдаланишнинг йиллик ўсиш дарражаси Европада 33–34 фоизни ташкил этаётир.

Қайта тикланувчи энергия манбаларининг курилмаларидан фойдаланиш тажрибаси улар иқтисодий жиҳатдан ўзларини оқлашини кўрсатмокда.

Қайта тикланувчи энергия манбаларини мамлакат энергия балансига жалб этиш энергетика мустақиллигини узоқ келажак-кача сақлаб туришга, иқтисодиётда, қишлоқ ва чекка ҳудудларда Энергия таъминотини яхшилашга, заарли газлар ташланмалари-ни қисқартишишга, давлатнинг барқарор ривожланишига асос бўлади.

Бутун республика иқтисодиётини таъминлайдиган электроэнергия манбанинг фақатгина қазиб олинадиган ёқилғига қараб қолиши мамлакатнинг энергия хавфсизлигига раҳна солади ва нефть-газ соҳасига ҳаддан ташқари оғир юк бўлади, бу эса давлатнинг барқарор ривожланиш тамойилларига зиддир. Энергия балансига бир вақтнинг ўзида экологик тоза бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жалб қилиш орқали атрофмухитга техноген таъсирларни камайтириш мумкин.

Республикамизда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қошида фаолият юритаётган «Эко-энергия» илмий-татбикӣ маркази

қўмита томонидан тасдиқланган дастур асосида фаолият юритмоқда. Бугунги кунда бу марказ қайта тикланадиган энергия манбалари ускуналарини ишлаб чиқарувчи ва бошқа манфаатдор корхоналар билан биргаликда фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ташаббуси билан «Муқобил ёқилғи ва энергия корхоналари» ассоциацияси ташкил этилди.

Айни пайтда, олий ва ўрта маҳсус билим юртларида соҳага тегишли мутахассисларни тайёрлашни йўлга кўйиш, бу борада катта ютуқларга эришган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишининг меъёрий-хуқуқий базаларини яратиш, соҳадаги қонун ҳужжатларининг амалга ошириш механизmlарини ишлаб чиқиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишини рағбатлантирувчи қонунлар қабул қилиш, мамлакатимизда мавжуд бўлган барча турдаги қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиши талаб этилади.

Шунингдек, қурилиш ташкилотларини янги биноларни лойиҳалаштириш ва қуришда анъанавий энергия билан биргаликда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга мажбурловчи маъмурий меъёрлар ва қоидалар қабул қилиш ҳамда уларни амалга оширишда давлат тузилмалари ва маҳаллий ҳокимликларни жалб қилиш керак. Шундагина, биз мамлакатимиз энергетика мустақиллигини ҳамда гўзал ва бетакор табиатимизнинг мусаффолигини таъминлаймиз.

2.5. Ўзбекистон Республикасининг бошлангич ёқилғи-энергетика ресурслари



1991 йилдан 2008 йилгача бўлган даврда, Ўзбекистонда нефть ва газ саноати ишлаб чиқариш ва техника-иқтисодий ҳамма кўрсаткичлари тубдан ўзгариб, ривожланиш жараёнида катта ютуқларга эришилди. Углеводородли хом ашё қазиб олиш 2005 йилда 80 млн тонна шартли ёқилғига¹ етди ёки 1991 йилга нисбатан 1,5 баробар кўп қазиб олинган.

Ўзбекистонда 225 та нефть ва газ конлари маълум. Улардан: нефть — 51 та кондан қазиб олинади, газ — 27 тасидан, 17 та кондан эса конденсат қазиб олинади.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси томонидан ишлаб чиқилган «2005—2010 йилларда нефть ва газ захираларининг геологик қидирув ишлари концепцияси»га кўра, ушбу давр ичида углеводородлар захиралари 364,77 миллион т.н.э.га ошган. Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу захиралар ўсишининг ярмидан ортиги (54 фоиз) Устюрт минтақасидаги табиий газ конларига тўгри келади.

Кўмир. Ўзбекистон мутахассисларининг баҳосига кўра, кўмир ресурсларининг прогноз кўрсаткичи 3 млрд тоннадан ортиқи ташкил этади. Кўмирнинг саноат захираси 1,9 млрд т.ни ташкил этади, шу жумладан, қўнғир кўмир — 1853 млн т, тошкўмир — 47 млн т. Кўмирнинг башорат ресурслари 5,76 млрд тоннани, шундан 70 фоизини қўнғир кўмир ташкил этади. Тошкўмир конлари захираси жанубий худудларда, яъни Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида жойлашган. Ҳозирги пайтда кўмир қазиб олиш ишлари Ангрен, Шарғун ва Бойсун конларида олиб борилмоқда.

«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти (АЖ) мамлакатда кўмир қазиб олувчи бешта компанияни бирлаштирган ягона ишлаб чиқарувчидир. Ангрен кўмир конида (Тошкент вилояти) учта кўмир қазиб чиқариш технологияларидан фойдаланилади: Ангрен карьерида очиқ усулда қазиб олиш; 9-шахтада еrosti қазиб чиқариш усули; «Еростигаз» станциясида кўмирни еrostida газлаштириш. Сурхондарё вилоятида жойлашган бошқа иккита кўмир қазиб чиқариш корхоналари еrosti қазиб олиш усулидан фойдаланадилар.

Барча кўмирнинг 80 фоизга яқини Ангрен, Шарғун ва Бойсунда қазиб олинади ҳамда унинг барчаси мамлакатнинг ўзида истеъмол қилинади. Қазиб олинаётган кўмир, асосан, мамлакат ичида ишлатилади, фақат оз миқдорда Афғонистонга экспорт қилинади. Кўмир ёқилғисининг асосий истеъмолчиси электр-

¹ Турли хил ёқилғиларни бир хил тарзда энергетик ёқилғиларнинг ўлчов бирлигига сифатида энергия ҳажмининг шартли ёқилғи бирлиги (т.ш.ё.) қабул қилинган. У 1 т.ш.ё. = $7 \cdot 10^6$ ккал = $29,31 \cdot 10^6$ Ж = $8,141 \cdot 10^3$ кВт соат шунчак сифатли кўмир ёқишидан олинган иссиқлик ёки т.ш.ё. 8141 кВт соатга тенг.

энергетика сектори ҳисобланади. Унинг ҳисобига 90 фоиз умумий истеъмол қилинаётган кўмири ва 100 фоиз ерости гази тўғри келади.

Ўзбекистон кўмири саноатини ривожлантириш мақсадида 254 млн АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритишни режалаштиримоқда. 90 фоиз инвестиция Ангрен конидаги ишлаб чиқариш қувватини модернизация қилишига йўналтирилади. Дастур «Ўзбеккўмири» АЖнинг ўз маблағлари, шунингдек, чет эл кредитларини ва тўғридан-тўғри инвестициясини жалб этиш ҳисобига молиялаштирилади.

Уран. Тадқиқотлар бошланган 1950 йилдан бўён, Ўзбекистон ҳудудида энг камидаги 25 жойда уран конлари топилган. Тижорат мақсадида кенг миқёсда 1958 йилдан бошлаб, Учқудуқда очиқ ва ёпиқ, кесимдаги конлардан кавлаб олинган. Асосланган уран захиралари 65 минг тонна атрофида.

Ўзбекистон уран захираси бўйича дунёнинг 10 та мамлакатлари орасида биринчилардан ҳисобланади ва зарур ишлаб чиқариш технологиялари ҳамда қувватларига эга. Уран ишлаб чиқариш Ўзбекистонда бутун дунё ишлаб чиқариш ҳажмининг 7 фоизини ташкил қиласди.

Геология ва минерал ресурслар давлат кўмитаси маълумотлари, Марказий Қизилкумдаги ҳисоб-китобларга кўра, таркибида 55000 тонна уран бўлган, ураннинг 27 та конлари мамлакат уран қазиб олиш саноатининг асосини ташкил этади. Ўзбекистон ураннинг дунёдаги захиралар катталиги бўйича еттинчисига эгалик қиласди.

Шимолий Конимех — бу ураннинг энг катта конларидан бири бўлиб, унда қазиши ишлари Ўзбекистонда сўнгги йилларда бошланди. Биринчи босқичда, конга харажатлар 34 миллион АҚШ долларини ташкил қиласди, улар НКМКнинг ўзи томонидан молиялаштирилди. Қудуқни бургулаш ва қуриш 2007 йилнинг ўртасида бошланди.

Кўпинча, уран ишлаб чиқариш янги технологиялар олиш мумкинлиги билан аниқланади. Бу масаладаги эътибор уран ишлаб чиқаришда атроф-муҳитга салбий таъсирни қисқартириш ҳисобланади.

Табиий газ. Барча ишлаб чиқариш шаклларида бошлангич энергиянинг 85 фоизи — табиий газга тўғри келади. Уни ишлаб чиқариш 1990 йилдан 2004 йилгача 1,45 марта кўпайган, йилига 38,1 дан 55,8 млрд м³, 2005 йил якунига кўра, у 60 млрд м³ни ташкил этган.

Кейинги йилларда ўртача 60 фоизни ишлаб чиқарилган газ, истеъмолчиларни газ билан таъминловчи «Ўзбеккоммунхизмат» давлат агентлигига етказиб берилган. Мамлакатдаги «Ўзбекэнер-

го» ДАК табиий газнинг йирик истеъмолчиши ҳисобланади. Унинг табиий газ шаклидаги истеъмоли 35 фоизни ташкил этади.

Унча кўп бўлмаган, чиқариб олинадиган сиқилган табиий газ (сиқилган газ, пропан-бутан) ва пропилен ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Расмий статистика маълумотларига кўра, 2005 йилда углеводородли сиқилган газ ишлаб чиқариш 8 фоизга кўпайган ва 200 минг тоннага яқинни ташкил этган.

Ўзбекистоннинг табиий гази Россия, Хитой, Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга экспорт қилинади. Мамлакатимизда йиллик табиий газ истеъмоли кўзда тутилган ҳолда 2020 йилга қадар 32 млрд м³.гача энергия тежамкорлигига эришиш дастури ишлаб чиқилган.

Нефть ва газ конденсати. Ўзбекистоннинг асосли нефть қазиб олиш захираси 82 млн тонна деб баҳоланганди. Асосий нефть захиралари Бухоро-Хива худудида жойлашган. Улар Кўкдумалоқ кони билан бирга жойлашган бўлиб, 75—80 фоиз нефть ишлаб чиқаришни таъминлайди. Нефть конлари, шунингдек, Фаргона водийси худудида, Устюрт ва Орол денгизи атрофларида ҳам мавжуд.

Маълумотларга кўра, нефть таъминоти захираси 2020—2023 йилларгача етиши мумкин. Лекин нефть таъминотининг кўпайишига имкон яратайтган кўп янги суюқ углеводород конларининг рентабеллиги пастлиги учун, уни қазиб чиқариш барқарорликни таъминламайди.

Табиий газ сингари, нефть секторида ҳам, келгусига суюқ углеводород захираси таъминотини кўпайтириш зарур ҳисобланади. Шу муносабат билан, 2004 йилда «2005—2020 йиллар учун нефть ва газ ишлари геология қидиув стратегик Дастири» қабул қилинган. Унда нефть таъминоти захирасини кўпайтиришини 70 млн тоннага ва газ конденсатини 66 млн тоннага етказиш мақсад қилинган. Бухоро-Хива худудида асосий нефть захирасини (44 фоиз) кўпайтириш амалга оширилади.

Атом энергетикаси. Мутахассисларнинг фикрича, энергиянинг айнан шу манбаи, мамлакатнинг энергетик хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан энг истиқболли ҳисобланади. Бу хуносани, ўзимиздан олинган уран ресурсининг захиралари ва уни олиш кучи, атом станцияларини жойлаштириш учун одам яшамайдиган худудларнинг мавжудлиги ҳамда юқори малакали кадрлар ва илмий-техникавий салоҳият тасдиқлайди.

Бугунги кунда дунёнинг 30 мамлакатида 440 та ядро реакторлари ишлаб турибди. АҚШ энергия вазирлигининг маълумотига кўра, унинг АЭСи дунё электр энергиясининг 16 фоизини иш-

10» ДАК табиий газнинг йирик истеъмолчиши ҳисобланади. Унинг табиий газ шаклидаги истеъмоли 35 фоизни ташкил этади.

Унча кўп бўлмаган, чиқариб олинадиган сиқилган табиий газ (сиқилган газ, пропан-бутан) ва пропилен ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Расмий статистика маълумотларига кўра, 2005 йилда углеводородли сиқилган газ ишлаб чиқариш 8 фоизга кўпайган ва 100 минг тоннага яқинни ташкил этган.

Ўзбекистоннинг табиий гази Россия, Хитой, Афғонистон, Козоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга экспорт қилинади. Мамлақатимизда йиллик табиий газ истеъмоли кўзда тутилган ўйда 2020 йилга қадар 32 млрд м³.гача энергия тежамкорлигига пришиш дастури ишлаб чиқилган.

Нефть ва газ конденсати. Ўзбекистоннинг асосли нефть қазиб олиш захираси 82 млн тонна деб баҳоланган. Асосий нефть шхиралари Бухоро-Хива ҳудудида жойлашган. Улар Кўқдумалоқ кони билан бирга жойлашган бўлиб, 75–80 фоиз нефть ишлаб чиқаришни таъминлайди. Нефть конлари, шунингдек, Фарғона водийси ҳудудида, Устюрт ва Орол денгизи атрофларида ҳам мавжуд.

Маълумотларга кўра, нефть таъминоти захираси 2020–2023 йилларгача етиши мумкин. Лекин нефть таъминотининг кўпайшига имкон яратा�ётган кўп янги суюқ углеводород конларининг рентабеллиги пастлиги учун, уни қазиб чиқариш барқарорликни таъминламайди.

Табиий газ сингари, нефть секторида ҳам, келгусига суюқ углеводород захираси таъминотини кўпайтириш зарур ҳисобланади. Шу муносабат билан, 2004 йилда «2005–2020 йиллар учун нефть ва газ ишлари геология қидирув стратегик Дастири» қабул қилинган. Унда нефть таъминоти захирасини кўпайтиришни 70 млн тоннага ва газ конденсатини 66 млн тоннага етказиш мақсад қилинган. Бухоро-Хива ҳудудида асосий нефть захирасини (44 фоиз) кўпайтириш амалга оширилади.

Атом энергетикаси. Мутахассисларнинг фикрича, энергиянинг айнан шу манбаи, мамлакатнинг энергетик хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан энг истиқболи ҳисобланади. Бу уолосани, ўзимиздан олинган уран ресурсининг захиралари ва уни олиш кучи, атом станцияларини жойлаштириш учун одам шамайдиган ҳудудларнинг мавжудлиги ҳамда юқори малакали кадрлар ва илмий-техникавий салоҳият тасдиқлайди.

Бугунги кунда дунёнинг 30 мамлакатида 440 та ядро реакторлари ишлаб турибди. АҚШ энергия вазирлигининг маълумотига кўра, унинг АЭСи дунё электр энергиясининг 16 фоизини иш-

лаб чиқарар экан. Атом электр станцияларини қуриш учун катта маблағ талаб қилинади (уч-түрт реакторлардан иборат АЭС учун 2–4 млрд АҚШ доллари), лекин уларда олинадиган электр энергиянинг нархи иссиқлик станцияларига нисбатан паст (ОЭСР мамлакатлари бўйича у ўртacha 0,03 АҚШ долларини ташкил этади).

Шу билан бирга, атом энергетикасини ривожлантириш бир қатор техникавий тўсиқ ва сиёсий ноқулайликларни келтириб чиқаради (Эронни мисол қиласа бўлади). Шунинг учун бу каби лойиҳалар Ўзбекистонда фақат узоқ муддатга мўлжалланган келажакда амалга ошиши мумкин.

Қайта тикланадиган энергия манбаи. Дунёда мавжуд айрим мамлакатларнинг, шу жумладан, «катта саккизлик» мамлакатларининг ҳам энергия ресурслари таъминотини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу мамлакатларда энергия таъминоти аҳволи, мамлакатнинг ўзи ишлаб чиқарадиган энергия ресурсларини унинг истеъмолига нисбати билан характерланадиган коэффициент билан ифодаланади.

Агар ушбу коэффициент бирдан кам бўлса, унда шу мамлакат ўз истеъмолини экспорт ҳисобига қондираётган, бирдан кўп бўлса, мамлакат ресурсларини экспорт қилаётганини билдиради. 2000 йил даражасида «катта саккизлик»нинг таъминот коэффициенти қуйидаги кўринища: Канада – 1,5, Франция – 0,5, Германия – 0,4, Италия – 0,16, Япония – 0,2, Буюк Британия – 1,2, АҚШ – 0,74 ва Россия – 1,6. Ушбу масала динамикада кўрилса, энергоресурс масаласи қанчалик долзарблити ойдинлашади.

Жаҳондаги ҳар хил энергия манбалари истеъмоли ҳақидаги маълумот шуни тасдиқлайдики, ёқилгининг камайиб бориши умумий энергия истеъмолида, жаҳон энергия истеъмолининг 80–81 фоизини ташкил этади. Атом энергияси – 6 фоиз атрофифда, қайта тикланадиган энергия манбаи – 12–14 фоиз (йирик ГЭС ларнинг ҳиссасини чиқариб ташланса, 11 фоиз)ни ташкил этади.

Демак, муҳимлигига қарамай, атом энергияси қайта тикланадиган энергиядан икки мартаға кам. Лекин электр энергияси ишлаб чиқаришда қайта тикланадиган энергиянинг сезиларли даражада ҳиссаси кам. Гидростанцияларсиз дунё бўйича 1,6 фоиз атрофида, «катта саккизлик» мамлакатларининг кўпчилигига ҚТЭМлари эса 2 фоиздан ортиқни ташкил этади. Бунда Дания етакчилик қиласи, уларда ҚТЭМ ишлаб чиқаришда 12,3 фоизни ташкил этади.

Энг мұхими, ҚТЭМ ускуналарининг нархи ҳаддан ташқари «қиммат» деб чалғитишлиар кенг тарқалған. Ҳақиқатда эса ҚТЭМ қурилмаларининг анъанавий қурилмаларга нисбатан нархининг қимматлилiği асоссиздір. Агар 1990 йиллар бошида айтилса, унда қандайдір адолатли бұлар эди, лекин, ҳозирға келиб, тенглашиб, анъанавий электростанцияларға экологик талабларнинг қатыйлашғани туфайли (айниқса, құмیر ва АЭС) ортиб боромқда, шу билан бир пайтда, ҚТЭМ ускуналари нархи түхтөвсиз пасайиб бормоқда.

ҚТЭМнинг экологик соғлигини қуидаги мисолда күрсатиши мүмкін. Бир дона қуввати 500 кВт қурилма (шамол станцияси, фотобатарея, кичик ГЭС) йилиға 1 млн кВт соат электр энергиясыни ишлаб чиқаради ва шу билан бирға, құмир (CO_2) станциясининг 750—1250 тонна эмиссияси, 5—8 тонна олтингугурт окиси, 3—6 тонна азот (NO_3) олдини олади.

Хозирғи маданий ривожланиш даврида, исталған мамлакатда иқтисодий ўсиш ёқылғи-энергетика комплексининг фаолияти билан мустаҳкам боғланған. Бунда энергия ресурсларидан максимал ҳажмда ва юқори даражада самарадорлик билан фойдаланаётган мамлакатлар күпроқ рақобатбардош бұладилар. Жумладан, Россия, шунға ўхшаш яна саноати юқори даражада ривожланған жағон мамлакатлари ҳам ўз иқтисодиётида қайта тикланмайдыган углеводород ёқылғи-энергетика ресурсларига таянади.

Айниқса, бу ёқылғининг анъанавий ташкил этувчи, деб тушунилмайдын шамол, қүёш энергетикасига ва кичик гидро-энергетикаға алоқадор. Бу ҚТЭМ турларидан кенг миқёсда фойдаланиш иссиқхона гази ва атмосфераны ифлослантирувчи чиқынди газларни кескин камайтиради.

Қаттық ёқылғи ва мазутдан энергетикада фойдаланишни ўз параметрларига күра жиддий таққослаб бұлмайды, чунки торф, биомасса, буғидротермал юқори минераллашған манбаларға боғлиқ. Масалан, торф паст навли ёқылғи бұлса-да, унда унча күп бұлмаган олтингугурт (одатда, ёқылғи массасыда 0,3 фоиздан кам бұлмаган миқдорда мавжуд) ва юқори тұлиқлиқда ёнувчан (унча күп ҳажмда бұлмаган кул қолади), деб таърифланади.

Экологик таркиб — табиатни асраш тадбирлари пайтида харжатлар тұлиқ ҳисобға олинса, қазиб олиш, қайта ишлаш ва анъанавий ёқылғини ёкиш ҚТЭМларининг рақобатбардошлигиги сезиларлы оширади.

Сир эмас, Ўзбекистон қайта тикланадыган энергия бүйіча маылум имконияттарға эга. Ялпи имконият 51 млрд т.н.э. атрофида,

лекин, ҳозирги технология даражаси ундан 179 млн т.н.э. миңдorda фойдаланишга имкон бермоқда. Ҳаттоғи, қиди्रув орқали топиладиган ёқилғиларни ишлаб чиқаришнинг жорий йиллик ҳажмидан 3 маротаба ортиқ. Бунда қуёш энергияси бутун мамлакат ҳудуди бўйлаб барчага баробар бўлиб, уни энергетика балансига жалб этиш, аҳолини электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш масаласини, айниқса, чекка жойларда, тезроқ ечимини топиш имконини беради.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда қайта тикланадиган энергия манбаи энергия балансида, фақат табиий ёки сунъий сув оқимларининг гидроэнергияси сезиларли ҳиссага эга. Бошқа қайта тикланадиган энергия манбаларидан унча кўп фойдаланилмайди. Кичик гидроэнергетикани ривожлантириш дастурида, умумий қуввати 420 МВтдан, ўртача йиллик 1,3 млрд кВт соат этиб белгиланган. Агар кичик гидростанцияларнинг имкониятларидан кўпроқ оптимал ҳолда фойдаланилса, улар томонидан ишлаб чиқилган электр барча насос станцияларига ҳамда қишлоқ ва сув хўжалигига қарашли сугориш тизимига электр энергияси етарли бўлар эди.

Бугунги кунда туманлар ва қишлоқларда 60 фоиздан ортиқ аҳоли яшайдиган бир пайтда, электр таъминоти ишончли (мустаҳкам) эмас. Бу шундан далолат берадики, келгусида энергия етказувчи тармоқни модернизациялаш зарур, шунингдек, электр таъминотини марказлаштирумаслик мақсадга мувофиқ, бу – электр энергиясини узатиш пайтида энергия йўқотилишини қисқартиришга олиб келади.

Келажакда қайта тикланадиган энергетика учун қулай инвестицион доира ҳосил қилиш учун нархларни қайта кўриб чиқиши лозим. Қайта тикланадиган энергия бозорида маълум ҳиссага эга барча мамлакатларда тадқиқотни кенгайтириш, ишлов бериш ва қайта тикланадиган энергия ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун ҳукумат тегишли солиқ, инвестиция преференцияси, субсидия ва бошқа имтиёзи бўлган сиёсатни юритади.

2.6. Ўзбекистонда ҚТЭМдан фойдаланиш имкониятлари ва уни ривожлантириш учун кўрилаётган чоралар

Ушбу йўналишнинг долзарблигини Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил якунлари ва 2012 йил ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига бағишиланган мажлисда таъкидлаган ҳолда муқобил энергия ре-

сурсларини излаш ва жорий этишни амалга ошириш талаб дара-жасида эмаслиги кўрсатиб ўтди ва мавжуд муаммоларни кечиктирмай ҳал этиш зарурлиги талаб этилишига эътибор қаратди.

- Ўзбекистон шароити учун қуйидагилар долзарб ҳисобланади:
- қуёш ресурслари;
 - кичик гидроэнергетика;
 - шамол ресурслари;
 - биомасса ва геотермал энергия.

Қайта тикланадиган энергетика чекка тоғли ва етиб бориши қийин аҳоли манзиллари учун ягона иқтисодий асосли манба бўлиши мумкин.

Ўзбекистондаги қайта тикланувчи энергия манбаларининг ҳажми деярли 51 млрд т.н.э.га тенг. Бугун дунёда мавжуд технология ва ускуналардан фойдаланиб, 179 млн т.н.э. олиш мумкин. Бу мамлакатдаги қазиб олинган ёқилғининг жорий бир йилик ҳажмидан уч баробар кўп. Бу ҳисобга биомасса ресурслари, яъни ўсимлик, чорвачилик ва саноат чиқиндилари кирмайди. Мазкур манба салоҳияти яқин келажакда аниқланиши шарт. Масалан, бир гектар экилган пахта майдонидан 2 тоннадан 4 тоннагача фўзапоя олса бўлади. Бу дегани, фўзапоя захиралири 1 млн.дан 2 млн т.н.э.гача ташкил қилиши мумкин.

Лекин Ўзбекистон энергия балансидаги қайта тикланувчи электр манбаларидан ҳозирги вақтда фақат табиий ва сунъий сув оқимларининг гидроэнергияси сезиларли улушни ташкил қиласди; унинг улуши барча энергия ишлаб чиқарилишининг 1 фоизидан озгина ортиқ. Қайта тикланувчи энергиянинг бошқа манбалари — қуёш, шамол ва биомассалар жуда кам ишлатилипти, шунинг учун ҳам расмий статистикасида ўз ифодасини топмаган. Кейинги йилларда қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилди. Лекин улар, асосан, намойиш характерига эга. Республикада қуёшли сув иситтигич панелларининг ишлаб чиқарилиши «Курилишгелиосервис» МЧЖ, «Энком» НПП, «Фотон» ОАЖ томонидан йўлга қўйилди. Мамлакатда қуёшли сув иситтигич тизимларини ўрнатиш ва ишлатиш билан шугулланган малакали мутахассислар бор. Ўрнатилган коллекторларнинг майдони 40 минг кв.м.дан ортиқ. Бу коллекторлар бир қатор автотранспорт корхоналарида ва тиббиёт муассасаларида, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги иншоотларида, «Ўзтрансгаз» АК, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК, Олмалиқ ва Навоий ТМКларда ўрнатилган. Кейинги

пайтда дунёда қүёшли фотоэлектрик тизимларининг нархи анча арzonлашган. Бу уларнинг иқтисодий салоҳиятини кескин қўташиб юборди.

Ўзбекистонда импорт асбоблари асосида фотоэлектрик тизимларни ишлаб чиқариш билан «Фотон» ОАЖ ва ЎзФА Физика ва техника институти шуғулланмоқда. «Фотон» ОАЖ ишлаб чиқарган тизимлар стандартлаштириш идорасидан келишувдан ўтган. Республикада ишлаб чиқарилган тизимларнинг нархи чет элнига нисбатан анча арzon. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ўрнатилган ФЭТларнинг умумий қуввати 10 кВт.дан ошмайди. Улар Қорақалпоғистоннинг Коструба қишлоғида ва Аёзқалъа туристик мажмуаларида, шунингдек, «Ўзтрансгаз» АК иншоотларида ҳамда мамлакатимиз чорвачилик хўжаликлари ва бошқа объектларда жойлашган.

Шамол ускуналарининг қуввати 100 ваттдан бир неча ўн киловаттгacha бўлиб, алоҳида истеъмолчилар томонидан ҳар хил мақсадларда ишлатилиши мумкин. Бу каби шамол ускуналаридан фойдаланиш тажрибасини Қорақалпоғистоннинг Қозоқдарё қишлоғи атрофига жойлашган парранда фабрикасида амалга оширилган ишлар мисолида кўриш мумкин. Яна бир тажрибали қўёш-шамол гибрид ускунаси Тошкент вилоятининг Чорвоқ шаҳри ёнида телерадиостанция учун ўрнатилган. Бу каби технологияни электр энергияси билан локал таъминлашда қўллаш, айниқса, узоқ ҳудудлар учун долзарбdir. Чунки у ерларга электр симларини тортиш иқтисодий жиҳатдан фойдали эмас.

Ўзбекистондаги биомасса ресурслари ҳақида маълумотлар замонавий биогаз ускуналари ва уларни ишлаб чиқарувчилар ҳам жуда оз. Лекин, республикамизнинг техник салоҳияти бу ускуналарни нафақат монтаж қилишта ёки фойдаланишга, балки уни ишлаб чиқаришга ҳам қодир. Қайта тикланувчи энергетика айrim камчиликларга ҳам эга. Бу энергия ишлаб чиқаришнинг зич эмаслиги ва ўзгарувчанлиги ҳамда технология нархининг юқорилигидир. Шунинг учун ҳам қайта тикланувчан энергетика ҳозир ва яқин келажакда анъанавий энергетика билан рақобат қила олмайди. Лекин энергиянинг қайта тикланувчи манбаларидан фойдаланиш ёқилғи-энергетика балансини яхшилашга катта ҳисса қўшади ва энергия соҳасининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиради. Бунинг учун энергетиканинг қайта тикланувчи манбаларини жорий этишни ривожлантириш ва рагбатлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ноёб географик жойлашиши ва иқлимининг турфалиги, қайта тикланадиган энергия ман-

бай имкониятига кўра ўзига хос жойлашган. Ушбу имконият етарлича тўлиқ миқдорда аниқланиб, мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон электроэнергетикаси республика халқ хўжалигининг муҳим соҳаси ҳисобланади ва маълум ишлаб чиқариш ҳамда илмий-техник имкониятларга эга бўлган ҳолда халқ хўжалигининг ривожланиш комплексига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу Ўзбекистон энерготизимига республика халқ хўжалигини ва аҳолисини электр энергиясига бўлган истеъмол талабини тўлиқ қондиришга имконият беради.

«Энергия – саноатнинг нонидир», деб бежиз айтилмаган. Саноат ва техника қанчалик ривожланса, уларга шунча кўп энергия керак бўлади. Ҳаттоқи, шундай тушунча бор: «тараққиётда илгарилаб кетган энергетика». Бу дегани, ҳеч бир саноат корхонаси, ҳеч бир янги шаҳар ёки уй энергия манбаининг мавжудлигини аниқламай туриб, қурилмайди. Демак, исталган давлатнинг техник ва иқтисодий қудратини, унинг қазиб чиқараётган ва фойдаланилаётган энергиясидан билиб олиш мумкин. Табиатда энергия захираси жуда кўп. Жаҳондаги иқтисодий инқироз муносабатлари – энергия ресурсларини қазиб олиш, қайта ишлаш ва узатишда кўп мамлакатларнинг иқтисодиётига янги талаблар қўймоқда. Иқтисодиётимизнинг келгуси рақобатбардошлигини ошириш, аҳолининг фаровонлигини кўтариш, кўпинча, мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, «электр ва энергия ресурслари»дан тежамкорлик билан, иқтисод қилиб фойдаланишга ўрганишимизга боғлиқ. Бу иқтисодиётимизни янги «технологик рельс»ига кўчириш, эскирган энергетик ускуналарни алмаштириш ва модернизация қилиш демакдир. «Ишлаб чиқариш – истеъмолчи» занжиридаги энергия ҳажмининг камайиши Ўзбекистон саноатнинг жаҳон иқтисодиётида муваффақиятли рақобатда қатнашишига имкон беради.

Президентимизнинг таъкидлашича, «ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, модернизация, техник ва технологик янгиланишга қаратилган муҳим устувор Дастур лойиҳаларини амалга оширишнинг дастлабки ишлаб чиқилиши: инновацион ва энергия тежамкор технологияларни кўллаш, жаҳон бозори талабидаги янги турлардаги товарларни ўзлаштириш, ҳар йили қўшимча 10,4 млрд АҚШ доллари ҳажмидаги маҳсулот, йиллик экспортнинг – 6,5 млрд АҚШ долларига ўсишига, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмини жиддий равишда оширади».

Агар иқдим ва об-ҳаво шароитларидаги ўзига хослик эътиборга олинса, мамлакатимизда қайта тикланадиган энергия ман-

балари имкониятлари етарлича. Энг муҳим масалалардан бири энергетика ҳудуднинг тўлиқ иқтисодиёти ривожи учун мавжуд ёқилғи-энергетика имкониятларидан самарали ва омилкор усулларда ҳамда энергобалансга янги экологик тоза энергия турларини жалб этиб, амалга ошириш ҳисобланади.

Қайта тикланадиган энергия манбалари (электр, табиий газ, иссиқ сув) – узоқда жойлашган чўл, тоғли, сув билан таъминланмаган, шунингдек, электр энергияси, иссиқлик ва ичимлик суви билан боғлиқ бўлган мавсумий ишлар ёки экспедициядаги одамлар учун ҳал қишувлари аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда 60 фоиздан кўпроқ аҳоли қишлоқ жойларида яшайди. 1,5 мингга яқин бориш қийин бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари анъанавий электр манбаларидан фойдалана олмайди. Шунинг учун мамлакатимизда ҳозирги пайтда, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш дастурларига эътибор кескин кучайган.

Қайта тикланадиган энергия манбалари яратадиган янги технологиялар, кўп ҳолларда, анъанавий энергия таъминотига нисбатан кам харажатлидир. Бозор иқтисодиёти шароитида электр энергиясининг марказлашган таъминоти унча долзарб бўлмай қолди, чунки узоқ масофада жойлашган фермер хўжаликлари, кам хонадонли, тоғли, чўл қишлоқларига бундай энергия таъминоти ҳаддан ташқари кўп харажатлидир. Ноанъанавий энергия манбаларининг бошқарув қурилмаси биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб, олдинги сафга чиқмоқда. У фермернинг ирригация тадбирларини (сув чиқариш ва далани артезиан қудуқлар орқали сугориш) ўтказишига, айрим ҳолатларда одамларни ичимлик суви ва молларини сугориш учун, сувни тозалаш, фермер хўжалиги электр таъминотини мустақил ҳал этишга имкон яратяпти. Қишлоқ хўжалигига автоном иш жараёнларини автомат ва компьютер базалари тизимида бошқаришни ташкил этиш унча мураккаб эмас. Масалан, шамол ускунаси қўёш панеллари билан фермер далада бўлмаса ҳам, сугора олади, компьютер дастурлига киритилган шамол элементига биноан бошқариши мумкин. Ягона энерго маълумот тармоғига боғланган ноанъанавий энергия манбаи, фермер хўжалигининг нафақат самарадорлигини кескин оширади, ҳатто дехқоннинг меҳнат ва маданий дам олиш имкониятини оширади. Муҳими, дехқонни унинг иқтисодий асослари билан қизиқтириш, аниқ ишлаётган лойиҳаларни намойиш этиш керак. Қишлоқ ҳаётини ўзгартирувчи кучлардан бири – қишлоқ ёшлиаридир. Улар компьютерда бошқариш илмини ўрганиб ва янги технологияларни жорий этиб, қишлоқни қайта ўзгартиришнинг тезлаторувчисига айланади.

Улар ўз ерида мулк эгаси, мавжуд ресурсларини доимо төжаб-тергаб ишлатишади. Энергоресурсларни модернизация ва диверсификациялашнинг зарурияти – шак-шубҳасиз. Ундан ташқари, қайта тикланадиган энергия манбаларига янгича қараш мамлакат энергия таъминоти, қишлоқ ва шаҳарларда бошлангич углеводород ресурсларини тежашда катта роль ўйнайди. Иқтисодий омилдан ташқари, ноанъанавий энергия манбалари катта ижтимоий ва экологик аҳамиятга эга.

Энергия узатишнинг нархи арzon бўлишига қарамай, Ўзбекистонда шундай аҳоли пунктлари борки, ҳали энергия манбаига эга эмас ва у ерларда қайта тикланадиган энергия манбалари ишлаб чиқарадиган қурилмалардан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди.

Бир томондан, бошлангич энергия узатувчиларнинг таннархи ошиб борса (геология-қидирув, қазиш, етказиб бериш), иккинчи томондан, қайта тикланадиган энергия манбалари технологиялари тез ривожланиб, бу энергия рақобатбардош бўлиб боради.

Бундан ташқари, атмосферага ва атроф-муҳитга чиқариб ташланаётган чиқиндининг асосий анъанавий турдаги энергетикадаги ҳиссаси (31,3 фоиз)га, нефтгаз саноатининг улуши (29 фоиз) га тўғри келади.

Олтингутргу оксиди, азот, углерод атмосферага қўтарилиб, узоқ масофаларга қўтарилиб кетади, сув билан бирикади ва кислота эритмасига айланиб, қуруқ ерларга «кислотали ёмғир» ҳолда ёғади, пировардида, ўсимлик дунёси, ерга, сувга салбий таъсир кўрсатади.

Атроф-муҳитнинг кислоталилиги юқори шароитда, оғир металлар овқатланиш занжирига тушади, озиқ-овқат орқали одам организмига ўтади. Бундан ташқари, «умумлашиш самараадорлиги» кузатилиб, бир модда бошқа бир модданинг таркибида бўлиши билан заарли таъсир кўрсатади.

Барча жаҳон энергетиклари, ўзларининг энергия тизимиға энг янги усулларни жорий этиб, соҳага қайта тикланадиган энергия манбанини қўшиш устида ишлашмоқда. Ўзбекистон учун қайта тикланадиган энергия манбай – куёш, шамол ва биомасса энергияларидан, шунингдек, кичик гидростанция ва геотермал қурилмаларидан фойдаланиш долзарб ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш мумкинки, қайта тикланадиган энергия манбай – тезкор ва энг кам харажатлар билан аҳолининг энергия ва иссиқлик таъминоти ҳамда марказлашган ҳолда таъминлаш имконидан маҳрум бўлган узоқ қишлоқ жойларида яшайди-

ган ёки энергия етишмаслигидан қийналаётган, унча катта бўлмаган, узоқда жойлашган туманлар масаласини ҳал этиши мумкин.

Ушбу стратегик йўналишнинг Ўзбекистон учун муҳимлиги шундан иборатки, барча худудларнинг узоқ келажакдаги энергия таъминоти – қайта тикланадиган энергия манбай соҳасидаги аниқ лойиҳаларнинг амалга оширилишига боғлиқ, чунки анъанавий энергия ресурслари қайта тикланмайди ва чекланган. Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбайнинг келгусида ривожланиш шароити ва ўзлаштирилишига, электроэнергетика тизимини маълум даражада диверсификация қилиш орқали эришилиши мумкин.

Қайта тикланадиган энергия манбаидан интенсив фойдаланиш, бир томондан, ёқилғи-энергетика комплексининг юқори кўрсаткичларига эришиш бўлса, бошқа томондан, углеводородлардан фойдаланиш суръатининг ўсишини, келгусида секинлаштириш ва барқарорлаштиришга эришишда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, инновацион энергия узатувчи ишлаб чиқариш, жумладан, кўёш энергияси, шамол, биомасса ва водород ривожланиши зарур омил бўлмоқда.

Қайта тикланадиган энергия манбаидан фойдаланиш нафасат қазиб олинадиган органик ёқилғини келажак авлод учун сақлаб қолади, шу билан бирга, олинадиган углеводороднинг мавжуд экспорт имкониятларини оширади ҳам.

Қайта тикланадиган энергиядан ва маҳаллий ёқилғи турларидан фойдаланишнинг стратегик аҳамияти, қайта тикланмайдиган ёқилғи турлари ва энергоресурсларни истеъмол қилишни камайтириш, ёқилғи-энергетика комплекси фаолиятидан ва узоқ ҳудуд ҳамда минтақаларнинг экологияяга юкини камайтириш, марказдан олисдаги истеъмолчиларни ёқилғи билан таъминлаш, ҳозирги мавжуд ёқилғининг маълум даражада узоқ масофаларга етказиб бериш харажатларини камайтиришдир. Қайта тикланадиган энергия узатувчилар ва маҳаллий турдаги ёқилғилардан оптималь фойдаланиш – минтақавий энергия сиёсатини олиб боришда муҳим аҳамиятга эга.

Қайта тикланадиган энергиядан фойдаланиш зарурияти, унинг имкониятларини аниқлаш куйидаги муаммоларни ҳал этади:

- вилоятларда ва жойларда аҳоли ҳамда корхоналар ишончли, барқарор иссиқлик ва электр энергияси билан марказлашмаган ҳолда таъминланади, шунингдек, энг юқори зўриқиши пайтида мажбурий тармоқдан узиб кўйиш ва авария ҳолатларини бартараф этиш пайтидаги энергиянинг пасайишини;
- шаҳарларда ва жойларда, шунингдек, дам олиш ва сиҳатгоҳларда, энергия ускуналаридан фойдаланишда ажralиб чиқа-

диган заарли моддаларни камайтириш мақсадлари учун ажратиладиган эмиссия харажатларини камайтириш.

Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия олиш ва фойдаланиш учун барча асослар мавжуд. Ёқилғи бўладиган фойдали қазилмаларнинг барча турлари қимматлашиб бориши билан бирга, қайта тикланадиган энергия манбаларининг иқтисодий имконият қисмлари яна ҳам осонлиги маълум бўлиб қолади, экологик хавфсизлигидан ташқари, улардан фойдаланиш технологияси ўзининг автоматлашириш даражасига кўра, Ўзбекистонда мавжуд анъанавий ёқилғи турлари технологияси билан рақобатлаша олади.

Аниқ ишонч билдириш мумкинки, келажакда биоэнергетикага кенг йўл очилиши мумкин. Лекин яқин 5–10 йил ичила, бу турдаги энергетика, глобал ва минтақавий энергобалансида ҳал қилувчи роль ўйнамайди. Ҳа, келгусида қайта тикланадиган энергия манбаи анъанавий турдаги энергетикани жараёндан тўлиқ чиқариб таштай олмайди, фақат жиддий кўшимча бўлиб хизмат қиласди. Бахтга қарши, инвесторлар, қайта тикланадиган энергия манбайнинг ривожланишига маблағ тикишга шошилишмаяпти. Бу, энг аввало, у ҳақда тушунчаси камлиги бўлса, имкониятга эга бўлган ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг етарлича хабардор эмаслиги ёки консервативлигидир. Шунингдек, қайта тикланадиган энергия манбаидан фойдаланиш муаммосига ташкилий-техник, экологик ва иқтисодий муаммоларнинг илмий-текшириш ва конструкторлик ишланмаларининг, муҳандислик ва илмий кадрларнинг етарлича молиялаштирилмаслиги, уни тўхтатиб турганидан далолатdir.

Ўйлаймизи, ОАВда кенг ёритилиши, қайта тикланадиган энергия манбайнинг имкониятларини очиб берувчи маҳсус адабиётлар чоп этилиши, унга Ўзбекистон энергетикасини диверсификациялашга янгича қараш дейишга имкон беради. Балки бу лойиҳачилар, саноатчилар ва молиячилар ўртасида боғловчи занжир бўлиб хизмат қилмоги керак. Кичик бизнесни ва аҳолини илгор энергия, тежамкор технологиялардан кенг миёсда маълумотга эга этиш зарур. Билимдон PR-акциялар, маълумот берувчи – презентация-тақдимот тадбирлари илгор технологияларни ҳаётимизда ва иқтисодимизга қўллашга маълум даражада ёрдам беради, кўпгина лойиҳалар, маълумотлар билан қўллаб-кувватлашни талаб этади. Бир сўз билан айтганда, муаммолар бор ва уларнинг барчасини, қайта тикланадиган энергия манбаларининг қўлланишини билган ҳолда ҳал этиш мумкин.

Ўзбекистонда қўёш, шамол, сув ресурслари, геотермал манбалар, саноат ва шаҳар, қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан олинган биогаздан иборат қайта тикланадиган энергия манбаларидан

фойдаланиш учун қулай имкониятлар мавжуд. Зеро, мамлакатимизда йилнинг асосий қисми иссиқ ва қуёшли кунлардан иборат. Бундан ташқари, тоғли худудлардан оқиб ўтувчи серсув дарёлар битмас-туганмас энергия манбай ҳисобланади. Республикада қайта тикланадиган энергия манбаларининг техник имкониятлари: қуёш – 98,8 фоиз, шамол – 0,2 фоиз, гидро – 1 фоиздир.

ҚТЭМни ривожлантириши учун Ўзбекистонда кўрилаётган чоралар

- муқобил энергия манбаларини оммавий жорий этиш учун қонунчиллик, институционал, молиявий ва ахборот базаларини таъминлаш;
- муқобил энергетикани қўллаш ва рагбатлантиришнинг 2012–2030 йилларга мўлжалланган, босқичларга бўлинниб ва муқобил энергиянинг меъёрий ҳиссаси белгиланган 2020 йилгача 3–7 фоиз ва 2030 йилгача 21 фоизгacha бўлган Давлат дастурини ишлаб чиқиш;
- муқобил энергия манбаларининг илмий база билан боғлиқ инфраструктурасини яратиш;
- муқобил энергетикани ривожлантиришнинг маҳсус жамғармасини шакллантириш;
- қайта тикланувчан энергия манбаларининг кенг ташвиқотини амалга ошириш ва шу йўналишда давлат миқёсида мутахассис-кадрлар тайёрлаш, қўлланмалар чоп этиш, семинар-тренинглар ўтказиши.

Ўзбекистоннинг амалдаги асосий энергия манбалари

Ўзбекистоннинг мавжуд энергоқурилмаси. Электроэнергетика Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма ривожланишини энергия билан таъминлайди. Жумладан, 2007 йилда саноат 41,9 фоиз, қишлоқ хўжалиги 30,8 фоиз, аҳоли 14,3 фоиз, коммунал соҳа 9,2 фоиз, транспорт 3,5 фоиз, қурилиш 0,3 фоиз электр энергияси билан таъминланган.

Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасидаги 2011–2015 йилларда саноат тараққиётида устунликка эришиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, мамлакат индустриал қурилмаси тараққиётининг асосий мақсад ва йўналислари белгилаб олинган. Унда саноат соҳаларида тармоқ ўзгаришларининг кенгайиши, жумладан, энергетик секторда техник ва технологик янгиланиш, кенг қамровли модернизация жараё-

нини давом эттириш, ишлаб чиқаришни энг сүнгти замонавий ускуналар, илмий янгиликлар ва тараққий этган инновацион технологияларнинг татбиқ этилиши орқали ривожлантириш на- зарда тутилган.

«Ўзбекэнерго» ДАК қабул қилган ҳужжат асосида режа ишлаб чиқилган. Ўтган йиллар давомидаги компания ишлари сар- ҳисоб қилиниб, соҳа тараққиётининг аниқ мақсадлари белгилаб олинган.

Ушбу компания таркибига 54 та ташкилот ва корхона кира- ди. Электр тармоқларининг барча кучланиш узунлиги 238,8 минг километрдан ошади. Компания томонидан электрэнергия таъ- минотининг узлуксизлиги, энергия ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши ижтимоий-иқтисодий режадаги аниқ мақсад ва кўрсат- кичларни таъминлаган. 2010 йилда 103,6 фоиз электр энергияси ишлаб чиқарилган ва иссиқлик энергияси узатилган. Маҳсулот экспорти топшириғи ва хизмати 101,6 фоизга бажарилиб, ишлаб чиқариш модернизациясига жалб қилинган сармоялар ҳажми ортган. Жумладан, 123,9 миллион АҚШ доллари миқдорида хо- риж кредитлари ва 218,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди кредит ресурслари ҳисобидан жалб этилган. 300 километр узатиш линиялари ва 170 минг кВ трансформатор кучланишла- ри ишга туширилган. 500 киловаттли юқори кучланишли Сир- дарё ТЭС – «Сўёдиина» подстанцияси, Сирдарё ТЭС – ПС 218 километрик масофада – Тошкент ва 69,4 километрик ВЛ 500 кВ реконструкцияси муҳим инвестицион дастурни амал- га ошириш, қурилишини туталлаш доирасида пойтахтнинг «Сайил- гоҳ» ёпиқ турдаги ҳар бирининг қуввати 63 МВтли трансформа- торлар, 6,3 километри кучланиши 110 киловаттли кабель линияли ишлар якунланган.

2012–2013 йилларга режалаштирилган «Сайилгоҳ» подстан- цияси лойиҳаси Тошкент шахрининг ташқи электр таъминоти обьектлари қурилиши билан бөглиқ қисми бўлиб, унда 220 кВ «Келес» подстанцияси ва 110 кВли «Навоий» ўтиш пункти қури- битказилди. Мазкур обьектларнинг ишга туширилиши, шаҳарни электр билан таъминлашнинг ишончли ва сифатли усули бўлиб қолди.

Бугун Навоий ва Таллимаржон ТЭСларида буг-газли қурил- маларни ўрнатиш ишлари, № 1 ва 5-Янгиангрен ТЭС энерго- блокларини йиллик кўмир ёқишига ўтказиш, Сирдарё ва Талли- маржон ТЭСларида детандер-генераторларини ўрнатиш ишлари, «Камолот» ГЭСи қурилиши, Чорвоқ ГЭСи гидрогенераторлари- ни модернизация қилиш ниҳоясига етказилмоқда.

Ижтимоий инфратузилма ва аҳоли турар жойларини қуришни тез олиб бориш Давлат дастури доирасида, қишлоқ жойларида шахсий қурилиш ишларида электр таъминотини узлуксиз таъминлаш мақсадида 232,8 километрлик ЛЭП 0,4–10 кВ.ли 176 та комплект трансформатор подстанциялари ишга туширилди.

«Ўзбекэнерго» ДАК мутахассислари халқаро ташкилотлар ҳамкорлигидан Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларидан ўтадиган 218 километрга чўзилган юқори кучланишли «Сўғдиёна» линиясини ва Таллимаржон ТЭСининг янги подстанциясини қуришдек муҳим энергетик лойиҳани амалга оширишди. Мазкур лойиҳа Самарқанд ва Бухоро энергия тармоқларининг худудда бетӯхтов электр таъминоти, энергия тизимишинг чидамлилигини ошириди, мамлакат маркази билан узлуксиз таъминлашга, экспорт салоҳиятини оширишга имкон берди. У, шунингдек, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари аҳолисининг ва энергия таъминоти объектлари чидамлилигини ва тежамкорлигини ошириди.

Мазкур лойиҳанинг қиймати 150 миллион АҚШ долларини ташкил қилиб, унинг 110 миллион АҚШ доллари Халқаро банк қўмаги билан ажратилди. Банк сиёсати, бу каби лойиҳаларни амалга оширишда атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашга катта аҳамият қаратди. Шу сабабли, «Ўзбекэнерго» ДАК мутахассислари лойиҳада техник-иқтисодий асос билан экология масаласига алоҳида аҳамият қаратиши. Жумладан, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тузилган ва тасдиқланган «Атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш кўрсатичлари» амалга киритилди.

Бугун соҳанинг муттасил ривожида 5,2 миллиард АҚШ долари миқдоридаги чиқимларни қоплашда 44 та инвестицион лойиҳа кўмак бермоқда. Уларни татбиқ этиш, энерготизимнинг изчил ишлашига, истеъмолчиларни электроэнергия билан узлуксиз таъминлашга, экспорт салоҳиятини оширишга имкон яратти. Шундай лойиҳалардан энг каттаси Янгиангрен ТЭС энергия ишлаб чиқаришида бўлиб, табиий газ чиқимини камайтириш зарурлиги сабаб, бу ерда 1- ва 5-энергоблокларнинг йиллик кўмири ёқишига ўтиш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозир Ангрен кўмири қатлам (разрез)ида реконструкция ишлари охирига етмоқда. Унинг модернизацияси 2012 йил охирига келиб, кўмири ишлаб чиқаришни 6,4 миллион тоннага етказиш имконини берди. Шунда, Янгиангрен ТЭСига кўмири етказиб бериш 2,2 дан 5,2 миллион тоннага кўпайди, бу йилига 825 миллион м³ табиий газни иқтисод қилмоқда. Лойиҳани амалга ошириш харажатлари 227,4 миллион АҚШ долларини ташкил қилиб, унинг 120,4 миллион АҚШ доллари хорижий кредитлар улушига тўғри кела-

ди. Бундан ташқари, 500 кВ юқори кучланиши Сирдарё ТЭС – Янгиангрен ТЭС қурилиши 2 та йирик электростанциялар орасида қўшимча алоқа-мамлакат энергия тизимининг ишлаш мағомини ошириб, электрэнергия етказишини яхшилаш имконини бермоқда. 130 километрлик ЛЭП-500 Фарғона водийси истеъмолчиларининг электр таъминотини янада яхшилади. Бу лойиҳа «Ўзбекэнерго» ДАКнинг ўз ҳисобидан ва «Эксимбанк» (ХХР) кредити эвазига амалга оширилди.

Яна бир эътиборга лойиқ қўшимча электрэнергияни ишлаб чиқиши бўйича инвестицион лойиҳа, яъни сиқилган табиий газнинг кенгайишидан ҳосил бўладиган энергиядан фойдаланиб, Таллимаржон ва Сирдарё ТЭСларида умумий куввати 20 мегаватт бўлган детандер-генератор агрегатларини қуриб, қўшимча электр энергияси ишлаб чиқаришга эришилди. У магистрал газ қувурларидаги энергия ҳисобига электр энергиясини олиш имконини бермоқда. Бундан 16 миллион куб метр ҳажмдаги табиий газ иқтисод қилинади. Лойиҳанинг умумий қиймати 14,9 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Бошқа инвестицион лойиҳалар ҳам замонавий илмий-техник янгиликлар жорий қилишга қаратилган. Масалан, куввати 370 меѓаватт бўлган буғ-газ қурилмалари Тошкент, Навоий, Таллимаржон ТЭСларида модернизация қилиш давомида самарали фойдаланилмоқда. Бундай 2,8 миллиард киловатт/соат электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарадиган буғ-газ қурилмалари сабаб, 175 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилинади. Энергия самарадорлигига ва «яшил ёқилғи»ни тежаш бошқа электрстанцияларидан ҳам кутиляпти.

Тошкент иссиқлик электр марказида куввати 27 МВт бўлган 3 та газ турбинали (ГТУ) қурилма ҳам катта иқтисодий самара бермоқда. Бундай ГТУ қурилмасининг қиймати 57 миллион АҚШ доллари бўлиб, бу лойиҳа Япониянинг энергетика ва саноатда янги технологияларни ривожлантириш гранти ҳисобига молиялаштирилди. Иккита бошқа газ турбина қурилмалари лойиҳаси, NEDO доирасида Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) имтиёзли кредитининг жалб этилиши эвазига молиялаштириляпти.

Соҳада энергия тежайдиган технологияларга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги пайтда электр энергиясининг истеъмолини ҳисоб-китоб ва назорат қилувчи автоматлаштирилган тизим (АСКУЭ) босқичма-босқич жорий қилинаётир. АСКУЭнинг корхоналарда хўжалик юритувчи субъектлар майший истеъмолчилар учун қўлланилиши, барча занжирда энергия етказиб беришининг аниқ ҳисобини юритиш ва технологик йўқотишни ка-

майтириш имконини таъминлайди. Шаклланган оптимал иш режими тизими, ёқилғи-энергия ресурсларидан рационал фойдаланиш имкониятини яратади.

Мазкур лойиҳанинг биринчи босқичини амалга ошириш ҳаражатлари (34,8 млн АҚШ доллары), асосан, «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан амалга оширилмоқда. Шунингдек, хорижий инвесторлар ва кредитлар улуши ҳам режалаштирилган. Осиё Тараққиёт Банки ва Халқаро банк билан қарз маблаглари олиш масаласи бўйича музокаралар олиб бориляпти. АСКУЭ электр энергиясининг модернизация қилиш дастурининг биринчи босқичи бўлиб, унинг қиймати 364,6 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Экспертларнинг хуносасига кўра, ушбу янгилик, йилига 2,75 миллиард киловатт соат электр энергиясини тежаш имкониятини беради, шунингдек, ҳар йили 1,9 млн тонна иссиқхона газлари ҳавога чиқишининг олдини олади. Йилига тежалган энергия баҳоси 125 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Ушбу ва бошқа инвестицион лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш, сўёзиз мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлайди ва аҳолини ишончли энергия билан таъминлайди.

«Ўзбекистон Республикасидаги 2011—2015 йилларда саноат тараққиётида устунликка эришиш тўғрисида»ги Қарорни бажариш соҳада кўрилаётган комплекс чоралар, яъни меҳнат унумдорлигини ошириш, босқичмабосқич ҳаражатларни ва маҳсулот таннархини камайтириш, замонавий энергия ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни мукаммалластириш ва ҳар хил нобудгарчиликларни йўқотиш ҳисобига амалга оширилмоқда.



Тошкент давлат техника университетининг қайта тикланувчи энергия манбаларини ўрганиш лабораторияси.



Соҳада мутахассисларни тайёрлаш ва олий таълим ўқув юртлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида, компания томонидан электр энергиясини назорат қилиш ҳамда ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган илмий-ўқув лабораторияси ташкил этилган ва худди шундай лабораторияларни республиканинг 14 худудида ҳам жорий этиш ишлари давом этаётир.

Шунингдек, Тошкент техника университетининг энергетика факультети худудида 2 та қўёш электр станцияси модуллари ва 2 та шамол ускунаси монтаж қилиниб, замонавий муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасида лаборатория яратилган. Унинг стендини яратиш бўйича ишларни ҳам жорий йилда якунига етказиш мўлжалланган. Бу тадбирлар компания томонидан тўлиқ молиялаштирилиб, амалга оширилгач, ушбу турдаги энергия манбаларидан фойдаланишининг дастлабки заминини яратиш имкони туғилади.

2.7. Муқобил энергия манбаларининг техник имкониятлари

- фойдалилик коэффициенти (КПД) 66 фоиз бўлган қўёш ускунасини 1 фоиз ҳудуддан фойдаланилган ҳолатда жойлаштирилганда, йилига 133 млн тонна нефть эквиваленти;
- фойдали ўзгартириб бериш коэффициенти (КПД) 16 фоиз бўлган қўёш фотоэлектрик серияли модуллар йилига 42946 т.н.э.;
- умумий ўрнатилган қуввати 8000 МВт қўёшли-иссиқлик электр станциялари – йилига 1,29 млн т.н.э. энергия ҳосил қиласи.

Ўзбекистон умумий энергия балансида қайта тикланувчан энергия манбаи:

- узоқ даврда энергетика хавфсизлигини таъминлайди;
- энергия таъминотини, айниқса, қишлоқ жойларини ва чекка жойларнинг (энергиядан ажralиб қолган) энергия таъминотини яхшилади;
- заҳарли газларнинг ташланишини камайтиради;
- мамлакатнинг барқарор ривожланишига хизмат қиласи.

2.8. Экологик тоза ёқилғи

Мутахассисларнинг фикрича, ичдан ёнар двигателларни криоген водородли ёки бензин-водородли композицияли ёқилғига ўтказиши, бугунги кунда транспорт воситалари учун экологик

тоза ёқилғидан фойдаланишда маълум даражада энг самарали ва иқтисодий бенуқсон ҳисобланади. Шунинг учун ҳам дунёning кўп давлатлари водород ёқилғисига ўтиш технологиясини ишлаб чиқиш устида бош қотиришмоқда.

Водороднинг ёқилғи сифатида ютуғи нафақат унинг ёнишидан «экологик тоза» сув буғига айланади, балки органик ёқилғига нисбатан у кўп энергия захирасига эга. Масалан, 1 тонна водороднинг ёнишидан ажралиб чиқадиган иссиқлик 3,5 тонна органик ёқилғи ёнишидан ҳосил қилинади. Водороднинг углеводород ёқилғисидан фарқли томони каталитик оксидланиш хусусиятига эга бўлиб, паст ҳароратда тўғридан-тўғри кимёвий оксидланиш энергияси, яъни электр энергиясига айланади.

Айнан мана шу жараён, энергетикада водородни қўллаш учун ҳал қилувчи далил бўлиши шубҳасизdir. Мазкур технологиянинг ўзига хос хусусияти шундаки, ёқилғи элементи деб атала-диган ёки электрокимёвий энергия генераторларининг фойдали иш коэффициенти жуда юқори бўлиб, 70 дан 80 фоизгача ёки ёқилғи двигателларининг фойдали иш коэффициентидан 2—2,5 марта ортиқлиги тавсифланади.

Кейинги 20 йил ичидаги дунёда водород ишлаб чиқариш маълум даражада ошди ва 2008 йилга келиб, йилига 100 млн тоннага етди. Маълумотларга кўра, 2020 йилга бориб, водород ишлаб чиқарилишининг ўсиши 120—125, айрим баҳолашларга кўра, йилига 140 млн тоннага етиб, кимё саноатининг янада ривожланишини таъминлайди.

Дунёning кўнгина мамлакатларида мустақил, лекин тарқоқ ҳолда водород ёқилғи технологияларига ўтиб ишлаш билан шугуланилмоқда. Энергетикада водороднинг кенг қўлланилиши, инсониятта, дунёда яшашига, экологик ва ижтимоий ҳалокатлардан кутулишига ажойиб имконият яратади.

III боб.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Фермер, дәхқон, уй хўжаликлари, оиласвий тадбиркор- ликда замонавий инновацион энергия тежайдиган қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш

Маълумки, сўнгти йилларда мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқларини техник-технологик жиҳатдан янгилаш ва модернизация қилиш юзасидан кенг қўламли фундаментал тадқиқотлар ҳамда инновацион лойиҳалар устида изланишлар олиб борилмоқда. Бу мамлакатни янгилаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида интеллектуал мулкнинг ўрни ва аҳамиятини, қолаверса, илмий-тадқиқотлар фаолияти самараадорлигини оширишга тааллуқли дастурлар билан боғлиқ чора-тадбирлар тизимининг янада мустаҳкамланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётir.

Айни пайтда, ўсиб бораётган энергия истеъмолини қоплаш ва 30–40 йиллар мобайнида газ ҳосил қиласидиган хом ашё ва суюқ углеводороднинг мавжуд ҳажмини қазиб олиш ва қайта ишлашда, йиллар ўтиб, энергия етишмаслиги муаммоси вужудга келиши эҳтимоли башпорат қилинмоқдаки, бунга енгил-елпи назар билан қараб бўлмайди. Бундай вазиятда ҳар бир киши онгли равишда она табиат томонидан берилган ушбу табиий бойликларнинг нафақат бугунги авлод учун, балки келажак авлод учун ҳам тортиқ қилингандигини тушуниши керак. Улардан ўйламасдан, мушоҳадасиз фойдаланиш, худа-беҳудага сарф қилиш оқибатида келгусида вужудга келиши мумкин бўлган электр энергия ва табиий бойликлар танқислигини инобатга олмаслик катта муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Тараққиёт илинжида, охирини ўйламай қилинган хатти-ҳаракатларнинг «меваси» ҳам кўз ўнгимизда етилди. Эндиликда, унинг оқибатларини дунёнинг турли ерларида кузатилаётган сув тошқинлари, ҳароратнинг кескин кўтарилиши ёки аксинча, тушибиши, ўрмон ёнғинлари, обиҳаёт танқислиги каби ўнлаб муаммо-

лар орқали кўриб турибмиз. Шу боис, ҳозирданоқ эртанги куннинг ғамини ейиш, танқисликнинг олдини олиш, яъни табиат ресурсларининг ўрнини қоплай оладиган муқобил манбаларнинг энг асослисини оммавийлаштириш долзарб аҳамиятга эгадир.

Айнан ана шу, келгуси авлод олдидағи масъулият, инсоният олдига бутуннинг ўзида энергетика тизимининг бошқа муқобил турларидан фойдаланиш механизмини такомишаётганиш ва кенг фойдаланишини йўлга қўйиш вазифасини юкламоқда.

Муқобил энергия манбаларидан фойдаланишининг жаҳон тажрибаси

Ушбу масаланинг иккинчи жиҳати, муқобил энергия турларининг экологик жиҳатдан тозалигидир. Маълумки, сўнгги вақтда, дунё олимлари ва мутахассислари томонидан чиқиндишларни қайта ишлана орқали муқобил энергия ишлаб чиқариш борасида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқдаки, аксарият давлатлар аллақачон бу борада сезиларли натижаларга ҳам эришишди. Кўплаб ривожланган мамлакатлар кўчаларини ёритишида күёш батареяларидан фойдаланишга ўтётгани фикримизнинг исботидир.

Масалан, Испанияда янги барпо этилаётган ҳар қандай бино 30 фоиз муқобил энергия тизими билан таъминланган бўлиши шартлиги қонунида белгилаб қўйилган. Акс ҳолда, ўша иншоот қурилишига рухсат берилмайди. Германияда ҳозирги кунда фойдаланилаётган энергиянинг 10 фоиздан зиёди муқобил энергиялар ҳиссасига тўғри келса, фақат электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзи 16 фоиздан ортиқни ташкил этади. Яъни 94 миллиард киловатт-соат электр энергияси шамол кучи билан ишлайдиган парклар, күёш батареялари, геотермал (ернинг табиий ҳароратидан фойдаланган ҳолда иссиқлик ва электр энергияси ҳосил қилиш), биоёнилғи ёрдамида фаолият юритадиган станциялар ҳисобидан олинади. 2020 йилга бориб, ушбу мамлакатда бу кўрсаткич 18 фоизга етказилиши режалаштирилган.

Маълумки, анъанавий ёқилғи билан ишлайдиган энергетика туфайли ҳавога чиқаётган олtingутурт, азот, углерод оксидлари узоқ-олис масофаларга тарқалади. Бундан ташқари, улар сув билан қўшилиб, кислота бирикмаларига айланади ҳамда ёмгир таркибига аралашиб, ерга тушади ва ўсимликларга, тупроқча, сувга салбий таъсир кўрсатади. Атроф-мухитда кислоталарнинг кўпайиши оқибатида, оғир металлар озиқ-овқатларга ва пировардида, шу маҳсулотлар орқали инсон организмига ҳам ўтади. Бунда, битта зарар иккинчи бир зарарни ҳам ўзи билан етаклаб келади.

Марказий Осиё ҳудуди ва Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммосини, келажақда энергия етказувчилардан фойдаланишдаги ўзгаришлар, шунингдек, башорат қилинаётган энергия истеъмолчиларининг ўсиши, айниқса, қишлоқ жойларида қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш ҳисоби-тагина ижобий ҳал этиш мумкин.

3.2. Қўёш энергиясидан фойдаланиш

Ёқилғи ресурсларининг камайиб бориши, ишлаб чиқариш чиққиндилари билан атроф-муҳит ифлосланиши, иссиқхона таъсири ва глобал иқтим ўзгариши юз бериши дунё миқёсида барчаниңг эътиборини тортмоқда. Ушбу вазият миллий масаладан ҳам устун хусусиятга эга бўлиб, ечими учун халқаро кучларни бирлаштириш заруриятини келтириб чиқаряпти. Шундан келиб чиқиб, 2011 йил 11 марта Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) ўртасида Ўзбекистонда қўёш энергиясини ривожлантириш соҳасига техник кўмаклашиш бўйича ўзаро келишув Баёноти қабул қилинди.

Қайд этиш лозимки, жаҳон углеводород ҳом ашё захираларининг тугаб бориши шароитида, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш янада муҳим аҳамият касб этаётир. Шу боис, муқобил энергия инновацион ривожланишнинг муҳим омилига айланниб бормоқда.

Бундай ривожланиш электр ва иссиқлик ҳосил қилишининг янги технологик базасининг шакллантирилишига олиб келади:


- электр энергетикасининг энергия самарадорлигини оширади;
- янги иш ўринлари яратилади;
- инсонлар турмуш фаровонлиги ошишига хизмат қилади;
- энг муҳими, экологик шароит яхшиланади, техноген фалокатлар таҳди迪 камаяди.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилган, унда мамлакат умумий энергетик балансида муқобил энергия манбалари ҳиссасини бир неча баробарга ошириш, жумладан, 2020 йилгача 20 фоизга етказиш масаласи қўйилмоқда.

Ўзбекистонда қўёш энергияси ресурсларининг техник имкониятлари

Ўзбекистон улкан қўёш энергияси ресурсларига эга. Унинг техник имкониятлари 200 млн тонна нефть эквивалентига (т.н.э.) teng, бу истеъмолдаги барча энергия манбаларидан уч баробар ортиқ. Йил мобайнида ўртacha 320 кун қўёшли ҳисобланади.

Минимум: 138 ВАТТ/М²
Максимум: 282 ВАТТ/М²
Уртаса: 176 ВАТТ/М²



Индилик ўргача глобал
радиация, ВАТТ/М²

282

138

Ўзбекистоннинг бугунги илмий-техник имкониятлари

Бугун Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия турларини ривожлантириш учун илмий изланиш ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. «Физика—Күёш» ИИБ, Энергетика ва автоматика институти, Электроника институти, «Академприбор» ИИБ ва бошқаларда бу борада илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Халқаро қўёш энергияси институтининг мақсад ва вазифалари:

- бозорни мўлжаллаб, қўёш энергияси технологияси ва қурилмаси ишланмаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- Ўзбекистон Фанлар академияси ва олий ўқув юртларида ишлаб чиқилган қўёш қурилмалари ва технологияларнинг тижоратига кўмаклашиш;
- гелиотехника воситаларини сертификатлаш ва аттестациядан ўтказиш;
- саноат билан алоқани мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорликни кўллаб-қувватлаш;
- кадрларни тайёрлаш ва ўқитишни таъминлаш;
- қўёш энергияси бозорининг таҳдил ва тадқиқот ишларини олиб боришни такомиллаштириш учун тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

«Гелиотехника» (*Applied Solar Energy*) халқаро журнали нашр этилиб, у 100 дан ортиқ мамлакатларга оммалаштирилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг институтларида, хўжалик шартномаси доирасида, қўёш қурилмалари ва инновацион лойиҳалар амалда ишлаб чиқарилиб, жорий этиляпти.

Ўзбекистонда бошланғич босқичда ҚТЭМ ривожлантириши масалалари

- ҳуқуқий-меъёрий базани яратиш, қайта тикланувчи энергия манбалари технологияларини ишлаб чиқарувчи ва унинг қурилмаларини жорий этувчиларини рағбатлантириш;
- қайта тикланувчи энергия технологияларини самарали жорий этишни молиявий-иктисодий кўллаб-қувватлаш чораларини белгилаш;
- қайта тикланувчи энергия соҳаси фаолиятини бошқарувчи орган тузиш;
- ҚТЭМни жорий этишнинг миллий ва идоравий дастурларини тузиш, илмий изланишлар ва самарали ҚТЭМ қурилмалар, шу жумладан, намунавий лойиҳалар яратиш;
- ҳудудий, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- ҚТЭМ ишлаб чиқариш ва фойдаланишни йўлга қўядиган мутахассислар тайёрлаш.

Күёш батареяларини сотиб олишда, унинг қайси соҳада фойдаланилишини, техник характеристикасини, қаерга ўрнатилишини, иқлим ўзгаришининг ўзига хос хусусиятларини ва бошқа кўп омилларни ҳисобга олиш керак. Қуёш батареясининг қуввати, кучланиши, фотоэлементлар сонининг, ишлаб чиқаришнинг электр энергиясига боғлиқлиги, панелларнинг ўлчами, унинг ҳаракатчанлиги (мобильность) ва оғирлиги, унинг асосий техник характеристикаси ҳисобланади.

Истеъмолчилар учун юпқа плёнкали технологияли қуёш батареяларининг характеристикини кўпроқ жозибадор ҳисобланади. Бу батареяларнинг фарқли томони шундаки, ҳаттоқи паст ёритилганлик ҳолатида ҳам юқори қувватни сақладай олади. Монокристалли қуёш батареяларидек, қувватни йўқотиши кам, муҳим энергетик лойиҳани ўрнатиш учча мураккаблик талаб этмайди.

Күёш қурилмасининг ўлчами: 1404x794x3 (мм). Қурилманинг қуввати 50–60 Вт ни ташкил этади. Қуёш батареясининг оғирлиги 17,5–19,5 кг. Ҳар хил моделларда, кучланиш тармоғидан узуб қўйилганда 73,5 дан 77 В оралиғида тебранади. Ишчи кучланиши 55,7–60 В чегарасида вариацияланади. Занжирдан узилган тоннинг кучи 1,18–1,3 А. Юпқа плёнкали қуёш батареяларининг максимал қуввати бошқа аввалги моделлар каби 1000 В.га етади.

Қуёш фотоэлектрик станциялари (КФТ) тизими

Фермер, дехқон ва уй хўжаликлари учун фотоэлектрик станциялар тизимидан фойдаланиши бўйича тавсиялар:

Фотоэлектрик станциялар электр, электрон ва майший ҳамда бошқа аҳамиятга эга бўлган қурилмаларни мустақил электр энергияси билан таъминлаш учун мўлжалланган бўлиб, қайта тикланувчи электр энергияси манбаи синфига кирувчи электр станциясидан иборат.

Күёш фотоэлектрик тизимининг қуёш фотоэлектрик станциясидан фарқи ҚФТга станциядан ташқари, маҳсус энергия сарфи ни тежамкорлик билан сарфлашга мўлжалланган энергия тежамкор қурилма (энергия тежамкор ёритиш учун лампалар, энергия тежамкор совутгич, кондиционер, телевизор ва бошқ.) ҳам киради.

Фотоэлектрик станциянинг ишлаш принципи: қуёш нурини, тўғридан-тўғри 12 В, 24 В ва 48 В ҳамда доимий кучланишили электр энергиясига айлантириб бериш, уни аккумуляторга тўйлаш ва кейинчалик уни частотаси 50 Гц бўлган 220 В ли кучланишга айлантириб, электр истеъмол қиласидаган қурилмаларга уни сарфлашга асосланган.

Фотоэлектрик станциялар жамламаларини етказиб бершига фотоэлектрик панель, контроллер, инвертор, құрғошинли аккумулятор батареяси (аккумулятор), шунингдек, станция элементларини ўзаро улаш учун симлар, коммутацион коробка, клемма улагичлар ва электр щитлари киради.

Харидор хоҳишига күра, етказиб бериладиган жамламалар ўзгартырилиши мумкин. Масалан, аккумуляторлардан харидор воз кечиши мумкин ва ўзи мустақил сотиб олиши мумкин ёки инвертордан воз кечиши мумкин (200 Вт.гача бўлган кувватли станциялар учун).

Фотоэлектрик станциялар жамламаси таркибига кирувчи буюмларнинг аҳамияти:

Фотоэлектрик панель қуёш нурини электр энергиясига айлантириб бериш ва истеъмолдаги энергия сарфловчи қурилма бўлмаган пайтида ёки куннинг ёруғ пайтида ортиқча энергияни аккумуляторни заряд қилиш учун йўналтиришга мўлжалланган.

Фотоэлектрик панель механик ва электрик ўзаро боғланган фотоэлектрик модулдан ташкил топган. *Фотоэлектрик станциялар* қуввати фотоэлектрик панель таркибидаги фотоэлектрик модуллар сонига боғлиқ.

Белгиланган зарур қувватдаги фотоэлектрик панеллар, фотоэлектрик станциядан энергия билан таъминлашда барча қурилмаларнинг энергия истеъмолини белгилайди. *Фотоэлектрик панельда* реал ҳосил қилинадиган электр қуввати, қуёш нурининг қанчалик интенсивлиги, фото қабул қилиш юзасига унинг тушишига ва сўзсиз, йилнинг қайси вақти эканлигига боғлиқ.

Фотоэлектрик модулларнинг ўзаро механик боғланишига монтаж деталлари, узеллар ва мустаҳкамлаш рамаси хизмат қиласди. Уларнинг деталлари рўйхати ва йигиш қоидаси, ФЭПни йигиш инструкциясида ёритилган.

Фотоэлектрик модулларнинг ўзаро электр боғланиши учун, етказиб бериш қоидасига кўра, ўзаро боғловчи монтаж симлари ва коммутацион коробкага кирувчилар хизмат қиласди. Деталь ҳолда электр чизмаси рўйхати ва фотоэлектрик модулларнинг фотоэлектрик ўзаро боғланиши қоидаси, фотоэлектрик станцияларни электр монтаж қилиш қўлланмасида берилган.

Фотоэлектрик панелларни ҳосил қилувчи номинал (иши) кучланиши 12 В, 24 В ёки 48 В.га тенг бўлиши мумкин.

Контроллер:

- сутканинг кундузги пайтида аккумуляторнинг зарядланиши ва температурага қараб, ток зарядининг миқдорини шакллантириш учун мўлжалланган;

- белгиланган миқдордан күп ток истеъмол қылганда, истеъмолчини фотоэлектр станциядан узиш;
- фотоэлектр станцияни, аккумулятор белгиланган миқдордан кам кучланишгача разряд бұлғанида, узиш;

7-жадвал

Маишій хұжаликда фойдаланыладиган айрим қурилмаларнинг қувваты

Курилмалар	Истеъмол қыладыган қуввати (P), ватт	Эслатма
Энергия иқтисод күлгүчі ёриттіч лампа	20	
Экран диагонали 51–54 см бұлған рангли телевизор	100	
Экран диагонали 71 см бұлған рангли телевизор	170	
Экран диагонали 41 см бұлған рангли телевизор	40	
Компьютер	400	
Электр чойнак	1200	
Кир ювиш машинасы	500	
Электр дазмол	1500	
Музлаттігіч	200/1000 вт с/сутка	Махражда суткалик энергия сарфи күрсатилған
Кондиционер (сплит тизимдә)	300/1200 вт с/сутка	Махражда суткалик энергия сарфи күрсатилған

Изоҳ: Жадвалда көлтирилған барча маълумотлар мүлжаллі бұлиб, қурилманиң хилига ва тайёрлайдырылған фирмада ёки корхонага боғлиқ.

Фотоэлектрик панелларнинг иқлим таъсирига чидамлилiği

Фотоэлектрик станциялар таркибида етказиб бериладырылған фотоэлектрик панеллар, қуидеги таъсириларда ўзининг иш қобилиятыни йўқотмаслиги керак:

- диапазонда минус 30°C дан плюс 50°C гача атроф-муҳиттинг ишчи ҳарорати бўлганда;

- нисбий намлик 98 фоиз плюс 25°C ҳароратда;
- ёмғирлар интенсивлигиде 3 мм/мин;
- шамол чегара доирасидаги тезликда 25 м/сек.

Фотоэлектрик станцияларнинг хизмат кўрсатиш муддати камида 10 йил бўлиши керак. Хизмат кўрсатиш муддати даврида, ишчи тавсифномасидаги пасайиш, бошлангич параметрлар даражасидан 25 фоиздан ошмаслиги керак.

Фотоэлектрик панелларга техник хизмат кўрсатиш

Фотоэлектрик панеллар, фотоэлектрик станцияларнинг жамловчи буюмлари ичida асосий ва энг қимматлиси ҳисобланади, шунинг учун унинг тўғри ва доимо техник хизмати станциянинг тўлиқ ишончли ишлашини таъминлайди. Бажариладиган ишлар:

- фотоэлектрик модулларнинг фотоқабул юзасининг тозалигини ҳар куни текшириш.

Агар фотоқабул юзасини текширишда қўйилдагилар аниқланса:

а) қор қоплаган бўлса, юмшоқ супургида супуриб ташлаш ва юзасини куруқ матода артиш;

б) музлаган бўлса, 40–50°C ҳароратдаги иссиқ сув билан юмшоқ матони ҳўллаб, юзасини артиб, муз қатламини йўқотиш. Муз қатламини йўқотгач, куруқ юмшоқ матода юзасини артиш.

Эслатма: юзасини қор ва муздан тозалашни амалга оширишда, юқоридаги усулдан бошқа усуллар (қириш, қиртишлаш) ни кўллаш қатъиян ман этилади.

Куёш батареяларини ўрнатиш

Куёш батареялари етарлича ютуққа эга, чунки куёш энергияси белул ва энергиянинг ўзи доимо қайта тикланувчи.

Истеъмолчи учун куёш батареясини ўрнатиш фойдали. Курилманинг барча таркибий қисми мустаҳкам, хизмат муддати чекланмаган. Амалда бундай қурилмаларни сотиб олиб, мижоз исталган таъмирлашни ёки кўп йиллар учун тўловларни унутиши мумкин. Батареяда яримўтказгичлардан фойдаланилган, у қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириб беради.

Шуни унутмаслик керакки, куёш батареясини ўрнатсангиз ёқилгини тежайсиз. Куёш қурилмалари ёқилғи талаб қилмайди, атроф-муҳитга зарарли моддалар чиқармайди, ишлаб чиқариши чиқинчиси мавжуд эмас, умуман шовқинсиз. Шуни ишонч билан тасдиқлашимиз мумкинки, ушбу турдаги энергия энг экологик хавфсиз ва тоза ҳисобланади. Куёш панелларининг фақат битта арзимас камчилиги бор, у ҳам бўлса, ҳажми. Куёш батареясини ўрнатиш учун анчагина жой талаб этилади, лекин бунга барча харажатлар ўзини қоплайди.

Батареяларнинг қувватини танлашда, ҳудуднинг иқлими ҳал қилувчи роль ўйнайди. Агар батарея ўрнатиладиган ерга доимо қўёш тушиб турса, батареядан доимий электр энергияси манбаи сифатида фойдаланиш мумкин. Қуёш батареясининг модулли конструкцияси қуввати ва кучланишини бошқариш имконини беради. Қуёш батареясини ўрнатишнинг аниқ қоидаси мавжуд, унга амал қилиш энергия манбанинг самарадорлигини оширади. Қуёш батареяси жанубга қаратиб ўрнатилади. Қуёш нурлари батарея юзасига перпендикуляр тушиши керак. Трекер тизими билан жиҳозланган бўлиб, батарея конструкциянинг айланиси учун, батарея қуёшнинг вазиятига йўналтирилади. Мавсумга қараб, батарея панеллари керакли йўналишга буриб қўйилади.

Қуёш батареяларини ажратилган майдонга ўрнатиш бир неча кунни олиши мумкин. Унча катта бўлмаган ҳажмдаги панелларни ўйларнинг томларига ўрнатиш мумкин. Бу билан майдонни иқтисад қилишга эришилади, акс ҳолда, маҳсус майдончалар зарур бўлади. Қуёш батареясининг бурчак туриши 45° га яқин бўлиши керак. Бунда бошқа обьектларнинг жойлашиши ҳисобга олинади, улар қуёш нурларининг қурилма юзасига тушишини қийингластириши ёки ҳалақит беришлари мумкин. Бундай обьектлар қўшни бинолар, дараҳтлар, электр узаттич линиялар бўлиши мумкин.

Қуёш батареяларини ўрнатиш учун маҳсус мустаҳкамловчи конструкциялардан фойдаланилади. Улар тўғри конструкциянинг бурилиш бурчаги, мустаҳкамлиги ва маҳкам туришини таъминлайди. Ушбу конструкция, унга маҳкамланган панеллар билан қаттиқ шамоллар, ҳар хил предметларнинг урилиб кетишига ҳам чидаши керак.

Қуёш батареясини ўрнатишнинг ташқи кўринишга боғлиқ бир неча варианти бор. Ўрнатишнинг қия варианти томларда (исталган қиялик бурчагида) фойдаланилади. Текис томларда қуёш батареялари горизонталь услубда ўрнатилади. Қуёш қурилмаларининг таянчли конструкцияси эркин тура оладиган усулда ўрнатилади. Интеграцияланган усулда ўрнатиладиган қуёш батареяси элементлари бинонинг ўзида интеграцияланади. Бу дегани, қуёш тизими аввалдан лойиҳада кўзда тутилиши мумкин. Бу ҳолатда жой иқтисад қилинади, бино юзаси билан боғланиш мустаҳкам бўлади.

Ўзбекистонда қуёш панеллари

Ўзбекистонда қуёш панелларидан фойдаланиш мамлакатимиз учун янгилик ҳисобланади. Ҳозирча ҳамма ҳам қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириб берадиган қурилмани сотиб олишга жазм қилмаяпти. Бунга бир нечта сабаб бор. Ўзбекистонда қуёш панеллари бизга маълум табиий усуллар: газ,

нефть ва нефть маҳсулотларининг кенг спектридан фойдаланмай туриб, электр энергияси ишлаб чиқаришнинг ўринини 100 фоиз боса олмайди. Қуёш панелларидан мамлакатимизда йилнинг ҳаво булут пайтларида фойдаланиб бўлмайди, бу даврда худудларга электр энергиясини ишлаб чиқаришга етарли бўлмаган миқдорда қуёш нурлари тушади.

Қуёш панелларини Ўзбекистонда жорий этиш учун мос қонунчилик базасини яратиш керак. Шунингдек, унинг ривожланишини назорат қилиш ва ишлаб чиқарилган қуёш энергиясини истеъмол этиш тизимини яратиш зарур. Бошқа томондан, Ўзбекистонда қуёш энергиясидан фойдаланишни оммалаштириш ва билимдонлик билап энг оддий истеъмолчигача тушунтириб беришни талаб этади. Бу тизимни Европа мамлакатлари шахсий уй-жойларда, кўп қаватли уй-жой ва саноат биноларида самарали қўллашмокда.

Истеъмолчиларимиз учун маълум даражада электр энергияси истеъмоли учун тўловлар иқтисод бўлади. Ўзбекистон истеъмолчилари учун қуёш панелларини танлашдаги муҳим омил энергиянинг ушбу турининг хавфсизлиги ҳисобланади. Қуёш энергиясининг электр энергиясига айланиши (трансформация) экологик тоза, атмосферага зарарли чиқитлар ишлаб чиқармаслиги ҳисобланади, энергия ишлаб чиқариш миқдори бўйича, дизель ёки бензин генераторларида электр энергияси ишлаб чиқаришдан қолишмайди. Ундан ташқари, қурилма деярли кўчма ва панелларнинг йўналиши ва ҳолатини ўзгартирувчи маҳсус механизмлар билан жиҳозланган.



Наманган вилоятидаги намунавий уйларга ўрнатилган қуёш батареяси.

Электр энергиясига нархларнинг ошиши, қуёш панелларига кескин қизиқиши ошириди. Бу энергия тежамкор технологияларнинг ривожланишига ижобий тасир этади. Газ, баъзан электр энергияси бўлмай қолган қишлоқ жойларида, энергия қийин вазиятдан чиқишининг муқобили ҳисобланади. Қуёш панеллари Ўзбекистонда яна бир неча йиллар ичидаги жуда оммалашиб кетиши мумкин. Ундан фойдаланишини бошлиш ва ушбу фаолият мисолида унинг фойдали эканлигини асослаш керак.

Қуёш коллектори қурилмаси

Қуёш коллекторини ўрнатиш қурилманинг монтаж ва ишлатиш қоидаларига қаттий мос равишда бажарилиши керак. Бу унинг самарали фойдаланишига ўз таъсирини ўтказади. Агар сиз қуёш коллекторини ўз мақсадингизда ўрнатишни мўлжаллаган бўлсангиз, шунга тайёр бўлиш керакки, у бутун йил мобайнида доимий унумдорликни таъминламайди. Албатта, сув иситиш учун йилнинг совуқ даврига қўшимча сув иситгич зарур бўлади. Ўртacha бу қурилма бизнинг худудимида йилнинг 9 ойи давомида ишлаши мумкин.

Қуёш коллекторлари сув иситиш учун юқори сифатли маълум жамламаларни талаб қилади, унинг муваффақияти ва конструкциясининг узоқ ишлаши шунга боғлиқ. Ҳисобга олиш керакки, қурилма ёзда қуёш фаоллиги максимал даврида юқори 100°C ҳароратгача ва қишиш пайтида 20°C гача паст ҳарорат таъсирида бўлади. Шунинг учун, барча тизимдаги элементлари тебраниши энг баланд амплитудадаги ҳароратга ҳисобланган бўлиши керак. Шунингдек, иссиқликни йўқотмаслик учун яхши иссиқлик изоляцияси (теплоизоляция) керак. Қуёш коллекторини буюртмачи худудида ўрнатиш бир неча босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда, коллекторнинг қаерга ўрнатилиши (масалан, томга текис ёки бинонинг фасадига, ёки балконга ҳамда исталган жойга) аниқланиши керак.

Курилма ўрнатилишида соя ҳосил бўлишига эътибор қаратилиши керак, чунки бу омил коллекторнинг унумдорлигига тасир қилади. Шуни баҳолаш керакки, қурилма қанчалик ёз даврида (курилма атрофида дараҳтлар бўлса), шунингдек, йилнинг бошқа фаслларида соя тагида қолади. Агар ён атрофида битмаган қурилиш бўлса, унинг битганидан сўнг қурилманинг қанчалик сояда қолиши ҳисобга олиниши керак.

Кейинги босқичда қуёш коллекторининг мўлжалдаги йўналишини ҳисобга олиш лозим. Қуёш коллекторини жанубга қараб йўналтириш тавсия этилади. Агар жанубга йўналтиришнинг иложи бўлмаса, унда оптималь йўналишини тўғри танлаш лозим. Қурilmадан максимал натижани 60° бурчак остида ўрнатиб олиш

мумкин. Шуни ҳисобга олиш керакки, қиши пайтида бурчакни 15° гача ошириш керак. Қуёш коллекторлари ўрнатиш билан шуғулланувчи мутахассислар барча тайёргарликларни зарур услубда қилишади. Шунинг учун, коллекторларингизни ўрнатишни ҳақиқий касб эгаларига ишониб топширинг.

Қуёш энергияси — ер юзидағи чексиз қувват манбаидир

- Ернинг 1 m^2 юзасига қуёш йилига $3,16 \times 10^9 \text{ кДж}$ иссиқлик таратади;

- Ер юзасига тушаётган қуёш энергиясининг ҳажми, Ер юзидағи барча нефть, газ, күмир ва бошқа энергия ресурслари захи-расидан, хусусан, ҳозирги кунда бутун жаҳон энергия истеъмоли қувватидан 20000 баравар кўпdir;

- 2020 йилга бориб, бутун жаҳонда электр энергиясига бўлган талабнинг 15–20 фоизи қуёш энергияси ҳисобига ишланади;

- ҳар йили 3 млн.дан кўпроқ гелиосистемалар ишга туширилади. Бу кўрсаткичлар нафақат иссиқ минтақали ўлкаларда, ҳатто Аляска шароитидан олинган.

8-жадвал

Тошкент шаҳри учун йил давомидаги қуёшли, булутли ва қуёшсиз кунлар жадвали



Кунлар Ойлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йиль
	Н	В	А	Р	А	Н	Л	Г	Н	О	Я	Д	Л


Умумий булутли кунлар

Куёшли	3	3	4	4	6	13	18	21	19	12	5	5	113
Булутли	13	12	13	16	20	15	12	9	10	14	15	11	160
Куёшсиз	15	13	14	10	5	2	1	1	1	5	10	15	92

Кам булутли


Куёшли	14	11	14	15	18	21	25	28	26	21	17	15	225
Булутли	13	13	15	13	13	9	6	3	4	9	10	12	120
Куёшсиз	4	4	2	2	0	0	0	0	0	1	3	4	20

Күёш коллекторига тушаёттган қүёш энергиясининг миқдори, тўғриловчи коэффициентни ҳисобга олганда (15 %) кВт соат/ $\text{м}^2/\text{кунига}$



10-жадвал

20 та трубали қүёш коллекторининг қуввати ($2,63 \text{ м}^2$) — тўғриловчи коэффициенти билан — 15 % кВт соат/кун



Трубка-лар сони	Оғиз бурчаги	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Йиллик ўртacha
20 ($2,63 \text{ м}^2$)	41,0°	2,25	4,24	6,60	8,69	9,48	10,12	9,93	8,14	5,97	3,65	2,59	6,12
	71,0°	3,20	5,61	8,00	9,52	9,66	9,99	9,95	8,63	6,91	4,65	3,60	6,86

Вакуумли қүёш коллекторлари тизими ҳамма иқдим шароитига мосдир. Тизимнинг ишлаб чиқариш қуввати, қүёш нурланнишининг аниқ минтақадаги кўрсаткичларига боғлиқ. Вакуумли гелиоқурилмаларнинг ўзини оқлаш муддати иш жараёнидаги харжатларни ҳисобга олганда, 2 йилдан 5 йилгача, курилманинг ишлаш муддати — 25—30 йил.

Вакуумли қүёш коллектори — бу қүёш энергиясини иссиқлик энергиясига айлантирадиган бир бутун тизимдир.

Вакуум трубкасининг конструкцияси

Термоснинг шишили колбасига ўхшаш термасифон тизимидағи вакуум трубкасида сув айланади. Боросиликатли шиша уч қатламли абсорбцияловчи (ютувчи) қопламалардан иборат. Қүёш коллекторлари анъанавий иситиш тизимининг ўрнини тұлғык боса олмайды, балки иситиш тизимидә бошланғич иситиш учун құлланилади.



Қүёш энергияси коллектори.

11-жадвал

Вазифасига қараб	<ul style="list-style-type: none"> — (ГВС) иссиқ сув таъминоти; — иситиш тизими; — биргаликда ишловчи тизим.
Иссиқлик ташувчисига қараб	<ul style="list-style-type: none"> — суюқлики; — ҳаволи.
Ишлаш муддатига қараб	<ul style="list-style-type: none"> — йил мобайнинда ишловчи; — мавсумий.
Схемасининг техник ечимига қараб	<ul style="list-style-type: none"> — бир контури; — иккى контури; — күп контури.

Коллекторнинг фойдали юзаси ва иссиқ сувга бўлган эҳтиёжларининг умумлашган нисбати:

Коллекторнинг 1 м² фойдали юзаси учун:



- бир кечакундузга 50—70 литр иссиқ сув (бир одамга керак бўлган);

- 1—2 м² сув ҳавзаси;

- 5—10 м² иситиладиган юза;

- 20 литргача бўлган сув аккумулятори ҳажми.

Қуёш сув иситтичининг ҳажми ўртacha кун бўйи ишлатиладиган сув ҳажмидан 1,5—3 баравар катта бўлиши керак.




Босимсиз қуёш иситтичлари схемаси (термосифон тизими).

Коллекторнинг ҳар 1 м² фойдалы юзасига камидаги 20 литр сув иситтигич ҳажми түгри келиши керак (ҳар бир трубасига — 3 литр).

Курилманинг тежамкор ишлаши учун қурилма коллекторининг юзаси иситиш тизимига уланганда, иссиқ сув тайёрлаш курилмаси юзасидан 2—3 баравар ортиқ бўлиши керак.

Мавжуд гелиосистема моделлар самарали турини жойлашган минтақаларга қараб танлаб олиш имкониятини беради

Куёш коллекторининг схемаси (сплит-система)



Босим остидаги қуёш иситтичлари компакт схемаси.

Күёш қурилмасининг иссиқ сув таъминотида қўлланилиши

Йил давомида иссиқ сув таъминотида күёш қурилмаларининг самарали фойдаланиши тавсияси (Европа ва Осиё кенгликлари учун).

Иссиқ сув таъминоти куввати бир кишига (50–70 литр) ҳисобида, күёш коллекторларининг бир кишига тавсия қилинадиган майдони $1-1,5 \text{ m}^2$.



Иссиқ сув таъминоти мавсумнинг беш ойидан кам бўлган ҳолларда күёш қурилмаларининг ишлатилиши мақсадга мувоғиқ эмас. Бундай ҳолларда, күёш қурилмаларининг тавсия қилинадиган майдони бир кишига 1 m^2 .

Күёш коллекторларининг қўлланиш қўламлари


1. Корхона комплекслари, йўналиши ва ҳажми чекланмаган.
2. Уйлар, коттежлар, дала ҳовлилар.
3. Қишлоқ хўжалиги муассасалари.
4. Соғлиқни сақлаш тизими: поликлиника, шифохона, санаторий, профилакторий, даволаш марказлари, қишлоқ шифокорлик пунктлари.
5. Мехмонхона, саёҳат мажмуалари.
6. Спорт ва соёломлаштириш комплекслари, очиқ ва ёпиқ турдаги сув ҳавзалари, стадион, сайёҳлик ва дам олиш масканлари.
7. Болалар муассасалари: бөгча, мактаблар, ёш ижодкорлар маркази, ёзги оромгоҳлар.



8. Ресторан, қаҳвахона, ошхона ва бошқалар.
9. Офислар.
10. Темир йўл ва автомобиль транспорти иншоатлари.
11. Авто ювиш, АЁҚШ, иссиқхоналар ва бошқалар.
12. Совуқ сув ва қуёш нури бўлган ҳамма жойларда.

Куёши сув иситгичлари қатор муаммоларни ҳал қиласди:

1. Мустақил иссиқ сув таъминоти (йил давомида ёки мавсумий).
2. Чекланмаган майдонда тўлиқ ёки қисман иситиш қурилмаси учун.
3. Мавжуд иссиқ сув таъминоти ва иситиш тизимининг самарадорлигини ошириш учун.
4. Очиқ ёки ёпик сув ҳавзаларини иситиш учун.
5. Иссиқхоналар учун.
6. Технологик мақсадларда иссиқ сув таъминоти.



Қуёш қурилмаларининг афзаликлари:

1. Иншоотларни иситиш ва иссиқ сув таъминоти харажатларини қисман қисқартиради:
 - иссиқхоналар сув харажатларини – 60 фоиз;
 - иситиш харажатларини – 30 фоиз.
2. Мустақил иссиқлик энергия манбай.
3. Электр ва газ таъминотида узилиш бўлганда, биноларнинг иссиқ сув таъминоти ва иситиш тизимига кетадиган харажатларни камайтириш ва самарадорлигини ошириш.



4. Асосий ва ёрдамчи иситиш тизимиning ишлаш муддатини ошириш:

- бойлер ва газ қозонини – 2 марта;
- уларга тушадиган юкни 97 фоизгача камайтириш ҳисобига.

5. Иссиқ сув таъминоти ва иссиқлик тизимини интеграциялаш имкони.

6. Атроф-муҳитни ифлослантирувасдан, табиат ва экологияни сақлаб қолиш, инсонлар соғлигини ҳимоялашга эришиш. 2030 йилга келиб, қуёш электростанциялари йил давомида ҳавога чиқариладиган CO_2 газини 1,6 млрд тоннага камайтиради. Бу кўрсаткич 450 та ИЭС чиқарган CO_2 газига тенг (2011 йилда тахминан 0,2 млрд тонна)

Қуёш вакуум коллекторларининг афзаликлари:

1. Қуёш нури гелиосистемада самарали фойдаланилади (85–93 фоиз).
2. Йилнинг ҳамма ойларида ишлатиш имконияти; куз ва қиши мавсумида ҳам юқори кўрсаткичга эга.
3. Совуқ минтақаларда ишлаш имконияти, ҳаттоқи қишида, паст ҳароратда ҳам ишлатилади.

4. Қуёш нури кам ёки түғридан-түғри тулмаган ҳолларда ҳам юқори самарадорликка эга.

5. Юқори мустаҳкам ва пишиқлиги: иссиқ алмаштиргич мисдан ишланганлыги; юқори чидамли боросиликат шиша 30 мм. гача дұлға чидамли; вакуум коллекторлари совук иқлимли минтақалар ва қаттық шамол өсувчи жойларда ишлатишга мұлжалланганлыги.

6. Муз ва қор қопланганда тез әриб ишчи ҳолатта қайтиши.

7. Иситиши сувининг заарасызлиги.

8. Қурилмани йиғишининг оддийлиги ва ишлатишнинг қулайлиги.

9. Қурилмани жойлаштиришнинг архитектуратаға мос келиши.

10. Вакуум трубалари шикастланганда бутун тизим ишига таъсир қылмайды (трубка алмаштириш жойида бажарилади).

11. Транспортировка ва монтаж ишларининг қулайлигі.

3.3. Чиқиндидан биогаз ва биоғит олишни ташкил этиши

Энергия ва юқори самаралы органик ўғитлар олиш учун биомасса ва биогаз технологияларидан фойдаланыш республика фермер, деңқон ва уй хўжаликлари, оиласи тадбиркорлик фаолиятининг энг истиқболли йўналишларидан ҳисобланади.

Одатда, фермер ва деңқон хўжаликларида, йил давомида, катта миқдорда гўнг, ўсимликлар поялари ва барглари, турли чиқиндиilar тўпланиб қолади. Чорвачилик фермаларидаги гўнг ва бошқа органик чиқиндиilar оқова сувлар билан бирга атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади, сизот сувлар ва ҳаво ҳавзасининг ифлосланишига олиб келади, ернинг заарли микроорганизмлар билан зарарланиши учун қулай муҳит яратади. Гўнг ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиilarини, биогаз қурилмаларидан биогаз ва биоғит олиш мақсадида анаэроб (ҳавосиз муҳитда) қайта ишлаш ушбу муаммоларни ҳал этишининг истиқболли, экологик хавфсиз, иқтисодий жиҳатдан фойдали йўналишларидан ҳисобланади.

Биогаз технологияларини қўллаш бўйича ушбу амалий қўлланма кенг доираидаги омма учун мұлжалланган. Унда биогаз технологияларини қўллашнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўзининг батафсил ифодасини топган, биогаз қурилмаларининг конструкциясини танлаш, уларнинг техник тузилиши, конструкцияларни қуриш ва фойдаланиш бўйича аниқ тавсиялар келтирилган, турли хом ашёларни қайта ишлаш, биогаз ва биоғит олиш технологияларидан фойдаланишга оид етарлича тўлиқ ахборотлар берилган. Ушбу қўлланмада фермер ва деңқон, уй хўжаликлари биогаз технологияларини қўллашнинг ижтимоий-иқтисодий ва

экологик самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур қўлланма фермерлар, уй ва деҳқон хўжаликларида, оиласий тадбиркорликда замонавий инновацион энергия манбалари технологияларидан кенг фойдаланиш, биогаз қурилмаларини барпо этиш ва улардан фойдаланишда ёрдам беради, мамлакатимизда биогаз технологияларини янада ривожлантиришга хизмат қиласди.

Қўлланма «Ихлос Бизнес Барака» хусусий корхонаси, «Ekoravnaq» МЧЖ корхонаси ва Ўзбекистон «Adolat» СДП Тошкент вилояти кенгаши ходимлари, мутахассислари томонидан амалга оширилган биогаз олиш техникаси ва технологиялари бўйича тадқиқотлар натижаларини ўз ичига олган.

Унда биогаз қурилмаси турини танлаш, уни қуриш билан боғлиқ масалалар қисқача баён этилган, шунингдек, ушбу лойиҳа доирасида Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги «Agro-Milk» фермер хўжалигига ўрнатилган тажриба-намуна биогаз қурилмасидан фойдаланиш натижалари бўйича тайёрланган айрим техник-иқтисодий маълумотлардан ҳам фойдаланилди.

Биогаз технологияларини қўллаш орқали, иссиқлик ва электр энергияси олиш, биогаз технологияларидан фойдаланишнинг муҳим жиҳатидир. Аммо энг муҳими бу эмас. Бугунги кунда биогаз технологияларини қўллаш орқали ҳал этиладиган асосий



Биогаз қурилмасини ишлаб чиқарувчи «Ихлос Бизнес Барака» хусусий корхонаси раҳбари М. Миглиев ва «Ekoravnaq» МЧЖ раҳбари А. Темировлар тақдимоти.

масала: биогаз ишлаб чиқаришнинг қўшимча маҳсулоти — биологик минерал ўғитлар (биоўғит) ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш имкониятигининг найдо бўлишидир. Биоўғитлар қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини 10—30 фоизга оширишига қодир бўлиб, ҳозирги кунда фермер, дехқон ва уй хўжаликлари дуч келаётган агротехник ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга ҳам ёрдам беради.

Ўзбекистон фермер хўжаликлари учун биоўғитларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги анча юқори. Бундай ҳолатда биогаз технологиялардан фойдаланишнинг қўшимча маҳсулотига айланади. Бизнингча, санитария-гигиена ва экологик вазиятни яхшилаш бўйича биогаз технологияларидан фойдаланиш туфайли яратиладиган имконият мухим аҳамият касб этади.

Дунёда қишлоқ хўжалиги чиқиндилиарини қайта ишлашга асосланган биогаз технологияларини жорий этиш, биогаздан ёқилги-энергетика, биоўғитлардан агротехник мақсадларда фойдаланиш бўйича йирик ҳажмдаги назарий материаллар ҳамда амалий тажриба тўпланган.

Айни пайтда, фермер, дехқон ва уй хўжаликларида шудгор қилинадиган ерлар унумдорлигининг пасайиши, ёқилги ва ўғит нархининг ошиши, атроф-муҳит ахволининг ёмонлашиши билан боғлиқ қатор қийинчиликларга тўқнаш келинмоқда. Бу эса, пи-ровард натижада, қишлоқ хўжалиги тармоғи самарадорлигининг пасайишига олиб келаёттир. Биогаз технологияларини кенг жорий этиш ушбу муаммоларни ҳал этиш ишига салмоқли ҳисса қўшиши мумкин.

Ушбу амалий қўлланма турли қувватга эга бўлган биогаз қурилмаларини (БГҚ) барпо этиш ва улардан фойдаланиш натижаларига асосланиб тайёрланди. Бу борада тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, ҳар бир БГҚни лойиҳалаштириш ва барпо этишда мазкур объектга тааллуқли барча омилларни ҳисобга оладиган алоҳида ёндашув талаб этилади. Шу сабабли, бу қўлланмада биогаз қурилмаларини жорий этиш ва улардан фойдаланишга доир асосий тавсияларгина келтирилган, муайян лойиҳа-қурилиш ишлари эса, малакали мутахассислар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон «Adolat» СДП «Инновация, муқобил энергетика тарғиботи Маркази ва Тошкент вилояти партия Кенгаши, биогаз қурилмаларини ишлаб чиқарувчи «Ихлос Бизнес Барака» хусусий корхонаси, «Ekoravnaq» МЧЖ корхоналари билан ҳамкорликда фермер ва дехқон хўжаликлари, шунингдек, алоҳида ҳолда фойдаланувчи уй хўжаликлари учун биогаз қурилмаларини қуриб бериш, фойдаланиш, қўллаш бўйича маслаҳат хизматини кўрсатиши мумкин.

Биогаз ва биогаз ҳосил бўладиган шароит


Биогаз — таркибида кўп миқдорда метан (40–75 фоиз) ва карбонат ангидрид гази (25–55 фоиз) бўлган газлар аралашмасидир.

12-жадвал

Биогазнинг кимёвий таркиби

Модда	Кимёвий формуласи	Таркибидағи моддаларнинг улуси
Метан	CH_4	40–75
Карбонат ангидрид (ис гази)	CO_2	25–55
Сув буғи	H_2O	0–10
Азот	N_2	<5
Кислород	O_2	<2
Водород	H_2	<1
Водород сульфид	H_2S	<1
Аммиак	NH_3	<1

Биогаз — энергиянинг «унутилган» манбаларидан бири бўлиб, ундан қадимги Хитойда фойдаланилган. Айни пайтда, у қайта тикланди ва бошқа қайта тикланаётган энергия манбалари қаторидан ўрин эгаллади.



Қадимги Хитойда биогазни олиш тасвиrlанган.

Биогаз органик чиқиндиларни ҳавосиз ачитиш (ферментлаш) йүли билан ҳосил қилинади. Табиатда биогаз, кислород бұлмаган жойлар – ботқоқлик ва балчиқзорлар, шунингдек, овқат ҳазм қилиш трактида ҳосил бўлади. Органик материал ҳавосиз муҳитда ушлаб турилса, метан ҳосил қиласидаган бактериялар таъсирида биогаз ҳосил бўладиган биологик жараён бошланади.

1 м³ биогазнинг ёниш иссиқлиги 25 МЖ.гача етади. Бу 0,6 литр бензин, 0,85 литр спирт ёки 1,7 килограмм ўтин ёниши билан тенгdir. Иссиқлик қурилмасининг фойдали иш коэффициентига (ф.и.к.) қараб, биогазнинг ушбу миқдоридан 2 кВт соат электр ва 2 кВт соат иссиқлик энергияси олиш мумкин.

Битта сигирнинг бир кунлик гүнгидан 1,5–3 м³ биогаз олиш мумкин. 1 м³ биогаз ичидаги энергия 0,7 м³ табиий газ энергиясига тенгdir. Биогаздан фойдаланиш мазут, кўмир, электр энергияси ва бошқа энергия манбаларини тежаш имконини беради. Биогаз қурилмаларини жорий этиш, чорвачилик фермалари, паррандачилик фабрикалари, уларга туташ худудларнинг экологик аҳволини яхшилайди, атроф-муҳитга заарали таъсирининг оддини олади.

Одатда, фермер хўжаликларида йил давомида катта миқдорда гўнг, ўсимликлар қолдиқлари, турли чиқиндилар тўпланиб қолади. Улар чиригандан сўнг, органик ўғит сифатида ишлатилади. Бироқ, уларни ферментлаш пайтида қанча миқдорда биогаз ва иссиқлик энергияси ажралишини ҳамма ҳам билавермайди. Ҳолбуки, бу энергия қишлоқ аҳолиси учун жуда қўл келиши мумкин.

Чорвачилик фермаларининг гўнги ва унинг суюқ таркибий қисмлари сувлар билан бирга, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади, сизот сувларни ва ҳавони заҳарлайди, тупроқда заарли микроорганизмлар кўпайиши учун қулай муҳит яратади. Чорва моллари гўнги таркибида учрайдиган касаллик түғдирувчи бактериялар, паразит куртлар (гижжалар) тухумлари ва ёввойи ўтлар уруглари ўз кучини сақлаб қолади.

Ушбу салбий ҳолатларни бартараф этиш учун озиқлантирувчи моддалар куюқлигини ошириш билан бирга ёқимсиз ҳидни, касаллик қўзгатувчи (патоген) микроорганизмларни йўқотиш, заарли (канцероген) моддалар миқдорини камайтириш имконини берадиган гўнгни қайта ишлаш бўйича маҳсус технология мавжуд.

Бу муаммони ҳал этишнинг истиқболли, экологик хавфсиз ва иқтисодий жиҳатдан фойдали йўналиши гўнг ва органик чиқиндиларни биогаз қурилмаларида анаэроб қайта ишлашдан иборат. Бунинг натижасида олинадиган биогаз таркибида метан кўп бўлгани (75 фоизгача) туфайли, у ёнувчандир.

Биогаз маҳсус иншотлар – метантанкларда ишлаб чиқарилади ва ундан чорвачилик бинолари, уй-жойлар, иссиқхоналарни иситиш, овқат тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини куритиш, газ электр генераторлари ёрдамида электр энергиясини ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкин.

Қолган табиий моддалар табиий қайта ишлангандан сўнг, юқори сифатли заарсизлантирилган ўғитга айланади. Олинган ўғит таркибидаги озиқа моддалари оддий гўнгдагига нисбатан анча кўпаяди.

Биогаз олиш учун фойдаланиладиган хом ашё турлари

Биогаз қурилмаларида қайта ишлаш учун қуйидаги арzon қишлоқ хўжалиги чиқиндилари хом ашё сифатида хизмат қилаади:

- қорамол, қўй-эчки, парранда ва чўчқа гўнги;
- сомон, пайраха, қипиқ, хас-чўп, дараҳтларнинг тўкилган барглари;
- майший чиқиндилар, инсон ҳаёти ва фаолияти натижасида ҳосил бўлган чиқиндилар, майший органик чиқиндилар ва ҳоказолар.

Бугунги кунда, биогаз технологияларида фойдаланиладиган хом ашёнинг қарийб 470 тури мавжуд. Бу материаллар: чорвачилик чиқиндилари (гўнг), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш (қайта тикланадиган хом ашё) ва саноат ҳамда уй-жой-коммунал хўжалик органик чиқиндиларидан (био-чиқиндилар) олинадиган моддалардан иборатdir.

Олинадиган биогаз миқдори, одатда, гўнгдаги бир килограмм қуруқ моддага нисбатан куб метрда ҳисобланади.

Жадвалда турли хил хом ашё учун мезофил ҳароратда 10–20 кун ферментлашдан сўнг, бир килограмм қуруқ моддага нисбатан олинадиган биогаз миқдори кўрсатилган.

**Турли хил хом ашёдан фойдаланилганда олинадиган биогаз ва
унинг таркибида метан миқдори**


Хом ашё тури	Олинадиган газ миқдори, 1 кг қуруқ моддага нисбатан м³	Таркибидаги метан миқдори, %
Чорва моллари гүнги		
Қорамол гүнги	0,250–0,340	65
Чүчқа гүнги	0,340–0,580	65–70
Парранда гүнги	0,310–0,620	60
От гүнги	0,200–0,300	56–60
Күй ва эчки қийи	0,300–0,620	70
Хўжалик чиқиндилари		
Оқова сувлар чиқиндиси	0,310–0,740	70
Сабзавот чиқиндилари	0,330–0,500	50–70
Картошка пояси	0,280–0,490	60–75
Лавлаги пояси	0,400–0,500	85
Ўсимликларнинг қуруқ чиқиндилари – похол		
Бүгдой похоли	0,200–0,300	50–60
Жавдар похоли	0,200–0,300	59
Арпа похоли	0,250–0,300	59
Сули похоли	0,290–0,310	59
Маккажӯҳори похоли	0,380–0,460	59
Зигир	0,360	59
Лавлаги пўчоғи	0,165	59
Кунгабоқар барглари	0,300	59
Беда	0,430–0,490	
Бошқалар		
Майса-ўт	0,280–0,630	70
Дарахтлар барги	0,210–0,290	58

Анаэроб ачитишида касаллик құзғатувчи бактериялар ва микро-зарарловчиларни заарасызлантириш

Метантанкда касаллик құзғатувчи бактерияларни йүқ қилишнинг асосий омиллари вакт ва ҳарорат ҳисобланади. Мезофил тартибда анаэроб ачитишида ($35-37^{\circ}\text{C}$), касаллик құзғатувчи (одамлар ва уй қайвонларига зарар етказадиган) бактериялар умумий мөкдори 99 фойзге камаиди. 55°C ҳароратда термофил ачитиши, бу күрсаткични 99,99 фойзге камайтириш имконини беради. Касаллик құзғатувчи бактерияларни камдан-кам ҳолларда бутунлай йүқ қилишта эришилади.

Биогаз олиш учун құлланыладын технология

Биогаз олиш, метан ажралиб чиқувчи ачитиши жараёни билан болғылған. Бу жараён уч босқычдан иборат бўлиб, органик моддаларни микроорганизмларнинг иккита асосий – кислотали ва метанли гурӯхлари бўйича ажратишини ўз ичига олади.



Биогаз қурилмасининг чизмаси.

Ажратиши жараёнлари таркибида азот, фосфор, калий бўлган органик бирикмаларни минераллаштириш билан бирга кечади ва бунинг натижасида ўсимликлар ўзига осон сингдира оладиган азот, фосфор ва калийнинг минерал шакллари ҳосил бўлади.

Биогаз ишлаб чиқарши жараёни уч босқычга бўлинади:

1. Гидролиз.
2. Оксидланиш.
3. Метан ҳосил бўлиши.

Ушбу мураккаб ўзгариш жараёнида кўплаб микроорганизмлар ҳам иштирок этади ва уларнинг орасида энг асосийлари — метан ҳосил қиливчи бактериялар ҳисобланади.

Қайд этилганидек, биогаз ва ўғитлар ҳосил бўлишининг ушбу жараёни маҳсус биореакторлар — метантанкларда амалга оширилади.

Биореакторларда органик хом ашёниң биологик парчаланиши қуидаги уч ҳарорат режими ва муддатда амалга оширилиши мумкин:

1. 30—40 ва ундан кўп кун мобайнида 5—25°C ҳароратда (психрофил режим).

2. 12—20 кун мобайнида 25—37°C ҳароратда (мезофил режим).

3. 5—12 кун мобайнида 49—60°C ҳароратда (термофил режим).

Психрофил режимда биомассанинг ачиши жуда секин рўй беради — қарийб икки ойда, демак, газ ҳосил бўлиши кам ва олинадиган ўғит сифати ҳам жуда паст бўлади.

Кўпгина қишлоқ биогаз қурилмалари мезофил ҳарорат режимида ишлайди. Термофил ҳарорат режими, асосан, йирик биогаз қурилмаларида хом ашёни марказлаштирилган ҳолда қайта ишлаш учун қўлланилади.

Биореакторга субстрат солиб туриш услуби — узлуксиз ёки даврий бўлиши мумкин. Даврий услубда, маълум микдорда сув билан аралаштирилган янги гўнга бироз ачитки қўшилади ва у биореакторга солинади. Субстрат бир ёки икки кун ичида унинг ҳароратини ошириш учун очиқ ҳавода қолдирилади. Кейинги икки ёки уч кун ичида у анаэроб шароитда ачитилади ва биогаз ишлаб чиқариш бошланади. 10—14 кундан сўнг унумдорлик энг юқори даражага этади, кейин газ ҳосил бўлиши камая бошлайди ва бироз вақтдан сўнг, у тахминан, максимал ишлаб чиқариш даражасининг ярмига этади.

Даврий жараённинг бошқа услуби — ачитиш ва сақлаш тизимларини бирлаштиришдан иборат. Бу ҳолатда битта резервуар ҳам биореактор, ҳам тўплагич вазифасини ўтайди. Резервуар хом ашё ачишининг тезлигига қараб, аста-секин гўнг билан тўлдирилади. Бу тизимнинг афзаллиги унинг арzonлигидадир. Таъкидлаш керакки, гўнгни бу тарзда қайта ишлаш чоғида маълум микдорда иссиқлик йўқотилиши ва беқарор газ ҳосил бўлиши мумкин.

Фермер хўжаликлари қўллайдиган энг кенг тарқалган биогаз қурилмаси — узлуксиз биогаз тўплайдиган биогаз қурилмалари-дир. Гўнг тўплаб бўлингач, бир йўла биореакторга жойланади. Тупроқни озиқлантириш зарурати туғилганида ишлатилган гўнг

биореактордан бўшатиб олинади. Бундай зарурат бўлмаганда эса, ишлатиб бўлинган субстрат реактордан йигма танкка солинади ва қолдиқ биогазни ушлаб қолиш учун, резина мембрана билан қопланади.

Курилманинг яна бир оммалашган тури – узлуксиз ишлайдиган реактордир. БГҚнинг бундай тури Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги «Agro-Milk» фермасида ўрнатилган. Бундай курилмада биореакторга ҳар куни маълум миқдорда чиқинди солиб турилади, шунча миқдордаги ачиған субстрат маҳсус ҳовузга бўшатилади. Биореактордаги субстрат миқдори доимийлигича қолади. Кўпчилик кичик курилмаларга бир кунлик хом ашё кунига 1–2 марта солиб турилади. Узлуксиз режимда ишлайдиган катта биореакторлар ҳар соатда гўнг билан тўлдирлади.

Биогаз ишлаб чиқаришга таъсир қиласидиган омиллар

Метантанкда биогаз ҳосил бўлишига таъсир кўрсатувчи қўплаб омиллар мавжуд ва улар ўртасидаги боғлиқлик ниҳоятда мураккаб хусусиятга эгадир. Метантанкда олинадиган биогазнинг фойдали миқдори, бактерия томонидан ҳосил қилинган газ ҳамда жараён маромида кечиши учун фойдаланиладиган газ миқдоридан фарқ қиласиди. Ҳосил бўладиган биогаз миқдори муайян даражада метантанкка солинадиган хом ашё миқдори, таркибидағи қаттиқ моддалар, уларнинг биологик парчаланиши, ачиғи учун ишлатиладиган ҳарорат, шунингдек, ингибиторлар мавжудлигига боғлиқдир.

Жараён маромида кечиши учун зарур бўлган энергия эса метантанкнинг ҳарорати, дастлабки хом ашё ва атроф-муҳит ҳароратига боғлиқ. Биореакторнинг устки даражаси, иссиқлик изоляцияси учун фойдаланиладиган иссиқликни алмаштириб берувчи курилма самарадорлиги. Хом ашёни аралаштирадиган ва етказиб берадиган механизмнинг энергия истеъмоли эса, бошқа омиллар сирасига киради.

Биореакторда субстратни аралаштириб туриш зарурияти қўйидагилар билан боғлиқ:

- янти субстратни ачиған биомассага қўшиш;
- биореакторнинг бутун ҳажми бўйича бир хил иссиқлик етказиб бериш;
- субстрат сиртида қатқалоқ ва тубида чиқиндилар ҳосил бўлишининг олдини олиш;
- субстрат ичидаги биогазни чиқариб юбориш.

Агар субстрат механик аралаштирилмаса чүкиндилар, сиртда эса қобиқлар ҳосил бўлади. Узлуксиз биогаз ишлаб чиқариш жараёнида қобиқ қуригандан сўнг, уни йўқ қилиш жуда қийин бўлади. Иктиносидий фикр-мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда кичик биогаз қурилмаларида фақат битта қоришгичдан фойдаланилади. Шу муносабат билан ушбу қориш мосламасини қобиқ ва чиқиндилар ҳосил бўлишининг олдини олиш мақсадида созлаш зарур.

Одатда, бир дақиқада 15–50 айланма тезликка эга бўлган секин айланадиган миксерлардан фойдаланилади. Шуни эътиборга олиш керакки, қоришгичларнинг ҳамма тури ҳам тўғри келган субстратлар учун мўлжалланмаган. Хусусан, горизонталь парракли қоришгич таркибида сомон кўп бўлган йирик қорамонинг гўнги учун яхши мослаштирилган. Шунга қарамай, ушбу мослама суюқ субстратларни ҳам аралаштириш учун қулай. Парракли миксерлар, бу борада энг кенг қўлланилаётган қоришгич ҳисобланади. Улар субстратнинг таркиби, биореактор шакли ва катталигидан қатъи назар, қўллаш учун ихчам. Чўқтирма двигателларни совутиш зарурати ҳисобга олинган ҳолда улар учун ачитиш ҳарорати 40°C дан ошмаслиги лозим.

Одатда, БГҚ эҳтиёт қисмлари ва узеллари занглашининг олдини олиш мақсадида, биогазни водород сульфиддан тозалаш (десульфуризациялаш) керак. Фермер хўжалиги шароитида қўптина ҳолларда водород сульфидни йўқ қилишнинг биологик услуби қўлланилади. Бунинг учун эса, биогазга микробиологик услубда оксидланган ҳаво қўшилади. Оксидланган ҳаво тўғридан-тўғри биореактор ёки газгольдерга етказиб берилади. Жараён учун зарур ҳаво миқдори водород сульфида (H_2S) қуюқлигига қараб, биогаз миқдорининг 2–6 фоизини ташкил этади.

Энг кенг тарқалган биогаз қурилмалари турлари

Анаэроб ачитиш қурилмалари ҳажми фермер, дехқон ва уй хўжалиги миқёсига қараб, турли хил бўлиши мумкин. Улар турли қурилиш материалларидан тайёрланиб, турли шакл ҳамда ҳажмга эга бўлади.

Биореактор қурилишига нисбатан катта миқдорда капитал маблағ сарфланади. Одатда, фермер хўжаликлари учун мўлжалланган БГҚ унчалик катта бўлмайди, чорва моллари гўнги эса, ушбу биореакторлар учун зарур хом ашё ҳисобланади. Фермер хўжаликларида биогаздан иссиқ сув олиш ва хоналарни иситиш, овқат тайёрлаш ва бошқа майший мақсадларда фойдаланилади.

Турли манбалардан олинган органик чиқиндилар билан таъминланадиган йирик БГҚлар марказлаштирилган биогаз заводлари деб аталади. Бундай заводда ишлаб чиқариладиган биогаздан когенерация қурилмаларида иссиқлик ва электр энергияси ни бирғалиқда ишлаб чиқариш учун фойдаланилади.


«Ekoravnaq» МЧЖ корхонаси бугунги кунда биологик чиқиндилардан метан гази ишлаб чиқариш бүйича техник ечимлар, қуриш, қурилмани тайёр ҳолда топширишни йўлга қўйган. Ҳозирда, «Ekoravnaq» МЧЖ корхонаси томонидан тасдиқланган техник ҳужжатлар асосида, стеклопластик реакторлар лойиҳалаштирилган ва ишга туширилган бир нечта биогаз қурилмалари ишламоқда. Жадвалда корхонанинг буюртма асосида ишлаб чиқариши мумкин бўлган чорва фермалари учун биогаз қурилмаларига тавсифлар берилган.

14-жадвал

«Ekoravnaq» МЧЖ корхонаси биогаз қурилмалари тавсифи

T/p	Стеклопластикли реактор ҳажми (куб м)	Чорва моллари сони (бош)	Суткалик сарфланадиган гўнг миқдори (кг)	Метан газининг суткалик ажралиши (куб м)	Биогаз қурилмасининг баҳоси (млн сўм)
1	10	4–5	10–12	18–20	5
2	20	15–20	70–80	30–45	35
3	30	35–50	300–500	100–130	85
4	50	100–120	1500–2000	200–250	170
5	70	150–200	4000–5000	330–400	235
6	100	230–300	6000–7000	500–650	370
7	500	500–700	10000–12000	800–1000	550

Ушбу «Ekoravnaq» биогаз қурилмасидан метан гази ва суюқ ёки қуюқ метан гази ҳамда электр энергияси олиш мумкин. Шунингдек, бир қанча турдаги биогаз қурилмалари хитойлик ҳамкорлар билан лойиҳалаштирилган бўлиб, стеклопластик материалдан ишлаб чиқарилган ушбу реактор енгил, зангламайди, ундан фермер, деҳқон ва уй-жой хўжаликларида бемалол фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, корхона ўзи ишлаб чиқарган ва ўрнатган қурилмасига икки йилгача сервис хизмати кўрсатиши ва қурилмани ишлатишда иштирок этувчи персонални ўқитиб бериши мумкин.



Стеклопластикдан ясалған биогаз реактори.



«Екогавнақ» МЧЖ корхонасида ишлаб чиқарылып
ұрнатылған биогаз курилмаси.

БГК түрт асосий үнсурдан иборат:

- ишлаб чиқариш модули анаэроб биореактор ва йигма танк ҳамда гүнгни етказадиган тизимни үз ичига олади;
- биогазни сақлаш ва тозалаш тизими;
- биогазни фойдалы мақсадда ишлатиш ва биоўғитлардан фойдаланыш ускунаси.

Биореактор горизонталь ёки тик шаклда курилиши мумкин. Горизонталь конструкция қуйидаги афзаллукларга эга: унда самарали ва энергия тежайдиган қоришигчлардан фойдаланиш мүмкін, янги субстрат ачиган субстрат билан аралашмайды, у биореакторнинг бир қисмидан тескари томонга аста-секин үтади. Шу тариқа, катта миқдорда биогаз ишлаб чиқаришга әришилади. Техник ва иқтисодий нұқтаи назардан, горизонталь биореакторларнинг әнг катта ҳажми, одатда, 200–300 м³.дан ошмайды.

Биореакторларнинг ҳажми 300 м³дан ортиқ бўлган биогаз қурилмалар учун вертикаль конструкциядан фойдаланилади. Улар думалоқ кўндаланг кесимга эга бетон конструкциялардан қурилади. Тик биореакторлар майдоннинг ҳажмига нисбатан яхши жойлашуви нуқтаи назаридан устуворликка эга. Шундай қилиб, қурилиш материалларига бўлган эҳтиёж камаяди ва иссиқлик исрофи ҳам пасаяди. Вертикаль конструкциянинг асосий нокулайлиги — биогаз олишнинг узлуксиз услубидан фойдаланишнинг қийинлигидир.

Даврий ишлайдиган биогаз қурилмалари тўлиқ ишга туширилгач, зичлаб ёпилади. Қурилма, бироз вақт ичида, биогазни фаол ажратиб чиқара бошлайди, биомасса тўлиқ қайта ишлангандан сўнг қурилма бўшатилиб, ишлаш жараёни яна тақрорланади. Биореактор ичида биомассанинг аралашини, биогаз қурилмасининг ишлаш самарадорлигини анча оширади, чунки чўкинди ва сузуб юрувчи қобиқлар ҳосил бўлишига тўсқинлик қиласи ҳамда реакторда биомассанинг меъёрида аралашини таъминлайди.

Унчалик катта бўлмаган қурилма учун, бўшаган ёқилғи цистерналаридан фойдаланиш масаланинг энг содда ечимиdir. Ички деворлар металл ёки гиштдан тайёрланиши мумкин. Уларнинг асосий вазифаси гўнг оқимини зарур томонга йўналтириш ва унинг реактор ичидаги йўлини узайтириш ҳамда туташ идишлар тизимини ташкил этишдир. Уларнинг сони ва жойлашуви гўнгнинг ўзига хос хусусиятларига, яъни оқувчанлигига, шунингдек, хом ашё таркибидаги тўшама миқдорига боғлиқ.

Биореактор ҳажми гўнг миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади. Гўнг миқдори эса, ҳайвонлар сонига, уни чиритиш услубига ҳам боғлиқ. Негаки, тўшамасиз гўнгни ювишда оқованинг умумий миқдори бир неча бор ортади. Бу эса, иситишга кўп энергия сарфланишига сабаб бўлади. Биореакторнинг бир кунлик ишлаб чиқариш унумдорлиги таркибидаги қуруқ модда 8–15 фоиз бўлган гўнг солинганди, реактор ҳажмига нисбатан, тахминан, икки баравар кўп миқдорни ташкил этади. Масалан, 60 м³ ҳажмга эга биореактор бир кунда 100–150 м³ биогаз ишлаб чиқаради.

Реакторнинг ўлчамини танлаш мавжуд уй ҳайвонларининг сони ва гўнги миқдори ҳисобга олинниб, ҳисобланади:

- сигирлар – 30 кг;
- чўчқалар – 4 кг;
- қўйлар – 1,5 кг;
- отлар – 35 кг;
- товуқлар – 0,17 кг.

Агар хўжаликда 20 бош сигир ва 10 бош от бор бўлса, реакторга $20 \times 30 + 10 \times 35 = 950$ кг хом ашё мавжуд ҳисобланади. 10 тоннали реакторнинг маҳсулдорлиги 20 м³/сутка.

Биогазни сарфлаш меъёллари:

- 1 одамга 1 порция овқат тайёрлашга — 0,15—0,30 м³;
- 1 литр сув қайнатишга — 0,03 м³;
- 1 м³ турар жой майдонини иситиш учун — 20 м³/сутка;
- майший газ ёндиригичи истеъмоли — 0,20—0,45 м³/соат.

Хўжалик эҳтиёжларига:

- 1 квт электр энергияси олиш учун — 0,3—0,5 м³ биогаз етарли;
- 4 кишилик оиласга уч марта овқат тайёрлашга — 1,8—3,6 м³/сутка;
 - майдони 100 м³ уйни иситишга — 20 м³/сутка;
 - уй ҳайвонлари 100 м³ майдонли молхонасини иситиш учун — 20 м³/сутка.

Сирдарё вилоятининг Ховос туманидаги «Надежда» фермер хўжалигидаги ўрнатилиб, фойдаланилаётган биогаз қурилмасининг афзаллиги: умумий ҳажми 24 куб м.ни ташкил этиб, кунига 25 куб м биогаз ва ҳафтасига 5 тонна органик ўғит ишлаб чиқаради. Шахсий иситишда фойдаланилади, ўғит сотилади (*тажминан, иилига 200 тонна*), электр кувватини истеъмол қилишини тежайди; ўғитни кўллаш натижасида ўз ерларининг емак ишлаб чиқаришини оширади; 4 йилдан кейин иқтисодий жиҳатдан ўз-ӯзини қоплаши кўзда тутилган.

Биореакторни мезофил режимда ишга туширишда, уни 90 фоиз миқдорда субстрат билан тўлдириш ва биореакторда 7—12 кун мобайнида сақлаш зарур. Шундан сўнг, ундаги ачитилган маҳсулотни олиб, янги субстрат солиш мумкин.

Конструкцияни танлаш учун асосий мезонлар:

- БГҚ ўрнатиладиган жой, асосан, реакторнинг ерусти ёки ости учун мўлжалланган тури қурилишига қараб, агар ерусти конструкцияси қуриладиган бўлса, унинг қайси тури — вертикаль ёки горизонталь тури танланишига қараб аниқланади;
- *мавжуд иншоотлардан*, масалан, бўш чуқурлар ёки металл сифимлардан биоўғитларни сақлаш учун фойдаланилади. Режалаштиришда сарф-харажатни камайтириш мақсадида, қурилманинг тайёр қисмлари борлигини ҳисобга олиш зарур;
- *хом ашёнинг миқдори* уни аралаштирадиган идиш ҳажми ва шаклидан ташқари реактор ҳажми, шунингдек, иситгич ва аралаштиргич қурилмага ҳам bogлиқ.

Қандай конструкция танланишидан қатъи назар, реакторга қўйиладиган талаблар:

- сув ва газ ўтказмаслик:

- сув ўтказмаслик сувнинг сирқиб кетмаслиги ва сизот сувлар ифлосланишининг олдини олиш;
- газ ўтказмаслик ишлаб чиқиладиган газнинг тўлиқ миқдорини сақлаш;
- реакторда биогазнинг ҳаво билан аралашиб кетишнинг олдини олиш учун зарур;
- энг кам ер майдони – қурилиш қийматини ва реактор деворлари орқали иссиқлик йўқотилишини камайтиради;
- иссиқликни сақлаш изоляцияси – БГҚнинг куз-қиши даврида самарали ишлашида муҳим ўрин тутади;
- реактор конструкциянинг барқарорлиги – барча оғирликни кўтариш учун зарур (газ босими, хом ашё оғирлиги ва босими, қоплама оғирлиги) ва бу қурилманинг узоқ вақт ишлашининг кафолати ҳисобланади;
- конуссимон ёки ярим доира шаклидаги тубли ва юзали цилиндр – реакторнинг энг яхши шакли ҳисобланади. Бетон ёки фиштдан тайёрланган квадрат реакторлардан фойдаланиш тавсия этилмайди. Негаки, хом ашё босими туфайли реактор бурчакларида ёриқлар пайдо бўлади, шунингдек, қаттиқ заррачалар тўпланиб, ачитиш жараёнига халақит беради. Хом ашё юзасида қобиқ қатлам пайдо бўлишининг олдини олиш ва унинг тўлиқ ачишини таъминлаш учун, реактор ички деворлар ёрдамида бир қанча секцияларга бўлиниши мумкин.

Реакторлар куйидаги материаллардан тайёрланиши мумкин:

- *пўлам идишлар* герметиклиги билан устун туради ва катта босимни кўтара олади ҳамда тайёрланиши ҳам осон. Тайёр сифимлардан фойдаланиш, иқтисодий жиҳатдан фойдали. Етарли сифимга эса, металл цистерна мавжуд бўлса, ички ва ташқи деворларида ковак бор-йўқлиги, пайванд сифати ва бошқа камчиликларнинг текширилиши ва албатта, бартараф этилиши лозим. Кейин уларнинг сирти тозаланиб, бўялиши керак;

• реактор сифатида фойдаланиладиган *пластик идишлар* юмшоқ ва қаттиқ бўлади. Юмшоқ сифимларга шикаст етказиш осон ва йил бўйи ишлаши учун совуққа чидамли қилиш қийин. Қаттиқ пластик сифимлар конструкцияси пишиқлиги билан ажralиб туради ва чиримайди. Шунинг учун органик чиқиндиларни психрофил қайта ишлашда, улардан фойдаланиш тавсия этилади;

• *бетон сигимлар* ривожланган давлатларда анча оммалашган. Газ ўтказмасликнинг шартлилиги сифатли қуриш ва маҳсус қопламалардан фойдаланишни талаб этади, чунки реактор бурчакларида тез-тез ёрилишлар пайдо бўлиб туради. Бетон сигимлар қурилиши учун кам пул сарфланиши ва фойдаланиш муддати чекланмагани уларнинг афзаллик томонларидандир;

• *ғишил терии* Ҳиндистон ва Хитойда кичик реакторларни қуришда кўп ишлатиладиган услугуб ҳисобланади. Шу мақсадда, яхши пишитилган ғиштлар, бетон блоклар ёки сифатли тошлардан фойдаланиш мумкин.

Реакторларда ўрнатиладиган назорат-ўлчаш асбобларидан реактордаги хом ашё сатҳини, унинг ичидағи ҳарорат ва босимни назорат қилишда фойдаланилади.

Биоўғит ва уни қўллаш имкониятлари

Биогаз технологияларини қўллаш биогаздан ташқари, экологик тоза ва юқори самарали органик ўғит (биоўғит) ишлаб чиқариш, имконини ҳам беради. Биоўғит таркибидаги тупроқнинг сингдирувчанлиги ва нам ортишини оширадиган органик ва минерал моддалар, унда биочириндилар кўпайишига хизмат қиласди, тупроқ емирилишининг олдини олади ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширади.

Қишлоқ жойларда биогаз технологияларидан фойдаланишнинг ҳалқаро тажрибаси бўйича, кўплаб нашрлар биогаз, яъни метанга бой ёнувчи газ ушбу технологияларнинг асосий маҳсулоти ҳисобланиши, биоўғит эса, бу жараённинг қўшимча маҳсулоти эканидан далолат беради. Шуни унутмаслик керакки, бу — иссиқлик ва электр энергияси кескин етишмаслиги сезилаётган туманларга тааллуқлидир.

Бироқ, тупроти емирилишга мойил ва унда чиринди миқдори кам бўлган муайян бир қишлоқ худудида, биоўғитлар таркибидаги озиқа қиймати юқорилиги туфайли, катта аҳамият касб этади. Шунингдек, органик чиқиндиларни анаэроб ачитиш орқали қайта ишлаш имконияти пайдо бўлади.

Органик моддалар, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириладиган ерларда муҳим ўрин тутади. Ердаги органик моддаларнинг асосий қисми, дастлаб, барқарор мақромолекулалар (чириндига) биологик айлантирилиши лозим. Чиринди таркибига чиринди кислоталар (ерлар унумдорлиги учун жуда муҳим) киради, шунингдек, унинг таркибида, микроорганизмлар таъсири остида ўсимликларни озиқлантирадиган асосий озиқа элементлари ҳам бор.

Тупроқдаги органик моддаларнинг вазифаси

Физикавий вазифалар:

- тўқ малла рангдаги органик модда бўлмиш чиринди экин экиладиган ер усти қатламида иссиқликни сақлашга ёрдам беради;
- чиринди кислоталарининг коллоид тузилмаси ва полисахаридлари ерда минерал заррачаларнинг яхши тўпланишига ёрдам

беради, барқарорлык күрсаткичини яхшилайды, ернинг ғоваклигини оширади, ҳаво сингишини осонлаштиради ҳамда ер намлигини сақлаб туради.

Кимёвий вазифалари:

Органик моддалар:

- тугал чиринди тупроқ ҳосил бўлишини таъминлайди;
- ишлов берилган ернинг кислота-ишқор балансини барқарорлаштиришни оширади;
- озиқа моддалар, масалан, фосфат таркибининг камайиши ва блокировка бўлишининг олдини олади;
- темир, марганец каби айрим моддалар, шунингдек, пестицидлар синтетик органик микроэлементларнинг атроф-мухитга заарали таъсирини камайтиради.

Биологик вазифалар:

Органик моддалар:

- ернинг (ер экотизими) фаолигини оширади, барқарор чириндиларнинг гумификацияланиши ва минераллашишига ёрдам берадиган макро ва микроорганизмлар парчаланиши имконини пасайтиради;
- ўсимликлар учун витаминалар, аминокислоталар ва бошқа органик моддалар пайдо бўлишини тезлаштиришга ёрдам беради;
- ўсимликлар паразитлари ёки касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар ривожланишини сусайтирадиган айрим ферментларни кучайтирадиган ёхуд бъязи популяцияларни кўпайтириш имконини берадиган моддалар ишлаб чиқаради.

Глобал омиллар:

- ерда органик моддаларни сақлашни ўз ичига олади, негаки узоқ муддат турадиган чиринди «карбонат ангирид гази»ни тўпловчи ҳисобланади;
- азот ўсимликларни озиқлантириш ва ўстиришда муҳим роль ўйнайди. Азот орқали ўсимликлар озиқланадиган озиқа моддаларини яратадиган биокимёвий реакцияларнинг муҳимлиги туфайли, ерда органик моддалар ривожланиши билан боғлиқ.

Ўсимликлар ривожланиши учун янги гўнг таркибидаги жами азотнинг атиги 10 фойзидан фойдаланиши мумкин, холос. Бу — асосий озиқа моддалари ва микроэлементларга ҳам тааллукли. Ерда органик моддалар қанчалик кўп бўлса, маълум бир жойга хос ўсимликлар, жумладан, ўсимликлар учун зарур озиқа моддалари (*N, P, K, Ca, Mg, S*, шунингдек, *Fe, Bo, Zn, Cu* микроэлементлари) мутаносиб равишда минераллашади. Ер таркибидаги элементларнинг бир қисми, фосфор (*P*) ва калий (*K*) ҳам органик моддалар, айниқса, чиринди тупроқ билан боғлиқ.

Биоўғитларнинг аҳамияти. Сигирлар гўнги қуриш жараёнида, 2 ҳафталик буғланиш натижасида, озиқа моддаларининг тахми-

нан 30—50 фоизини йўқотади. Шу билан бирга, биоўғитларда азот йўқотилиши биогаз таркибида аммиак (NH_3) борлиги ҳисобидан 10—15 фоиздан ошмайди.

Шу сабабли, ўғит, агарда биогаз қурилмасидан олингандан сўнг бирданига далага солинса, унинг суюқ эритма сифатида самарадорлиги янада ошади. Ўғитдан, узоқ вақт сақлагач ёки қуритилгач фойдаланилса, ушбу самара анча пасаяди. Гўнгдан ҳосил бўлган ўғитнинг қисқа муддатли кимёвий самараси, анаэроб қайта ишлаш қўлланилганда икки ҳиссага ошади. Шунингдек, узоқ вақт сақлангандан сўнг, ўғитдан фойдаланиш билан боғлиқ узоқ муддатли глобал самара ярим баравар камаяди.

Ўзбекистоннинг иссиқ иқлимли шароитида, қисқа муддатли самара, катта аҳамиятга эга. Негаки, қисқа вақт ичида ўтадиган жадал биологик таъсир остида, гўнгнинг чорва моллари учун сомон ёки тўшама каби фракциялари ҳам парчаланади. Ушбу жараён учун, одатда, кўп вақт талаб этилади. Мезофил шароитида анаэроб ачитиш жараёнида органик модданинг 25—30 фоизи парчаланади ва шу тариқа азотнинг таркиби 1 фоиздан 1,5 фоизга ошади.

15-жадвал

**Гўнг, компост ва биоўғитларда органик моддалар
(азот, фосфор ва калий) таркибининг тақоси**

Озиқа модда	Компостерланган гўнг		Фермер хўжалиги худудидан		Биоўғит	
	нисбати	ўртачаси	нисбати	ўртачаси	нисбати	ўртачаси
Азот (N)	0,5/1,5	1,0	0,5/1,0	0,8	1,4/1,8	1,60
Фосфор (P_2O_5)	0,4/0,8	0,6	0,5/0,8	0,7	1,1/2,0	1,55
Ишқор (K_2O)	0,5/1,9	1,2	0,5/0,8	0,7	0,8/1,2	1,0

Карбонат ангидрид газини тўпловчи (CO_2) — катталашадиган «углерод резервуари» ҳисобланади ва карбонат ангидрид гази манбаи тушунчасига зиддир. Океанлар, ўсимликлар ва атмосфера таркибига биомасса қўшиш ва ҳавода кислород ажратиш орқали ундаги углеродни бартараф этиш учун фотосинтездан фойдаланадиган бошқа организмлар асосий табиий тўплагичлар ҳисобланади.

Анаэроб ачитиш давомида янги минерал азот ҳосил бўлмайди, азотнинг 15—18 фоизи аммонийга (NH_4) айланади. Ана-

эрөб ачитилган органик чиқиндиларда (куйкум, компост) азот, асосан, полимеризацияланган органик шаклда (чиринди) ёки оксидланган шаклда (нитрат ва нитрит) бўлади.

Кўплаб ерусти ва сув ўсимликлари учун аммоний тупроқдаги оксидли азотдан кўра қимматли азот манбаи ҳисобланади. Аммоний кам ишқорланади ва демак, заррачалар, масалан, тупроқ ва чиринди алмашинуви учун кўпроқ яроқли бўлади.

Хитойда ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдиди, гўнгни биогаз қурилмаларида ачитиш натижасида олинадиган суюқ биоўғит таркибида аммиакли азот 260 фоизга кўпаяр экан. Фермер хўжаликларидан компостлангандан сўнг олинадиган оддий гўнг таркибидаги аммиак азоти 17,5 фоиз камаяди. Бу суюқ эритма таркибидаги аммиак компост гўнгидаги ҳосил бўлганига қараганда, исталганча мавжуд бўлишидан далолатдир.

Анаэроб ачитиш натижасида (гўнг таркибидаги органик углероднинг 30—40 фоизи) карбонат ангидрид гази ва метанга (ва бошқа газларга) парчаланади. Органик углероднинг қолган қисми эса сақланиб қолади ва унинг таркибида ривожлантирадиган озиқа моддалари бўлади.

Биоўғитлар суюқ эритмасининг органик фракцияси таркибида 30—40 фоиз ўзлаштирилмаган лигнин, целлюлоза ва липид материаллари (куруқ вазнда) бўлади. Бу моддалар ишлов берилган ерга сепилганда, ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиши осон бўлади. Суюқ фракциянинг қолдиги дастлаб хом ашё таркибидаги бўлган, аммо, бактериологик парчаланмайдиган ёки модификацияланмайдиган моддалардан (минерал заррачалар, тузлар ва ҳоказо) иборат.

Суюқ биоўғитларнинг асосий афзалликлари:

- ачитиш жараёни туфайли биоўғитларни қисқа муддат ичida ишлаб чиқариш;
- азот йўқотилишининг камайиши;
- азот аммоний (H_4) шаклида бўлгани туфайли, уни ўсимликлар яхши ўзлаштириши;
- касаллик қўзғатувчи микроблар ва микроорганизмлар сонининг камайиши;
- биоўғит суюқ эритмаси БГҚда тўлиқ қайта ишлангандан сўнг ёқимсиз ҳиди бўлади ва бу чивин ёки бошқа ҳашаротлар пайдо бўлишининг олдини олади.

Экологик аҳволнинг яхшиланиши

Биогаз қурилмаларини қўллаш экологик аҳволни яхшилаш имконини беради. Бу қишлоқ хўжалиги ерларидан янада самарали фойдаланиш ва органик чиқиндиларни қайта ишлаш (азот

ишқорланишининг камайиши, атмосферага аммиак ва метан чиқишининг озайиши) билан боғлиқ. Ушбу билвосита фойда, кўп ҳолларда, бевосита экологик фойдадан ошади, яъни ёқилфининг органик турларини биогаз билан алмаштириш, атмосфери ифлослантирадиган карбонат ангидрид гази ва бошқа иссиқхона газларининг атмосферага чиқишини камайтиради. Афсуски, ушбу билвосита афзалликлар биогаздан фойдаланиш экологик нуқтаи назаридан баҳолангандা, камдан-кам ҳолларда эътиборга олинади.

Турли биогаз тизимларининг экологик таъсири фойдаланиладиган хом ашё тури, энергетика хизматларидан фойдаланиши таъминлаш, ёқилфининг органик турларини қайта тикланадиган Энергия манбаи — биогаз билан алмаштириш каби омиллар натижасида анча ўзгаради.

Ачитилган суюқ гўнгдан фойдаланиши

Кўплаб ўтказилган амалий тажрибалар асносида ачитилган суюқ эритмадан биоўғит сифатида фойдаланиш, ер унумдорлигини яхшилаши ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириши кузатилди.

Тажрибаларга оид маълумотларга кўра, суюқ биоўғитларни ерга солишининг ўртача меъёри сугориладиган ернинг ҳар гектарига 10 тонна ва сугорилмайдиган ернинг ҳар гектарига 5 тоннани ташкил қиласди. Шу билан бирга, улар қишлоқ хўжалиги экини тури, тупроқ тури ва иқдим шароитига ҳам bogлиқ.

Ачитилган гўнгдан меъёрдаги минерал ўғит билан бирга фойдаланиш мумкин. Бундай ёндашув, ўғитни кўллаш орқали яхши натижаларга эришиш, ерда минерал ўғитлар йўқотилишини камайтириш ва ўсимликларнинг мақбул ҳамда тенг миқдорда озиқланишини таъминлашга ёрдам беради.

Халқаро адабиётда биоўғитларни кўллашнинг асосан икки тури қайд этилган:

- суюқ шакли «суюқ эритма» ёки «чўқинди» сифатида;
- қаттиқ шакли «гўнг» ёки «куригандан кейин парчаланган гўнг» сифатида.

Биоўғитлар далага турли идишлар, шланглар, маҳсус қишлоқ хўжалиги машинаси ва механизми ёрдамида сепилиши мумкин.

Биоўғитларни бевосита ирригация каналларига куйиш, бунинг муқобил услуби ҳисобланади. Бироқ, ушбу услуб бир қанча камчиликларга эга. Биринчидан, ҳамма фермерлар ҳам йил давомида ирригация каналидан фойдаланиш имконига эга эмас. Иккинчидан, сув битта даладан иккincinnисига қуйиладиган ирригация каскад тизимида биоўғитлар миқдорда тақсимланмайди.

Суюқ шаклдаги биоўғитлар, уларни биогаз қурилмасидан олисда жойлашган далаларга олиб борища қийинчилик түгдиди, уларни масофага олиб борища харажатлар сарфининг ошишига сабаб бўлади.

Суюқ эритмадан ўсимликларнинг илдизолди қисмини ва ташқарисини қўшимча озиқлантириш суюқ биоўғитларни ерга сочиш ёки фойдаланиш олдидан уларни сув билан аралаштириш зарур.

Агар сувга аралаштирилмаса, биоўғит таркибидаги юқори концентрацияли аммиак ва эриган фосфор ўсимликларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Куритилган гўнгни қўллаш

Биоўғитлар таркибидаги кўп миқдордаги сув, уларни далага етказиб берища ва ерни культивация қилишда қийинчиликларни юзага келтиради. Шу сабабли, одатда, фермерлар ачитилган массани куритиш, компостлаш ёки сепарация қилиш орқали олинган қотишма шаклидаги ўғитлардан фойдаланишни афзал қўришади.

Биоўғитларни куритища унинг таркибидаги мавжуд азот ва айниқса, аммоний буёланиш натижасида йўқолади. Шунинг учун, биоўғитларни қўллашда вақт омилини ҳам ҳисобга олиш керак. Биоўғитни бевосита ерга солиш, оптимал натижаларга эришиш услуби ҳисобланади.

Ачитилган суюқ гўнгни компостлаш:

- миқдори ва оғирлиги кам ўғитлардан фойдаланиш;
- ўғитларни ўсимлик ва ҳайвонларнинг қўшимча маҳсулотлари билан ифлосланишдан имкони борича тозалаш;



«Ekoravnaq» МЧЖда биогаз қурилмасидан биоўғит олиш.

- минераллаштириш учун зарур имконият берадиган барқа-рор шаклдаги органик моддаларни олишга хизмат қилади.

Биоўғитларни компостлашда, улар тўкилган барглар — хазон, сомон, пайраха каби ва бошқа турли қуруқ органик материаллар билан аралаштирилади. Шунингдек, бу борада ферма ва уй хўжаликларида тўпланадиган қуруқ органик чиқиндилярдан ҳам фойдаланилади. Бунда фойдаланиладиган материаллар таркибида зарарли моддалар ва пестицидлар бўлмаслигини ҳисобга олиш зарур.

Метанли ачитишга таъсир қиладиган муҳим омиллардан бири қайта ишланадиган хом ашёдафи углерод ва азот нисбати ҳисобланади. Углерод ва азот нисбати 10—20 миқдорда, яъни углерод азотдан 10—20 баравар кўп бўлганда тегишли миқдорда газ олиш мумкин. Агар C/N га нисбати қанча катта бўлса, азот етишмаслиги, метанли ачитиш жараёнини чеклайдиган омил сифатида хизмат қилади. Ҳолбуки, бу нисбат қанча кам бўлса, катта миқдорда аммиак ҳосил бўлади ва у бактериялар учун захирага айланади.

Компостлашда қуйидагиларга риоя қилиш зарур:

- углерод ва азотнинг C/N га нисбати, биогаз ишлаб чиқаришдагига қараганда бироз юқори бўлиши лозим. Энг яхши нисбат 35—50 дан бошланади;

• чиқиндилярни шабадалатиш меъёри, умумий миқдорда кислород қуюқлиги 5 фоиз бўлган эркин бўшлифининг 35 фоизини ташкил этиши лозим. Бу анаэроб зоналар ҳосил бўлишининг олдини олиш ва бирикмалар ғоваклигини таъминлаш имконини беради;

• аралашма таркиби қуйидаги нисбатга эга бўлиши керак: биоўғитнинг бир қисми қуруқ углеродли материалнинг тахминан тўрт қисмига тўғри келиши лозим;

• очик ҳавода юқ орткичлар, тракторли юқ орткичлар ёки маҳсус мосламалар ёрдамида, тез-тез аралаштириш орқали, зич компостерлаш усулини кўллаш тавсия этилади. Шунингдек, мажбурий шабадалатган ҳолда очик ёки ёпиқ чиқиндиҳоналардан фойдаланиш тавсия этилади. Биоўғит таркибидаги сувни қуруқ материаллар шимиб олади. Тайёр компостни транспортировка қилиш ва далага олиб чиқиш осон.

Ҳайвонларнинг уюмлар кўринишидаги қўшимча маҳсулотларини нормал анаэроб ачитиш ва естарли даражада шабадалатишни таъминлаш, 2 ёки 3 ҳафтада ҳароратнинг 60—70 даражагача ошишига олиб келади. Бундай ҳарорат чиқиндилярни зарарсизлантиришни таъминлайди ва пишган компостнинг кейинчалик ифлосланишининг олдини олади.

Хом ашё материалдаги 55—70 фоиз миқдордаги намлик термофиль босқичда (органик моддаларнинг парчаланиши), шу-

нингдек, етилиши босқичида ҳамда намликни 45—55 фоиз миқдорда сақлаган ҳолда буғланиш орқали сувни қочиришда нормал бактериологик фаолиятни кафолатлайди ва бу замбуруғли бактериялар ривожланиши учун тегишли шароит яратади.

Биоўғитларни ўсимлик турига қараб солиш муддати ва меъёри

Қайта ишланган хом ашё ўсимлик вегетацияси даври бошлангунга қадар далага солинса, яхши самара беради. Ўсимликларни ўсиш даврида биоўғитлар билан күшимча озиқлантириш ҳам мумкин. Зарур миқдордаги ўғитни солиш вақти ўсимлик турига боғлиқ. Гигиена қоидаларига кўра, барглари сувқатга ишлатиладиган ўсимликларнинг томиридан ташқари қисми қўшимча озиқлантириш услуги билан ўғитланмаслиги керак.

Куйида биоўғитлардан самарали фойдаланишга оид тавсиялар келтирилган:

- *уругни экишдан олдин ивитиши*: ивитиш эритмаси 1:50 (биоўғит сув) қилиб тайёрланади; уруг куртак чиққунича ивитилади;
- *бошоқли экинлар*: экишдан олдин 1:50 миқдорда тайёрланган биоўғит эритмасида ивитилади;
- *мевали дарахтлар ва ерни сугорииш*: 1 м² ерга 4—5 литр ҳисобида, 1:50 миқдорда тайёрланган эритмадан фойдаланилади (1 гектарга 1—1,5 тонна ўғит). Қиши даврида ерга шудгорлашдан олдин 1 гектарга 1—1,5 тонна ҳисобида, 1:10 миқдорида тайёрланган эритма билан ишлов берилади;
- *сабзавот ва гул-кўчат ўсимликлар*: ерни уруг қадалиб, униб чиққандан кейин 1:70 миқдорида тайёрланган эритмадан фойдаланган ҳолда сугориш. Ер ва ўсимликни кўчат экилгандан сўнг 10—15 кун оралиғида 1:70 миқдорида тайёрланган эритма билан 1 м² ерга 4—5 литр ҳисобида сугориш;
- *қуулунай ва резаворлар*: биринчи ишлов бериш — сугориш ва пуркаш — 1:50 миқдорида тайёрланган эритма билан баҳорда дастлабки барглар чиққанда, кейин 10—15 кун оралиғида сугориш пайтида, иккинчи, учинчи маротаба ишлов бериш;
- *хонақи ўсимликлар*: ўсимликлар ривожланишидаги 10—15 кун оралиғида 1:60 миқдорида тайёрланган эритма билан 3—4 марта сугориш.

Биоўғитлардан қўзиқорин етиштиришда ҳам фойдаланиш мумкин.

Биоўғитларни қўллаш ҳосилдорликни ошириш, экологик тоза ва юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотини олиш имконини беради, тупроқнинг табиий унумдорлигини қайта тикашни таъминлайди.

Далада ұтказилған тажрибалар натижалари парранда гүнгини анаэроб ачытиш орқали олинган биоўгит құлланғандан сұнг, «Кардинал» навли картошка ҳосилдорлиги 40 фоизга ошганини күрсатди.

Биоўгитлардан озиқа ва озиқа құшымчалари сифатида фойдаланиш

Бу борадаги тадқиқотлар биогаз қурилмасида қайта ишланған гүнгидан балиқтар учун озиқа сифатида фойдаланиш яхши самара беришини күрсатди.

Астроф-мухитни мұхофаза қилиш бүйича Миллий бюро томондан (Няньзин, Хитой, 1989 жыл) ұтказилған балиқчиликка доир қиёсий тадқиқотлар биогаз қурилмасида қайта ишланған парранда гүнгидан балиқтар учун озиқа сифатида фойдаланғанда вазн күрсаткичи 12120 кг/га.ни ташкил этганини күрсатди. Ишлов берілмаган парранда гүнгидан фойдаланилғанда эса, вазн күрсаткичи 3412,5 кг/га.ни ташкил қылды.

Бириңчи ҳолатда соф даромад иккінчисига нисбатан 3,5 марта ошди. Бундай ёндашув чиқындилярдан фойдаланиш күрсаткичи-ни самарали оширишни таъминлады ҳамда биогаз технологияларидан қишлоқ жойларда интеграциялашған тизим сифатида фойдаланиш учун янги имкониятлар очади.

Ҳиндистоннинг Панжоб қишлоқ хұжалиғи университетети Тадқиқот мажмuinининг (Лужиана) балиқчилик хұжалигыда биоўгитларнинг «оддий» карпнинг яшаши ва ривожланишига таъсирини үрганиш бүйича тажриба ұтказилди. Тажриба давомида биошламдан фойдаланған ҳолда боқылған балиқтар вазни назорат вариантика қараганда 3,54 марта оғир экани анықланды.

Амалиёт шуни күрсатдикі, биоўгитлардан фойдаланиш, ҳовузларда парвариши қилинған балиқтар учун ушбу мақсадда йирик қорамол гүнгидан күра яхши озиқа ҳисобланади. Масалан, биоўгитдан фойдаланилғанда оддий карпнинг үсиши назорат вариантика қараганда 1,18 ва 1,24 марта юқори бүлади, озиқа сифатида йирик қорамол гүнгидан фойдаланилғанда эса, ҳовузларда тирик қолишининг 93 фоизли күрсаткичи 100 фоизге етиши мүмкін.

Биогаздан фойдаланиши имкониятлари ва үйлари

БГҚда ишлаб чиқарылған биогаз юқори сифатли ва тұлағонлы энергия манбаи ҳисобланади. Биогаз үй ва фермер хұжаликларыда овқат тайёрлаш, электр энергияси ишлаб чиқарып, үй-жойларни, ишлаб чиқарып иншоатлари ва иссиқхоналарни иситиш, сув қайнатиш, маҳсулоттарни қуритиш, совутиш мақ-

садларидан, шунингдек, суюлтирилган газга айлантирилган ёқилғи сифатида автомашиналарда ҳар томонлама фойдаланилмоқда.

Биогазнинг анъанавий ёқилғини қай даражада алмаштириши мумкинлиги қурилма ҳажми ва самараодорлигига боғлик 8 м³ ҳажмга эга қурилма беш кишидан иборат оила учун овқат тайёрлашда фойдаланиладиган суюлтирилган газ ўрнини тўлиқ алмаштириши мумкин. 60 м³ ҳажмли БГҚдан катталиги 200 м² уйжой ёки майдони 400 м² ишлаб чиқариш иншоотини иситиш учун фойдаланиш мумкин.

Ичида очиқ турдаги горелкалар ва ёритиш газ лампаларини жойлаштириб, синааб қўрилаётган иссиқхоналарда етиштирилаётган ўсимликлар учун биогаз таркибида юқори миқдордаги CO₂ дан (25—55 фоиз) озиқа сифатида кент қўлланилмоқда. Вегетация масаси ҳосил бўлишининг тезлиги биогаздан иссиқхоналарни иситиш учун ёқилғи сифатида фойдаланилганда икки ҳисса ошмокда.

Биогаз қурилмаларидан фойдаланган ҳолда фермер, дехқон ва уй хўжаликлари даромадини ошириш

БГҚ ишилашининг иқтисодий ва молиявий натижалари таҳлили

Ҳар бир қурилманинг молиявий рентабеллиги таҳлили биогаз қурилмасидан фойдаланиш натижасида юзага келадиган афзалликларни кўрсатади. Бундан ташқари, пул билан ифодаланиши мумкин бўлган молиявий фойдаларгина таҳлил этилади. Бундай молиявий фойда кент маънода куйидагиларни ўз ичига олади:

- фермерлар, дехқон хўжаликлари ва уй-рўзгор эгаларининг иссиқлик ишлаб чиқариш, овқат тайёрлаш, ёритиш ва ҳоказолар учун сарф-харажатларини камайтириш имконини берадиган кўшимча энергия манбаларига эга бўлиш;

- қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширадиган ва минерал ўғитлардан фойдаланишни камайтириш имконини берадиган самарали органик ўғитлар ишлаб чиқариш;

- оптика биоўғитларни бошқа фермер хўжаликларига сотиш эвазига кўшимча даромад олиш;

- фермер хўжалиги фаолиятини кенгайтириш, тежаб қолинган маблағлар ва олинган даромадни янги фаолият турларига, масалан, иссиқхона хўжаликларини ташкил этишга сарфлаш учун янги имконият;

- ўтин, кўмир ва биогаз билан алмаштирилиши лозим бўлган бошқа турларини тўплаш, сотиб олиш ҳамда ташиш бўйича уй-рўзгор аъзолари вақти ва кучини тежаш.

Барча молиявий фойдани баҳолаш муайян ҳолатга алоҳида ёндашувни талаб қиласиди. Негаки, бу борада ҳар бир биогаз

қурилмаси ва фермер хўжалигининг барча ўзига хос хусусиятлари эътиборга олиниши керак. Молиявий-иктисодий таҳлил, асосан, ҳар бир биогаз қурилмасининг икки маҳсулоти — биогаз ва органик ўғитлар ишлаб чиқариш миқдорига тааллуқлидир.

Биогаз қурилмаси ишлашининг ифодаси бўлган асосий молиявий иктисодий кўрсаткичлар қуидагилар ҳисобланади:

- биомассани (хом ашё) ташиб қиймати/нархи;
- биогаз ишлаб чиқариш қиймати ва ундан фойдаланиш орқали олинадиган даромад;
- сақлаш қиймати (биогазни зичлаш);
- иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажат ҳамда даромадлар;
- биоўғитлар/компост ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажат ва даромадлар.

Биогаз қурилмаси ишлаб чиқараётган корхоналар: «Ихлос Бизнес Барака» хусусий корхонаси, «Ol'maliq metall konstruksiya» МЧЖ, «Ekoravnaq» МЧЖ кабилар.

Биоўғитлардан фойдаланиш ва сотишдан олиши мумкин бўлган даромад

Биогаз қурилмасида қайта ишланган гўнг юқори сифатли органик ўғитга айланиб, фермерга бир қанча йўллар билан фойда келтириши мумкин:

- биринчидан, фермер биоўғитлардан фойдаланиб, ўз даласидан юқори ҳосил олиши мумкин. Бу борадаги тажриба шуни кўрсатдики, биоўғитлардан фойдаланилганда ҳосилдорлик қишлоқ хўжалиги экини ва иқлим шароитига қараб, 10–70 фоизни ташкил этиши мумкин;
- иккинчидан, фермер биоўғитларни бошқа фермерларга сотиш ҳисобидан даромад олиши мумкин. Оддий гўнгдан кўра, биоўғитдан фойдаланиш кўрсаткичлари вақт ўтиши билан, ер эгалари томонидан унга бўлган барқарор талабни таъминлаши ҳам мумкин. «Agro-Milk» фермасида биогаз қурилмаси ишлашининг мониторинги, ушбу фермер хўжалиги биоўғитнинг бир тоннасини 10000 дан 20000 сўмгача сотганини кўрсатган. Бунда бир тонна янги гўнгнинг бозордаги нархи 5000 сўмга баҳоланган.

Биогаздан фойдаланишдан олиши мумкин бўлган даромадлар

Аксарият ҳолларда, биогаз қурилмасида олинадиган биогаз иситиш, сув қайнатиш, овқат тайёрлаш, электр энергиясини ишлаб чиқариш, ёритиш (газ лампалари) учун қўлланилади.

Фойдаланувчи шу тариқа, бунгача ёқилғига (үтін, күмир, нефть маңсулотлари, табиий газ) сарфланған ва истемол қылған электр энергияси учун тұлған маблағларини тежаб қолиши мүмкін.

«Ихlos Бизнес Барака» хусусий корхонаси синов жараёнида ишга туширган кичкина БГҚда ишлаб чиқариладиган биогаздан үй-рүзгор ишида, асосан, овқат тайёрлаш ва иситиш учун фойдаланиш мүмкін. «Agro-Milk» фермер хұжалигіда үрнатылған ўртача катталиқдаги БГҚда ишлаб чиқариладиган биогаз миқдори биноларни иситиш, чорва моллари учун сув иситиш ва электр генераторининг ишлаши учун етарлидір. Шу сабабли, биогазни, одатда, ушбу мақсадларда фойдаланиладиган мұқобил анъанавий органик ёқилғи, жумладан, табиий газ, күмир, мазут ва үтін сифатида баҳолаш мақсадға мувофиқ.

Тақидлаш жоизки, биогазни ёқиши учун фойдаланиш мүмкін бұлған горелкаларнинг фойдали иш коэффициенті (ФИК), одатда, ёқилғи сипатида үтін ва күмирдан фойдаланиладиган оддий печкалар фойдали иш коэффициентидан 10—30 фоиз юқоридір. Буни фермер хұжаликларида турли ёқилғилардан фойдаланишда, иқтисодий фойдани таққослашща ҳисобға олиш зарур.

Биогаз қурилмасидан фойдаланишининг фермерлар, дәхқон ва үй хұжалиги турмушига ижобий таъсирі

Биогаз технологияларини жорий этиш, қишлоқ жойларда мекнен шароитини яхшилашта ижобий таъсир күрсатади. Оилавий биогаз қурилмалари үтін йиғиши ва ёқиши учун кетадиган вақтни қисқартыриш имконини беради.

Йирик фермаларга мұлжалланған катта БГҚлар ушбу қурилмалар операторлари учун құшымча иш ўринларини ташкил этиш имконини беради.

Бундан ташқари, биогаз қурилмаларини көнг жорий этиш ва улардан фойдаланиш биогаз қурилмаларини маҳаллий ишлаб чиқарышни ташкил қылишта сабаб бұлади ва уларни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш, монтаж қилиш, сервис хизмати күрсатыши соҳасида янги иш ўринлари ташкил этилади.

Биогаз қурилмалари биоюғитлар ва биогаз ишлаб чиқарышдан ташқари, фермер хұжалигіда санитария-гигиена ҳолатини яхшилашта таъсир күрсатади. Биогаздан үтін үрнида фойдаланиш иншоотларнинг ифлосланиши ва ис-қурум босишини камайтириш имконини беради. Чунки, биогазни ёқишида деярли тутун ҳосил бўлмайди.

Биогаз технологияларидан фойдаланишининг афзалліклари куйидагиларни ўз ичига олади:

Вақт ва кучни тежсайди:

- овқат тайёрлаш учун кетадиган вақт сарфи камаяди;
- ошхонани йиғиштириш ва идишларни ювиш учун зарур бўлган сувни иситишга кетадиган вақтни камайтиради;
- печкага хизмат қўрсатиш (кулдан тозалаш, печканни тўлдириш, ёқиши) кетадиган вақт тежалади;
- аввал кўмирни ташиш, сақлаш ва қайта юклаш, ўтин топиши, сотиб олиш, кесиш, қуритиш ва жойлаштиришга кетган вақт тежалади;
- ёввойи ўтларни ўтоқ қилишга кетадиган вақт қисқаради (уларнинг уруғлари метантанкда йўқ қилинади).

Маблагни тежсаси:

- печка ёқилғиси ёки истеъмол қилинган электр энергияси учун сарфланган маблаг тежалади;
- ўғитлар ва пестицидлар сотиб олишга кетадиган маблағ тежалади.

Кўшимча даромад олиши имконияти:

- ортиқча биогазни қўшни фермер, деҳқон хўжаликларига ва қўни-қўшниларга сотиш эвазига;
- ортиқча биоўғитларни қўшни фермер, деҳқон хўжаликларига ва қўни-қўшниларга сотиш эвазига;
- биоўғитларни қўллаш орқали қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш эвазига пайдо бўлади.

Экологик фойда:

- атмосферага метан ва бошқа ис газлари чиқиндилиари чиқишини камайтириш;
- электр энергиясини ишлаб чиқариш мақсадида ёқиладиган кўмири, ўтин ёки бошқа ёқилғи миқдорини қисқартириш ва пивовардида, карбонат ангидрид гази (ис газлари) ва зарарли ёниш маҳсулотларини камайтириш;
- сув ҳавзаларига ифлослантирувчи моддалар ташланишини камайтириш;
- ифлосланган сувларни органик моддалар ва микроорганизмлардан тозалаш;
- ўрмонни кесишдан (яшил ниҳоллар ва дарахтлар) сақлаш;
- минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжни камайтириш;
- уй-рўзгор ва фермер хўжалигидаги ҳавони кўмир ёқишидан ҳосил бўладиган маҳсулотлардан тозалаш (кул);
- ҳавонинг азот биримлари билан ифлосланишини камайтириши, ёқимсиз ҳидни йўқотиши.

Кулайликлар:

- биноларда ҳаво тозаланади;
- фойдаланилмайдиган чиқиндилиар миқдори камаяди;

- барча органик чиқиндилар, жумладан, канализация чиқиндиларидан фойдаланилди;
 - ёввойи ўтлар камаяди, негаки уларнинг уруғлари метантанқда йўқ қилинади;
 - фермернинг ҳовлисидан ёқимсиз ҳид йўқолади;
 - чивин ва бошқа заарли ҳашаротлар кескин камаяди.
- Соғлиқни сақлаш:*

- ифлосланган ҳаво билан боғлиқ касалликлар — респиратор, онкологик ва кўз касалликлари хавфи камаяди;
- метантанқда касаллик қўзғатувчи микроорганизмларнинг йўқ қилиниши ва ҳашаротлар кўпайиш ҳажмининг қисқариши ёмон эпидемиологик вазиятнинг пайдо бўлиш хавфини камайтиради.

Биогаз қурилмаларининг иқтисодий истиқболи

Биогаз технологияларини жорий этишни давлат нуқтаи назаридан баҳолаганда, умуман, куйидаги самарани эътиборга олмоқ керак:

- биогаз қурилмаларида чиқиндини қайта ишлаганда, аҳолининг ҳаёт шароитининг санитар ҳолати ва гигиеник шароити яхшиланади, шунингдек, соғлиқни сақлашга сарфланадиган харжатлар камаяди. Биогаз технологияларининг энергетика секторига қўшадиган самарасини ўрганиб, шуни ҳисобга олиш керакки, биогаз ишлаб чиқариш республикага жалб этилиши мумкин бўлган, мамлакат балансида ташқи импортга хисса, иқтисод қилиш, экспорт имконига таъсир этиши мумкин. Био-ўйитдан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини оширади.

Биогаздан фойдаланиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархини пасайтиради. Анъанавий энергия манбаларининг ўрнига биогаздан фойдаланиш, керосин ва ўтин каби, экологик мувознатни сақлайди ва хусусий фойдани сақланган дараҳт экиш нархи миқдорида оширади.

Биогаз ишлаб чиқариш эвазига энергиянинг нархи, мамлакат бозоридаги энергия ва ёқилғи нархи билан рақобатлашади ва амалдаги бозорда ва монополистик нархга нисбатан марказлашмаган ва барқарор ҳисобланади.

Энергия ишлаб чиқаришнинг марказлашмаслигидан фойда — энергетика тизими хавфсизлиги яхшиланади, энергетика тизимида, электр ўтказгичлар йўлида ва коммуникациясида йўқотишлар камаяди. Марказлашмаган биогаз тизими қишлоқ жойларида аҳолининг бандлигини оширади ва аҳолининг турли хил қатлами ҳамда мамлакатнинг вилоятлари ўргасидаги фарқни камайтиради.

Маҳаллий материалларга таяниб ишлаб чиқарилган биогаз қурилмалари ва мутахассислар давлат бюджет даромадини кўпайтиради ва ишсизликни камайтиради.

Макроиқтисод даражасида бу самаралар етарлича сезиларли ва биогаз технологияларининг кенг оммалаштирилишида ўзини намоён қиласди.

Таъсир этиши сектори. Биогаз технологияларини жорий этишда самарадорликни қуйидаги секторларда: энергетика, қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳит, соглиқни сақлаш, бандликни ҳисобга олиш керак.

Энергетика ва қишлоқ хўжалиги. Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар ўз энергия истеъмолида анъанавий энергия манбалари (ёғоч, ўсимлик қолдиқлари, гўнг, ҳайвон кучи ва кўл меҳнати)га таянади. Биомасса энергиясидан фойдаланиш даражаси Аргентинада 5 фоиз, Эфиопия, Танзания, Луанда, Судан ва Непал каби мамлакатларда 90 фоизгача кенг ўзгаради.

Биогаздан фойдаланиш кўпайиши билан анъанавий энергия манбаларига талаб камайиб боради. Шундай қилиб, биогаздан фойдаланишдан самара атроф-муҳит учун фойданинг ўсишида, яъни кам ўтин истеъмол қилиниши ва ноқонуний ўрмонни кесишни қисқартиришда ифодаланади.

Нефть, кўмир ва табиий газ каби тижорат энергия манбаларини биогаз билан алмаштириш давлат бюджетига таъсир этади. Бир томондан, биогаздан фойдаланиш самараси энергия етказувчиларни импортга олиб келиниши мумкин бўлган алмаштиришда ва уни етказиб беришдаги тўловларни камайтиришда ифодаланади. Бошқа томондан, нефть, кўмир ва газга бўлган, иқтисадга нисбатан барқарорлик келтириш билан боғлиқ камаяди.

Биогаз қурилмаларининг макроиқтисодиётдаги самарадорлиги ва мустаҳкамлиги инфраструктура тақсимоти ва тармоқ харажатларининг камайиши билан эришилган ютуқларга боғлиқ.

Ўғитга бўлган талаб. Фермер, дехқон ва уй хўжаликларига ҳайдаладиган ерлари, боғ-роғлари, томорқаси барқарор ҳосил бериши учун, йилига кўп миқдорда ҳар хил минерал ўғит зарур. Бунча ҳажмда минерал ўғит сотиб олиш давлатга, фермер, дехқон ва уй хўжалигига кўп миқдорда молиявий ресурс талаб қиласди. Ўғит учун фақат гўнгдан фойдаланилади.

Фермер хўжаликларида биогаз қурилмаси қуриш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифлар:

Агросаноат мажмусини ривожлантириш учун муҳим муаммолардан бири — қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш ва чиқндишларни қайта ишлаш ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига биогаз қурилмалари анаэроб (эркин кислород бўлмаган шароитда яшай оладиган) ачитиш йўли технологияси

билин органик ўғит олиш келажакда самарали ҳисобланади. Ҳозирги пайтда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида чиқиндиларни қайта ишлаш орқали, биогаз олиш технологияси ривожланишига жиддий эътибор берилмоқда. Паррандачилик, чорвачилик ва ўсимлик чиқиндиларидан фойдаланиб, муқобил ва қайта тикланувчи иссиқлик ва электр энергияси манбалари сифатида фойдаланиш аллақачон дунёнинг кўпгина мамлакатлари энергетика стратегиясининг асосий ўйналишига айланган.

Чорвачилик чиқиндилардан фойдаланиш асосида, биогаз ишлаб чиқариш, фермер хўжаликлари ва қишлоқдаги иссиқлик таъминоти учун табиий газ ва ўтиндан фойдаланувчи маиший истеъмолчиларнинг боғлиқлигини қисқартиради. Бу атмосфера ҳавосининг яхшиланишига олиб келади ва глобал исишнинг олдини олишга ўз ҳиссасини қўшади.

Мос равиша ва ўз пайтида биогаз ишлаб чиқаришдан фойдаланиш ҳам, шунингдек, чорвачиликда гўшт ва сут ишлаб чиқариш унумдорлигини оширади. Биогаз олиш жараёнида ишлаб чиқарилган органик ўғит — биогумусдан фойдаланиш қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширади. Ўз наъбатида, илгари табиий газ сотиб олиш учун фойдаланиладиган маблагни иқтисод қилиш ва уни энди фермер хўжалигига чорва бош сонини кўпайтиришга ва озиқа экинлар майдонини кенгайтиришга ишлатиш мумкин. Бозорда сотилган ортиқча биогумус, маҳаллий бозорни юқори сифатли органик азот ўғити билан, маълум даражада қўшимча даромад билан таъминлайди. Чорвачилик чиқиндисини қайта ишлап мақсадида биогаз ишлаб чиқариш, маълум даражада чиқиндини сақлаш муаммосини ҳал этади, бу эса, ер юзаси ва озиқа моддаларини фильтрланмай ер ости сувларига сизишидан ҳимояланиш муаммосини ҳал этади.

Бугун Глобал экологик жамгарма ва Халқаро банкнинг «Қишлоқ хўжалигига иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиши» лойиҳаси Ўзбекистонда, биогаз қурилмасини фермер хўжаликлирида қуришни амалга оширишга кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани эътиборли.

16-жадвал

Биогаз қурилмасининг иншооти ва ускуналари таркиби*

Тавсифнома	Ўлчов бирлиги	Со-ни
Олдиндан тўплаш ва гомогенизация учун резервуарлар	куб м	5
Хом ашё иситиладиган ва аралаштириладиган тизимли биореактор метантек	куб м	10

Биошлам массаси (кукуни)ни қайта ачытиш учун очиқ резервуар	куб м	5
Биогазни коденсациялаш, тозалаш ва сақлаш участкаси	куб м	8
Биоўгитнинг суюқ фракцияси учун очиқ резервуар	куб м	31
Қозонхона ва электргенераторли техник бино	кв м	6
Иситиш тизими ускуналари	комплект	1
Биомассани аралаштириш тизими ускунаси	комплект	1
Биогазни конденсациялаш ва тозалаш тизимли газгольдер	куб м	10
Биогаз плитаси	дона	1
Газ электргенератори	кВт	1,5
Электр шкаф	дона	1
КИП ва А асбоблари	комплект	1
Газ тизими, фильтрлар, штуцерлар, шланглар ва бошқа материаллар	комплект	1
Асосий трубалар, фланецлар, фитинглар, задвижкалар, хомут ва бошқалар	комплект	1
Бошқа ёрдамчи ускуналар ва материаллар	комплект	1

*Ускунани комплектлаш (таркиби ва тавсифи) органик биомассани қайта ишлаш миқдорига қараб танланади.

17-жадвал

Биогаз қурилмаси ишшооти қурилиши учун инвестиция (тўлов босқичма-босқич бўлиши мумкин)

Тавсифнома	Маблаг (минг сўм)
Объектни ўрганиб чиқиш, лойиҳа олдидан қилинадиган ишлар	285
Биогаз қурилмасининг яратиш ва фойдаланиш техник-иктисодий асосларини ишлаб чиқиш	427
Биогаз қурилмасининг ишчи лойиҳасини, лойиҳа смета ҳужжатлари билан бирга ишлаб чиқиш	1994
Умумий қурилиш ишларини бошлиш учун қурилиш материаллари сотиб олиш	11453

Ускуналарнинг жамланмасини сотиб олиш	17034
Монтаж ишларини олиб бориш	1363
Биогаз қурилмасини технологик режимда ишлаши учун ишга тушириш-созлаш, синаш ишларини бажариш	681
Биогаз қурилмасини фойдаланишга топшириш, маслаҳат бериш ва ўргатиш	102
Бошқа ва кўзда тутилмаган харатжатлар	1334
Солиқ ва мажбурий тўловлар	5201
ЖАМИ:	39874

Изоҳ: 1. Баҳоси (нархи)га ускуналар ва материалларни обьектга келтириш учун транспорт харажатлари кирмайди. 2. Қурилиш қисми буюртмачи томонидан ўз хоҳишига кўра (буюртмачи томонидан ҳужжатлар асосида) ва ижрочи муаллиф назоратида бажарилиши мумкин. 3. Буюртмачи обьектни зарур сув ва электр билан таъминлаб бериши керак.

3.4. Чиқинди (биомасса)дан фойдаланиш

Ўзбекистон «Adolat» СДП Андижон вилоят кенгashi ва вилоят «Инновацион технологияларни жорий этиш маркази» ҳамкорлигида, самарадорлик даражаси мавжуд технологиялардан 10 марта юқори бўлган янти технология — эйхорния ўсимлиги асосида, биогаз олишни йўлга қўйиш ва тарғиб қилиш устида иш олиб борилаётгани эътиборга молик.

Асл ватани Бразилия бўлган эйхорния сув ўсимлиги устида Андижон вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати ла-



Эйхорния сув ўсимлиги.



Канализация оқова сувларига ташланган эйхорния ўсимлиги.

бораториясида илмий изланишлар олиб борилди ва лаборатория таҳлилларидан кутилгандан ҳам юқори натижга олинди.

Тез кўпайиш хусусиятига эга ушбу ўсимлик, қисқа муддатда канализация оқова сувларини санитария талабларига жавоб берадиган ярокли ҳолатга келтириши мумкинлиги исботланди. Эйхорниянинг яна бир афзалиги — ундан катта миқдорда биогаз олиш мумкин.

Хусусан, ёз мавсумида бир гектар сув тиндиргичидан 2000 тонна ёки йил давомида 4000 тоннадан зиёд кўк масса олинади. Бу миқдорнинг куруқ массаси 400 тонна бўлиб, унинг



Эйхорния ўсимлигининг ўта тез кўпайиши.

ҳар тоннасидан 700 м³, жами 280000 м³ биогаз олиш имконини беради. Бу эса, 250000 м³ табиий газ қувватини беради. Дунё бозорида 1000 м³ табиий газнинг қиймати 400 АҚШ долларига тенглигини ҳисобга олсак, бир гектар сув ҳавзасидан 100 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот олиш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Андижон оқова сув корхонасига қарашли 24 гектарли сув ҳавзасининг 10 гектаридан фойдаланилса, бу даромад 1 млн АҚШ долларини ташкил этиши ёки аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини маълум даражада қондириши мумкин.

Ушбу ўсимликнинг экологик ва энергетик самарадорлигини инобатта олиб, 2014—2015 йилларда Асака туманида шундай технологияга асосланган биогаз қурилмасини ишга тушириш резалаштирилмоқда.

3.5. Шамол энергиясидан фойдаланиш

Шамол — табиатда буюк хизматчи (булутларни ҳайдайди):

- ҳавони тозалайди (ифлосланган ҳавони аҳоли пунктидан узоқларга олиб кетади);
- электр энергияси ишлаб чиқаради;
- дентизда сузувларга ёрдам беради;
- ўсимлик уруглари ва қўзиқоринларни жойдан-жойга кўчириб, урчитади.

Шамол энергиясининг ўлчови йирик бирликларда ўлчанади. У талафот келтириш хусусиятига эга.

Лекин шамолни жиловлаб, шу билан бирга, ундан жуда катта электр энергияси олиш мумкин. Замонавий шамол энергетикиси ижобий, чунки айрим мамлакатлар, амалда, шамол энергиясидан фойдаланишга тўлиқ ўтган (масалан, Дания).

Афзалликлари:

- шамол электростанциялари атроф-муҳитни зарарли чиқитла-ри билан ифлослантирумайди;
- шамол энергияси, маълум шароитларда қайта тикланмайдиган энергия манбалари билан рақобатлаша олади;
- шамол энергияси манбаи — табиат — туганмасдир.

Дунёдаги шамол электростанциялари ишлаб чиқарувчи пешқадамлар:

- *Vestas, Nordex, Panasonic, Vergnet, Ecotecnia, Superwind* кабилар.

Кейинги бетдаги расмда шамол қурилмаси кўрсатилган. У парраклар, таянч, генератор, посанги ва маҳкамловчи тросдан иборат. Фундамент цементли бетондан тайёрланади ва тупроқ ичига жойлаштирилади. Доимий электр ток энергиясини ўзгарувчан токка айлантириш учун инвертордан фойдаланилади.

Шамол электрстанциялари

ШЭС мұқобил энергия манбаига мансуб. У шамол энергияси билан ишлады.

Шамол электрстанцияларининг ишилаши принципи

Шамол электрстанциялари ҳаво массаси — шамолнинг арадашиб энергияси ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқаради. Горизонталь ўқда айланувчи шамол электрстанцияларининг шамол тезлиги минимал айланиш тезлиги күйидагини ташкил этганда:

- 4—5 м/сек — қувватда ≥ 200 кВт;
- 2—3 м/сек — қувватгача ≤ 100 кВт.

Шамол электрстанцияси — бу мачта устига контейнер генератор ва редуктор билан жойлаштирилади. Шамол электрстанциялари редукторининг ўқига парраклар қотирилади. Электрстанциялар контейнери шамол йўналишига боғлиқ равишда бурилади.

Вертикаль ўқли шамол электрстанциялари унча оммалашмаган. Генератор мачта тагида жойлашган ва муҳими, шамол йўналишига мослаш шарт эмас. Вертикаль ўқли электрстанциялар юқори тезликдаги шамолдан бир хилда айланишини ва бошқа ташқи энергия манбаидан олдиндан ишга тушириб олишни талаб этади.

Шамол тезлигини тадқиқ этиши

Шамол электрстанциялари жойлашган ерда шамолнинг тезлиги ўртачадан юқори — 4,5 м/с ва ундан юқори бўлади.



Шамол қурилмаси.



Замонавий шамол генератори.

Жойнинг имкониятлари тадқиқоти олдиндан ўтказилади. Анемометрлар 30 дан то 100 метргача баландликка ўрнатилади ва бир-икки йил мобайнида шамол тезлиги ва шамол йўналиши бўйича маълумот тўпланади. Олинган ахборот, шамол энергиясидан фойдаланиш мумкин бўлган харигага киритилади. Бундай хариталар (ва маҳсус дастурий таъминот), инвестиция киритиш имкониятига эга инвесторларга лойиҳанинг қанчада оқланишини баҳолай олишга имкон яратади.

Оддий метеорологик маълумотлар шамол электрстанцияларини қуриш учун мос келмайди: бу шамол тезлиги ҳақидаги маълумотлар ер даражасида (10 метргача) ва шаҳар чегарасида ёки аэропорт ҳудудига мос тўпланган.

Шамол энергетикаси учун кўп мамлакатларда шамол харитаси давлаг структураси ёки давлат ёрдамида тузилади. Масалан, Канадада Тараққиёт ва табиий ресурслар вазирликлари шамол генератори қурилмасини исталган жойга режалаштириш имконини берувчи «Канаданинг шамол Атласи»ни ва *WEST (Wind Energy Simulation Toolkit)* — компьютер моделини тузишган.

Шамол қурилмасининг баландлиги

Шамол тезлиги баландликка кўтарилган сайн ортади. Шунинг учун шамол электрстанцияси тепалик ёки баланд жойларга ўрнатилади, генераторлари эса, миноранинг 30—60 метрига ўрнатилади. Бунда шамол таъсири этувчи дараҳтлар, йирик бинолар ва бошқа предметлар эътиборга олиниши керак.

Экологик самараадорлик

Шамол электрстанциялари қурилишида шамол генераторларининг атроф-муҳитта таъсири ҳисобга олинади.

Буюк Британия, Германия, Нидерландия ва Дания қонунларида шамол энергетикаси қурилмаларининг ишлашидан ҳосил бўладиган шовқинни кундузи 45 децибелгача, кечаси 35 децибелгача чеклайди. Қурилмаларнинг яшаш уйларигача ўрнатилган минимал масофаси 300 метргача рухсат этилади. Замонавий шамол электрстанциялари мавсумий қушларнинг учеб ўтиш мавсумида ишлатилиши тўхтатиб турилади.

Шамол электрстанцияларининг асосий муаммолари

Шамол электрстанцияларининг асосий муаммоси табиатда шамол бўлмаслигидир. Бундай ҳолда шамол электрстанцияларининг куввати вақтнинг ҳар дақиқасида ўзгарувчан бўлади. Фақат биргина шамол электрстанцияси билан маълум электр энергиясини барқарор етказиб бериш мумкин эмас.



Замонавий шамол электрстанциялари.

Шамол электрстанциялари бир маромда ва тизимли барқарор ишлаши учун электр энергияси тұплашида аккумуляторлардан фойдаланилади. Шунинг учун, шамол электрстанцияларини энергия тизими ёки комплексига бирлаштириб, бошқа услубларда электр энергиясini олиш зарурияты пайдо бўлади. Бунда, аввало, газ генераторлари, микротурбиналар, қуёш электрстанциялари — фотоэлементли батареялардан фойдаланиш мумкин.

Саноатда ишлатиладиган шамол генераторини қисқа вақтда, 7—10 кун ичида тайёрланган майдонга қуриш мумкин. Шамол фермаларини қуриш кўп вақт (рухсат олиш, камида йил ва ундан кўпга чўзилиши мумкин) талаб этади. Уни қуриш учун йўллар зарур. Стреласи 50 метргача бўлган, юқорига чиқара оладиган кран керак бўлади. Чунки, гондолалар 50 метр баландликка ўрнатилади.

Ҳозирги пайтда ЭНГ оммалашган шамол электрстанциялари тепалик ёки баланд жойларга ўрнатилади.

Ҳозирги пайтда Данияда 5,2 мингта «шамол тегирмонлари» 20 фоиз электр энергияга бўлган истеъмолни таъминлаб беради. 2015 йилга бориб, ушбу кўрсаткичини 50—75 фоизга етказиш режалаштирилмоқда.

Камчиликлари:

- табиатда шамол турғун эмас, кучайиши ва сусайиши мумкин. Бу эса, шамол энергиясидан фойдаланишда қийинчилек туғдиради. Техник ечимлар, изланишлар бундай камчиликларни йўқотишга имкон беради. Бу шамол электрстанцияларини яратища энг муҳим масаладир;

- шамол электрстанциялари ҳар хил спектрларда заарли шов-қинлар ҳосил қиласи. Оддий шамол қурилмаларининг шовқини қонунда белгилаб қўйилган 35—45 децибелдан ошмаслиги учун шунга мос масофада қурилади;

- шамол электрстанциялари телевидение ва ҳар хил алоқа тизимларига ҳалақит беради. Лекин, Европада фойдаланилаётган 26000 дан ортиқ шамол қурилмаларидан фойдаланишда ушбу қўринишдаги тўсиқлар электр энергетиканинг ривожида ҳал этувчи аҳамиятга эга эмас;

- шамол электр станциялари қушлар бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиши ва ин қўйишида зиён етказиши мумкин;

- кейинги йилларда кичик шамол энергетика қурилмаларига қизиқиш катта. Уларни, кўпинча, марказлаштирилган электр таъминоти тармоғига уланиш имкони бўлмаган ҳолатларда ёки мавжуд тармоқ шамол генератори ва унинг монтажидан нархи қимматга тушаётганида ўрнатилмоқда;

- аввало, бошида шамол энергетикасини ривожлантиришни катта ишонч билан қабул қилинган бўлса, кейинчалик, ушбу соҳа фаолияти йирик ва катта масштабда эканлиги боис, барига бир осон эмаслиги маълум бўлди;

- бунда ЭНГ долзарб масала — ер масаласи. 1000 МВт қувватли шамол электрстанцияси (ШЭС) учун 70 дан 200 км².гача майдон талаб этилади. Сўзсиз, шамол агрегати қурилмасининг исталган ёввойи табиат ландшафтида фаолият қўрсатиши, унга техник хизмат қўрсатиш, таъмирлаш ва автоматик коммуникация таъминоти ушбу ҳудуддаги табиийликнинг антропоген ҳолатига, яъни у ернинг табиатидаги барча жониворларга салбий таъсир этмай қолмайди.

18-жадвал

Республика ҳудудлари кесимида шамол энергиясининг техник имкониятлари (млрд кВт соат)

Ҳудудлар	Ҳисобга олинган майдон, км ²	Шамол энергияси қурилмаси сони, дона	Энергия, млн кВт соат/йил
Республика бўйича	4474	144426	9927
Қорақалпоғистон Республикаси	1649	54964	4378,8
Андижон вилояти	42	1400	20,2
Бухоро вилояти	394	13130	9890
Жizzах вилояти	205	6826	216,4

Қашқадарё вилояти	284	9456	450,2
Навоий вилояти	1108	33110	2903,6
Наманган вилояти	79	2632	65
Самарқанд вилояти	164	5464	276,2
Сурхондарё вилояти	208	6926	185,6
Сирдарё вилояти	51	1370	63,2
Тошкент вилояти	156	4688	218,2
Фарғона вилояти	71	2364	46
Хоразм вилояти	63	2096	114,6

- Оёқғитма (Навоий вилояти) 4 м/сек;
- Машиқудук (Навоий вилояти) 4,3 м/сек;
- Қулқудук (Навоий вилояти) 5,2 м/сек;
- Жонкелди (Бухоро вилояти) 4,1 м/сек;
- Жаслиқ (Қорақалпоғистон Республикаси) 3,8 м/сек;
- Актумсұқ (Қорақалпоғистон Республикаси) 5 м/сек;
- Мүйнөк (Қорақалпоғистон Республикаси) 4 м/сек;
- Яңгиер (Сирдарё вилояти) 3 м/сек;
- Чорбог (Тошкент вилояти) 4,3 м/сек;
- Бекобод (Тошкент вилояти) 4,7 м/сек;
- Қарши (Қашқадарё вилояти) 3,3 м/сек.

Шамол қурилмасини ўрнатиш

Кейинги йилларда шамол қурилмасига талаб пайдо бўлмоқда. Электр энергияси нархининг ошиши, фермер, деҳқон хўжаликлари, уй эгалари, ҳар хил йўналишдаги корхоналарни ушбу турдаги муқобил энергия манбаси ҳақида ўйлашга мажбур этмоқда. У анъанавий энергия манбанинг қисман ёки тўлиқ ўрнини босиши мумкин.

Шамол энергияси қурилмасини ўрнатишга қунт билан тайёргарлик кўриш ва ушбу лойиҳанинг рентабеллигини баҳолаш талаб этилади. Муваффакиятли ўрнатиш ва келгусида натижабериди ишлаши учун соҳанинг тажрибали мутахассислари хизматидан фойдаланиш керак.

Шамол қурилмаси — хизмат кўрсатиш, доимий маошга ишлайдиган фуқаронинг моддий ресурсларини иқтисод қилиши нуқтаи назаридан фойдали. Бу ҳолатда, сизга шамол қурилмасига хизмат кўрсатишга алоҳида ишчи ёллашга ҳожат йўқ, чунки у доимо автоматик режимда ишлайди. Шамол қурилмасини ўрнатишда қаерга ўрнатилишига қараб, худуд учун характерли шамол

тезлиги ҳисобга олинади. Курима тавсифномасига кўра, у унча катта бўлмаган уй хўжаликлари учун энергия ишлаб чиқаришида қўлланиладиган ва саноат учун шамол электрстанциялари бўлиши мумкин. Уй хўжаликлари учун ишлатиладиган шамол курилмалари унга мўлжалланган фундаментга ўрнатилиди. Кўпинча, шамол курилмалари марказлашмаган электр тармоқларига уланиши муаммо бўлган жойларда (шаҳардан ташқари, дала ҳовли, ферма, кичик корхона ва бошк.) қўлланилади.

Шамол курилмасини корхона учун ўрнатиш маълум дараҷада электр энергияси харажатларини камайтиради. Мамлакатимиз худудида бир неча турдаги муқобил энергия манбаларини, яъни қуёш станциясини, шамол генераторини ва бошқаларни бирлаштириш омилкор усул ҳисобланади.

Қайта тикланувчи энергия

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш иссиқхона (парник) газини атмосферага чиқаришни камайтиради. Ўзбекистоннинг ўзига хос иқлимида муқобил энергия ресурслари ниҳоятда истиқболли.

Хавфсиз энергия таъминоти — экологик сиёsatнинг асосий мақсадларидан бири бўлиб, босқичма-босқич энергия ресурсларини (ёқилғи), қазиб олинадиган материаллар билан қайта тикланувчи энергия манбаларини аралаштиришдир.

Шу муносабат билан муқобил энергия истеъмоли умумий энергия истеъмолида муҳим экологик индикатор бўлиб хизмат қиласиди.

Қайта тикланадиган энергия имкониятлари

Яқин келажақда иссиқхона газлари чиқитларини камайтишининг муҳим йўналиши, ноанъянавий энергия ва ёқилғи бўлмаган қайта тикланувчи энергия манбалари бўлиши мумкин.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда маълум қайта тикланувчи энергия манбалари (ҚТЭМ) имкониятлари (потенциал) деярли 51 млрд т.н.э. деб баҳоланади. Бугунги кунда, амалдаги технологиялар билан унинг 179 млн т.н.э.дан фойдаланиш имконияти бор.

Ҳозирги пайтда техник имкониятлардан фақат 0,6 млн т.н.э. см ёки 0,3 фоиз ўзлаштирилган, холос.

Мазкур ҳажмдаги нефть ёнганда, атмосферага 447,5 млн тонна CO_2 карбонат ангидрид газини, ҳар хил олтингуругт бирикмалари, азот оксиди ва бошқа ифлослантирувчи моддаларни чиқаради. Агар ҚТЭМ ўзлаштирилса, унинг олди олинади.

Ўзбекистоннинг қайта тикланувчи энергия имкониятлари

Имкониятлар	Жами (млн т.н.э.)	Шу жумладан, энергия (млн т.н.э.)			
		гидро	куёш	шамол	геотермал сувлар
Ялпи	50984,6	9,2	50973,0	2,2	0,2
Техник	179	1,8	176,8	0,4	—
Ўзлаштирилган	0,6	0,6	—	—	—

Ҳозирги замон шароитида республикада ушбу имкониятдан тұлық фойдаланилмастырылғанда сабаб, техник ва молиявий имкониятларнинг, яъни анъанавий ва ноанъанавий электрстанцияларининг атроф-муҳиттеги экологик таъсири етарли даражада ўрганилмаганлигидир.

Ялпи имконият — худудға етказилған ёки ҳосил қилинган энергиянинг назарий миқдоридир.

Техник имконият — ялпи имкониятнинг бир қисми бўлиб, мавжуд технологиялардан фойдаланиб, уни амалга ошириш мумкин.

ҚТЭМда катта имкониятларнинг борлиги, қайта тикланувчи энергия манбасининг муваффақиятли ривожланишига муҳим замин ҳисобланади, бу — Ўзбекистонда кулай иқтисодий муҳит яратиш, катта қисмда техник имкониятни ўзлаштиришга имкон яратади.

Ҳозирги пайтда, Ўзбекистонда барча қайта тикланувчи энергия манбалари рўйхатидан кўпроқ муваффақиятли ўзлаштирилаётгани дарёларнинг энергетик имкониятларидир. Кейинги йилларда күёш ва шамол, биогаз энергияларидан фойдаланишининг қатор лойиҳалари амалга оширилган, лекин улар асосан намоииш-тажриба хусусиятига эга.

Шу билан бир қаторда, ҳозирги пайтда республикада қайта тикланувчи энергетика технологияларидан кенг фойдалиш имкониятлари мавжуд:

- сув иситиши учун күёш коллекторлари;
- күёш фотоэлектрик тизими;
- микро ГЭС;
- шамол генератори;
- иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқариш учун биогаз курилмаси;
- күёш-шамол гибрид тизими.

Келажакда бошқа технологиялар салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилиши, яъни:

- майшний чиқиндиларни йирик масштабдаги ахлат ёқиладиган қурилмаларда ва йирик шаҳарлар (масалан, Тошкент ёки Самарқанднинг) марказлашган иссиқлик таъминотида фойдаланиш;
- қуёш электрстанцияларидан фойдаланиш;
- геотермал энергиядан фойдаланиш.

Эътиборлиси, айрим қайта тикланувчи энергетикадан фойдаланишда, улардан фақат қўшимча энергия сифатида фойдаланиш мумкин. Жумладан, фотоэлектрик станциялар кечаси ишлай олмайди, шамол қурилмалари шамол бўлмаса ёки кичик тезлиқда электр энергиясини ишлаб чиқара олмайди ва бошқалар. Шу сабабли мавжуд қоидаларга мувофиқ, улар захира энергия манбаларини талаб этади ва, асосан, анъанавий энергия манбаларини тўлдирувчи обьект ҳисобланади.

Иссиқхона газларини чиқариб ташлашни камайтириш фавкулоддаги миллий ҳамда глобал даражада долзарб масала ҳисобланади. Биргина иқлим ўзгаришидаги ҳарорат кўтарилиши шуни кўрсатадики, 2035 йилга бориб, ҳаво ҳарорати $1-2,5^{\circ}\text{C}$ га ошиши мумкин. Бу иқлим худуди чегарасининг сурилишини, худуднинг аридациясини¹ кучайтиради, экологик ҳолат бутунлай ёмонлашади. Энг кўп ҳарорат ўзгариши Қорақалпоғистонда ва Хоразм вилоятининг шимолий худудларида кутилмоқда.

3.6. Муқобил энергия манбаларининг иқтисодий истиқболи

Муқобил энергия манбаларининг кенг оммалашувига ҳалакит берайтган асосий сабаб, уларнинг иқтисодий самарадорлиги анъанавий манбаларга нисбатан пастлигидир. Зоро, кўпинча, барқарор энергия таъминотини анъанавий манбалар билан аралаштиромай, табиий жараёнларга боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдаланиб бўлмайди.

Мутахассисларнинг баҳосига кўра, ҳозирги вақтда нефтнинг ўртача баҳоси, айрим муқобил энергия манбаларининг (шамол, биоёқилги, кичик ГЭС) тижоратдаги тебраниш дианазони бир баррели 80—100 АҚШ долларини, биомассадан мотор ёқилфиси (маккаждӯхори, қандли тростник) ишлаб чиқариш нефтдаги каби бир баррелининг нархи 50—70 АҚШ долларини ташкил этса, рентабелли бўлиши мумкин.

¹ Аридус (лотинча) — куруқ маъносини билдиради. Арид иқлими — атмосфера намлиги паст, ҳаво ҳарорати эса баланд, сутка давомида катта тебранишларга монанд қурғоқчил худудлар иқлими.

Амалдаги шароитда, сув базасида (йирик ГЭСлар) электр энергиясининг таннархи бир киловатт соати 3—4 центни ташкил этади, кўмир ва газ ресурсларининг ҳар хил баҳолардаги бир киловатт соатининг таннархи 4 дан 7 центгачани ташкил этади. Бунда муқобил манбалардан нисбатан энг арзони (кичик ГЭС, шамол ва геотермал манбалар) юқоридаги кўрсаткичга яқинлашади: кичик ГЭС ва геотермал энергия 4—7 центларга, ерга жойлашган шамол энергетика қурилмалари 5—8 центларга, дengизга жойлашгани 9—12 центларга тенг келади. Бундай шароитда биомассадан олинган энергиянинг таннархи 5—12 центни, қуёш ёруғлиги энергияси 20—80 центни, қуёш иссиқлик энергияси 12—18 центни ташкил этади. Ёки қуёш электр энергияси 5 дан 20 мартағача анъанавий вариандаги углеводород хом ашёларидан қимматга тушади. Қуёш иссиқлик энергияси эса 3—4 марта қимматга тушади.

20-жадвал

**Ҳар хил турдаги ҚТЭМларнинг нархлари динамикаси
башпорати (н/кВтс)**

Кўрсаткичлар	1995 й.	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2020 й.
Фотоэлектрик батареялар қурилиш электр станциялари	25	23	21	20	19	17
Қуёш-иссиқлик	23	20	18	15	13	12
Биомасса	14	13	12	12	11	11
Кичик ГЭС	8	7	6	6	6	6
Геотермал	8	8	7	7	7	6
Шамол	7	7	6	6	6	5

Кўпгина эксперталар анъанавий ва ноанъанавий энергия манбаларининг таннархидаги фарқларнинг тез муддатларда камайиб бориши жараёнини эътироф этишмоқда.

Башпоратларга кўра, 2030 йилгача бўлган даврда, гелиоэнергетиканинг 1 гигажоуль энергия харажатлари 2005 йилга нисбатан 52—66 еврода камайиши мумкин. Бошқа муқобил манбалар турлари бўйича камайиш эса сезиларли эмас.

Шу билан бирга, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантириш — зарурат. Бунга нефть ва газ баҳоларининг ортиши, улар захираларининг узлуксиз камайиб бориши, шунингдек, анъанавий генерация қувватлари қурили-

шига экологик талабларнинг кучайиши омиллари таъсир этади. Масалан, агар 2005 йилда 1 кВт анъанавий қувватни яратишга 1000—1200 АҚШ доллари талаб этилган бўлса, ҳозирги пайтда бу харажатлар 2800—3000 АҚШ долларига етди ва ошиш мунтазам давом этмоқда.

Шундай қилиб, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг тижорат томонидан жозибадорлиги икки ҳар хил йўналишдаги: анъанавий углеводородли манбалар баҳосининг ошиши ва муқобил манбалар баҳосининг пасайиши омиллари таъсирида ҳосил бўлади.

Бир вақтнинг ўзида, амалдаги анъанавий турдаги энергияни ишлаб чиқариш, хом ашёни нархлашда ҳар хил мамлакатда ҳар хил субсидия усуллари қўлланилиши туфайли таққослаш базасига, ушбу тузатишларнинг киритилишини ҳисобга олиш керак. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш Дастири (ПРООН) ҳисобларига кўра, анъанавий энергетикага глобал масштабда ҳар йилги субсидиялаш ҳажми ўртача 250 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Бунда экологик нуқтаи назар ҳисобга олинмаган. Анъанавий энергия манбаларидан фойдаланишда экологик талаблар ортганда, энергия ишлаб чиқариш харажатлари сезиларли ортиб кетади.

Европа Комиссияси баҳоларига кўра, электр энергияси ишлаб чиқаришнинг реал баҳоси, атроф-муҳитни ифлослантириш билан боғлиқ кўмир ва мазут станциялари (технологияда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги салбий таъсир кўрсатиши билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинди) чиқимларини кўшганда икки марта ошган бўлар эди. Газ станциялари учун шунга ўхшашиб ҳисоблар кўрсатилганки, бундай станциялар тарифларининг ошиши 30 фоизга кўпайиши мумкин бўлган.

Бундан ташқари, ҚТЭМ ўрта ва узоқ муддатли келажак соҳалари учун жорий этишдаги ҳаракатсизлик ҳозирги жорий этиш бўйича нисбий иқтисодий йўқотишдан кўра анча қимматга тушади.

«Стерн ҳисоботи» баҳоларига кўра, ҳаракатсизлик стратегияси ва иқтимим ўзгаришларига сусткашлик билан кўнишиш камида 2,5 трлн АҚШ долларига тушади. Бунинг натижасида содир бўлиши мумкин бўлган таваккалчиликни миқдор билан ўлчаш осон бўлмайди.

Кўёш электр энергетикасини ривожлантириш хусусида қарор қабул қилишда ҳар эҳтимолга кўра Япониядаги (Фукусима, Онагава) атом электр станциясидаги авария оқибатлари ва табиий оғат натижасида қатор давлатларнинг амалдаги эскирган атом электр станцияларидан (масалан, Чернобиль) фойдаланишни ва янгиларини қуришни тўхтатиш ҳақидаги қарорлари аҳамиятлидир.

Энергия етишмаслиги шароитида, атом энергетикасига кўпроқ эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, углеводородли турдаги ресурсларнинг табиий чекланиши, биринчи навбатда, муқобил турдаги хавфсиз шамол ва қуёш энергиясининг ривожланишида муҳим омил бўлади.

Биоёқилғи (этанол ва биодизель)дан фойдаланишининг тўғридан-тўғри иқтисодий истиқболи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш шароити билан боғлиқ: қулай иқлим шароитидаги мамлакатларда мос ресурсларни етишириш ва нисбатан арzon ишчи кучи (масалан, Лотин Америкасида) билан рақобатбардош бир баррель нефть маҳсулотини 40 АҚШ доллари эквивалентида ишлаб чиқариш мумкин. Лекин, АҚШда биоёқилғи бутун икки марта, Европада уч марта қимматлашган.

Биоёқилғини ишлаб чиқаришга яна ҳам кўп баҳода тўлаш кераклиги, озиқ-овқат нархининг ошиши орқали намоён бўлмоқда. Маълумки, ҳайдаладиган ер ва сув ресурслари дунёда чекланган, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини мотор ёқилгиси ишлаб чиқариш учун фойдаланиш, кўп ҳолларда озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланиш билан муқобил бўлиб қолади. Ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўп турини қайта ишлаб, хом ашё сифатида мотор ёқилгисига кенг фойдаланишга юқорироқ иқтисодий чегара қўяди. Яъни биоёқилғини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий истиқболини баҳолашда уни ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини нафақат нефть баҳоси, балки муқобил озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам таққослаш керак бўлади.

Ўзбекистонда муқобил энергетиканинг ривожланиш йўналишлари

Экспертлар баҳосига кўра, Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларининг имкониятлари 51 млрд т.н.э. атрофидани ташкил этади. Техник имконияти 182,32 млн т.н.э., бу — жорий йиллик бошланғич энергетика ресурсларини қазиб олиш ҳажмидан 3,1 марта ортиқ.

21-жадвал

Қайта тикланувчи энергия манбалари турлари	Ялпи (млн т.н.э.)	Техник (млн т.н.э.)	Ўзлаштирилган (млн т.н.э.)
Гидроэнергия, жами	9,2	2,32	0,72
шу жумладан, йирик дарёлар	8,0	1,81	0,56
Кичик дарёлар, сув омборлари ва каналлар	1,2	0,51	0,16

Қүёш энергияси	50973	176,8	
Шамол энергияси	2,2	0,4	
Биомасса		0,5	
Геотермал сувлар	0,2	0	0
Петротермал ресурслар*	6700000	0	0
Жами	50993,8**	182,32	0,72

* қуруқ төғ жинсларининг иссиқлиги;

** петротермал ресурслар бўйича фойдаланиш технологияси бўлмаганлиги учун ҳисобга кўшилмади.

Ҳисоботлардан кўриниб турибдики, 97 фоиз (яъни, 176,8 млн т.н.э.) атрофидаги имконият — қўёш энергиясига тўғри келади. Масалан, Ўзбекистонда қўёш коллекторлари ўрнатилган майдон 40000 кв.м.дан, фотоэлектрик станциялар — 10 кВт.дан ошмайди. Бошқа турдаги ҚТЭМга 3 фоиз техник имкониятлар тўғри келмоқда. Шу билан бир қаторда, кўпроқ ўзлаштирилган имконият кичик гидроэнергетикадир (31,3 фоиз техник имкониятдан ва 13,3 фоиз ялпи имкониятдан), бу эса, шу турдаги муқобил энергиянинг иқтисодий истиқболи кўпроқ юқорилиги билан боғлиқ.

Шу билан бирга, ҚТЭМ имкониятларини ўзлаштирмаслик объектив сабаблар билан ҳам боғлиқ. Биринчидан, муқобил энергия манбалари электрэнергетикада, овқат пиширишда ва иссиқлик таъминотида, мотор ёқилғисида углеводородли хом ашёлар ўрнини алмаштириши мумкин, лекин саноатдаги қайта ишлашда унинг ўрнини алмаштира олмайди.

Кимё ва нефтгазкимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун углеводород хом ашёсига, бугун муқобил (ҳозирги вақтда фойдаланилаётган 58,3 млн т.н.э.дан 8,13 млн т.н.э.ни қамраб олмоқда) ҳозирча амалда йўқ ҳисоби.

Бошқа томондан, бу шундан далолат берадики, энергия тежамкорлиги чоралари ва муқобил энергия манбаларини киритиш нафақат хом ашё сифатида энергетика истеъмолини таъминлаш билан боғлиқ эмас, аксинча, кимё ва нефтгазкимё саноатини келгусида мустақил ресурс билан таъминлаш учун ҳам керак.

Иккинчидан, электр энергияси ишлаб чиқаришда, қўёш энергиясининг қиши фаслида барқарор бўлмагани учун амалдаги бу технологиядан фойдаланиб бўлмайди. Бундан ташқари, ҳозирги пайтда, Ўзбекистонда йирик масштабда техник модернизация, иссиқлик электрстанцияларида буғаз қурилмалари қурилиши

амалга оширилмоқда. Электр энергия ишлаб чиқариш ҳажми барча амалдаги манбалар билан 2030 йил давригача нафақат үз иқтисодиёти эҳтиёжларига, балки экспортга, камида 1 млрд кВт с иилига етказиб беришга етарли.

22-жадвал

**Углеводородли хом ашё фойдаланиладиган йўналишда
муқобил энергия манбай**

Углеводородли хом ашё фойдаланиладиган йўналиш	Хозирги пайтда фойдаланиладиган хом ашё турлари	Ўзбекистон учун тақлиф этилаётган муқобил
Электр энергияси ишлаб чиқариш	Табиий газ, кўмир, мазут, дизел ёқилғиси	1) ўрта ва кичик гидротехника; 2) газ, кўмир, қуёш энергияларини қўшиб ишлатиш; 3) кичик шамол энергетикаси
Иситиш тизими (иссиқ сув ва буг ишлаб чиқариш)	Табиий газ, мазут, қозон ёқилғиси, кўмир	Табиий газ ва қуёш энергиясини аралаштириб фойдаланиш
Саноатда қайта ишлашда (кимё ва нефтгазкимё саноати)	Нефть, табиий газ	Нефть, табиий газ

Углеводородли хом ашё йўналишида муқобил энергия манбалидан фойдаланишинг технологик имкониятларини кўриш қизиқарли: факат биомасса энергияси ва келажакда қуёш энергияси, яъни тўрттадан учта йўналишда углеводородли хом ашё ўрнида фойдаланилиши мумкин. Бошқа йўналишларда муқобил энергия манбалари 1–2 та йўналишлар билан чекланиши мумкин.

Кичик гидроэнергетикадан фойдаланишинг техник имкониятлари ва иқтисодий истиқболи

Ўзбекистонда мавжуд ариқларнинг ялпи имкониятлари 656 та ариқларнинг умумий сув тўпланадиган ирмоқлари билан сув тўпланадиган майдони 83360 км² бўлиб, қуввати 12231 МВт деб баҳоланади ва ўртacha кўп йиллик энергия ишлаб чиқариш имконияти йилига 107001,05 млн кВт с.га тўғри келади.

Дунёда бугунги кунда амалда фойдаланилаётган техники ва технологиялар (техник имконият) ялпи имкониятнинг 1/4 кисидан фойдаланиш имкониятига эга, яъни 7221 МВтдан купорос.

ўрнатилган қувватларнинг йиллик ишлаб чиқариши 27 млрд кВт.с.ни ташкил этади.

Ўзбекистоннинг кичик дарё, сув омборлари, йирик каналларнинг ялпи имконияти нисбатан унча юқори эмас. У бошлигч энергетика ресурслари умумий ҳажмининг атиги 2 фоизини, мамлакат гидроэнергетика ресурсларининг умумий ялпи имкониятларидан 13 фоизни ташкил этади. Бир вақтнинг ўзида у етарлича барқарорликка эга эмас, чунки иқлим шароитига ва йилнинг «сувли» деб аталадиган даражасига боялиқ. 14 та маъмурий-худудий бирликдан, у ёки бу даражада фақат 8 та ҳудудда, Тошкент, Сурхондарё ва Наманган вилоятларидағина арзигулик ҳажмларда мавжуд.

Шу билан бирга, кичик дарёларнинг ялпи имконияти бугун фақат 11 фоизга етади. Уларда кичик ва микрогидроэлектростанциялар қурилмагани учун техник фойдаланиш мумкин.

Тошкент, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида бу борада энг кўпроқ имкониятлар борлигига қарамай, кичик дарёларнинг гидро имкониятларидан фойдаланиш даражаси жуда паст. Кичик дарёлардан ташқари, мамлакатимиздаги сув омборлари, шунингдек, магистрал каналлар гидроэнергия ишлаб чиқаришда маълум имкониятларга эга.

Сув омборларida ҳар бирининг қуввати йифидиси 87 МВт ва 10—20 МВт қувватга эга бўлган 14 та кичик ГЭСларнинг қўшимча жорий этилиши, кичик гидроэлектростанцияларнинг техник имкониятларини намойиш этади. Мамлакатимизда катта ва кичик гидроэнергетиканинг ривожи билан бирга, микроГЭСларнинг (куввати 2 кВт.гача бўлган станциялар) ривожланиши учун имкониятлар мавжуд.

МикроГЭС — мустаҳкам, экологик тоза, қишлоқ аҳоли пунктлари, фермер хўжаликлари, бориш қийин бўлган тоғли ва чекка атрофида электр узатгичлар бўлмаган ишлаб чиқаришлар ҳамда туманлар учун ўзини тез оқлайдиган манбадир. Улар юқори энергетик тавсифларга эга ва дамба иншоотисиз, ўзи оқаётган сув оқимидан фойдаланиш ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Масалан, 5 кВт.ли микроГЭС қишлоқдан алоҳида узоқда жойлашган ва марказлашмаган тармоғи бўлмаган ҳолатда кичик хўжаликни, қуввати 10 кВт.дан ортиқ қурилмалар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарни электр энергияси билан таъминлай олади.

Ўзлаштириладиган гидроресурсларнинг техник имкониятлари тасдиқланган. Яна 27 та дарёнинг техник имкониятлари ўзлаштирилган, уларга умумий қуввати 1764 кВт с бўлган 1101 та микроГЭС ўрнатиш мумкин.

Ўзлаштирилган кичик энергетика имкониятлари техник имкониятларнинг 31—37 фоизини ташкил этади. Шу билан бирга, кичик энергетика ривожланишининг иқтисодий имкониятлари анча юқори ва ҳисоб-китобларда ҳозирги пайтда 37—38 фоизни ташкил этади. Бу кичик дарёларда электр энергияси ишлаб чиқариш таннархининг нисбатан унча юқори эмаслиги билан боғланган. Ҳозирги найтда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг иқтисодий ўзини ўзи оқлаши ҳисоблари қўйидаги жадвалда берилган.

23-жадвал

Кичик ГЭС лойиҳалари қурилишини амалга оширишнинг иқтисодий истиқболи

КТЭМ технологияси	Инвестор- нинг талаби	Ўзини ўзи оқлаш муддати (йил)	
		Амалдаги энергиянинг баҳоси	
		Углеродсиз даромад	Углерод билин даромад
Кичик ГЭС	Гулба	12 йил	7,2
	Камолот		3,9
	Каркидон		3,2
	Шаудар		6,0
	Богишамол		6,7
			6,8
			3,6
			3,0
			5,6
			6,1

Бундай лойиҳаларни амалга оширишда тоза ривожланиш механизмидан фойдаланилса, лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги сезиларли ошар эди.

Лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисобга олиб, «Ўзсузвэнерго» гидроэнергетика ривожланишининг 2011—2015 йилларга мўлжалланган 140 та кичик ГЭСлар, шу жумладан, биринчи навбатда, кўпроқ рентабелли 20 та ГЭС (тахминий нархи 260 млн АҚШ доллари бўлган) қурилиши дастурини ишлаб чиқсан. Дастурни амалга ошириш 2015 йил охиригача қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги генерация кувватини 613 МВт.га оширишга ва кичик ГЭСларнинг электр энергияси ишлаб чиқаришини 2,19 млрд кВт с.га етказишга имкон беради. Ушбу Дастурни молиялаштириш амалдаги ГЭСларнинг электр энергиясини сотишдан тушган маблаг ва хориж кредитлари ҳисобига амалга оширилмоқда.

Күёш энергиясининг техник ва иқтисодий истиқболи

Ўзбекистондаги актинометрик станцияси тармоғининг кўп йиллик кузатуви шуни кўрсатади, республиканинг ҳар хил худудида қўёшнинг нурланиши давомийлиги йил давомида 2410 дан 3090 соаттагача, йил мавсумининг суткаси давомида: ёзда — 11 соат давомийлик билан ва қишида — 4 соат давомийлик билан тебранади. Шунингдек, қўёш радиацияси келиши йигиндисида фарқ мавжуд: ёзда суткасига $27 \text{ МЖ}/^2$ ва қишида $7 \text{ МЖ}/^2$.

Йил мобайнидаги қўёшли кунлар республикамизда, қўёш энергетикаси ҳаддан ташқари ривожланган Жанубий Испанияядан ҳам ўтади. Йилнинг фақат учдан бирини қўёш нури даражаси унча кўп бўлмаган ва баъзан, қор бўлган совук вақт дейиш мумкин. Йилнинг бошқа даври ҳаддан ташқари юқори даражадаги қўёш нури билан фарқ қиласди.

Ўзбекистон худудига ҳар йили тўғри келадиган қўёш энергиясининг ялпи имконияти аҳамиятли ва мамлакатдаги углеводород хом ашёларининг қидирув захирасининг энергетик имкониятидан ҳам ортиқ.

24-жадвал

Ўзбекистон ҳудудлари бўйича қўёш энергиясининг ялпи имконияти

Т/р	Вилоятлар	млн т.н.э.
1.	Андижон	129
2.	Бухоро	4747
3.	Фарғона	215
4.	Жиззах	2090
5.	Қашқадарё	3027
6.	Хоразм	542
7.	Наманганд	241
8.	Навоий	14388
9.	Самарқанд	1703
10.	Сирдарё	327
11.	Сурхондарё	2554
12.	Тошкент	1462
13.	Қорақалпоғистон Республикаси	19548
	Жами	50973

Ўзбекистонда қүёш энергияси нурининг техник имкониятини баҳолаш башорати ялпи имкониятларнинг башорат баҳоси ва дунёда эришилган ютуқларни ҳамда Ўзбекистонда технологик қайта шакллантиришни ривожлантириш, техник воситаларни тайёрлаш, саноат аҳамиятида уларни кенг қўллашни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Күёш энергетикаси технологиялари қўйидаги асосий йўналишларда ўтказилган:

- паст имкониятли қүёш коллекторлари билан қўёш нурининг иссиқликка айланиши;
- тўғридан-тўғри қўёш нурининг фотоэлектрик ўзгаришлари натижасида электр энергиясига айланиши;
- қўёш нурининг термодинамик қайта ўзгариши;
- нарабора цилиндрли қабул қилувчи қайта ҳосил қиласидаган қўёш иссиқлик электрстанцияларда тақсимланиши.

Баҳолани шуну кўрсатадики, техник имкониятлар 1 фоиз худуддан фойдаланилган шароитга ҳисобланган, жойлаштириш учун тузилган:

- қўёш коллекторининг фойдали иш коэффициенти (ф.и.к.) 60 фоиз — 133 млн т.н.э. ёки ялпи имконияти 0,26 фоизга эга бўлган қўёш қурилмалари;
- ф.и.к. ўзгаришлари 16 фоиз бўлган серияли тайёрланадиган фотоэлектрик қўёш модуллари — йилига 42,46 млн т.н.э. деб баҳоланади ёки ялпи имкониятнинг 0,08 фоизи бўлган қўёш қурилмалари;

• умумий ўрнатилган қуввати йилига 8000 МВт — 1,29 млн т.н.э. бўлган қўёш-иссиқлик электрстанцияси ёки ялпи имконияти 0,002 фоиз бўлган қўёш қурилмалари.

Шундай қилиб, қўёш энергияси умумий техник имкониятларидан фойдаланиш ҳозирги босқичда 176,8 млн т.н.э.ни ёки унинг ялпи имкониятининг атиги 0,34 фоизини ташкил этади. Аммо, ҳатто ушбу кўрсаткич мамлакатда йиллик углеводород ишлаб чиқаришдан 3 марта кўшлиги эътиборлидир.

Кўёш энергиясини кичик имкониятли иссиқликка айлантириш ва ундан иссиқлик таъминоти эҳтиёжлари учун фойдаланиш

Ҳозирги вақтда, Ўзбекистонда қўёш энергиясидан иссиқлик таъминотида фойдаланиш бўйича маълум тажриба тўпланган ва илмий-техник асос яратилган.

Шу билан бирга, республикада қўёш коллекторларининг ўрнатилган умумий майдони унча катта эмас ва 40 минг кв м.дан ошмайди. Қўёш коллекторлари фақат республикадаги қатор ав-

тотранспорт объектларида, тиббиёт ва таълим муассасаларида, Мудофаа вазирлиги, «Ўзтрансгаз», «Ўзбекистон темир йўллари» Олмалиқ ва Навоий тоф-металлургия объектларида синов сифатида, бошқа корхона ва ташкилотларда ҳам ўрнатилган.

Сабаби, қуёш коллекторларининг ўзини ўзи қоплаш даражасининг пастлиги, нисбатан қимматлиги, табиий газнинг ва шунингдек, истеъмолчилар учун иссиқлик электр энергияси тарифларининг нисбатан пастлиги билан боғлиқ.

Иссиқ сув ишлаб чиқариш бўйича қуёш коллекторлари анъанавий манбаларга қўшимча бўлиши мумкин (чунки қишиш вақтларида иссиқ сув билан тўлиқ таъминламайди), бунинг учун тўла жорий этиш учун қўйидагиларни амалга ошириш керак:

- коллекторларни келгусида технологик мукаммаллаштириш, уларни кечаси фойдаланиш учун кундузги қуёш энергиясини қисман тўплайдиган аккумуляторлар билан жиҳозлаш;
- қуёш коллекторларининг иссиқлик таъминоти учун фойдаланадигантарининг мамлакатимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва иқтисодий масштабни кентайтириб, нархини тушириш;
- аҳолини қуёш коллекторларини харид қилиш, кредит линиялари ва бошқа шаклдаги иқтисодий омиллар билан қўллаб-қувватлашлар ҳисобига рағбатлантириш;
- тежамкорликни рағбатлантириш эвазига табиий газнинг тарифини ошириш.

Хозирги вақтда, аҳолининг маиший эҳтиёжлари учун йилига тармоқдан 16,5 млрд куб м табиий газ, шунингдек, 0,5 млрд куб м сиқилган газ сарфланади. Агар ҳисобга олинса, иссиқлик ва иссиқ сув таъминотига 75 фоизгача кўрсатилган ҳажмда сарфланади, унинг қуёш коллекторлари билан ўрнини босиш коэффициенти эса, йилига 50 фоиз бўлиши мумкин. Ҳамма жойда, уни табиий газни тежаш учун ўрнатиш ва маиший эҳтиёжлар учун қуёш коллекторларидан фойдаланиш табиий газдан маиший мақсадда истеъмол қилишнинг 37,5 фоизини ташкил этиши мумкин ёки йилига 6,375 млрд куб м (5,17 млн т.н.э.). Тежалган табиий газнинг ҳисоб-китоб қилинган баҳоси йилига 1,4 млрд АҚШ долларини (1000 куб м.нинг баҳоси 220 АҚШ доллардан бўлса) ташкил қиласди. Ички ва экспорт нархи ўртасидаги амалдаги фарқи ҳисобга олинса, газ тармоғида йилига соғ кўшимча даромад 956 млн АҚШ долларини ташкил этади.

Бунда, ҳар бир хусусий уй-жой фондига қуёш сув иситиш қозонларини ўрнатишга ҳисоб-китобга кўра, бир вақтнинг ўзида 13,5 трлн сўм ёки 8 млрд АҚШ доллари атрофифда маблағ керак бўлади.

Қүёш энергиясидан электр энергияси олиш учун фотоэлектрик ва термодинамик қайта ўзгаришлар

Хозирги пайтда, дунёда қүёш энергияси электр энергиясига икки усуlda — фотоэлектрик ва термодинамик усуlda ўзгартирилади. Биринчиси иккинчисидан маълум даражада илгарилааб кетган.

Кўп қисмли ўрта ва йирик фотоэлектрик қурилмалар, ҳозирги пайтда электр тармоқлари сафига қўшилгани боис улардаги қүёш энергиясининг қиши фасли ва кечаси учун етишмаслиги қопланмоқда. Ортиқча қүёш энергияси (ёз даврида ва сутканинг кундузги вақтларидаги ортиқчаси) тармоққа берилмоқда.

Мамлакатимизда яқин пайтгача, биронта йирик ёки кичикроқ бўлган қүёш энергиясини электр энергиясига айлаптириб берувчи фотоэлектрик қурилмаларни ишлаб чиқариши мавжуд эмас эди. Эндиликда, қатор «Mir Solar» МЧЖ, «Max Power», «Solar energy product» МЧЖ ва бошқа шунга ўхшааш корхоналар бундай ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Самарқандда қурилаётган қүёш фотоэлектрик станцияси Марказий Осиёда бунёд этилаётган биринчи энг йирик муқобил энергия иншоотидир.

Бундай гелиоқурилмаларни қуриш унинг нархи баландлиги билан боғлиқ. Агар 1000 млн кВт с иссиқлик электр станцияси нархига нисбатан ҳисоб-китоб қилинса, 3 дан 10 мартағача юқори баҳода.

Ёқилғи энергетикаси билан қўёш энергетикасининг ўзаро иқтисодий рақобатлашиши учун қуйидаги мезонларга кириш керак бўлади:

- бугун дунёда ўртача даражаси 16 фоиз бўлган қўёш электрстанцияларининг фойдали иш коэффициенти (ф.и.к.) камида 25 фоиз бўлиши керак;

- қўёш электрстанцияларининг хизмат кўрсатиш муддати 50 йилни ташкил этиши керак (буғун — 20—25 йил);

- ўрнатилган киловаттнинг энг юқори қуввати (қўёш электрстанциясининг энг юқори қуввати 1500 АҚШ доллари)дан ошмаслиги керак (ҳозирги пайтда 6000—8000 АҚШ доллари);

- қўёш энергияси тизимининг бутун сутка давомида электр энергияси ишлаб чиқаришини таъминлаши керак;

- қўёш энергияси элементларини ишлаб чиқариш материаллари, технологиялари ва модуллари экологик тоза ҳамда хавфсиз бўлиши керак.

Бу мезонлар қўёш энергетикасининг бутун дунёда ривожлаши учун чақириқ ҳисобланади.

Иссиқлик электр станцияларида фойдаланилаётган табиий газ тарифларини ошириш республикамиз учун қўшимча шарт

хисобланади. Чунки электр энергияси ишлаб чиқаришда қүёш энергетикасидан фойдаланиш бутун мамлакат иқтисодиёти учун фойдали бұлиши керак.

Күшімча мустақил қүёш электрстанциялари ва иссиқлик электрстанциялари билан аралаشتырылған ҳолда қурилиш имкониятлари, 2020 йилгача фойдаланилаётган 15 фоиз (1,8 млрд куб м) табиий газнинг ўрнини босиши мумкин, агар ушбу газнинг 1000 куб м.и 220 АҚШ долларидан бўлса, экспорт ва ички нархларда йилига 270 млн АҚШ долларидан кўпроқ миқдори экспорт қилинишидан щартли иқтисодий самарани таъминлайди.

Йирик қүёш станциялари билан бирга, дунёда кичик қүёш қурилмалари (куввати 1 кВт.ли) тармоққа уланмаганлари ҳам кўп топилади: қишлоқларда биноларга марказлашмаган электр таъминоти, чекка телекоммуникация қурилмалари, йўл сигналлари ва бошқалар.

Ўзбекистонда охирги йилларда қүёш фотоэлектрик тизимини марказлашган электр таъминоти бўлмаган автоном уй хўжалиги обьектларида қўллаш бўйича намойиш ва синов лойиҳалари шундан далолат берадики, республикадаги амалдаги техник имкониятта эга корхоналар зарур ускуналарни серияли ишлаб чиқариш ва уни чекка аҳоли пунктларида жорий этилиши бошлаб юборилган.

Лекин бундай қурилмаларнинг иқтисодий истиқболи оммавий ишлаб чиқариш учун ҳозирча етарли эмас. Ҳисоб-китоблар шуни қўрсатмоқдаки, уларни хусусий 6 кишилик уй-жой хўжалигига ўрнатилиши, ҳозирги амалдаги нархларда фотоэлектрик ўзгартиргичларда ва электр энергияси тарифларида тахминан 16 йилда ўзини ўзи оқлади. Қишлоқ жойидаги чеккада жойлашган, 500 минг уй-жойларга эга аҳоли пункти учун талаб этиладиган маблағ — 5,2 млрд АҚШ доллари эквивалентида. Анъанавий электр энергия етказувчилардан қилинадиган иқтисод, ҳисоб-китобларга кўра, йилига 7 млрд кВт.с.ни ташкил қиласди (амалда иқтисод бундан ҳам кам, чунки кўпгина чекка қишлоқлар уй-жойларида сутка давомида энергия таъминоти барқарор эмас).

Шамол энергиясининг техник имкониятлари ва иқтисодий истиқболлари

Ўзбекистоннинг географик жойлашувига кўра ва шу орқали мураккаб иқлим ўзгариш жараёнлари, атмосферанинг ер қатламида бўладиган шамол энергияси республикада мавсумий характерга эга. Республикада шамол оқимининг солиштирма куввати ўртача $84 \text{ Вт}/\text{м}^2$, жумладан, Андижонда $20 \text{ Вт}/\text{м}^2$ бўлса, Навоий вилоятида $104 \text{ Вт}/\text{м}^2$ гача тебранади.

Худудларнинг умумий энергияси фаол (3 м/с ва ундан кўп) ва шамол тезлиги давомийлиги, ўртacha тезлик тақсимоти билан ўхшаш. Максимал давомийлик (йилига 6—8 минг соат) қирғоқ бўйи ва тоғларнинг чўққилари зоналарига хосдир. Чўл туманларда бундай тезлик 3—4 минг соат давомида, Фаргона водийсида 1500 соат кузатилади.

25-жадвал

Марказий Осиёнинг айрим станцияларида шамолнинг энергия фаол умумий тезлигининг давомийлиги (соат)

Станциялар	Шамол тезлиги, м/сек		
	>3	>5	<3
Андижон	1760	790	7000
Қоракўл	3960	1760	4800
Мўйноқ	5540	2960	3220
Нурота	3170	1320	5590
Томди	5010	2550	3750
Тўйтепа	1320	880	7440
Чимбой	4400	1760	4360
Янгиер	4660	2730	4100
Норин	1670	400	7090
Ҳайдаркор	2360	980	6130

Ўзбекистоннинг 88 та метеостанциясидаги шамол тезлигининг кўп йиллик кузатувларида олинган (10 йиллик) маълумотларга кўра, шамол энергиясининг ялпи имкониятлари йилига 2,22 млн т.н.э.га тенг. Реснубликада шамолнинг техник имкониятлари йилига 0,43 млн т.н.э.га тенг деб баҳоланган. Иқтисодий имкониятлари баҳоланмаса-да, лекин техник имкониятлар ва қурилмаларнинг баҳоси юқори, анъанавий энергия манбаларига нисбатан унча катта фарқ қилмайди.

Бунда шамол энергиясининг ялпи ва техник имкониятлари ҳаддан ташқари бирдек эмас. Энг кўп миқдор Қорақалпоғистон худудлари учун тааллуқли ва йилига ялпи 0,92 млн т.н.э. ва техник имконияти эса 0,19 млн т.н.э.ни ташкил этади. Энг кам миқдор Фаргона вилояти худудига хос бўлиб, йилига 0,04 ва 0,02 млн т.н.э.га тенг.

Кейинги йилларда, шамол энергиясидан фойдаланишда, се-рияли, унча катта бўлмаган қувватларни (3 ва 6 кВт) синов тариқасида қўёш-шамол тизимидағи электр таъминоти тоғли зо-наларда телекоммуникация, шунингдек, 6 кВт лиси текисликда-ти жойларда тайёрланиб айрим тажрибалар тўпландган.

Хозирги вақтда шамол парки қурилиши лойиҳаси Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида олиб борилмоқда. Унинг на-тижалари орқали, шамол қурилмалари қурилишининг иқтисод-дий истиқболларини республикада шамолли минтақалар имко-ниятини баҳолаш мумкин бўлади.

Бошқа йўнилишдаги муқобил энергетика имкониятларидан фойдаланиш

Биомасса ва чиқиндилар. Иссиқлик ва электр энергияси иш-лаб чиқариш учун энергетика ресурси сифатида (тўғридан-тўғри ёқиши ва газлаштириши) Ўзбекистонда гўзапоя, бошқа соҳа ўсим-ликлари қолдиги, саноат ва маиший чиқиндилар, чорва гўнгла-ри ва қамишлар ишлатилиши мумкин.

Бир гектар пахта майдонидан 2 дан 4 тоннагача гўзапоя олиш мумкин. Куритилган гўзапоя қадимдан қишлоқ жойларida ёқилғи сифатида фойдаланиб келинган. Иссиқлик бериш қоби-лияти бўйича гўзапоя ўрмон чиқиндиларига ўхшаш. Ушбу гўза-поялар, энергия ресурси сифатида қайта ишланиб брикет ҳолга келтирилгач ёки улардан термокимёвий парчаланиш йўли билан биогаз олиш мумкин.

Ҳар йилги биомассаларнинг ялпи энергетик имконияти био-масса сифатида 1,1 дан 2,2 млн т.н.э.гача, техник имконияти (биомассани термокимёвий конверсиялаш технологиясини қўллаш орқали) 0,13 дан 0,26 млн т.н.э.га тенг деб баҳоланади.

Республикада ёғоч тайёрлаш унча кўп эмас, чунки ҳудуди-мизнинг кам қисми (умумий майдон ерининг 3,2 фоизи) ўрмон билан қопланган: кўп майдонни саксовул, қора арча, солянка эгаллайди. Республиkaning барча ўрмонлари I гуруҳга киргани боис уларни тижорат йўлида кесишиб тақиқланади. Аксинча, ўрмон-ларни тиклаш, санитар ва бошқа турдаги тижоратта алоқаси бўлмаган тиклаш ишлари олиб бориш мумкин.

Мамлакатимизда ҳар йили 30 млн м³дан кўпроқ қаттиқ маиший чиқиндилар ҳосил бўлади. Аҳоли пунктларида жойлаштан чиқиндихона полигонларида умумий тўплангап шундай чиқинди-лар 100 млн м³дан ортиқни ташкил қиласди. Уларни қайта ишлаш учун қулай ва мақбул қайта ишлаш технологияси бўлмагани боис уларни қайта ишламай, сараламай, таркибидағи фойдали фракция-ларни ажратмай уюмлар қилиб, кўмиб ташланади. Натижада био-

логик парчаланиш натижасида, тўплланган чиқиндиҳоналар ат-роф-муҳитга чириш: метан, карбонат ангидрид гази ва бошқалар ажратиб чиқармокда. Натижада 8 млн бош қорамол ва 15 млн бош қўй ва эчкиларнинг ҳаёт фаолиятидан ҳар йили 100 млн м³ органик чиқинди ҳосил бўлмоқда. Олдиндан қилинган ҳисоб-китобларга кўра, республикада биогаз имкониятлари 8,9 млрд м³ деб баҳоланади. Иссиклик бериш қобилиятига кўра, бу 6,5 млрд м³ табиий газга тенг келади ёки республиканинг йиллик энергия ресурсларга талабининг 10 фоиздан кўпроғини ташкил этади.

Биомассанинг аниқ энергетик имкониятини баҳолаш учун чукур тадқиқот ўтказиш керак. Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, фўзапоя қишлоқ туманларида анъанавий равишда овқат пициришга, дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги ўсимликлари қолдиги — ем-хашак чорва учун, қурилиш материаллари сифатида, чорва ва парранда гўнглари эса маҳаллий ўғит, табиий қуритилгани таппи, тезак сифатида, маҳалий ёқилғи тарзida фойдаланилади.

Биомассадан фойдаланиши йўналишлари. Маълум бўлдики, қишлоқ хўжалигидаги биомасса ва органик чиқиндиларни қайта ишлаб, биогаз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, республикада биомассадан қулай фойдаланиш мумкин.

Бундай ишлаб чиқариш юқори сифатли органик ўғит олишга, кўшимча автоном энергия манбаига эга бўлишга, иссиқхона газлари билан атроф-муҳитни ифлослантириш ва органик чиқиндиларни йигиш билан боғлиқ экологик зарарни камайтиришга, экологик ёпиқ энергетика тизимини яратишга имкон беради.

Биогаздан фойдаланишда биоўғитни қўллашдан маълум даражада иқтисодий самара ошади, у иккинчи биогаз технологиясида муҳим маҳсулот бўлиб, қилинган ҳисоб-китоблар биогаз қурилмасининг иқтисодий истиқболини яна ҳам очиб беради.

26-жадвал

150 бошдан кам қорамол (ёки 30 мингтacha парранда) бўлган кичик биогаз қурилмаларининг техник ва иқтисодий кўрсаткичлари

Номлари	Ўлчов бирлиги	БГУ-10	БГУ-20	БГУ-40	БГУ-120
Ўрнатиладиган биореакторнинг ҳажми	м ³	10	20	40	120
Қорамол фермаси	бош	12	24	48	144
Парранда фермаси	бош	2500	5000	10000	30000
Тайёрланган ишлар ва лойиҳа ҳужжатлари	доллар	5763	8842	16677	43615

Биогаз қурилмаси ускуналари	та	4263	7342	13677	37615
Газэлектротрансформатори ускуналари	та	1500	1500	3000	6000
Газэлектротрансформаторларининг номинал қуввати	кВт	3	3	6	12
Ускуналарнинг монтажи, ишга тушириш-созлаш, ўқитиш	доллар	692	1061	2001	5234
Умумий қурилиш ишлари	доллар	6317	11583	17117	36350
Жами	доллар	13411	22560	37585	88607
Суткасига газ ишлаб чиқариш	м ³	70	140	280	840
Суткасига ишлаб чиқариладиган электр энергия	кВт	416	832	1664	4992
Суткасига чиқадиган товар газ-метан	м ³	29,7	59,4	118,8	356,4
Суткасига ишлаб чиқарила-диган суюқ ўғит	м ³	0,85	1,7	3,4	10,2
Чиқадиган товар газ-метанинг йиллик баҳоси	доллар	542,03	1084,-05	2168,1	6504,3
Ишлаб чиқариладиган суюқ ўғитнинг баҳоси	доллар	3102,5	6205	12410	37230
Иқтисод қилишдан даромад ва маҳсулот реализацияси	доллар	3645	7289	14578	43734
Солиқ ва бошқа эксплуаация харажатлари	доллар	437	875	1749	5248
Ферманинг қолдиқ фойдаси	доллар	3207	6414	12829	38486
Тахмин қилинаётган ўзини қоплаш муддати	йил	4,2	3,5	2,9	2,3

Бу сингари биогаз комплекси – аҳоли пунктидан узоқроқда ва кичик фермаларда, анъанавий энергия манбалардан фойдаланишга имкон йўқ жойларда ўрнатилиши мумкин.

Биогаз қурилмаларини ишлаб чиқариш ёки алоҳида компонентлари, жумладан, кувурлар, металлконструкциялар, сим ва кабеллар, асосий механик ва резинали буюмлар, назорат қурилмаларини республикадаги корхоналарда бемалол ишлаб чиқариш мумкин.

Петромаль ва геотермаль ресурслар. Мутлоқ аҳамиятига кўра, қайта тикланувчи энергия манбаларининг энг катта интеграл Энергетик имконияти республиканинг ер қаърида иссиқ қуруқ тоб жинси кўринишида (петротермаль ресурслар) ва йирик гидротермаль сув ҳавзалари жойлашган.

Петротермаль ресурслар — катта ҳудудларда гранитоидлар, 4—6 км чуқурлиқда жойлашган, 70 дан 300°C гача қизиган Амударё геологик чуқурликларида, Жанубий Орол бүйи, қызилқум, Чуст—Адрасманов петромаль аномалия Фарғона водийсида жойлашган энергетика фойдаланиш учун кўпроқ келажаги бор деб ҳисобланади.

Ялпи имкониятни баҳолаш учун чуқурлиги 3000 м.гача бўлган чуқурлиқда иссиқлик оқими ва тоф жинсларининг иссиқлик ўтказувчанинг ўртacha статистик зичлик миқдори эътиборга олинган ҳолда ҳисобланган. Ҳисоблар курсатадики, геотермаль энергиянинг ялпи имконияти куруқ қизиган тоф жинсларида (петротермаль ресурслар), ҳажмда чекланган.

Чекланган 3 км.ли чуқурлиқда ва Ўзбекистон Республикаси майдонида 6700000 млн т.н.э.ни ташкил этади. Петротермаль ресурсларнинг техник имкониятлари технологиялар бўлмагани учун аниқланмаган.

Геотермаль сувлар деярли республиканинг барча ҳудудларида, амалда мавжуд. Бу сувларнинг ўртacha ҳарорати (45,5°C)ни, янада иссиқроқ сув Бухоро (56°C) ва Сирдарё (50°C) вилоятларида ташкил этади.

Ўзбекистонда геотермаль сувнинг ялпи имкониятлар ҳажми 170,8 минг т.н.э. деб баҳоланади. Энг кўп имкониятларга Бухоро (56,8 минг т.н.э.) ва Наманган вилоятлари (29,8 минг т.н.э.) эга.

Ўзбекистонда геотермаль энергия ресурсларининг техник имкониятлари чуқур ўрганилмаган. Келтирилган баҳолар маҳсус геологик изланишлар жараёнида чуқур иссиқлик массасини ўтказиш маълумотларига ва республикадаги нефть-газ конларининг шаклланиши ва жойлашиши, еrostи сувлари ресурслари тадқиқотлари патижаларига, шунингдек, нефть ва газнинг қидирув дала экспедицияси маълумотларига таянилган.

Ўзбекистонда аввалги юз йилликнинг 70—80-йилларида геотермаль сувлар анча миқдорда иссиқхоналар учун ишлатилган. Ушбу ресурслар, шунингдек, даволаш мақсадларида ҳам фойдаланилган. Геотермаль ресурсларнинг имкониятларини баҳолаб, уни кенг масштабда иситиш таъминоти мақсадларида фойдаланиш ёки электр энергияси ишлаб чиқариш учун комплекс тадқиқотлар ўтказиш зарурлиги талаб қилинади.

Энергетика циклида замонавий қайта ҳосил бўлиш технологияларини кўллаб, паст ҳароратда бошлангич иссиқлик етказувчиларни, геотермаль электростанциянинг технологик контурида паст қайнайдиган иссиқлик етказувчиларга таянуви замонавий қайта ҳосил бўладиган технологияларни кўллаш имкониятларини ўрганиб чиқиши зарур.

Муқобил энергетикани ривожлантириши тезлатиш учун рағбатлантириш чоралари

Ўзбекистонда муқобил энергетикани ривожлантириши тезлатишни рағбатлантириш учун қўйидаги асосий йўналишларни амалга ошириш таклиф этилади:

1. ҚТЭМдан фойдаланишининг қонунчиллик базасини шакллантириши.

Қонун, қонуности актларини, шунингдек, меъёрлаш ва сертификациялаш тизимини шакллантириш керак. Унда миллӣй принципларни аниқлаш, муқобил энергетикани жорий этиш мақсадини белгилаш, муқобил энергия ва ҳар бир турига аниқликлар киритиши, муқобил энергия манбаларини жорий этиш ишларини бошқаришга масъуллар ва бошқа давлат органини белгилаш, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиши учун муқобил энергия манбаларига зарур ускуналарнинг сертификацияси тизимини яратишга масъулларни белгилаш, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни, уларнинг ҳуқуқ, мажбурият ва масъулиятини белгилаш ва бошқалар.

2. Муқобил энергетикани жорий этиши учун институционал шароит яратishi.

Ушбу омиллар сифатида муқобил энергетикани жорий этишга ваколатли миллӣй орган тузиш.

Муқобил энергетикани жорий этиш мақсадида жорий этиши рағбатлантириш учун аниқ — 2030 йилгача бўлган дастур ишлаб чиқиши.

Муқобил энергия манбаларини жорий этиши инфратузилмасини жорий этиши.

Илмий-тадқиқот ва илмий-амалий ишлар соҳасидаги ишларни координация қилиш.

3. 2012–2020 йиллар даврига қайта тикланмайдиган ресурслардан фойдаланишини қисқартириши Стратегиясини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши.

Унга қўйидагиларни киритиши:

- ишлаб чиқариш ва майший секторда энергия тежамкорлиги, шу жумладан, мажбурий барча ёқилғи қозонларни шу давргача энергия тежамкорларига алмаштириш Дастири. Бошқа Энергиянинг тежамкор ускуналарини жорий этиши 35–40 фоиз табиий газни иқтисод қилиши мумкин;
- муқобил энергетикани рағбатлантириши жорий этишни босқичма-босқич амалга (2030 йилгача) ошириб бориши, унинг ҳиссасини мамлакат умумий энергия балансида ва унинг таркибида 21 фоизгача етказиш дастури;
- кичик гидроэнергетикани ривожлантириш (2012–2020 йиллар) дастури;
- маҳаллий шароитда қўёш энергетикаси ускуналарини, шунингдек, биогаз ишлаб чиқариш ускуналарини ривожланти-

риш — ишлаб чиқаришни (2012–2020 йиллар) йўлга қўйиш дастури;

- муқобил энергетика соҳасида намойиш ва синов лойиҳалари (2012–2020 йиллар) дастури;
- муқобил энергетика илмий ва амалий ишланмалари (2012–2020 йиллар) дастури;
- қўёш энергетикасини кенг масштабда ривожлантириш (2015–2030 йиллар) дастури.

4. Муқобил энергетикага инвестицияни рағбатлантириши.

Муқобил энергия ва муқобил энергетика ускуналари ишлаб чиқариш учун инвесторларни рағбатлантириш қўйидаги йўналишларда бўлиши мумкин:

- инвестиция баҳосини камайтириш;
- инвесторнинг эксплуатацион харажатларини камайтириш;
- капитал маблағлар учун қўйилмани камайтириш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун инвесторларга шароит яратиш.

5. Республика муқобил энергетикасига молиявий манбани шакллантириши.

Ташқи манбалар — лойиҳалар ва халқаро ташкилотларнинг, хорижий мамлакатларнинг техник қўллаб-куватлайдиган маблағлари, халқаро молия институтлари, ташкилот ва хориж мамлакатларининг имтиёзли кредитлари, меъёрдан юқори иссиқхона газлари чиқитлар учун квота сотилишидан тушган маблағлар.

Ички манбалар — бу мақсад учун маҳсус муқобил энергетика жамғармаси ташкил этиш таклиф этилади. У экспорт қилинган газнинг жамланган қисми ҳисобидан, муқобил энергия манбаи тизимини жорий этиш натижасида тежалишидан жамланган бўлиши мумкин.

6. Муқобил энергетикани тарифли рағбатлантириши.

Анъанавий турдаги углеводородли ресурсларнинг нарх шаклланишини мукаммалаштириб, уларни кескин равишда муқобил энергия манбалари билан қарама-қарши қўймай, қўёш электр энергияси ишлаб чиқарувчиларга давлат ва/ёки бошқа истеъмолчилар генерация (энергия ишлаб чиқарувчи) корхонасининг рентабеллигини таъминлайдиган давлат белгилаган нархларда сотиб олишни кафолатлашни белгилаш зарур. Бу тажриба ҳозирги пайтда халқаро амалиётда кенг қўлланилмоқда. Амалда электрэнергия ишлаб чиқарувчиларга фойдалироқ бўлган анъанавий манба ишлаб чиқаришни, унча фойдали бўлмаган муқобили ҳисобига (бир йўла икки томонлама субсидиялаш) даромадини қайта тақсимлаш.

7. Муқобил энергетика тизимини жорий этиб, электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиши ҳақида ахборот олиши учун аҳоли ва бошқа истеъмолчиларга шароит яратиш.

Муқобил энергия манбалари ҳақида билим ва маълумотларни кенг тарқатиш, оммалаштириш бўйича қуидагилар тавсия этилади:

- барча касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқув дастурларига энергия тежамкорлиги ва муқобил энергия манбалари ҳақида маҳсус курслар киритиш;
- политехника, архитектура-қурилиш, физиклар тайёрлайдиган олий ўқув юргларида энергетик, муҳандис, архитектор ва бошқа мутахассисликларга муқобил энергия манбалари бўйича алоҳида маҳсус ўқув курси киритиш;
- аҳоли ўртасида истеъмолчиларга муқобил энергия манбалари ҳақида кенг реклама ишларини олиб бориш, бу борада ОАВ, ташкилотлардаги, таълим муассасаларидағи тарғибот фаолиятини кенгайтириш;
- энергетика соҳаси мутахассис кадрларни ва бошқа ўзаро соҳаси боғлиқ мутахассисларни муқобил энергия манбалари билан ишлашга қайта тайёрлаш учун қисқа курслар ташкил этиш.

3.7. Тежамкорлик — муваффақият калити

Энергия тежамкорлиги — юқори самара омили. Энергияни тежаш ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тизими самарадорлигини ошириш даражаси нафақат энергетика секторини ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболини белгилаб беради, балки маҳсулот ва хизматлар таннархини пасайтириш, ишлаб чиқаришни ўстириш ва ички маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини кучайтиради. Шунингдек, энергияни тежаш деганда, ёқилғи-энергетика ресурсларини ҳукуқий, ташкилий, илмий, технологик шаклларда иқтисод қилиш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва энергия манбаларини тиклаш тушунилади.

Бу эса ресурсларни иқтисод қилиш, улар билан боғлиқ маблаглар ва сўнгги фан-техника ютуқлари асосида энергияни тежовчи замонавий ечимларни қўллаш, уй-жойлар, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа иншоотларнинг иссиқлик таъминотини ошириш, энергия сарфланадиган технологик жараёнлардан фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда энергия сарфини камайтириш, жиҳоз ва тизимларни сифатли таъмирлаш ҳамда соз ҳолатда сақлашга имкон яратади.

Энергияни тежаш жараёнларида истеъмолчиларга корхоналарда энергия ресурслари харажатлари самарадорлигини таҳдил қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси юкландади. Энергия ресурсларини тежаш, ишлаб чиқариш, етказиш ва фойдаланишнинг барча босқичларида қўлланилиши керак. Бу иш лойиҳалаштириш, техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш, энергия тежовчи мақ-

бул технологик жараёнлар, ускуна ва тизимларни созлашдан бошланади.

Магистраль ва тармоқларда иссиқлик йўқотишлар, бу билан боғлиқ молиявий харажатлар ва автоматлаштирилган тизимларни бошқаришнинг юқори даражасини ҳисобга олиб, кичик иссиқлик ва энергия шохобчаларини жорий қилиш зарур. Бунда ёқилгининг иссиқлик энергияси буғ, газ-трубина ва бошқа курилмаларга самарали ўтказилади. Сўнгра, кам энергия сарфи билан истеъмолчига иссиқ сув ёки буғ етказилади.

Фарб мамлакатларида таъминотнинг номарказлаштирилган (децентрализация) усули кенг ривожланган. Чунончи, Буюк Британияда 1000—5000 кВт қувватга эга кичик электр станциялар 200 тага етган. Финляндия, Германия, Дания, Италия ва Нидерландияда йирик саноат корхоналари ўзларининг 5000 ва 7000 кВт қувваттacha бўлган иссиқлик электр марказларига эга.

Биринчидан, қозонхоналарда катта босимдаги буғ ишлаб чиқариш учун юқори нархларда электр қуввати сотиб олишга мажбур бўлинган. Буғ кучи билан ишлайдиган қозонхона қувурларини ўрнатиш — жараённи самарали тарзда тубдан ўзгаририш имконини беради.

Польша ва Венгрияда ишлар самарали йўлга қўйилганлиги, сифат ва миқдор тартибга солингани учун электр 60 фоизгача иқтисод қилинади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, кам маблаг талаб қилинадиган ташкилий-техник чора-тадбирлар энергиядан фойдаланишни тартибга келтиради, қолаверса, қисқа муддатларда энергияни 10—15 фоизгача иқтисод қилиш имконини беради.

Нанотехнологиялар сарф-харажат ва вақтни тежаб, самарадорликни ошириш имконини беради

Нанотехнологиялар замонавий технологияларнинг янги йўналиши бўлиб, мақсади қурилмалар ҳажмини максимал даражада кичрайтириш ва ишлаши учун энергия сарфини ўнлаб, айрим ҳолларда, ҳатто юзлаб маротаба камайтиришдан иборатдир. Бу усул инсоният олдида кўндаланг турган бир қатор долзарб муаммолар, хусусан, глобал иқлим ўзгариши, углеводород ёқилгиси танқислигидан тортиб, бедаво касалликларни даволашгача бўлган қўйлаб масалаларнинг ижобий ечимига олиб боради.

«Nano» сўзи «миллиарддан бир» маъносини англатади. Масалан, 1 нанометр 1 метрдан миллиард марта кичик узунлик ҳисобланади. Нанотехнологияга оид қурилмалар, асосан, XX асрнинг 70-йилларида кашф қилинган бўлиб, ушбу янгилик нанотехно-

логик инқилобнинг бошланиши сифатида дунё олимлари томонидан тан олинган.

Албатта, нанотехнологияларни жорий этишдан асосий мақсад фақат қурилмалар ўлчамларини кичрайтириш эмас, балки уларнинг жуда тез ва аниқ ишлашини таъминлаш, материалларни, энергия ҳамда вақтни тежаш ҳамдир. Бундан ташқари, уни ўрганиш янги жараёнлар, ҳодисаларни кашф қилишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги кунда нанотехнологиялар электроника, ахборот-коммуникация технологиялари, тибиёт, экология, энергетика, машинасозлик, самолётсозлик, космонавтика, табиий бойликларни излаб топиш ҳамда қазиб олиш каби соҳалар учун ноёб асбоблар ва қурилмаларни яратишида кенг қўлланилмоқда. Жумладан, электроника соҳасида компьютерларнинг янги авлодлари, сигналларни қабул қилиш, узатиш ва акс эттириш қурилмалари, планеталараро учирилаётган космик кемаларнинг ҳаракатларини бошқариш каби қатор ноёб ва замонавий тизимлар яратишида фойдаланилаётir.

Иқтисодиёт ривожланишида нефть маҳсулотларининг аҳамияти ниҳоятда катта. Аммо айни пайтдаги мавжуд технологияларда «қора олтин»нинг қарийб 20 фоизини қайта ишлашининг имкони йўқ. Шу боис сўнгти йилларда дунёning етакчи илмий-тадқиқот институтларида бегона молекулани мутлақо ўтказиб юбормайдиган нанокатализаторлар устида изланишлар олиб борилаётir. Ушбу жараёнда кўзланган мақсадга эришилиб, янги турдаги ускуналар амалиётга жорий этилса, нефтнинг 100 фоизини қайта ишлаш имкони туғилади. Нанотехнологияларнинг амалий татбигига оид бундай мисолларни ўнлаб келтириш мумкин.

Табиийки, ана шундай натижалар нанотехнология соҳасига қизиқиши ошириб, мазкур жабхага жалб этилаётган инвестициялар миқдорининг тез суръатда ўсишига, нанотехнологиялар бозорининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу, ўз навбатида, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлашти вазифасини ҳам долзарб қилиб қўймоқда. Етакчи давлатларнинг нанотехнологияни ривожлантириш ва уни тезлаштириш бўйича концепцияси ҳамда стратегияси ишлаб чиқилган. Бундай стратегиялар олимлар ва саноатчилар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда етук мутахассислар тайёрлашни назарда тутади. Европадаги қатор давлатлар бу борада фаол саъй-ҳаракатлар олиб боришияти.

Бугунги кунга келиб, дунё миёсида нанотехнологияга оид минглаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда ва турли соҳаларда қўлланиллаётir. Бунда йиллик соф фойда ҳажми 2 триллион АҚШ доллари атрофида эканлиги айтилади.

Ўзбекистонда ҳамnanoфан ва нанотехнологиялар тараққиётига устувор эътибор қаратилияпти. Бу борада мамлакатимизда

махсус концепция яратилган. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан ушбу соҳага оид қатор фундаментал ва амалий тадқиқотлар лойиҳалари молиялаштирилаётгани маълум.

Ноёб хусусиятли наноматериаллар олиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш нанотехнологиянинг долзарб вазифасидир. Янги юксак электрон технологияларда кремний асосий материал ҳисобланади. Айни шу жиҳатдан айтганда, республикамизда кремний ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани диққатга сазовордир. Чунки кремний асосида ресурс тежамкор электрон курилмалар, юқори самарадорликда ишлайдиган қуёш элементларини яратиш мумкин.

Буларнинг барчаси истиқлол йилларида юртимизда илм-фан равнақига қаратилаётган давлат сиёсати даражасидаги эътиборнинг амалий натижалариидир. Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганидек, биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиласидаги аср. Бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб етган, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилган ҳар қайси миллат ва давлатгина жаҳон тараққиёти йўлидан илгарилаши муқаррар.

Шуни таъкидлаш керакки, энергия тежамкорлиги — бу фаяқат анъанавий энергия етказувчиларнинг технологиясини жорий этиб, самара олиш эмас, шунингдек, ҚТЭМдан фойдаланиб, ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда энергобалансни диверсификациялаш ҳисобига кўпайтиришдир.

Стратегик режада қайта тикланадиган энергия манбаи ичидаги ноанъанавий энергия: қуёш, шамол, ер иссиқлиги, кичик дарёлар, океан, биомасса ва торф алоҳида қизиқиши уйғотади.

Маълумки, чуқур фан ва ностандарт технологияларсиз барча турдаги ҚТЭМдан тўлиқ ва самарали фойдаланиш мумкин эмас, шунинг учун бу жараённи илмий-техника тараққиёти омилига боғлаш керак.

ҚТЭМдан фойдаланиш, мамлакатнинг тўлиқ мустаҳкам ривожланишига мос тушиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши масалалари мувозанатини таъминлаши ва атроф-муҳит ҳамда табиат ресурслари имкониятларини ҳозирги ва келажак авлод ҳаётий талабларини қондиришга эришиш зарур.

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилдаги мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якуни ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган мажлисида, энергия манбаларини тежашни кечкитириб бўлмайдиган масала деб қабул қилиш кераклиги, шунинг ҳисобига товар ва хизмат турлари нархини камайтириш, иқтисодиётнинг ўсишини таъминлаш кераклигини алоҳида таъкидлаган эди.

Кундалик ҳәётимизда зарур манбалардан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш — нафақат ҳозирги давр, ҳаттоғи, келгусида ҳам катта фойда олишга ёрдам берувчи омилдир. Бунга, энг аввало, манбаларга харажатларни қисқартириш ҳисобига эришиш зарур. Ахир истеъмолчига энергия манбаларини етказиб беришда озмунча меҳнат сарфланмайди. Масалан, күмирёки газни кавлаб олиш даврининг бошидан бошлаб, то уни истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган жараённи ўзингиз тасаввур қилинг. Маҳсулот минглаб ишчиларнинг жуда оғир, машақкатли меҳнати эвазига, бир неча погонани ўтайди. Ниҳоят, шундан сўнгтина уйимизда, ишлаб чиқаришда электр ва иссиқлик энергияси пайдо бўлади.

Лекин ушбу неъмат, бойлиқдан фойдаланишда биз ҳар доим ҳам, бу ҳақида масъулият билан чуқур мулоҳаза юритамизи?!

Давлатимиз раҳбари таъкидлашича, саноат корхоналаримиздаги энергия харажатлари дунё кўрсаткичидан ўртacha 2—2,5 марта кўплиги, афсус, ҳеч кимни ташвишга солмаяпти. Ҳатто, энергия манбаларини қазиб чиқаришда, қайта ишлашда, сотиш ва сарфлашда, улардан тежамкорлик билан фойдаланилмаяпти, нобудгарчилигига ва ўғирланишига, ўлчов асбобларининг этишмаслигига йўл қўйилмоқда.

Ўзбекистон ўзини ўзи тўлиқ энергия билан таъминлайдиган мамлакат ҳисобланади. Лекин, бу бебаҳо қайта тикланмайдиган манбага хўжасизларча муносабатда бўлишга ҳеч кимга хуқуқ берилмаган. Ахир бундай ноёб бойлиқдан фарзандларимиз ҳам фойдаланиш хуқуқига эга. Демак, келажак авлод учун ҳам сақлаш ҳақида замонавий ўзимизни керак.

«Ўздавенергоназорат» инспекцияси энергия манбаларининг тежамкорлиги йўналишида ҳаётда амалиётта жорий этиш учун ишлаб чиқилган дастурларнинг бажарилиши учун масъулликни ўз зиммасига олган. У ҳар йили саноат корхоналари ва тадбиркорлик субъектларида электр ва иссиқлик энергиясини тежаш учун бир қатор чоралар қўллайди.

Эндиликда саноат корхоналари ва йирик тадбиркорлик субъектлари электр ва иссиқлик энергиясини тежаш борасида ташкилий-техник чораларни кўришмоқда. Бунда энергия тежайдиган ускуна, модернизация қилинган ҳисоблагичлар, замонавий ўлчов асбобларини ўрнатиш, зарур ҳолатларда ноанъянавий, муқобил энергия манбаларидан кент фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Фан-техника тараққиёти шиддат билан одимлаб, ишлаб чиқаришга инновациянинг энг илгор ютуқлари жорий этилаётган бугунги кунда, кичик корхона ва микро фирмалар ҳам ўзлари фойдаланаётган технологияларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш орқали энергия тежамкорлигига

эришишлари мумкин. Бунга биргина мисол: 2013 йилда «Когон-донмаҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли «Иссиқ нон» новвойхонасида модернизация ишлари амалга оширилиб, Германиянинг «Вахтель» технологик линияси ўрнатилгач, янги технология шарофати билан табий газ ва электр энергияси сарфи аввалтига нисбатан уч баробарга камайишига эришилди.

Бундан ташқари, электр энергиясини тежаш бўйича мамлакатимиз Президенти ташабуси билан қабул қилинган қарорнинг ижросини таъминлаш йўлида изчил чоралар кўрилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан тақомиллаштиришнинг чоралари тўғрисида»ги, «Электр энергиясини сотиш ва фойдаланишининг ҳисобот тизими ва назоратини тақомиллаштиришнинг қўшимча чоралари тўғрисида»ги 2004 йил 1 ноябрдаги ҳамда 2009 йил 22 августдаги «Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари асосида электр энергиясига ўз вақтида тўлиқ тўловни амалга ошириш масаласига муҳим эътибор қаратилмоқда.

Агар ҳар бир корхона ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотлари таннархини камайтиришни, энергияни тежашда фаоллик ҳисобига ривожлантирса, унда бу сўзсиз мамлакат иқтисодиётининг ривожида муҳим омил бўлади. Шундай экан, тежамкорлик – муваффақият гарови эканлигини эсдан чиқармаслик керак.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиётининг беистисно, барча соҳалари жадал ривожланди. Жумладан, йўловчи ва юқ ташиби тармоқлари тез суръатларда кенгайди. Шу жараёнга bogliq ҳолда, табиийки, автотранспорт воситалари кўпайиб, ҳаракат оқими тифизлашди. Бу ҳол ёнилғи таъминоти, умуман, республикада транспорт инфратузилмасини мутаносиб ҳолда ривожлантириш ва тақомиллаштиришни, шу билан бир вақтда транспорт воситаларининг атмосфера ҳавосини меъёридан ортиқча ифлослантирмаслиги масаласини ҳам эътибордан четда қолдирмасликни тақозо этди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, республика Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 февралдаги «Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ куйиш шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суюлтирилган газ ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори айни вақтида қабул қилинди. Ушбу қарор экологик тоза бўлмаган бензин ва бошқа ёнилғиларни камроқ ишлатиб, унинг ўрнига экологик тоза суюлтирилган ва сиқилган газдан кўпроқ фойдаланишга ўтишни тезлаштириш ҳамда компрессор станцияларни ва газ куйиш шо-

хобчаларини кенгайтириш бўйича 2007—2012 йилларга мўлжалланган аниқ стратегияни ишлаб чиқиши замин яратди.

Ўтган йиллар давомида бутун республикада Вазирлар Маҳкамаси қарори ижроси юзасидан автотранспорт воситаларининг бир қисмини суюлтирилган ва сиқилган газга ўтказиш бўйича режали чора-тадбирлар амалга оширилиб, кенг тармоқли инфраузилма барпо этилди. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси нинг 2006 йил 25 ноябрдаги «Махсулотлар, хом ашё ва материалиларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор тамойилларини жорий қилишни давом эттириш тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиқиб, суюлтирилган газ республика «Товар хом ашё биржаси»да сотилмоқда. Республикадаги автомобилларга газ қувовчи барча шохобчалар биржада қатнашиб, сотувга кўйилган газни кимошди савдоси орқали харид қилишяпти.

Тошкент шаҳрида аҳоли туар жойлари зичлиги ва автомашиналар жадал кўпайиб бораётгани туфайли, бензинда ишловчи автотранспорт воситалари ҳавога чиқараётган заҳарли газ миқдори меъридан ошиб кетиши табиий. Бунга йўл қўймаслик мақсадида пойтахтдаги автотранспорт ҳайдовчилари машиналарини ҳам арzon, ҳам экологик тоза газ ёнилғисига ўтказишмоқда.

Қолаверса, автомобиль ёнилғиси сифатида ишлатиладиган суюлтирилган газнинг бошқа афзаллик томонлари ҳам кўп. Энг муҳими, экологик жиҳатдан анча тоза бўлиб, ҳавога кам заҳарли модда ишлаб чиқаради ҳамда тўла ёнмаган ёнилғи газ икки баравар камаяди. Моторда детонация юз бермайди, цилиндр ва поршень қисмларини курум босмаслиги сабабли ишлаш муддати узаяди. Мотор мойи ўз хусусиятини узоқ муддат сақлаб қолиши боис, уни алмаштириш муддати ҳам узаяди. Газ бензинга нисбатан тоза ёнилғи бўлгани учун автомобиль карбюратори ифлосланмайди. Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги афзалликлар таъмирлашга кетадиган сарф-харажатларни ҳам анча тежайди.

«Ўзбекистон—Корея» ҳамкорлигига табиий ресурслардан мамлакатимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлиги йўлида оқилюна фойдаланишида муҳим иш олиб борилмоқда. Бу мамлакатимизда автотранспорт воситаларини ва қишлоқ хўжалиги техникаларини табиий газга ва газодизель билан ишлашга ўтказиши борасида дастлабки қадам бўлиб, ушбу лойиҳаларнинг экологик жиҳатдан афзаллиги нақадар юқори эканлигини ва у атроф-муҳитни ифлослантиришнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этишини амалда исботлади. Табиий газда ишлайдиган автомашиналар анъанавий ёқилғидан фойдаланган ҳолда ҳаракатланадиган автомашиналарга нисбатан атмосферага 3 баробардан 5 баробаргача кам заҳарли моддалар чиқаришининг ўзи бунга аниқ мисол бўла олади.

Республикада 2012 йил охирида 300 мингдан ортиқ автомашина, яъни умумий автотранспорт воситаларининг қарийб 10 фоизи экологик тоза табиий газда ишлай бошлаган. 2016 йилга бориб, бу кўрсаткични 30 фоиздан ошириш мўлжалланаётгани ва бундай натижаларга Корея Республикаси билан ушбу йўналишдаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, тармоқда янги инновацион технологияларни жорий этиш каби ҳамкорликдаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали эришиш кўзда тутилаётганлиги диққатга сазовордир.

Электр энергиясининг электрон ҳисоблагичларини ишлаб чиқариш

Энергетика Ўзбекистон халқ хўжалигининг таянч соҳаси ҳисобланади ва маълум ишлаб чиқариш ҳамда илмий-техника имкониятларига эга бўлиб, барча халқ хўжалиги комплексининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиёда йирик кудратли энергетика минтақасидир. Республикадаги иссиқлик электрстанциялари жами электр энергиясининг 85 фоизини ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Хозирги вақтда, энергия тизими 19 минг саноат корхоналари, 80 минг қишлоқ хўжалиги, 17 минг коммунал ва 3,5 миллион миший истеъмолчиларнинг энергия таъминотини таъминлаб беради. Соҳа корхоналари ривожланишининг устувор йўналиши хориж инвесторлари билан қўшма корхона ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобланади. Бу, бир томондан, замонавий технология ва ускуналардан фойдаланишга, иккинчи томондан, ўз маҳсулоти билан дунё бозорига чиқишга имкон беради. Бундай ишлаб чиқаришни яратиш, мавжуд кадрлар имкониятини ҳаракатга келтириш, янги иш ўринлари яратиш ва пировардида, халқ турмуш фаровонлигини оширишдан иборат.

2003 йилнинг бошида «Hangzhou Zhongwu Electronic Motors Company Limited» «Ўзбекэнерго» ДАК билан ҳамкорлик қила бошлади. Хозирги даврда энергия тежамкорлиги ва энергия ресурсларини тежаш мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида аниқловчи омил ҳисобланади. Ушбу омилларни ҳисобга олиб, энергия тежамкорлигини муваффақиятли амалга ошириш учун «Hangzhou Zhongwu Electronic Motors Company Limited» (XXP), «ТашГорПЭС» ОАО (Ўзбекистон) ва «O’zenergosozlash» қўшима корхонаси республикада электр энергиясини замонавий электрон ҳисоблагичлар, автоматлаштирилган назорат ва электр энергияни ҳисоблаш тизимини яратиш ташабbusи билан чиқинши,

Муваффақиятли ҳамкорлик натижасида 2004 йил 23 апрелда «Electron Hisoblagich» МЧЖ қўшима корхонаси заратилиши,

2005 йилдан бошлаб, құшма корхона мутахассислари билан 8 та турдаги бир фазали (DDS28, DDS28U, DD28X, EX28, DDS28M, DDSY283, DDSY283M, DDS541) ва учта уч фазали ҳисоблагичлар (EX541, DTS543U) үзлаштирилди. Республикада электр энергиясини ҳисоблашнинг энергетика обьектлари ва маиштік сектор истеъмолчиларини замонавий ҳисоблаш асбоблари билан, шу жумладан, олдин ҳақ тұлаш функциясидаги ҳисоблаш асбобларини модернизация қилиш тизими борасыда ишлар бошлаб юборылды. Бу ҳисоблагичларни жорий этиш, истеъмолчиларнинг дебиторлик қарзларидан холи бўлишига имкон яратди, чунки олдиндан тўловсиз электр энергиясini истеъмол қилиш мумкин эмас. Электрон ҳисоблагичнинг жорий этилиши мөбайнида, автоматик тизим асосида электр энергиянинг назорати ва ҳисоботини — АСКУЭ ташкил этиш кўзда тутилган.

Электрон ҳисоблагич, электр энергиясini ўтчайдиган асбоб сифатида, ўзи ҳам энергия истеъмол қилади. Мавжуд электрон ҳисоблагичларнинг электр энергия истеъмоли, одатда, 0,5 Вт, 6 Вт.ни ташкил этади. Бошқа ҳисоблагичларга нисбатан бу ҳисоблагич йилига камида 4,4 кВт электр энергияси иқтисод қилади ва электр энергиясini узатиш ҳамда тақсимлашда йўқотишларни камайтиради.

Энергия тежамкор лампалар

Иқтисодчиларнинг айтишича, кўп пул топиши эмас, балки уни қандай сарфлашни билиш муҳимроқ. Ана шунда, оз микдордаги маблагнинг ҳам самараси катта бўлади. Шу маънода, уй-рўзгор харажатларини ҳеч ҳисоблаб кўрганмисиз? Агар қизиқмаган бўлсангиз, бу борадаги кузатишларга эътибор қилинг. Таҳлиларга кўра, оила бюджетининг салмоқли қисми, аксарияти унча аҳамият берилмайдиган коммунал тўловларга сарфланар экан.

Дарҳақиқат, кундалик турмушимизни табиий газ, ичимлик суви, иссиқлик ва электр энергиясисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, кейинги пайтларда электр энергиясига эҳтиёж шунчалик ортиб боряптики, унинг ёрдамисиз бирор юмушни кўнгилдагидек бажаришнинг сира имкони йўқ. Дейлик, уйда бир соатгина чироқ бўлмаса кўнглимиз ҳам ёришмайди. Шу боис, электр энергиясini тежайдиган технологияларни изчил жорий этишини даврнинг ўзи тақозо қиляпти.

Натижада кам қувват билан ишлайдиган техникалар авлоди яратилиб, электр энергиясini тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уларнинг афзалликларини англаган кўп давлатлар, эндиликда, чўғланма лампаларни, ялпи равищда замонавийсига алмаштиряпти. Мамлакатимизда эса, бу борадаги

ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилаётгани, энг асосийси, бундай чироқлар ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани алоҳида эътиборга моликдир.

Тошкент шаҳридаги «Neo Sun Light» Ўзбекистон—Буюк Британия кўшма корхонаси дастур доирасида ташкил этилган ишлаб чиқариш субъектларидан биридир. «Ўзэлсаноат» уюшмаси тизимидағи ушбу корхонада Марказий Осиёда биринчи бўлиб, электр энергиясини тежайдиган лампалар тайёрлашга киришилган. 2010 йилнинг август ойидан 11, 15, 20 ва 25 Ваттли лампалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилган ва йил охиригача 500 мингдан ортиқ шундай лампалар етказиб берилган. Спиралсимон люминесцент лампаларнинг электр энергияси сарфи чўғланма лампаларнига қараганда 5 марта кам!

У хонадонингизни узоқ муддат, аниқроги, тўхтовсиз 8000 соат давомида чароғон этиб туриши билан ҳам устунликка эта. Бошқача айтганда, бу — кунига ўртacha 6 соат чироғингиз ёниб турса, ҳар бир лампа 1333 кун ёки 3,5 йилдан ортиқ муддат мобайнида уйингизни ёритади, дегани. Ёки 2011 йилда икки талабалар турар жойи танланиб, уларнинг бирига тежамкор, иккинчисига чўғланма лампалар ўрнатилган ва тежамкор лампалар орқали ярим йилда 1960 кВт/с электр энергияси ёки 163 минг 856 сўм иқтисод қилинган. Шундай экан, мана шу каби электр энергиясини тежайдиган, маблагни иқтисод қиласидиган лампалардан фойдаланишга ўтиш вақти келди.

Шундай қилиб, энергия тежамкор ёритгичлар яқин вақтда янги сифатта ўзгариши мумкин.

Мухтасар қилиб яна шуни айтиш лозимки, табиий газ, электр энергияси — юрт бойлиги, халқимизнинг мулки, ундан оқилона, асраб-авайлаб, тежамкорлик билан фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлмоғи керак. Бугун мамлакатимизда газ кирмаган, электрдан фойдаланмайдиган соҳа, хонадон деярли қолмаган. Бу ўринда эса, аҳоли ўргасида фойдаланилган газ, электр учун тўловларни ўз вақтида тўлаш маданиятини шакллантириш, айниқса, ноқонуний, унга ўғринча уланиш ҳолларига йўл қўймаслик олдимизда турган долзарб вазифадир.



Энергия тежамкор лампалардан намуналар.

**МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МАҲАЛЛИЙ
ДАРАЖАДА БОШҚАРИШ КЎНИКМасини
ШАКЛЛАНТИРИШ**

**4.1. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг
«Эко-энергия» илмий-татбиқий Маркази
лойиҳаларни жонлантиради**

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қайта тикланувчи энергия манбаларидан амалда фойдаланиш йўлида аниқ ишлар олиб бормоқда. Экологик тоза қайта тикланувчи энергияларни кенг қўллаш мақсадида қўмита хузуридаги ихтисослашган маҳсус «Эко-энергия» илмий-татбиқий Маркази давлат корхонаси бўлиб, Олий Мажлис Сенати кенгашининг 2005 йил 23 августдаги қарорига мувофиқ қўмитанинг 2005 йил 21 октябрдаги 81-буйруғи асосида ташкил топган.

Марказнинг асосий вазифалари:

- электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш билан боғлиқ атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш масалаларини ўрганиш, шу соҳадаги бошқарув, меъёрий ва қонунчилик хужатларини тайёрлаш;
- атроф-муҳит муҳофазаси ва қазиб олинадиган ёқилғи ресурсларини иқтисод қилиш мақсадида қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлатиш ва амалга татбиқ этиш;
- экологик тоза қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг миқёсда амалиётга татбиқ қилишдан иборат.

Марказ томонидан амалга оширилган лойиҳалар доирасида Корақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Тошкент, Андижон, Хоразм вилоятларида бир қатор қўёш фотоэлектр станциялари (ёритиш, телевизор, радио, алоқа, қудуқлардан сув торгиш ва ҳ.к.), гелиосувиситкичлар, қишлоқ хўжалиги, саноат ва майший чиқиндилардан биогаз ва биоорганик ўғит (биогумус) олиш курилмалари, миниГЭС ўрнатилди ва ишга туширилди.

Жумладан, «Навоий вилоятининг Нурота туманидаги «Янги бино» қўргонида шамол энергиясида ишлайдиган насослар ёрдамида ер ости сувлари билан олис аҳоли пунктларида яшовчи-

ларни ичимлик суви ва суғориш суви таъминотини яхшилаш», «Қашқадарё вилоятидаги кичик сув ҳавзаларида кўргазмавий менинг ЭСни куриш», «Қибрай Голд Хэндс» фермер хўжалиги қопидаги тажриба участкасида паррандачилик фермаси чиқиндилирини экологик заарасизлантириш ва утилизация қилиш» лойиҳалари амалга оширилди.

Шу билан бирга, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси обьектларига ҳам қўёш фотоэлектр станциялари ва қўёш коллекторлари ўрнатиш ишлари бошланди. Хусусан, қўёш фотоэлектр станциялари ва қўёш сув иситиш коллекторларини Сурхондарё вилоятидаги «Табиат» музейида (7 та станция ва 2 та коллектор), Жиззах вилоятидаги «Зомин» мониторинг марказида (1 та станция ва коллектор), Бухоро вилоятидаги «Жайрон» экологик марказида (2 та станция-коллектор, 160 л), Навоий вилоятининг «Кўйимозор» мониторинг марказида (3 та станция) ҳамда биогаз ускуналаридан Тошкент, Жиззах ва Андижон вилоятларида самарали фойдаланилмоқда.

«Эко-энергия» илмий-татбиқий маркази мутахассислари қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиши ва уни ривожлантириш бўйича халқаро лойиҳаларда ҳам иштирок этишмоқда. Масалан, Марказ ходимлари БМТ Тараққиёт дастурининг «Қорақалпогистондаги қишлоқ жамоаси учун тоза энергия» – 1 ва 2-фазалари (фотоэлектр станцияси) лойиҳасида, «Экология ва Энергия» дастурида (куёш фотоэлектр станциялари ва қўёш коллектори), «Ўзбекистонда биогаз технологияларини ривожлантиришга кўмак бериш» ва «Agro-Milk» фермер хўжалигида биогаз ускунаси мониторинги лойиҳаларда бевосита иштирок этдилар.

Марказ БМТ Тараққиёт дастурининг минтақавий маркази кўмагида Европа ва МДҲ бўйича ўтказилган «Энг яхши амалиёт» Халқаро кўрик-тандловида самарали иштирок этди. Хусусан, марказ жамоаси «Экологик тоза технологияни ўзлаштириш ва қишлоқлар учун қишлоқ хўжалиги ва маиший чиқиндилар асосида курилиш материаллари ишлаб чиқарувчи кичик цехлар ташкил этиш», «Қорақалпогистон аҳолиси учун тоза энергия» ва «Қайта тикланувчи энергия» номинациясида «Бухоро вилоятидаги «Жайрон» экомарказида фотоэлектр станцияси ва қўёш сув иситгичларни ишлатиш» лойиҳалари билан голиб бўлди.

Марказ ходимлари томонидан паст салоҳиятли қўёш ускуналари (пассив қўёш сув иситиш) энергетик ҳисоб-китоб қилинди ва уни Ўзбекистон ҳудудига мослантириш ечимлари топилди; республиканинг турли минтақалари учун қўёш радиациясининг умумий йигиндиси ва қўёшли кун давомийлиги жадваллари тузилди; пассив қўёш сув иситиш тизимининг иқтисодий ва экологик самарадорлигини ҳисоб-китоб қилиш мето-

дикаси ишлаб чиқилди; объектларни энергия билан таъминлашнинг келажаги ва ҳозирги ҳолати таҳлил қилинди.

«Эко-энергия» маркази корхона ва ташкилотлар буюртмаси асосида фотоэлектр станциялар етказиб бериш имкониятига эга.

2007–2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг тавсияси билан марказ технологиялар трансфери агентлиги билан ҳамкорликда «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш стратегияси» лойиҳасини ишлаб чиқиб, манфаатдор вазирликлар ва ташкилотларга тарқатилиб, уларнинг хуросалари олинди. Қайта ишланган лойиҳа Олий Мажлис Сенатига тақдим этилди.

4.2. «ЭКОСАН» экология ва саломатлик халқаро жамоат фондининг муқобил энергия манбаларини тарғиб қилиш борасидаги тажриба ва тадбирлари

«ЭКОСАН» экология ва саломатлик халқаро жамоат фонди муқобил энергия манбаларини тарғиб қилиш ва амалда бу борада ўрнак кўрсатиш борасида ҳам анча ишларни амалга оширган.

2009 йили «ЭКОСАН» фонди, бу борада ўзи ўрнак кўрсатиб, Қорақалпоғистон Республикасининг марказдан узоқ жойлашган Тўрткўл туманидаги «Қизилқум» ширкат хўжалигининг «Оқдигир» қишлоқ врачлик пункти (ҚВП) ва Элликқалъа туманидаги Буханмереј ширкат хўжалигидаги «Чуқурғоқ» ҚВПда куёш элементларидан фойдаланиш асосида уларни фотоэлектрик ускуналар билан таъминлаш ишларини (23,6 млн сўм) амалга ошириб, KFS-50/12 русумидаги фотоэлектрик станция (ФЭС) ишга тўлиқ



Тўрткўл туманидаги «Оқдигир» ҚВПда KFS-50/12 русумидаги куёш панелларини ўрнатиш ишлари.

туширилди. Албатта, қайта тикланувчи энергия манбаларини самарали ўзлаштириш бизнинг табиий бойликларимизни келгуси авлодлар учун асрар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда ҳам табиий бойликларни тежаш ва ишлаб чиқариш тармоқларига экологик соғ технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2013 йил 1 мартағи «Муқобил энергия

манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, пировардида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликларни тежашда асос бўлиб хизмат қилади.

«ЭКОСАН» фонди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги «2013—2017 йилларда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги 142-қарори асосида «Атроф-муҳит муҳофазаси ва Барқарор ривожланиш масалалари бўйича аҳолининг хабардорлигини ошириш» лойиҳаси доирасида Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси билан ҳамкорликда Фаргона, Сирдарё, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё ва Жizzах вилояtlарига; Ўзбекистондаги Глобал экологик фондининг (БМТ) Кичик грантлар дастури билан ҳамкорликда эса Хоразм вилоятига; бир қатор вазирлик, идора, сиёсий партиялар, фермерлар ва ОАВ вакиллари иштирокида халқаро экологик саналарга бағишиланган матбуот конференциялари, семинар ва экологик мединатурлар ташкилластирилди.

Мазкур лойиҳанинг мақсади атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш, табиат ва инсон ўргасидаги муносабатларнинг уйғунлашуви, табиий ресурсларни тиклаш ҳамда муҳофаза қилишда инсонларнинг ўрни ва масъулиятини ошириш борасидаги билимлар, ахборотларни кенг тарқатишга йўналтирилган бўлиб, унинг доирасида ўтказилаётган ушбу матбуот анжуманлари, медиатурлар орқали ОАВда иқлим ўзгариши, ерларнинг чўлланиши ва деградацияга учраши, биохилма-хилликни сақлаш, атмосфера, Ер ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш, шунингдек, республикада табиатни муҳофаза қилиш борасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилиш жараёнлари тўғрисидаги ахборот мақолалар мунтазам чоп этилмоқда.

2013 йилнинг 19—20 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вазирлик, идора, сиёсий партиялар, вилояtlар ҳокимиятлари, ННТ, ОАВ вакиллари иштирокида, Хоразм вилоятида ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга йўналтирилган жорий экологик лойиҳалар ва энг яхши тажрибаларни намойиш этиш мақсадла-



Эллиқалъа туманидаги «Чуқурғоқ» ҚВПда KFS-50/12 русумидаги ФЭС қурилмаси ва аккумуляторнинг иш жараёни.

рига қаратилған медиатур Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ўзбекистондаги Глобал экологик фондининг Кичик грантлар дастури (ПМГ ГЭФ) ҳамда «ЭКОСАН» фонди ҳамкорлигига ташкил этилди, ушбу тадбирга Хоразм вилоятининг барча худудларидан ва бир қатор вилоятлардан фермерлар ҳам ташриф буюрдилар.

Урганч давлат университетида илмий-амалий конференция медиатур иштирокчилари, оммавий ахборот воситалари ва университет профессор-ўқитувчилари иштирокида ташкиллаштирилди. УрДУ олимлари ва талабалар вилоят қишлоқ хўжалиги соҳа-



Урганч давлат университети қошидаги Хоразм «КРАСС» агромаслаҳат марказида тажриба ускуналари билан танишув.

Янгиариқ туманидаги тажриба майдонида ерларни лазер нивелири ёрдамида текислаш жараёни.



сининг амалиёти вакиллари билан ҳамкорликда, кейинги йилларда «КРАСС» деб номланган Хоразм агромаслаҳат марказида нағоён этмоқда. Ушбу марказ олиб бораётган илмий изланишлар ҳамда уларни босқичма-босқич амалиётга татбиқ этиб бориш натижасида, сув тежалиши, далалардаги унумдорлик сезиларли дарражада ошибб, фермер хўжаликлари энди фойда олишга ўтмоқдалар ва бу foя ўзини оқлагани боис, ушбу илфор тажрибаларнинг харидорлари сони ҳам кўпайиб бормоқда.

Университет қошидаги «КРАСС» Хоразм агромаслаҳат маркази кейинги йилларда амалга оширилаётган «Энергетик самарадор иссиқхоналарни яратишида қүёш энергияси ва биогаздан муқобил энергия манбай сифатида фойдаланиш», «Сув ва энергияни сақлаш мақсадида каналларнинг тубини изоляция қилиш технологияси», «Далаларни лазер ёрдамида режалаштириш технологияси», «Тұқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришида ҳосил бўладиган бўёқ билан бойиган сувларни тозалаш» каби лойиҳалар билан тажриба жойларида бўлиб, танишиш имконига эга бўлдилар.

Тадбир иштирокчилари ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга йўналтирилган Хоразм вилояти туманларидағи ер майдонларига бевосита ташриф буориши орқали амалга оширилаётган лойиҳавий фаолият билан танишиб, Янгиарқ туманидаги «Наврӯзяп» канали мисолида «Сув ва энергияни сақлаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида каналларнинг тубини изоляция қилиш» лойиҳаси бўйича инновацион амалиётни кўздан кечирдилар, УрДУ ўкув хўжалиги мисолида биогаз қурилмаси, қурилаётган иссиқхоналар ва далаларда лазерли планировка технологияси билан яқиндан танишдилар.

Медиатур натижалари республика ва Хоразм вилояти оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилди.

«ЭКОСАН» фонди, БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури, Глобал экологик фонднинг Кичик грантлар дастури кўмагида Тошкент ирригация ва мелиорация институтида «Билимлар ярмаркаси—2013» ташкиллаштирилди. Ярмарка доирасида БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури, Глобал экологик фонднинг Кичик грантлар дастури кўмагида жорий этилаётган ва намойиш қилинаётган инновацион технологиялар бўйича туркум тренинг ва тадқиқотлар ўtkазилди. Ярмарка режаси бўйича ердан унумли фойдаланиш технологиялари ва амалиётлари, сугоришнинг самарали технологияларини қўллаган ҳолда, сугориш сувидан оқилона фойдаланиш, муқобил энергия ишлаб чиқувчи минитехнологиялар, мамлакатнинг биохилма-хиллик хизматлари ва табиий ресурслари потенциалларидан барқарор фойдаланиш бўйича тақдимотлар ва 17 та ўкув семинарлари (биогаз технологияси, кичик гидростанциялар, энергияни тежовчи (қўёш) иссиқхоналари, энергияни тежовчи печлар, томчилатиб сугориш ва бошқалар) ўтказилди. Ярмарка доирасида турли технологиялар бўйича кўргазма ўтказилди. «ЭКОСАН» фонди бундай ярмаркаларни тез-тез ташкиллаштиришни ҳамкорлар билан келишиб олди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ҳамда «ЭКОСАН» фонди билан ҳамкорликда «Экоҳафталик — 2014» доирасида 5 июнь куни Жиззах вилоятига навбатдаги медиатур ташкил этилди.

Журналистлар ташриф буюрган объектлардан бири — Бахмал туманиндағи «Асадбек-Ҳайринисо» хусусий ишлаб чиқариш корхонасидир. Тикишга ихтисослашған мазкур корхона үз фаолиятини 2014 йилнинг 22 майидан бошлаган, шунингдек, корхонага қарашли «Асадбек» маиший хизмат күрсатиш уйининг очилиш маросимида иштирок этишди.

Маиший хизмат күрсатиш уйи ақолига 7 йұналиш бүйіча үз фаолиятини (гүзіллік салони, Интернет ва фото хизматлари, ти-киш-бичиши, пойабзal таъмирлаш ва бошқ.) олиб боради. Тағдир-корлар үз бизнесларини ва ақолига маиший хизмат күрсатишни «экологизациялаш» учун бинога қуёш батареяларини ўрнатдилар

хамда асосий эътиборни энергия са-марадорлигига қаратдилар.

«ЭКОСАН» фонди Ўзбекистон Республикаси Фанинг «Физика—Қуёш» ИИЧБ, Навоий вилояти «Навоий» эркин индустріал-иқтисодий зонасига ва Самарқанд ви-лоятида қуёш фотоэлектрик стан-циясининг қурилиш жараёни билан танишиш мақсадида экомедиа-турларни ташкиллаштириш ниятида.

«ЭКОСАН» фонди атроф-му-хитни муҳофаза қилиш, табиий ре-сурслардан оқилюна фойдаланиш, экологик маданиятни ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида лойиҳа ва тағдирларни ташкиллаштиришда ҳамкорлик-ка чақиради.


Бахмал туманиндағи «Асад-бек» маиший хизмат күрсатиш биносындағы қуёш батареялары.

Сурслардан оқилюна фойдаланиш, экологик маданиятни ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида лойиҳа ва тағдирларни ташкиллаштиришда ҳамкорлик-ка чақиради.

4.3. Ўзбекистон «Adolat» СДП ташкилотларининг қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ва энергия тежашни ташкиллаштириш тажрибаси

Сүнгіті йилларда мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тар-моқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва модерни-зация қилиш юзасидан кенг күламли фундаментал тадқиқотлар хамда инновацион лойиҳалар устида изланишлар олиб борилмоқ-да. Бу мамлакатни янгилаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида интеллектуал мулкнинг ўрни ва аҳамиятини, қолаверса, илмий-тадқиқотлар фаолияти самарадорлигини оширишпа таал-луқли дастурлар билан боғлиқ чора-тағдирлар тизимининг янала мустаҳкамланишида мұхим омил бўлиб хизмат қилаётir.

Айни пайтда, ўсиб бораётган энергия истеъмолини қопланива яна 30—40 йиллардан сўнг газ ҳосил қиласидаган хом аниё ва суюқ углеводороднинг мавжуд ҳажми, уни қазиб олиш ва қайта ишлапча энергия етишмаслиги муаммоси вужудга келиши эҳтимоли башорат қилинмоқдаки, бунга енгил-елти назар билан қараб бўлмайди. Бу вазиятда, ҳар бир киши онгли равишда она табиат томонидан берилган табиий бойликлар нафақат бугунги авлод учун, балки келажак авлод учун ҳам тортиқ қилингандигини тушунади. Улардан ўйламасдан, мушоҳадасиз фойдаланиш, худа-бехудага сарф қилиш оқибатида келгусида вужудга келиши мумкин бўлган электр энергияси ва табиий бойликлар танқислигини инобатга олмаслик катта муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Тараққиёт илинжида охирини ўйламай қилинган хатти-ҳаракатларнинг «меваси» ҳам кўз ўнгимизда етилди. Эндилиқда унинг оқибатларини дунёнинг тури минтақаларида кузатилаётган сув тошқинлари, ҳароратнинг кескин кўтарилиши ёки аксинча, тушиши, ўрмон ёнғинлари, обиҳаёт танқислиги каби ўнлаб муаммолар орқали кўриб, билиб турибмиз. Шу боис, ҳозирданоқ эртанги куннинг фамини ўйлаш, танқисликнинг олдини олиш, яъни табиат ресурсларининг ўрнини қоплай оладиган муқобил манбаларнинг энг мақбулини оммавийлаштириш долзарб аҳамиятга эгадир.

Айнан ана шу келгуси авлод олдидаги масъулият инсоният олдига бугуннинг ўзида энергетика тизимининг бошқа муқобил турларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ва ундан кенг фойдаланишни ўйлга қўйиш вазифасини юкламоқда.

Масаланинг иккинчи жиҳати, муқобил энергия турларининг экологик жиҳатдан тозалигидир. Маълумки, сўнгти вақтда дунё илм аҳли томонидан чиқиндиларга қайта ишлов бериш борасида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда.

Марказий Осиё худуди ва Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммосини, келажакда энергия етказувчилардан фойдаланишдаги ўзгаришлар, шунингдек, башорат қилинаётган энергия истеъмолчиларининг ўсиши, айниқса, қишлоқ жойларида ҳисобга олинса, қайта тикланадиган энергетикани ривожлантиришнинг зарурлиги янада қўпроқ аён бўлади.

Президентимиз «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг ўйлари ва чоралари» асарида республика учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли ўйларидан бири сифатида электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ҳамда энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш лозимлигини, мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва энергия

ресурсларидан нечоғлиқ тежамли фойдалана олишимизга боелик эканлигини алоҳида қайд қилиб ўтган. Қолаверса, 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисida ҳам муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий этиш ишлари талаб даражасида эмаслиги, ушбу соҳада зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган кўплаб муаммолар тўпланиб қолганлиги алоҳида қайд этилган эди.

Ушбу масаланинг долзарблигини инобатга олиб, республика миздаги сиёсий партиялар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон «Adolat» социал-демократик партияси, 2009 йилда эълон қилинган ўз сайловолди дастурида анъанавий энергия манбаларини тежаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш мақсадида қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишни асослаш механизмларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва татбиқ этиш, энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш борасида ўз олдига аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб қўйган. Ўтган давр мобайнида ушбу мақсадларнинг ҳаётга татбиқ этилишига, партиянинг барча ташкилотлари (вилоят, туман, шаҳар кенгашлари, БПТлари) асосий эътиборини қаратиб келмоқда.

Партия ўз дастуридан келиб чиқиб, давлат ва НИТлари билан ҳамкорликда глобал энергетик хавфсизлик, энергия ва ресурс тежовчи технологиялар, қайта тикланувчи энергия манбалари, атроф-муҳит муҳофазаси ва иқлим ўзгариши таҳлили, энергетикада таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, бу жараёнда инновацион технологияларни қўллаш самараларига багишланган, энергияни тежаш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, рақобатли энергетика бозорини ташкил этиш, ёшларда инновацион фикрлашни шакллантириш ва иқтидорли йигит-қизларнинг бу йўналишдаги изланишларини қўллаб-куватлаш борасида қатор лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириб келаётir.

Хусусан, 2009 йилдаёқ Ўзбекистон «Adolat» СДПдан Олий Мажлисдан сайланган депутатларининг сайловчилар билан учрашувлари чогида, ўртачиричкик партия электорати вакили, «Ихлос Бизнес Барака» хусусий корхонаси раҳбари Мурод Миглиев томонидан биогаз ва биоўғит қурилмаси яратиш foяси оддийгина қоғоз чизмалар кўринишида таклиф этилди.

2010 йил бошида партиянинг Тошкент вилояти кенгаси шу каби инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишига ва ҳаётга татбиқ қилишга амалий ёрдам бериш ташаббуси билан чиқиб, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга бевосита хиз-

мат қилувчи «Истеъдод» клубини тузди. Унинг фаолияти ривожлана бориб, нодавлат нотижорат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Ёш инноватор — ислоҳотларга кўмакдош» вилоят қўрик-танлови ўтказилди. Унда М. Миглиев ўзининг биогаз ва биоўғит қурилмаси тоғаси билан голиб бўлди. Шу тариқа таклиф — партия тоғасига ҳамоҳанг тоғояга айланди.

Партияниң Тошкент вилояти кенгаши «Истеъдод» клуби чиқиндилардан биогаз ва биоўғит ҳосил қилишга қаратилган ушбу лойиҳани «Ижтимоий ташабусларни қўллаб-қувватлаш жамгармаси»нинг грантига тайёрлашдаги амалий ёрдами билан ушбу биогаз ва биоўғит қурилмаси лойиҳаси жамгарманинг грантини қўлга киритди. Грант асосида қуриб битказилган биогаз қурилмасининг намунавий шакли ёрдамида Ўртачирчиқ туманининг «Кучлик» маҳалласидаги мактаб ва тўртта хонадон биогаз билан таъминланди.

Бевосита партия Тошкент вилояти кенгаши кўмагида биогаз ва биоўғит олиш қурилмаси макети яратилди ва 2012 йилда пойтахтимида ўтказилган Инновацион тоғалар, технологиялар ва лойиҳалар V Республика ярмаркасида илк бор намойиш этилди. У ўқувчиларнинг соҳани ўрганишларида яқиндан кўмак бериши учун, Қиброй электротехника касб-хунар коллежига ўқув кўргазмали қурули сифатида ҳадя этилди.

Ютуқлардан яна бири сифатида «Ихлос Бизнес Барака» корхонаси, «Olmaliq metall konstruksiya» МЧЖ корхонаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти бошқармаси ва Ўзбекистон «Adolat» СДП Тошкент вилояти кенгаши томонидан ҳамкорлик асосида, қурилмани кенг саноат миёсида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича имзоланган маҳсус шартномани мисол қилиб келтириш мумкин.

Мазкур қурилмани ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали нафақат республикамизнинг газ ресурсларини тежащ, балки чекка ҳудудлардаги аҳоли пунктларини муқобил энергия билан таъминлаш, қолаверса, ушбу қурилма ишлаб чиқараётган биогазнинг атроф-муҳитга салбий таъсири камлиги сабабли, экологияни асрраб-авайлашда ҳам катта ютуқларга эришиш мумкин. Қурилмадан тўла-тўқис тадбиркорлик йўлида фойдаланиш мумкин.

Тошкент вилоятида ишга туширилган биогаз қурилмаси Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм, Фарғона водийси вилоятларидаги тадбиркорларда ҳам қизиқиш уйғотди. Қурилма мутахассиси Навоий, Бухоро ва водий вилоятларидаги фермер ва тадбиркорларга ушбу қурилмани кенг тавсифлаб, уни қуриш ишига амалий ёрдам кўрсатди.

Биогаз ва биоўғит ишлаб чиқариш курилмаси олимлар ва фойдаланувчиларнинг таклифлари асосида такомиллаштириб борилмоқда. Ушбу ишланманинг «Инновацион гоялар, технологиилар ва лойиҳалар» VI ва VII Республика ярмаркаларида на мойиш этилгани ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бундан ташқари, партия ўз фаолиятида инновацион гояларни илгари сураётган олимларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини ошириш, айниқса, ёш тадқиқотчиларнинг интеллектуал салоҳиятини қўллаб-куватлаш, иқтидорли ёшларнинг илм-фанга кенг жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, навқирон изланувчиларнинг муҳим илмий изланишларининг натижалари ва маҳсулотларини ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Хусусан, 2011 йилда «Madad» сугурта агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилган «Энг яхши ижтимоий бизнес гоя» кўриктанлови ёшлар орасидан бир қатор иқтидор эгаларини кашф этди. Ушбу кўрик-танловнинг республика босқичида Ш. Азимов «Алоқабанк» томонидан ўтказилган «Талабаларнинг энг яхши инновацион лойиҳаси», «Энг яхши ижтимоий бизнес гоя» республика танловларида голиб бўлиб, ўз гоясини келгусида «Madad» сугурта агентлигининг моддий кўмаги асосида амалиётта жорий этиш имкониятини қўлга киритди.

«Adolat» СДП Тошкент вилояти кенгаши бу соҳадаги ўз таклифларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси орқали тегишли вазирликларга киритди, аҳолининг муқобил энергия манбалари, чиқинцилардан самарали фойдаланиш ва қайта ишлашнинг ижобий жиҳатлари хусусидаги кўнгикмаларини бойитиш ва соҳада таълим олиб, етук мутахассис кадр бўлиб этишишга



«Инновацион гоялар, технологиилар ва лойиҳалар»
VII Республика ярмаркасида.

интилаётган ёшлар учун күлланма сифатида «Муқобил энергия турлари — ҳаётга!» номли рисоласи нашр этилди.

Ўзбекистон «Adolat» СДП Сиёсий кенгаши қошида ташкил этилган «Инновация ва муқобил энергетика тарғиботи» маркази бугун вилоятлардан тушаётган мурожаатларга тегишли жавоблар, маслаҳатлар бериб бормоқда.

Муқобил энергия манбаларини амалиётта жорий этиш масаласи нақадар ҳаётий бўлмасин, уни жойлардаги маҳаллий ҳокимликларнинг кўмагисиз амалга ошириш мушкул. Шу боисдан, Ўзбекистон «Adolat» СДП ўзининг маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари орқали энергия тежамкорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини амалиётта татбиқ этиш масаласини маҳаллий кенгашларнинг сессияларига олиб чиқиши орқали ҳал этишга ҳаракат қилиб келмоқда.

Бу борада дастлаб, Ўзбекистон «Adolat» СДП Тошкент вилояти кенгаши ва халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашидаги депутатлик гуруҳи ташаббуси билан вилоят кенгашининг 2012 йилдаги XX сессиясида «Муқобил энергиядан фойдаланиш йўли билан атроф-муҳитни ортиқча ифлосланишдан муҳофаза қилиш тўгрисида»ги масала муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинишига эришилган бўлса, 2013 йилда халқ депутатлари Намангандан вилоят кенгашининг XVIII сессияси кун тартибига «Намангандан вилоятида энергияни тежаш мақсадида муқобил энергия турларидан фойдаланишни жорий этиш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш тўгрисида»ги масала киритилди.

Партияниң Самарқанд, Сирдарё, Жizzах, Андижон ва бир қатор туман ва шаҳар кенгашларидағи депутатлик гуруҳлари ҳам унумли фойдаланган ҳолда маҳаллий кенгашлар сессияларига мазкур соҳадаги масалалар киритилиб, жойларда соҳани ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар самарали амалга ошириб келинмоқда.

2013 йил партия тизимида «Энергияни тежаш ва муқобил энергетика масалалари устувор вазифа йили» деб эълон қилиниб, республикамида муқобил энергия манбаларининг амалиётга татбиқ этилиши ва тарғибот-ташвиқотини кучайтиришга қаратилган ҳаракат дастури тасдиқлангани бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг янада оммалашишига сабаб бўлди. Шундан келиб чиқиб, партия ўз дастурий вазифаларини изчил амалга ошириш мақсадида ижтимоий ҳамкорлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга, барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари иштирокида мамлакатимизда муқобил, қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этишни рағбатлантиришга қаратилган муҳим тадбирларни ўтказиб келмоқда.

Хусусан, «Ўзбекэнерго» ДАК ҳамкорлигига «Муқобил энергия-нинг энг фаол тарғиботчиси» ҳамда ёшларниң мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштирокини янада кенгайтириш орқали энг яхши инновацион лойиҳаларни аниқлаш мақсадида «Ёшларниң энг яхши инновацион лойиҳалари» республика кўрик-танловлари ташкил қилинди. Бу — Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 1 марта қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида ишлаб чиқилган Ҳаракат дастури, кўрик-танлов доирасидаги ушбу инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва маишӣ шароитларда кенг фойдаланиш йўл-йўриқлари билан аҳолини чуқурроқ таништириш имконини берди.

Танловнинг республика босқичида «Adolat» СДП Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари иштирок этдилар.

Ушбу кўрик-танловнинг республика босқичи галиблари «Ўзбекэнерго» ДАКнинг 2 Квт қувватли қуёш электр станциялари билан тақдирландилар.

Галибга айланган ҳар бир партия ташкилоти эса, ўз ҳудудидаги ижтимоий соҳа обьектларига мазкур қуёш қурилмаларини тортиқ этишди. Яъни Қорақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Наманган, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидағи «Мехрибонлик» уйлари ҳамда тиббиёт муассасаларида «Adolat» СДП фаоллари иштирокида қуёш батареялари ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди.

«Ёшларниң энг яхши инновацион лойиҳалари» кўрик-танловида Қорақалпогистон Республикасидаги Нукус темир йўл касбхунар коллежи битирувчisi Ж. Оралбоевнинг «Шамол энергиясидан фойдаланиб катта тошларни кесувчи қурилма» техник ижодий ишланмаси республика босқичи галиби бўлди.

Тошкент техника университети, Тошкент кимё-технология институти, Фарғона политехника институти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ва Жizzах политехника институтида муқобил энергетика соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган олимларнинг аксарияти ушбу соҳада ўтказилаётган тарғибот тадбирларида фаол иштирок этиб келишяпти. Фарғона политехника институтида А. Қосимохунова бошчилигидаги олимлар қуёш ва шамол энергетикаси соҳасида, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида F. Узоқов раҳбарлигидаги олимлар қуёш энергетикаси ҳамда геотермал энергия манбаларини аниқлаш ва харитасини тузиш борасида илмий изланишлар олиб бораётган бўлса, Жizzах политехника инсти-



«Муқобил энергиянинг энг фаол тарғиботчиси»
күрик-танлови голибини тақдирлаш.

тутыда М.Анорбоев раҳбарлигыда «Фермер хўжаликлари учун микроГЭС» ва «Реактив қувватни компенсациялаш» каби лойиҳалар, тадқиқотлар амалга ошириб қелинмокла.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Adolat» СДП фракцияси томонидан ҳам соҳадаги қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, амалдаги қонунлар ижроси устидан назорат-таҳлил фаолиятини олиб боришда салмоқли ишлар амалга ошириб келиннянти.

Жумладан, 2013 йилда партия фракцияси томонидан «Ўзбек-энерго» ДАК раҳбарининг «Энергетика тизимини тубдан техник қайта жиҳозлаш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш ва мамлакатнинг барча минтақаларини энергетика ресурслари билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ахбороти эшитилиб, соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилиб, «Ўзбек-энерго» ДАК ва бошқа мутасадди ташкилотларга юборилиди.

ри соҳасидаги қонунчиликнинг ривожланиши, *биринчидан*, иқти-
садиётнинг узлуксиз барқарор ривожланишини таъминлашга, *иккинчидан*,
ањанавий энергия манбаларининг тежалиши ҳамда
энергия таъминотининг барқарорлигига, *учинчидан*, аҳоли тур-
муш даражаси ва сифатининг ошишига, *тўртинчидан*, ушбу со-
ҳага янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини таъ-
минлашга, *бешинчидан*, атроф-муҳитга заарали газлар ташлани-
шининг камайишига ҳамда бу орқали Ўзбекистон Респуб-
ликасининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро шарт-
номалардаги мажбуриятларининг бажарилишига имкон яратади.

Мазкур соҳа ривожи бевосита аҳоли турмуш сифати ва дара-
жасининг ошишига хизмат қилиши, айнан Ўзбекистон «Adolat»
СДПнинг ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш бораси-
даги бошқа дастурий мақсадларига ҳам мос келади.

Кувонарлиси, Ўзбекистон «Adolat» СДП ўзининг дастурий
гояларини ҳаётга кўчириш, мамлакатимизда муқобил, қайта тик-
ланувчи энергия манбаларини жорий этиш ва ривожлантириш,
рағбатлантириш, қуллаб-кувватлаш борасида изчил ишлар олиб
бормоқда. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида республикамизнинг
турли вилоят ва шаҳарларида муқобил энергия турлари бўйича
технологиялар, курилмалар, ихтиrolар ҳаётга татбиқ этиляпти.
Қолаверса, республикамизда қайта тикланадиган муқобил энер-
гия манбаларидан фойдаланишда бирмунча тажриба тўпланиб,
энергия манбаларининг муқобили бўлган қуёш энергиясидан
фойдаланган ҳолда электр энергиясини ҳосил қилувчи қурилма-
лар — фотоэлектр станциялар ишлаб чиқариш йўлга кўйилмоқ-
да. Партия бу борада ҳам иқтисодий қулай муҳит яратиш билан
бирга, соҳани ривожлантириш учун асос бўладиган ҳуқуқий ба-
зани такомиллаштириш, уни тартибга соладиган қонун лойиҳа-
сининг ишлаб чиқилиши жараёнларида ўз депутатлик групхлари
орқали фаол иштирок этаётир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *И.А. Каримов.* Ўзбекистоннинг ўз истиқол ва тараққиёт йўли. Т., «O'zbekiston», 1992.
2. *И.А. Каримов.* Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., «O'zbekiston», 1993.
3. *И.А. Каримов.* Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т., «O'zbekiston», 2009.
4. *К. Аллаев.* Электроэнергетика Узбекистана и мира. Т., 2009
5. *Н. Тўхниев.* Бозор иктисодиётига ўтишнинг машаққатли йўли. Т., 1999.
6. *Н. Тўхниев, А. Таксанов.* Национальная экономическая модель Узбекистана. Т., 2000.
7. *К. Шодиметов.* Муқобил энергия турлари – ҳаётга! Т., «SHARQ» НМАК, 2011.
8. Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергетиканинг ривожланиши истиқболи. Т., ПРООН, 2007.
9. *В. Азгеев.* Нетрадиционные и возобновляемые источники энергии. М., 2011.
10. *Д. Твайдем, А. Уэйр.* Возобновляемые источники энергии. М., 1990.
11. Методическое пособие по эксплуатации ветроэнергетической установки. Т., 2012.
12. *И. Ортиқов.* АСМда инновацион жараённинг ташкилий-иктисодий механизми. Т., 2008.
13. Экологический обзор Узбекистана основанный на индикаторах. Госкомитет Республики Узбекистан по охране природы. Программа Развития ООН в Узбекистане. Т., 2008.
14. UN DP. Uzbekistan. «Возобновляемые источники энергии». Т., 2007.
15. «Возобновляемые источники энергии». Публикация подготовлена Программой развития ООН в Узбекистане. Т., 2007.
16. (БМТРД) Энергия ва атроф-муҳит бўйича тематик траст жамғармаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Технологиялар трансфери бўйича агентлик, Биогаз технологиялари маркази «Биогаз технологияларидан фойдаланиш бўйича амалий қўлланма». Т., 2008.
17. *Б. Исмоилов.* Куёши чароғон юрт. «Yosh Kuch» журнали, 2013 йил, № 11–12.
18. *Н. Умаров.* Улкан салоҳиятга эга мамлакат. «Yosh Kuch» журнали, 2014 йил, № 1.
19. *К. Шодиметов.* Инновацион лойиҳалар. «Yosh Kuch» журнали, 2014 йил, № 5.
20. *К. Шодиметов.* Муқобил энергия ривожи – кучли ижтимоий ҳимоя омили. Т., 2013.
21. *Свен Уддел.* Солнечная энергия и другие альтернативные источники энергии. М., 1980.
22. БМТРД/Ўзбекистон миллий иктисодиётини камуслеродли ривожланиш жараёнида қўллаб-куватлаш «Биогаз мақсад сари 11 қадам». Т., 2012.

МУНДАРИЖА

Сўз боши 3

I боб.

БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ – ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ

1.1. Инновацион фоялар — нурли истиқбол омили	7
1.2. Миллий иқтисодий ривожланиш стратегияси	25
1.3. Экологик соғ технология учун инновацион йўл	33
1.4. Иқтисодиётни ривожлантиришдан турмуш сифати ва даражасини ошириш сари	50

II боб.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ РИВОЖЛANIШИННИГ ТАШКИЛИЙ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

2.1. Углеводородли энергоресурслар ва ундан фойдаланишнинг глобал экологик муаммолари	57
2.2. Ўзбекистоннинг 2020 йилгача энергетика баланси	62
2.3. Қайта тикланадиган энергетика ва глобаллашув	66
2.4. ҚТЭМ ривожланишидан эришиладиган асосий натижалар	74
2.5. Ўзбекистон Республикасининг бошланғич ёқилғи-энергетика ресурслари	76
2.6. Ўзбекистонда ҚТЭМдан фойдаланиш имкониятлари ва уни ривожлантириш учун кўрилаётган чоралар	82
2.7. Муқобил энергия манбаларининг техник имкониятлари	95
2.8. Экологик тоза ёқилғи	96

III боб.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Фермер, дехқон, уй хўжаликлари, оиласвий тадбиркорликда замонавий инновацион энергия тежайдиган қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш	97
3.2. Күёш энергиясидан фойдаланиш	99
3.3. Чиқинлидан биогаз ва биоўғит олишни ташкил этиш	117

3.4. Чиқинди (биомасса)дан фойдаланиш	150
3.5. Шамол энергиясидан фойдаланиш	152
3.6. Муқобил энергия манбаларининг иқтисодий истиқболи	160
3.7. Тежамкорлик — муваффақият калити	180

IV боб.

**МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШДА МАҲАЛЛИЙ ДАРАЖАДА БОШҚАРИШ
КЎНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

4.1. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг «Эко-энергия» илмий-татбиқий Маркази лойиҳаларни жонлантиради	190
4.2. «ЭКОСАН» экология ва саломатлик халқаро жамоат фондининг муқобил энергия манбаларини тарғиб қилиш борасидаги тажриба ва тадбирлари	192
4.3. Ўзбекистон «Adolat» СДП ташкилотларининг қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ва энергия тежашни ташкиллашибириш тажрибаси	196
Фойдаланилган адабиётлар	205

Ш74 ШОДИМЕТОВ К. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари (Илмий-оммабоп нашр). Т.: «ILM ZIYO», 2014, 208 бет.

УЎК 621.039.512.44
КБК 31.15.65.304.13

ISBN 978-9943-376-21-2

Илмий-оммабоп нашр

КАМОЛЖОН ШОДИМЕТОВ

**МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Тошкент — «ILM ZIYO» — 2014

Муҳаррир *И. Усмонов*

Бадиий муҳаррир *Ш. Одилов*

Техник муҳаррир *Ф. Самадов*

Мусаҳҳиҳ *Т. Мирзаев*

Ноширлик лицензияси AI № 166, 23.12.2009 й.

2014 йил 25 июлда чоп этишға рухсат берилди. Бичими 60x90^{1/16}.
«Tayms» ҳарфифа терилиб, офсет усулида чоп этилди. Босма табоги 13,0.

Нашр табоги 12,0. 1500 нусха. Баҳоси шартнома асосида.

Буюртма № 26

«ILM ZIYO» нашриёт уйи. Тошкент, Навоий қўчаси, 30 уй.
Шартнома № 17—2014.

«PAPER MAX» хусусий корхонасида чоп этилди.
Тошкент, Навоий қўчаси, 30 уй.



«ILM ZIYO»

ISBN 978-9943-376-21-2

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-376-21-2.

9 789943 376212